O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVASIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“IQTISODIYOTNI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSION JOZIBADORLIKNI OSHIRISH MUAMMOLARI VA YECHIMLARI”

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMAN

MATERIALLARI

29-30 noyabr
2023 yil



SAMARQAND - 2023

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“INVESTITSIYA VA INNOVATSIYALAR” KAFEDRASI

“IQTISODIYOTNI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSION JOZIBADORLIKNI OSHIRISH MUAMMOLARI VA YECHIMLARI”

mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari

(2023 yil 29 noyabr)

SAMARQAND 2023

МИНИСТЕРТСВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

КАФЕДРА “ИНВЕСТИЦИИ И ИННОВАЦИИ”

Материалы Республиканской научно-практической

конференции на тему

“ВОПРОСЫ И ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ”

(29 ноября 2023 г.)

САМАРКАНД – 2023

UO'K: 333.32
B 49
KBK: 65

"Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda investitsion jozibadorlikni oshirish muammolari va yechimlari". 2023 yil 29 noyabr. Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy anjumani materiallari. – Samarqand: SamISI, 2023.- 422 bet.

To'plovchi va nashrga tayyorlovchi: assistent D.A.Miyassarov

Nashr uchun mas'ullar:

A.Bektemirov – iqtisod fanlari bo'yicha DSc, prof.; I.X.Sobirov – i.f.n., dotsent; A.Raxmatov – PhD, katta o'qituvchi; N.H.Ruzibayeva – dotsent; D.M.Malikova – dotsent v.b.; A.B.Mirzaxodjayev – katta o'qituvchi**;** A.A.Turayev **– katta o'qituvchi;** E.A.Nozimov **– assistent;** D.F.Nasirov **– assistent;** N.A.Anvarov **– assistent;** D.D.Shirinboyeva **– assistent.**

Sahifalovchi: **O.Yu.Ashurova**

Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda investitsion jozibadorlikni oshirish muammolari va yechimlari" mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallarida *mamlakatimiz iqtisodiyotini innovatsion rivojlantirishda jozibador investitsion muhitni shakllantirishning nazariy, uslubiy va amaliy muammolarga oid masalalar yoritilgan. Unda innovatsion iqtisodiyot sharoitida investitsion faoliyatni rivojlantirishning nazariy va metodologik muammolari; investitsion faoliyatni rivojlantirishning umumiqtisodiy ijtimoiy muammolari; xizmat ko'rsatish sohasiga investitsiyalarni jalb qilish va moliyalashtirish muammolari; raqamli iqtisodiyotda investitsion jozibadorlikni oshirish va inson kapitali kabi masalalar yuzasidan ilmiy-nazariy va amaliy tavsiyalarga boy maqola va ma'ruza tezislari o'rin olgan.*

Ilmiy to'plam Oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilari, talabalari, magistrlar, tayanch doktorantura, doktorantura, mustaqil izlanuvchilar va soha mutaxassislariga mo'ljallangan.

Maqolalar mualliflar tahririda bosilmoqda. Ularda keltirilgan, raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar mas'ul. Ularning ayrim fikrlari tashkiliy guruh qarashlariga to'g'ri kelmasligi mumkin.

ISBN: 978-9910-752-27-8

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2023.
© "STEP-SEL" MChJ. Nashriyoti, 2023.

I SHO‘BA. INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA INVESTITSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY VA METODOLOGIK MUAMMOLARI

Маматкулов Илҳом Абдурашидович,
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни
ривожлантириш институти ректори, и.ф.д.

ДАВЛАТНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатини юритишда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос модели танланган бўлиб, у давлат томонидан мувофиқлаштириб туриладиган ижтимоий йўналтирилган хўжаликдан иборат. Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантиришда инвестиция сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Инвестицияларнинг ҳажми ва таркиби мамлакатдаги макроиқтисодий мувозанатга, ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштирилиши ва ривожлантирилишига бевосита таъсир кўрсатади. Инвестиция фаоллигининг ошиши иқтисодий ривожланишнинг айни пайтдаги босқичи хусусиятларини ҳисобга олувчи оқилона инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишини тақозо этади. Айнан мана шундай сиёсат мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, унинг ишлаб чиқариш-техник салоҳиятининг ўсишига сезиларли таъсир кўрсатадиган самарали воситага айланади.

Инвестиция сиёсати, давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, қўйилган мақсадларга эришиш ҳамда иқтисодий сиёсатнинг қисқа муддатли, шунингдек узоқ истиқбол учун белгиланган вазифаларини бажаришга хизмат қилади.

Давлат инвестиция сиёсатининг бош мақсади хўжалик субъектларининг манфаатдорлигини ошириш, молиялаштириш манбалари тузилмасини такомиллаштириш, хорижий шериклар билан бирга қўшма корхоналар ташкил қилиш ва ҳоказолар асосида мамлакатнинг инвестиция салоҳиятини ошириш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлашдир. У, биринчи навбатда, инвестиция жараёнларини давлат томонидан бошқарилиши ва қўллаб-қувватланишининг таъсирчан тизимини шакллантириш орқали республика иқтисодий мустақиллигининг моддий -техникавий базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиши зарур. Шу сабабли, инвестиция сиёсати ҳам маҳаллий, ҳам хорижий сармоядорларнинг хўжалик фаолиятини юритиш учун қулай шароит яратиши керак. Бунда корхоналар ва аҳолининг инвестиция фаоллигини рағбатлантиришга, республика иқтисодиётига хорижий капитални кенг жалб қилишга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Инвестиция сиёсатини шакллантиришда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишининг хусусиятлари ва даражасини, жамиятнинг биринчи навбатдаги вазифалари ва давлатнинг реал иқтисодий имкониятларини ҳисобга олиш зарур.

Давлатнинг инвестиция сиёсати Ўзбекистонда ислоҳотларнинг илк босқичида иқтисодиётни чуқур таркибий ўзгартиришга, тармоқларга ва ишлаб чиқаришга капитал киритмалар тузилмасини ўзгартиришга йўналтирилган эди. Шу мақсадда Давлат инвестиция дастурлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Ушбу дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши иқтисодий ривожланиш суръатларини барқарорлаштириш ва уларнинг ислоҳотлардан олдинги даражасини аста-секин тиклашга ёрдам берди.

Сўнгги йилларда олиб борилган инвестиция сиёсати мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва стратегик мақсаддарини белгилаш, Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятдаги роли ва ўрнини аниқлаш имконини берди.

Мазкур мақсадга мувофиқ, давлат инвестиция сиёсатининг асосий вазифаларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- инвестиция фаолиятини жонлантириш учун қулай шароит яратиш;
- таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш бўйича мақсадга йўналтирилган сиёсат юритиш;
- маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида устувор тармоқларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- инвестиция лойиҳаларни танлов асосида давлат томонидан молиялаштирилишини амалга ошириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида "очиқ" иқтисодиёт сиёсатини олиб бориш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- қурилиш материаллари ва пудрат ишлари бозорини ривожлантириш.

Ҳозирги пайтда хорижий инвестициялар Ўзбекистон учун, асосан, қайта ишловчи тармоқлардаги аксарият саноат корхоналарининг техник ва технологик модернизациялаш; саноат соҳасида моддий ва энергетик ресурслар сарфини қисқартириш мақсадида моддий-хомашё ресурсларидан комплекс ва тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш; маҳсулотнинг юқори технологик турлари улушини сезиларли кўпайтириш ва саноат ишлаб чиқаришининг экспорт имкониятларини кенгайтириш учун зарур.

Инвестиция сиёсати тармоқ жиҳатдан Ўзбекистоннинг нисбатан иқтисодий афзалликларини рўёбга чиқаришга қаратилган ва мавжуд илмий-техникавий салоҳиятни максимал даражада ишга солиш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш турларини ривожлантириш, маҳаллий ресурслардан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш ва уларни янада чуқурроқ қайта ишлаш каби йўналишларни ўз ичига олган.

Инвестиция фаолиятининг жонлантирилиши туфайли республикада инвестиция фаоллигининг пасайиши олди олинди, иқтисодий ўсишнинг барқарорлашуви ва унинг суръатларининг аста-секин ўсишига эришилди. Энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар яхшилана борди, уларнинг суръатлари ижобий динамикага эга бўлди.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда ишлаб чиқилаётган давлатнинг таркибий-инвестиция дастурлари қуйидаги йўналишларга қаратилиши талаб қилинади:

- ишлаб чиқаришни тубдан модернизациялаш ва уни таркибий қайта қуришга кўмаклашиш;
- саноатнинг қайта ишловчи сектори рақобатбардошлигини ошириш;
- мамлакатнинг хўжалик комплексини модернизациялаш ва техник қайта қуроллаштириш учун етарлидаражада унинг техник базасини ташкил қилувчи тармоқлар қувватини ошириш ва маҳсулот турини янгилаш;
- аграр сектор ва унга боғлиқ тармоқлар (қайта ишловчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қишлоқ хўжалиги учун кимёвий воситалар ишлаб чиқариш)ни ривожлантириш.

Яқин истиқболнинг кейинги босқичларида давлатнинг инвестиция устуворликлари сифатида қуйидагилар майдонга чиқади:

- хом ашёни қайта ишлаш ва жақон андозалари даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш асосида кўп тармоқли мажмуалар барпо қилиш;
- юқори технологик ишлаб чиқариш ва замонавий инфратузилмани кенгайтириш, инновацион ва ахборот технологияларини ривожлантириш, миллий хўжаликнинг янги технологик қиёфасини шакллантириш учун капитал, жумладан, хорижий капитални жалб қилиш;
- жаҳонда эришилган техник-технологик даражада устувор тармоқлар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта қуроллантириш;
- ижтимоий инфратузилма ва хизматлар соқасини жадал ривожлантириш.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш учун давлат инвестиция сиёсатини юритишда мамлакатда қулай инвестиция муқитини яратиш, иқтисодиёт реал секторининг инвестиция ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, мақаллий ва хорижий инвесторларнинг хўжалик фаолияти учун қуқуқий ва институционал шароит яратиш, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, инвестиция муҳити хорижий тадбиркорлар фаолияти учун мақсад ва рағбатлар тизими ҳақида тасаввур бериш ва шунинг асосида уларга нисбатан муносиб ижобий муносабатни шакллантириш имконини беради. У инвестор капитал киритиш ҳақида қарор қабул қилишда ҳисобга оладиган шарт-шароитларни ўз ичига олади. Инвестиция иқлими қанчалик ноқулай бўлса, инвестор учун тадбиркорлик таваккалчилиги шунчалик юқори, ишлаб чиқариш чиқимлари шунчалик кўп бўлади.

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.
Озода Мамаюнусовна Пардаева
ТДИУ Самарқанд флиалида кафедра мудири, PhD.
Темур Олимович Мамаюнусов
Тадбиркор, мустақил тадқиқотчиси

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УНДА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: *мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида бизнесни ривожлантириш стратегияси ва унда таваккалчиликни таҳлил қилиш масаласи қараб чиқилган. Бунда таваккалчилик тушунчаси, унинг асосий турлари ва хусусиятларига, улар таркибида молиявий маблағлар билан боғлиқ таваккалчиликка алоҳида аҳамият берилган.*

Калит сўзлар: *ишлаб чиқариш, тижоратдаги таваккалчилик, молиявий таваккалчилик, инвестицион таваккалчилик, кредитли таваккалчилик, фоизли таваккалчилик, таваккалчиликни баҳолаш.*

Кириш. Мавзунинг долзаблиги. Мазкур масалани ёритишда, ушбу мавзунингдолзарблиги ва аҳамиятидан келиб чиқиб, асосий эътиборни таваккалчиликнинг тушунчаси, асосий турлари ва хусусиятларига эътиборни қаратиш лозим, деб топдик. Чунки иқтисодий-ижтимоий ҳаётимиз ҳамиша ўзгаришда, тараққиётда ва айрим ҳолларда камайишда. Шу туфайли ҳаётимиз хавф хатардан холи эмас. Бу эса ўз навбатида таваккалчиликни юзага келтиради. Ҳар бир корхонанинг ривожланишида иқтисодиё субъектлар ўртасида турли йўналишдаги рақобат муҳити мавжуд. Бу муҳит ҳам ҳаракатланишни тақозо қилади. Чунки ҳаракат қилинмаса ўз ўзидан банкротга учраши табиий. Шу туфайли таваккалчилик доимо мавжуд тушунча сифатида қаралади. Аммо олдинда нима бўлишини аниқ билмаслик ҳам, турли таваккалчиликларни келтириб чиқаради. Бунга бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Масалан, ўзингизнинг корхонангиз савдо билан шуғулланади. Сиз ҳисоб-китоб қилиб аҳолининг эҳтиёжини ўрганиб, уни қондириш учун 1000 та товар олиб келдингиз. 2-3 сафар жуда яхши ўз вақтида белгиланган нархда сотилда. Буни кўрган бошқа тадбиркор ҳам айнан шу товардан олиб келади. Натижада бу аҳоли эҳтиёжига нисбатан ортиқча бўлиб қолади. Бу ўз навбатида, товарларнинг бир қисми сотилмасдан қолишига ва мос равишда, корхона зарар кўришига сабаб бўлади. Шу туфайли таваккалчилик ҳамиша ўзининг ҳолатини

кўрсатиб туради. Мазкур масаланинг назарий жиҳатларини очиб бериш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот ва натижалар. Иқтисодий фаолиятнинг нозик томони шундаки, инвестиция қўйган пайда фойдага эришмайсиз. Инвестицияни ишлатиб фойда олиш келажакда бўлади. Шу тариқа инвестор келажакнинг "қули"га айланади. Ушбу ҳолат стратегик таҳлилда асосан келажакни кўзлаб иш кўрилишини билдиради. Таваккалчиликнинг яна бир нозик томони тварларнинг нархи, унга талаб, товарларнинг сифати, мавсумийлиги кабилар ўзгариб турганлиги учун ҳам барқарор бир маромда сотилишга имкон бермайди. Шу туфайли сотиш жараёнидаги таваккалчиликни стратегик таҳлил қилишда макон ва замон нуқтаи назаридан ҳам ўрганишни тақозо қилади.

Кўриниб турибдики, таваккалчилик масаласи анча кўлами кенг масалалар сирасига кирар экан. Шу туфайли ушбу тушунчанинг иқтисодий мазмунини назарий жиҳатдан очиб беришни тақозо қилади. Бунинг учун биринчи галда ушбу категориянинг таърифини ишлаб чиқишни лозим бўлади. Бироқ мамлакатимиз ва хорижлик олимлар ҳам ушбу масалага жуда кам эътибор қаратган. Бир қанча иқтисодиётга оид энциклопедияларда, луғатларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳам ушбу тушунчанинг таърифи келтирилмаган. Фақат Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "Таваккал", "Таваккалчи", "Таваккалчилик" тушунчаларининг изоҳи берилган.

Таваккал сўзи араб тилидан келиб чиққан бўлиб, "ваколат олиш, умид боғлаш, суяниш, ишониш"[1] каби сўзларни англатади. Бунга 3 та изоҳ берилган.

"1. Оқибат натижа қандай бўлишидан қатъи назар, бирор ишга жазм қилиш, нима бўлса бўлар, ё остидан, ё устидан зайлида қилинган ҳаракат.

2. ЎзиниАллоҳ иродасига топшириш, бутун умидни унга боғлаш, унинг марҳаматига ишониш.

3. Таваккалчилик билан иш тутишни билдирувчи, шундай ҳолларда қўлланувчи сўз"[2]. Худди шундай "Таваккалчи", "Таваккалчилик" тушунчаларига ҳам изоҳ берилган. Булар таваккал билан иш қилувчи, кишилар тушунилиши хусусида изоҳ берилган.

Тадқиқот жараёнида ушбу тушунчалардан ва ҳаётий воқеликлардан келиб чиқиб, таваккалчилик тушунчасининг таърифини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. **Таваккалчилик деганда, ҳаракат ва жараёнлар натижасининг қандай якун топишидан қатъи назар, бу ноаниқ бўлган пайтда ижобий натижага эришилади, деган тахмин билан ҳаракат қилиш тушунилади**.

Таваккалчилик бир қанча белгиларни бўйича тавсифланади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Таваккалчиликнинг тавсифи бўйича турлари ва уларнинг мазмуни

Т/р	Таваккалчиликнинг белгилари	Таваккалчиликнинг турлари
1.	Иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ таваккалчилик	- ишлаб чиқариш билан боғлиқ; - сотиш билан боғлиқ; - харид қилиш билан боғлиқ; - истеъмол қилиш билан боғлиқ;
2.	Молиявий маблағлар билан боғлиқ таваккалчилик	- валюта курси билан боғлиқ; - валютанинг мавжудлиги билан боғлиқ; - инвестиция билан боғлиқ; - суғурталаш билан боғлиқ;
3.	Банклар фаолияти билан	- кредит билан боғлиқ;

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дар ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж.Ш. Н-Тартибли. – Т.:"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДМН, 2006. – 629 бет.

[2] Ўша жойда. 629-670 уйлар.

	боғлиқ таваккалчилик	- қимматли қоғозлар билан боғлиқ; - фоиз ставкаларининг ўзгариши билан боғлиқ;
4.	Сиёсий жараёнлар билан боғлиқ таваккалчилик	- давлатлар ўртасидаги урушларнинг мавжудлиги билан боғлиқ; - турли санкциялар билан боғлиқ;
5.	Маънавий ҳолат билан боғлиқ таваккалчилик	- ишончга кириб, турли фитналарни ишлатиш билан боғлиқ; - иймон-эътиқоди сустлиги билан боғлиқ;
6.	Ташқи вазият билан боғлиқ таваккалчилик	- ўхшаш корхоналарнинг рақобатбардош-ликдиги бўйича устунлик даражаси била боғлиқ; - аҳолининг таркибий тузилиши (ёши, жинси, даромадлилик даражаси кабилар) билан боғлиқ;
7.	Глобал ҳолат билан боғлиқ таваккалчилик	- дунёда содир бўлаётган таббий иқлим ўзгариши билан боғлиқ; - озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ;
8.	Суғурталаш билан боғлиқ таваккалчилик	- ҳаётни суғурта қилувчилар билан боғлиқ; - ҳаётни суғурта қилдирувчилар билан боғлиқ; - мулкни суғурта қилиш билан боғлиқ;
9.	Макон ва замон билан боғлиқ таваккалчилик	- таваккалчилик қайси маконда (корхона, ташкилот ёки бошқа хўжалик юритувчи субъект) содир бўлиши билан боғлиқ; - таваккалчилик қайси замонда қандай бўлишлиги билан боғлиқ;

Расмдан кўриниб турибдики, таваккалчилик турлари 9 та гуруҳга бўлинган. Ушбу гуруҳлар таркибида молиявий маблағлар билан боғлиқ таваккалчилик юқори ўринда туради. Булар таркибига валюта курси билан боғлиқ, валютанинг мавжудлиги билан боғлиқ, инвестиция билан боғлиқ, суғурталаш билан боғлиқ таваккалчиликлар киради. Булар ўртасида молиявий маблағлар билан боғлиқ таваккалчилик муҳим аҳамиятга эга. Чунки бутун дунёда, барча замонда ва барча маконда молиявий муносабатлар содир бўлиб келган, давом этмоқда ва келажакда ҳам давом этади. Ушбу муносабатлар хавф-хатардан холи эмас. Демак ушбу муносабатларнинг ривожланиши учун молиявий маблағлар билан боғлиқ таваккалчилик ҳам бўлиши лозим. Зеро хаф-хатардан қўрқиб, фаолият кўрсатилмаса, ушбу муносабатлар содир бўлмайди. Бу ҳолат эса тараққиётни тўхтатиб, иқтисодиётни инқирозга олиб келади. Шу туфайли молиявий маблағлар билан боғлиқ таваккалчиликка амал қилган ҳолда жараённи тўхтатмасдан давом эттиравериш лозим бўлади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, молиявий маблағлар билан боғлиқ таваккалчилик таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин экан. Бу қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Молиявий маблағлар билан боғлиқ таваккалчиликнинг турлари уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Молиявий маблағлар билан боғлиқ таваккалчилик таркибида **валюта курси** билан боғлиқ таваккалчилик ўз салмоғига эга. Чунки бугунги итеграциялашув жараёни кенгайиб бораётган паллада импорт-экспорт операциялари иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бунда миллий ва хорижий валюталар иштирок этиши тайин. Бироқ валюта курслари ҳамиша барқарор бўлиб турмайди. Оқибатта турли хатарларга олиб келади. Бу эса ўз навбатида валюта курси билан боғлиқ таваккалчиликни қилишга мажбур қилади.

Валюта курси билан боғлиқ таваккалчиликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, импорт-экспорт қилинган товарларнинг нархи ўзгармаган ҳолда валюта курсининг ўзгарганлиги эвазига товар қимматлашиши ва арзонлашиб кетиши мумкин. Товарни сотувчи валюта курси ошиб кетса албатта ютқазади ва мос равишда у пасайса бир миқдордаги суммага кўпроқ товар харид қилиш имконияти кенгаяди.

Маълумки, товарларнинг олди-сотдиси, хорижий харидорлар ва сотувчилар билан шартнома асосида амалга оширилади. Шартномада асосан товар ҳажми қайд этилади. Бу ҳажм валюта курсининг ўзгариши эвазига қимматлашиши ва арзонлашиши ҳам мумкин. Шу туфайли бундай хавф-хатарларни ҳам ҳар бир хўжалик юритувчи субъект инобатга олиб иш тутиши лозим бўлади. Товар-пул муносабатларида, ташқи савдони амалга оширишда, кредитларни олиш ва тўлашда ҳамда валюта алмашувларида ҳам валюта курсининг ўзгариши бир томонга ижобий таъсир қилса, иккинчи томоннинг зарарига ишлайди.

Импорт ва экспорт операцияларида сотувчи ва олувчи учун тўловлар хорижий валютада амалга оширлса валюта курсининг ўзгариши икки томонга ҳам валюта курси билан боғлиқ таваккалчиликка дуч келади. Зеро бири товарнинг нархининг ўзгаришидан эҳтиёткорликка аҳамият берса, иккинчиси валюта курсининг ўзгаришида эҳтиёткор бўлиши лозим. Буларнинг ҳаммаси валюта курси билан боғлиқ таваккалчиликни вужудга келтиради.

Молиявий муносабатлар билан боғлиқ таваккалчилик таркибида **валютанинг мавжудлиги** ҳам муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолат валютанинг молиявий бозордаги ўрнини белгилайди. Буларнинг бир йўналиши кредитларнинг қайтарилмаслик хавфи билан боғлиқ. Чунки кредит ллган хўжалик юритувчи субъект ҳамиша ҳам кредитни ўз вақтида қайтаришга қурби етмаслиги мумкин. Валютанинг

мавжудлиги билан боғлиқ таваккалчиликлардан бири қимматли қоғозлар нархининг ўзгариши билан ҳам боғлиқ. Молиявий муносабатлар билан боғлиқ таваккалчилик таркибида кередит ставкаларининг ўзгариши ҳам сезиларли даражада таъсирга эга. Агар кредит ставкаси ошиб кетса кредит берувчига яхши, агар у камайиб кетса кредит олувчига яхши. Чунки арзонлашган миқдорда кам тўлаш имкониятига эга бўлади.

Иқтисодий вазиятда молиявий муносабатлар билан боғлиқ таваккалчилик таркиби **инвестицияни** ҳам қамраб олади. Бунда ҳақиқатда иқтисодий вазиятнинг ҳолати муҳим роль ўйнайди. Ҳар қандай тадбиркор фойда олиш мақсадида ўзининг маблағини ўз фаолиятига ёки бошқа субъектлар фаолиятига фойдага шерик бўлиш учун инвестиция қилади. Аммо бу ҳам ҳамиша фойда беравермайди. Бунда ҳам жуда кўп хавф-хатарлар бор. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

-иқтисодиётнинг инқирозга учраб қолиши билан боғлиқ;

- дунёда сиёсий вазиятнинг ўзгариши билан боғлиқ;

- валюта курсининг ўзгариши билан боғлиқ:

- бозор конъюктураси билан боғлиқ;

- рақобат муҳитида рақобатчиларнинг инновацион омиллар эвазига жадал ривожланиши билан боғлиқ;

- экологик вазиятнинг ўзгариши билан боғлиқ (анамал иссиқлик ёки анамал совуқлик кабилар);

- мавсумнинг ноқулай келиши билан боғлиқ (ёмғир керак пайтида ёғмаслиги, керак эмас пайтда ёғиши кабилар):

- технологик ўзгаришлар билан боғлиқ;

- қонунга киритилган ўзгаришлар билан боғлиқ ва ҳ.к.

Ушбу хавф-хатарлар том маънода таваккалчилик принципларидан фойдаланишни тақозо қилади.

Молиявий муносабатлар билан боғлиқ таваккалчилик таркибида яна бир йўналиш **суғурталаш** билан боғлиқ таваккалчиликдан иборатдир. Барча мулк эгалари, фаолият олиб бораётган тадбиркорлар, ҳатто соғлигини ўйлаган фуқаролар ҳамма-ҳаммаси суғурталашга мойиллиги бор. Шу туфайли суғуртанинг ҳам бир қанча шакли вужудга келган. Буларга:

- фуқароларнинг мулкий суғуртаси билан боғлиқ (иморатлари, экинлар, чорва моллари кабилар).

- шахсий суғурта билан боғлиқ (тиббий суғурта, касб касалликлари учун, бахтсиз ҳодисалар билан боғлиқ ва ҳ.к.);

- транспорт воситалари эгаларининг йўловчилар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш;

- иқтисодий ночорлик (банкротлик) билан боғлиқ ҳолатларда ва ҳ.к.

Ушбу суғурталар моҳияти жиҳатидан 3 та гуруҳга бўлинади. Булар: мулкий суғурта, шахсий суғурта ва жавобгарлик суғуртаси. Булар моҳияти жиҳатидан 2 та гуруҳга бўлинади: мажбурий суғурта ва ихтиёрий суғурта. Буларнингн барча турларида хавф-хатар ва таваккалчилик мавжуд. Чунки булар бугун келажакни кўзлаб қилинган. Келажакда стратегик йўналишда турли ҳодиса ва унга мос равишда натижалар рўй бериши мумкин. Бу ҳолатлар суғурталашда ҳам таваккалчиликдан фойдаланишни тақозо қилади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион иқтисодиёт шароитида бизнесни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда турли хавф-хатарлар бўлишини инобатга олиб, ушбу жараёнда таваккалчиликни таҳлил қилиш масаласи муҳимлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бунинг учун таваккалчилик тушунчасининг таърифи илк бор ишлаб чиқилди. Шу билан бирга таваккалчиликнинг асосий турлари ва хусусиятларига, улар таркибида молиявий маблағлар билан боғлиқ таваккалчиликка алоҳида аҳамият берилди.

Биринчидан, молиявий муносабатлар билан боғлиқ таваккалчилик таркибида валютанинг мавжудлиги ҳам муҳим йўналишлардан бири ҳисобланганлиги учун, уларнинг мазмуни ҳам очиб берилди.

Иккинчидан, иқтисодий вазиятда молиявий муносабатлар билан боғлиқ таваккалчилик таркибига инвестицияни ҳам киритиб, унинг турлари ва аҳамияти ҳам ўрганилди. Бунда ҳақиқатда иқтисодий вазиятнинг ҳолати инвестициялардан самарали фойдаланиш ва хавф-хатарнинг таъсирини кучайтириш масалалари муҳим роль ўйнашидан келиб чиқиб, унинг алоҳида турлари ҳам келтирилди.

Учинчидан, молиявий муносабатлар билан боғлиқ таваккалчилик таркибида яна бир йўналиш суғурталаш билан боғлиқ таваккалчилик ҳам ўрганилиб, ушбу ҳолатни ҳам турли ҳолатларда қараш лозимлиги аниқ ифодалаб берилди.

Буларнинг ҳаммаси, мамлакат иқтисодиётининг янги босқичга кўтарилишида ва белгиланган вазифаларни бажаришда муҳим дастак бўлиб ҳисобланади.

А.Б.Бектемиров
СамИСИ “Инвестиция ва инновациялар” кафедраси
мудири, и.ф.д., профессор

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН СТРАТЕГИЯЛАРНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: *мақолада инновацион-инвестицион стратегияларни ишлаб чиқишда келгусида инвестицияларни жалб қилишда асосий эътибор* инновацион жараён фаоллигини оширишга қаратилиши зарурлиги ва бунда инсон капиталининг роли кўрсатиб берилган

Калит сўзлар: *инновацион жараён, товарнинг (хизмат кўрсатишнинг) ҳаётин цикллари, инновацион диффузия, бозорга кириш, ривожланиш, етуклик даври, пасайиш. бозордан чиқиш.*

Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш жараёни корхонанинг мавжуд потенциалини ўрганиш ва унинг ташқи муҳитда самарали ишлаш қобилиятини аниқлашни ўз ичига олиб, инновацион бизнесни ривожлантириш мақсадларини оқилона белгилаш ва вазифаларни аниқлаш имконини беради. Ҳақиқатдан ҳам иқтисодиётнинг жадал ривожланишини инновацияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан инновацион жараёнларнинг иқтисодий жиҳатдан мазмун-моҳиятига эътибор қаратайлик. Инновациялар тушунчаси XX аср бошларида кириб келган бўлсада, унга берилган тарифлар бугунги кунгача такомиллашиб бормоқда. Иқтисодий адабиётларда “инновация” тушунчасига турлича ёндошувлар мавжуд. Австралиялик иқтисодчи олим Й.Шумпетер биринчи маротаба инновацияларга оид масалаларни кўриб чиққан ва инновацион жараёнга тўлиқ таъриф берган. Кўпчилик муаллифлар инновацияни асосий капитал ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни илм фан, техника ва технологиялар ёрдамида янгилашдан иборат эканлигини [1], баъзи иқтисодчи олимлар эса объект бошқарувини ўзгартириш ва ижтимоий, иқтисодий, илмий, техникавий, экологик ва бошқа кўринишдаги самарага эришиш мақсадида янгиликни тадбиқ этишнинг якуний натижаси эканлигини [2], яна бошқа иқтисодчи олимлар эса инновация (янгилик киритиш) деганда аниқ эҳтиёжларни қондирадиган ва бир қатор самараларни (иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий, экологик) таъминлайдиган тубдан янги ёки модификация қилинган воситани (тадбиқ этиш) яратиш ва ўзлаштиришнинг (жорий этишнинг) якуний натижаси тушунилади[3], деб таъриф берадилар.

Ҳар қандай соҳада янги фан ва техника ютуқларини ҳаётга тадбиқ этиш энг аввало ишлаб чиқарилаётган товар ёки кўрсатилётган хизматларнинг бозоргирлигини (ҳаётийлигини) сақлаб қолишдан иборат. Маълумки ҳар қандай товар (ёки хизмат)

бозорда ўзининг тўртта ҳаётийлик циклига эга бўлади. Бу бозорга кириш, ривожланиш, етуклик ва пасайсиш (бозордан чиқиш) цикллaридан иборат. Инновациялар ишлаб чиқарилаётган товарларнинг (кўрсатилаётган хизматларнинг) бозордаги ҳаётийлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шунга кўра, юқоридаги муаллифлик тарифларини рад этмаган ҳолда, инновациялар тўғрисидаги тарифни қуйидагича такомиллаштиришни лозим деб топдик: ***инновация – бу юқори иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ишлаб чиқаришга (хазмат кўрсатишга) илғор илм-фан ютуқларини жорий этиш билан ёки янги товарлар яратиш ёки ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини ошириш орқали унинг бозордаги ҳаётийлик даврини узайтиришга қаратилган жараёндир*** (1-расм).

Юқорида инновация жараёнига келтирилган тарифлардан кўринадики, инновацион жараён – бу янгилик ғоядан то маҳсулотгача шаклланиши ва бозорга тарқалишидир (диффузияси). Инновацион жараён қуйидаги босқичлардан иборат:

1-босқич, бу янги ғоя ва билимлар;

2-босқич, бу янгиликни (новации) амалий фаолиятга тадбиқ этиш, яъни инновация;

3-босқич, бу инновациялар диффузияси. Яъни инновацион маҳсулот, хизмат ва технологияларни янги макон ва замонда қўлланилиши.



1-расм. Инновацион жараёнлар орқали товарнинг ҳаётийлик даврини узайтириш

Демак инновациялар ҳар қандай ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) узлуксиз ривожлантиришнинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Албатта инновациялар ўз-ўзидан ҳаётимизга кириб келмайди. Унинг учун маълум бир интеллектуал-ижодий меҳнатни, вақтни ҳамда маблағларни талаб этади. Эътибор берадиган бўлсак, иқтисодиёт соҳаларига киритилаётган инвестицияларнинг аксарияти инновацион фаолиятни фаоллаштиришга эмас, балки ишлаб чиқариш омилига қаратилган. Иқтисодий жиҳатдан бу ҳолатга баҳо берадиган бўлсак, аксарият киритилаётган инвестициялар хўжалик субъектларининг фақатгина бозор рақобати шароитида жон сақлаши учун киритилаётганлигини билдиради.

Шунинг учун, бизнинг назаримизда инвестицион жараён ишлаб чиқариш омилига эмас, балки инновацион жараён фаоллигини оширишга қаратилиши зарур. Шундагина ҳар бир корхона ўз фаолиятининг бозордаги мавқеини янада ошириш имкониятига эга бўлади.

Демак келгусида инвестицион стратегияни ишлаб чиқишда бу ҳолатни албатта эътиборга олиш керак. Инвестиция стртегияси бу - инвестиция лойиҳаси ёки бизнеснинг доимий параметрларини уйғунлаштириш орқали бизнеснинг узоқ муддатли стратегик мақсадларига эришиш учун молиявий чора-тадбирлар тизимини шакллантиришдир. Бунда:

1.Лойиҳа ҳужжатларини, тасдиқловчи ҳужжатларни, лойиҳа таъминоти тайёрланади.

2. Ҳар бир стратегиянинг самарадорлиги баҳоланади.

3. Юқори устуворлик нуқтаи назаридан узоқ муддатли стратегик бизнес мақсадларига максимал даражада мос келадиган стратегия танланади.

Инвестицион стратегиялар амалга ошириш ***муддатларига қараб*** қуйидагича таснифланади:

1.*Узоқ муддатли стратегиялар.* Бу уч йилдан кам бўлмаган муддатни ўз ичига олади. Бундай стратегиялар турли даражадаги хавф ва кутилган даромадга эга бўлган ҳар қандай воситалардан фойдаланишни ўз ичига олади.

2. *Ўрта муддатли стратегиялар.* Инвестицион давр бир йилдан уч йилгача. Бундай стратегия учун воситалар тўплами узоқ муддатли билан солиштирганда бироз кичикроқ. Ўрта муддатли стратегиянинг бир қисми сифатида нархлари ўзгариб турадиган воситаларни танлаш мумкин, аммо бир йилдан уч йилгача бўлган даврда фойда келтириши мумкин.

3. *Қисқа муддатли стратегиялар.* Бир йилгача бўлган инвестиция даврини ўз ичига олади. Уларнинг даромадлилиги котировкалардаги вақтинчалик тебранишларга боғлиқ.

Шу билан бирга инвестицион стратегиялар уларнинг кўламига қараб корхона миқёсида, маълум бир худуд бўйича ва мамлакат бўйича ишлаб чиқилиши мумкин.

Корхонанинг инвестицион стратегияси асосан қуйидаги масалалар ечимига қаратилади:

1. Корхона ишлаб чиқариш қувватини ошириш.
2. Корхонада ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш.
3. Корхонада кадрлар салоҳиятини ошириш.
4. Корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш.

Худуднинг инвестицион стратегияси эса:

1. Ҳудуднинг комплекс иқтисодий ривожланиши-ни таъминлаш.
2. Ҳудудни молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш.
3. Худуднинг бозор инфратузилмасини ривожлантириш.
4. Ҳудуд аҳолисининг яшаш даражасини ошириш.
5. Ҳудуднинг иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш масалаларини ўз ичига олади.

Мамлакатнинг инвестицион стратегияси қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

1.Мамлакат ЯИМ ҳажмини ошириш.

2.Иқтисодиётни модернизация қилиш.

3.Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) технологияларини такомиллаштириш.

4. Инсон капитали имкониятларини ошириш.

5. Мамлакат аҳолисининг яшаш даражасини ошириш.

Мамлакатда иқтисодиётни модернизация қилишнинг тўлиқ тугалланмаганлиги, иқтисодиётда бозор инструментларининг заифлиги, хом ашё ресурсларини экспорт қилиш эвазига технологик асбоб-ускуналар, машиналар, истеъмол товарлари импортига асосланган ташқи дунё билан иқтисодий алоқаларнинг сақланиб қолганлиги ва мамлакат

худудларининг нотекис ривожланиши малакатмизда инвестицион сиёсатни такомиллаштириш заруратини туғдиради.

Инвестицияларнинг вазифаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бирга маълум техника ва технологияларнинг кириб келишини таъминлайди. Мамлакатмизга кириб келаётган технологияларни одатда янги технологиялар деб атаймиз (биз учун). Аммо бу технологиялар қайси мамлакатдан киритилаётган бўлса, ўша мамлакат учун бу янги эмас, балки жисмонан эскирган ёки бўлмаса маънавий эскирган технологиялар ҳисобланади. Уларни умри қисқа бўлади. Улар ишлаб чиқаришни вақтинча ривожлантиришга ёрдам беради. Бундай ҳолатни тубдан ўзгартириш, яъни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишдаги технологияларни мамлакат кадрлар салоҳиятидан келиб чиқиб мамлакатимизда яратилиши бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Албатта бунинг инвестицияларни ушбу йўналишга жалб этиш зарур. Инвестицияларни бу йўналишга жалб этиш унинг қайтариш муддатини маълум муддатга узайтирсада келгусида унинг самараси бениҳоя катта бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.В.Бусыгин Предпринимательства. – М.: Дело, 2001. 176 с.

2. Р.А.Фатхутдинов Инновационнқй менежмент. М.ЗАО “Бизнес школа ”Интел синтез”, 1998.600с.

3. Д.В.Соколов, А.Б.Титов, М.М.Шабанова Предпосылки анализа формирование инновационной политики. – СПб.: ГУЭФ,1997.

4. А.Б. Смирнов Эргономика. Учебное пособие, Санкт Петербург 2016. 125 с.

Gulnora Mardiyevna Shadieva
Samarkand State Institute of Economics and Service,
Professor of the Department of Real Economy,
Doctor of Economics
Phone: 90-968-51-22
gulnora.shodiyeva@mail.ru

ROLE OF INNOVATION IN THE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY

Abstract: *In this article, the analysis of theoretical views on innovation, innovative economy is described in detail. Also, the influence of the country's macroeconomic indicators on innovative development was studied, and conclusions and proposals were developed.*

Key words: *innovation, investment, fixed capital, export, import, taxes, innovative development, gross domestic product, economic growth.*

Today, the priorities of the reforms implemented in our country are aimed at accelerating the introduction of innovative projects in various sectors of the national economy, including the production of innovative products by industrial enterprises, achieving high economic growth indicators due to the wide use of management innovations in practice, as well as further increasing the indicators of Uzbekistan in global rankings. is considered. In particular, the government of our country has set a long-term strategic goal of becoming one of the top 50 countries in the Global Innovation Index by 2030 [1]. In recent years, priority has been given to the reforms implemented in Uzbekistan in order to move the economy to the path of innovative development. In particular, the views of the President of the Republic of Uzbekistan in his Address to the Oliy Majlis that "... we aim to turn Uzbekistan into a developed country, we can achieve this only with rapid reforms, knowledge and innovation" [2] among other things, it means that the research of methodological bases of improvement of the organizational-economic mechanism of innovative management of industrial enterprises is actual and of scientific and practical importance.

For Uzbekistan, achieving innovative and technological development is critical, as only through this path is it possible to create a modern technological base, the production of competitive products, rational use of natural resources, increasing the efficiency of agriculture, and as well as strengthening international competitiveness.

However, over the past 10-15 years, the national innovation system of Uzbekistan has experienced a period of constant underinvestment in the science and technology sector. The most developed economies in Western Europe, the United States, Japan and South Korea spend about 3% or more of their GDP on R&D annually, while in Uzbekistan this figure does not exceed 0.1% according to the most optimistic estimates. As a result of insufficient investment in R&D, Uzbekistan experienced during this period a significant drop in the potential for generating, disseminating, and absorbing (implementing) innovations.

Austrian scientist Y. Schumpeter first defined the essence of "innovation" in economic science as follows: "Innovation is a new approach to the existing process, application of modern discovery, development or new production related to human activity to a specific process." According to Schumpeter, it is the innovative approach to economic activity that determines the level of development of the economic system of each era. In his theory, entrepreneurship is considered as the fourth factor of production. Also, the task of entrepreneurs is to reform and improve production by using inventions to produce new goods or old goods in a new way, opening new sources of raw materials and materials or new markets. The scientist predicted revolutionary changes in the economy due to innovations and entrepreneurs [3].

"Innovation is a complex of novelties, inventions, discoveries, ideas and new approaches in the form of intellectual property, created on the basis of human intelligence and production experience, applied to production, and at the same time, bringing economic and social benefits." If an innovative idea is created, not put into production, if it does not prove its economic usefulness, it is not considered an innovation. The created innovations can be considered innovations only when they are commercialized, put into practice, and have economic and social effects [4].

As one of the fundamental factors of the evolutionary economy, the following thesis is studied that any state of the trajectory of the formation of innovative development of the economy is determined not by the static achievement of a certain economic ratio, but by the whole previous evolution ~ of economic entities. The terminological concept of "evolutionary", introduced by Nelson and Winter, emphasizes the main idea of the real orientation of this doctrine - economic "natural selection" [5]. On the other hand, in addition to the denial of the "inheritance" of the properties of the evolutionary economic concept, there is also a statement of the timely capriciousness of economic properties under the influence of unfavorable circumstances[6], up to mutations and regular trajectories. Thus, in his early scientific works, Nelson assumed that the principle of randomness itself is a key feature of any evolutionary theory [7], which distinguishes it from all other economic conceptual constructions based on the principles of the determinism of economic phenomena. Thus, in the evolutionary doctrine, the main attention is directed to the study of probabilistic non-equilibrium movements, which radically distinguishes it from the orthodox doctrine with its system-wide views of the relationship [8]. The theoretical substantiation of the existence of macrogenerations or a set of macroindustries that form the corresponding economic systems, have an inseparable genotype in detail and participate in the movement of "natural selection" is given in the work of V.I. Mayevsky entitled "Evolutionary macroeconomic theory". [9].

In our opinion, the work of the economist G.B. Kleiner. In them, the theory of the emergence and evolution of socio-economic institutions is considered as the consequences of a certain convention of two or more proto-institutions consolidating into an “institutional gene pool”, leading to the formation of new real institutions under the action of designated agreements. It is these conventional relations that are conditioned by the hobbies of economic agents and make it possible to methodologically substantiate the existence of an institutional genesis, as well as to consolidate the changes of the same name in the evolution of socio-

economic systems[10]. Institutional genesis includes such forms as generation, incubation, transplantation, institutional design, etc.

Thus, the results of generalization of the analyzed theoretical and methodological directions of development of socio-economic systems allow us to draw the following conclusions:

- the concept of an innovative way of economic development is based on the concept of a long-term correlation of economic cycles;
- the key difference between the doctrine of the innovative way of economic development is that, unlike traditional models of economic growth, aimed at the best distribution of resources between generations, it focuses its goals on optimizing social security through efficiency (the largest volume of production for a given amount of factors);
- the evolution of economic concepts in the context of achieving optimal quantitative economic output causes the implementation of utilitarian operations in the provided installation through the most effective combination of various models of economic development, such as, for example, factor growth, long-term equilibrium, institutionalism.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони, 21.09.2018 й. https://lex.uz/ru/docs/3913188.
2. Мирзиёев Ш.М. Олий мажлисга мурожаатномаси https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25- 01-2020
3. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1983.с..278-285.
4. Шакирова Ф. Б., Исмаилходжаев А. И. Инновациялар асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг айрим назарий жиҳатлари// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2018 йил https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/8_Shakirova.pdf
5. Нельсон Р., Уинтер С. Эволюционная теория экономических изменений / Пер. с англ. М.Я. Кждана. - М.: Финстатинформ, 2000. - С. 26.
6. Нельсон Р., Уинтер С. Эволюционная теория экономических изменений / Пер. с англ. М.Я. Кждана. - М.: Финстатинформ, 2000. - С. 27.
7. Nelson R. Recent evolutionary theorizing about economiv change // J. Econ. Lit. 1995. Vol. 33. March. P. 63
8. Маевский В.И. О взаимоотношении эволюционной теории и ортодоксии // Вопросы экономики. - 2003. - № 11 - С. 9.
9. Маевский В.И. Введение в эволюционную экономику. -М.: Япония сегодня, 1997.
10. Номо тзШийоБ - Человек институциональный / Под ред. О.В. Иншакова - Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2005.

Хонкелдиева Гузал Шеровна
д.э.н, профессор Ферганский государственный университет
E-mail: honkeldieva@mail.ru
ORCID:0000-0001-5335-0862
Каххорова Маликахон Аброрбек кизи
ст.гр. 66-22 Менеджмент Ферганский политехнический институт
Факультет «Управление в производстве»

ФАКТОРЫ УСПЕХА В ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ

Аннотация: *Инвестиции играют ключевую роль в развитии экономики и обеспечении устойчивого роста, поэтому изучение факторов, способствующих успешной инвестиционной активности, является важной задачей. В статье рассматриваются различные факторы инвестиционной активности.*

Ключевые слова: *инвестиционная активность, инвесторы, собственные средства, привлеченные средства, инвестиции.*

Инвестиционная активность является важным элементом экономического развития и определяет успех и процветание современного общества. Согласно словам, М. Портера, факторы производства, инвестиции и инновации являются основными источниками конкурентных преимуществ национальной экономики [1].

В условиях формирования социально ориентированной рыночной экономики в Узбекистане, рассматриваются вопросы создания благоприятных юридических и организационно-экономических условий, способствующих привлечению инвестиций в различные секторы национальной экономики. Согласно этому были приняты ряд законов, постановлений и законодательных актов, в которых утверждены благоприятные условия инвестиционной среды, их цели и задачи. Так, от 25 декабря 2019 года вступил в силу Закон Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности». [2].

Также можно выделить несколько видов инвестиций, которые являются значимыми при рассмотрение данного закона:

Капитальные инвестиции, которые направленны на создание или обновление основных активов, таких как здания, оборудование, инфраструктура и другие средства производства, что способствует развитию и улучшению материального производства.

Инновационные инвестиции, которые включают в себя инвестиции для разработок и внедрение новых или усовершенствованных товаров (работ, услуг), производственных процессов, новых маркетинговых или организационных методов в предпринимательской деятельности.

Социальные инвестиции, они направлены на развитие человеческого капитала и улучшение социальных условий и благополучия общества.

Инвестиции в Республике Узбекистан олицетворяют вложение капитала или ресурсов в различные отрасли экономики страны с целью получения прибыли или развития бизнеса. Они могут быть как внутренними –отечественными, сделанными лицами и предприятиями, так и иностранными – осуществляемыми иностранными компаниями или инвесторами из других стран. Инвестиции в Узбекистан нацелены на развитие экономики, увеличение производства, модернизацию производственных мощностей, разработку новых технологий, создание рабочих мест и привлечение иностранных инвесторов для расширения экономического потенциала страны. За определенный промежуток времени изменения в инвестиционной среде Республики Узбекистан приведено в рисунке 1.

В 2017 году общий объем инвестиций в основной капитал составил 60 719,2 млрд.сум. При анализе источников финансирования, можно отметить, что большая часть этих инвестиций, а именно 34 057,3 млрд.сум или 56%, составляли привлеченные

средства. Оставшиеся 26 673,5 млрд.сум или 44% были освоены за счет собственных средств предприятий и населения.

В 2018 году было проинвестировано 107 333,0 млрд. сум в основной капитал. Это включает в себя привлеченные средства в размере 65 142,4 млрд. сум, что составляет 60,7% от общего объема инвестиций, а также собственные средства предприятий и организаций в размере 42 190,6 млрд. сум, что составляет 39,3%. Это больше, чем в аналогичном периоде прошлого года, на 8,6 процентных пунктов.

Благодаря внедрению реформ, активным инвестициям и социальному развитию, объем инвестиций в основной капитал значительно увеличился и составил 133,9% относительно 2018 года. В течение 2019 года в основной капитал было инвестировано 189,9 трлн. сум, из которых 70,7% или 134,3 трлн. сум было привлечено из-за рубежа, а оставшиеся 29,3% или 55,6 трлн. сум были вложены предприятиями и населением.

В течение января-декабря 2020 года наблюдалось снижение активности в сфере инвестиций, с темпами роста освоения средств в основной капитал на уровне 91,8% по сравнению с прошлым годом. За этот период было освоено 202,0 трлн. сум инвестиций в основной капитал, причем 65,4% этой суммы, или 132,0 трлн. сум, были привлечены извне, а остальные 34,6%, или 70,0 трлн. сум, были собственными средствами предприятий и населения.



Рис. 1.Темпы роста инвестиционной активности в Республике Узбекистан за 2017-2022 годы

В период с января по декабрь 2021 года было освоено 245,0 трлн. сум инвестиций в основной капитал. Из этой суммы 61,9 %, или 151,5 трлн. сум, были профинансированы за счет привлеченных средств, а оставшиеся 38,1 %, или 93,5 трлн. сум, были освоены за счет собственных средств предприятий и населения.

Из общего объема инвестиций, 44,8 трлн. сум, или 18,3 %, были освоены за счет централизованных источников финансирования. Это значение оказалось на 1,6 п.п. меньше, чем в аналогичном периоде 2020 года.

Соответственно, за счет нецентрализованных источников финансирования было освоено 200,2 трлн. сум инвестиций, что составляет 81,7 % от общего объема инвестиций. Это значение больше, чем в аналогичном периоде 2020 года на 1,6 п.п.

В течение 2022 года было освоено 269,9 трлн. сум инвестиций в основной капитал, что составило увеличение на 100,9% по сравнению с 2021 годом. Из этой суммы 59,1%, или 159,6 трлн. сум, были привлечены извне, в то время как 40,9%, или 110,3 трлн. сум, были собственными средствами предприятий, организаций и населения. [3].

Правительство Узбекистана приняло несколько мер для поддержки бизнеса и стимулирования инвестиций в условиях пандемии. Были предоставлены налоговые льготы, субсидии и кредиты предприятиям, а также проведены реформы для снижения бюрократической нагрузки на бизнес.

Таким образом, инвестиционная активность является важным фактором успеха современного общества. Несмотря на вызовы, такие как нестабильность экономики, высокий уровень риска, политические конфликты и эпидемии, современное общество имеет факторы успеха, такие как прогресс в науке и технологиях, глобализация и международное сотрудничество, а также политическая стабильность и правовая защита прав инвесторов. Эти факторы способствуют развитию инвестиционной активности и обеспечивают ее успех в современном обществе.

Список использованная литературы:

[1]. Портер М. Международная конкуренция. – М.:«Международные отношения», 1993. –С. 11.

[2]. Закон Республики Узбекистан, от 25.12.2019 г. № ЗРУ-598 «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» // https://lex.uz/ru/docs/4664144?ONDATE=07.06.2022

[3]. https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/investments

[4]. Каримов М. Инвестиции в развитие мировой экономики и Узбекистана: тенденции и меры ак- тивизации процесса // «Bozor, pul va kredit», Т.: 2015, №10. –С. 57-58.

[5]. Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики. – Т.: «Молия», 2011. –С. 232.

ХамракуловаО.Д.
и.о.проф. кафедры “Экономическая теория”
Самаркандский институт экономики и сервиса

ИННОВАЦИОННЫЕ ИНВЕСТИЦИИ – КАК ФАКТОР УСКОРЕНИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: *В современных условиях решающим фактором повышения международной конкурентоспособности промышленно развитых стран является инновационное развитие экономики. В работе рассмотрены проблемы инвестиций в инновационном развитии экономики Узбекистана, а также предложены рекомендации.*

Ключевые слова*: мировая экономика, инвестиции, инновации, инновационный путь развития, инвестиционный климат, государственная политика.*

Annotasiya:*Zamonaviy sharoitda sanoati rivojlangan mamlakatlarning xalqaro raqobatbardoshligini oshirishning hal qiluvchi omili iqtisodiyotning innovatsion rivojlanishi hisoblanadi. Ishda O‘zbekiston iqtisodiyotining innovatsion rivojlanishiga investitsiya kiritish muammolari o‘rganilib, tavsiyalar berilgan.*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ПФ-60-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги "Тадбиркорлик ва инновациялар сохасидаги лойихаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш буйича кушимча чора-тадбирлар тугрисида"ги ПФ-5583-сонли Фармони

3. Вахабов А.В. Разыкова Г.Х. Модернизация экономики. Учебное пособие. - Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2014. - 200 с.;

4. Бегалов Б.А., Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати, Т., 2012. - 28 б.;

Собиров И.Х.
СамИСИ доценти в.б,
Комилова М.
СамДАҚИ, кафедра мудири**.**

БИЗНЕС(КОРХОНА) ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ ТАҚҚОСЛАНМА ЁНДОШУВ УСУЛЛАРИ

Аннотация: *Ушбу маколада қиёсий ёндашув ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархлари таҳлили кўриб чиқилган. Қиёсийлик мезонлари таркиби баҳолаш шартлари ўрганилган. Бизнесни бахолаш бўйича маълумотларга асосланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чикилган.*

Калит сузлар: *таққосланма ёндашув, мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулк, кадастр қиймати, мультипликатор, сотувлар ҳажми, активлар жами қиймати, бозорга оид*

капиталлаштириш соф фойда.

Abstract: *This article analyzes the economic consequences of expanding the revenue base of the state budget and the fact that property taxation plays an important role in increasing the competitiveness of property and creating a tax base.*

Keywords: *local tax, market value of property, real estate, cadastral value, personal card, tax items.*

Қиёсий ёндашув ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархлари таҳлилига асосланади. Қиёсий ёндашув доирасида капитал бозори усулидан ва битимлар усулидан фойдаланганда баҳоловчи камида учта ўхшаш корхонани танлаб олиши лозим. Таққослаш учун ўхшаш корхоналарни танлашда қиёсийлик мезонлари таркиби баҳолаш шартлари ва зарурий ахборот мавжудлиги билан белгиланади.

Қуйидагилар баҳоловчи ҳисобга олиши лозим бўлган асосий мезонлар ҳисобланади:

баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналар бир тармоққа мансублиги;

миқдор жиҳатидан қиёсийлик, сотувлар ҳажми, активлар жами қиймати, бозорга оид капиталлаштириш ва бошқа кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин;

даромадларнинг ўсиш суръатлари жиҳатидан қиёсийлик.

Баҳолаш объектининг бозор қийматини қиёсий ёндашув усуллари билан аниқлаш учун қуйидаги формула бўйича ҳисобланадиган мультипликаторлар қўлланилади:

$$M = \frac{H}{K}$$, бу ерда:

М – мультипликатор;

Н – ўхшаш корхонанинг сотув нархи (ёки қийматни белгиловчи ўзга асос);

К – корхона фаолиятини тавсифлайдиган молиявий, ишлаб чиқаришга оид ёки моддий кўрсаткич. Тегишинча, баҳолаш объектининг нархи молиявий кўрсаткични тегишли мультипликаторга кўпайтириш йўли билан аниқланиши мумкин:

Н = М * К

Мультипликаторлар умуман корхона бўйича ёки бир акцияга нисбатан ҳисобланиши мумкин.

Бизнесни баҳолашда мультипликаторларнинг қуйидаги асосий турларидан фойдаланилади:

нарх/даромад (фойда, пул оқими);

нарх/дивидендлар. Бу мультипликатор амалда тўланган дивидендлар асосида ёки бундай тўловларга хос бўлган ўхшаш корхоналар бўйича соф фойдага нисбатан фоиз ҳисобида ўлчанадиган эҳтимол тутилган дивиденд тўловлари асосида ҳисобланади;

нарх/реализациядан келган тушум;

нарх/ишлаб чиқариш физик ҳажми;

нарх/хусусий капитал (соф активлар)нинг баланс қиймати.

Баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналарнинг хусусиятларига қараб баҳоловчи бошқа турдаги мультипликаторларни қўллаши ҳам мумкин.

Баҳолаш объектини баҳолаш учун ўринли бўлган мультипликаторларнинг танланишини асослаш ва ҳисоблаш таомилининг тавсифи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши лозим.

Баҳолаш объектининг бозор қиймати қиёсий ёндашув ёрдамида мультипликаторларнинг танланган қийматларини баҳолаш объектининг тегишли молиявий ёки бошқа кўрсаткичларига кўпайтириш орқали олинган натижаларни мувофиқлаштириш ва якуний тузатишлар киритиш йўли билан аниқланади:

агар қийматни белгиловчи асос сифатида инвестицияланган капитал қиймати олинган бўлса, узоқ муддатли қарзлар айириб ташланади;

хусусий айланма капиталнинг тақчиллиги айириб ташланади (ортиқча айланма капитал қўшилади);даромадни шакллантиришда ишга солинмаган активларнинг (агар улар мавжуд бўлса) бозор қиймати қўшилади;

одатдаги харидор учун жалб қилувчан бўлмаган ишлаб чиқариш диверсификацияси мавжуд бўлса, пул оқимртфелли чегирма айириб ташланади;

ёпиқ корхона акциялари фонд бозорида котировка қилинадиган ўхшаш корхоналар бўйича баҳоланган ҳолда, ликвидлик учун чегирма айириб ташланади;

мулкнинг баҳоланаётган улуши унинг ўхшашлари билан таққослаганда берадиган назорат қилиш имконияти даражасига қараб, назоратнинг йўқлиги учун чегирма айириб ташланади ёки назорат учун мукофот қўшилади.

Жадвал 1

Таққосланма ёндошувда ўхшаш объектлар классификацияси

Тавсифноманинг номланиши	1 ўхшаш	2 ўхшаш	3 ўхшаш	Бахоланаётган объект
Корхонанинг номланиши	МЧЖ «Инфрастрой»	МЧЖ «Альтера»	МЧЖ «Стройсервис»	МЧЖ «Қурилишресурс»
Тушум, минг сўм.	22500	18000	25300	24 875
Соф фойда, минг сўм	1450	1230	1690	1074
Жойлашиши	Марказ	Марказ	Марказ атрофи	Саноат зонаси
Бахолаш муддати	Декабрь 2020 й.	Декабрь 2020 й.	Декабрь 2020 й.	Декабрь 2020 й.
Корхонанинг қиймати, минг сўм	13500	10700	15000	

«Қурилишресурс» МЧЖ қийматини таққосланма ёндошув асосида аниқлаш учун учта ўхшаш объект танлаб олинди, уларнинг ҳар бири бахоланаётган корхонага максимал яқиндир. Яъни - «Инфрастрой» МЧЖ, «Альтера» МЧЖ, «Стройсервис» МЧЖ..

Ҳар бир корхона учун қуйидаги формула ёрдамида мультипликаторни хисоблаймиз:

$$\mathbf{M = Q / СФ,}$$

Буерда, M – мультипликатор,

Q – корхона қиймати,

СФ – соф фойда.

$$M_1 = 15\,000 / 1\,690 = 8{,}9$$
$$M_2 = 10\,700 / 1\,230 = 8{,}6$$
$$M_3 = 13\,500 / 1\,450 = 9{,}3$$

Ўртача арифметик мультипликаторни хисоблаймиз:

$$M = \frac{8{,}9 + 8.6 + 9.3}{} = 9.0$$

Корхона қийматини қуйидаги формула билан хисоблаймиз:

Нарх = ЧП * М

Нарх = 1 074 357 * 9,0 = 9 669 213 минг сўм.

Корхонанинг бозор қиймати таққосланма ёндошув бўйича 9 669 213 минг сўмни ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Оценка бизнеса»: Учебник под ред. А.Г. Грязновой, М.А. Федотовой -М.: «Финансы и статистика», 2010.-736с.

2. «Оценка бизнеса»: Учебник для вузов под ред. В. Есипова, Г. Маховиковой, В.Тереховой - С-П.: «Питер», 2013-415с.

3. «Оценка стоимости предприятия (бизнеса)»: Учебник под ред.Н.А. Абдуллаева, Н.А. Колайко М.: «ЭКМОС», 2010-662с.

4. «Международные стандарты оценки» под ред. Г.И.Микерина, М.И.Недужной, Н.В.Павлова, Н.Н.Яшина- М.: «Новости», 2009г.кн.1-248с,кн.2-357с.

5. «Оценка недвижимости»: Учебник под ред. А.Г.Грязновой, М.А.Федотовой.- М.: Финансы и статистика,2012.-496с.

6. «Финансовый анализ в аудите: Теория и практика».: под ред. Нитецкого В.В., Гаврилова А.А..-М.:Дело, 2010.

Касимов Ҳаётжон Нозимжон ўғли,
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни
ривожлантириш институти бўлим бошлиғи

“2022-2026 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ”НИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим сифати ва қамровини ошириш ҳамда ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш, илмий-инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мамлакатнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва янада такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқишга қаратилган норматив-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди ва тубдан янгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегияси, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Шунингдек, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”, “Инновацион фаолият тўғрисида” ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди.

2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегияси доирасида илм-фан соҳасига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажми 3 бараварга ошди, ёш олимлар сони 6,5 минг нафардан 10,8 минг нафаргача етди, инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича махсус институтлар ташкил қилинди.

Қабул қилинган узоқ муддатли дастурларнинг амалга оширилиши натижасида юз берадиган тизимли ўзгаришлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси илм-фан ҳамда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияларида кўзда тутилган ислоҳотлар олий таълим тизими қамрови, сифати ва салоҳиятини тубдан ўзгартириши ҳамда пировардида замонавий билимга эга олий маълумотли, илмий салоҳиятли битирувчилар сонининг кескин ортишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда энг устувор ва ўзига хос вазифа бу – тезкорлик билан замонавий технологияларга асосланган, юқори иш ҳақи таклиф этадиган янги иш ўринларини яратиш бўлиб қолади. Муаммонинг амалий ечимларидан бири сифатида инновация – юқори технологик иш ўрни тамойилига асосланган мамлакатнинг ўзига хос ривожланиш хусусиятларига қаратилган алоҳида стратегик амалий дастурлар ишлаб чиқиш зарур.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси 2022-2026 йилгача инновацион ривожланиш стратегиясининг юқори технологик ва илм-фанга асосланган янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ҳамда юқори иш ҳақига эга иш ўринларини яратиш орқали узоқ муддатли йўналишлари ҳамда ривожланиш дастурлари белгилаб берилди.

Стратегиянинг асосий мақсади – мамлакатда креатив иқтисодиётни шакллантиришда янги иш ўрни яратишдан бошлаб иқтисодий қиймат яратишгача бўлган “тармоқ-ҳудуд-илмий/олий таълим ташкилот” узлуксиз экотизимни ривожлантиришдир.

Шунингдек, Стратегия қуйидаги асосий йўналишлардан иборат:

инновацион инфратузилма субъектлари (инновацион технологик парк, технологиялар трансфери маркази, инновацион кластер, венчур ташкилоти, инновация маркази, стартап акселератор, инкубатор) тармоғини шакллантириш орқали стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик ҳажмли ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг институционал механизмларини такомиллаштириш орқали инновацион фаол ташкилотлар улушини ошириш;

кичик тадбиркорликнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жадал ўсишини таъминлаш;

янги турдаги маҳсулотлар ва инновацион технологиялар яратишнинг ғоядан якуний истеъмолчигача бўлган комплекс тизимини таъминлаш орқали инновацияларга бўлган талабни рағбатлантириш;

яратилган капитални “тубдан янгиловчи” инновацияларга қайта йўналтириш тизимини шакллантириш;

таълимнинг барча босқичларида яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш орқали инновацион фаолият бошқарувида инсон капиталини янада ривожлантириш.

Мазкур Стратегияда бугунги кунда республикамизда инновацион ривожланиш соҳасида ҳал этилиши зарур бўлган қуйидаги асосий муаммоларга эътибор қаратилган:

мамлакатимизда ҳар йили 600-700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келмоқда. Шунингдек, олий таълим билан қамров 2016 йилга нисбатан 9 фоиздан 38 фоизгача ошди ва бу кўрсаткич яқин келажакда 50 фоизгача етказилади. Бу эса олийгоҳлар битирувчиларини юқори технологик иш ўринлари билан таъминлашнинг самарадор механизмларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда;

аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлашда инновациялар ёрдамида ишлаб чиқариш ташкилотлари ва хизмат кўрсатишнинг турларини ошириш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада рағбатлантириш ҳамда тармоқ ташкилотлари ва кластерлар, венчур ташкилотлари ва тегишли молия бозорларининг турли воситалари кўмагида капитал яратишни, яъни арзонлаштирилган ва ҳаммабоп ишлаб чиқаришни таъминлаш тизимига ўтишга катта эҳтиёж мавжуд;

илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни давлат-хусусий шерикликда молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш ва ҳажмини ошириш, халқаро молия ташкилотлари ва жамғармалари маблағларини жалб қилиш ҳамда тадбиркорликка зарур кўникмаларни технопарклар, инновацион марказлар ва ёшлар технопарклари орқали кичик ва инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни талаб этмоқда;

ҳудудларнинг иқтисодий ихтисослашуви, илмий-техник салоҳияти ва мавжуд ресурсларини ҳисобга олган ҳолда инновацион ривожланишнинг ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилмаган ҳамда ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик базаси узлуксиз янгиланишини таъминлашга қаратилган ечимларни жорий қилишда инновацион технологияларга урғу ва устуворлик бериш талаб қилинмоқда;

муваффақиятли стартап лойиҳаларни серияли ишлаб чиқариш босқичларида инновацион технопарклар ва эркин иқтисодий зоналар аъзолигига қабул қилиш орқали мақбул қўллаб-қувватлаш механизмлари ишлаб чиқилмаган, хусусий секторнинг янги илмий ишланмаларга бўлган қизиқишини кучайтириш ва инновацияларни “ҳаммолиялаштириш”га бўлган манфаатдорлигини рағбатлантириш учун махсус қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилмаган;

“тубдан янгиловчи” – “барқарор-самарадор” инновацияларнинг циклик муносабатларини яратиш учун инновациянинг ўзи капитал ишлаши – “тармоқ-ҳудуд-илмий/олий таълим ташкилот” даврийлигини ўзида мужассам этган яхлит тизим мавжуд эмас ва унинг асосий жараёнлари ўта тарқоқ шаклда қолиб кетмоқда.

Ўз навбатида, Инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш соҳасида муқобил ва экологик тоза энергия манбаи ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллаш бўйича инновацион технологияларни яратиш, янги композит материалларни ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий қилиш, робототехника соҳасини ривожлантиришга талаба-ёшларни кенг жалб қилиш, биотехнологик маҳсулотларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш ҳамда биотехнологик ишланмаларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этишни ташкил этиш, глобал иқлим ўзгаришлари шароитида сув-тежовчи, тупроқ унумдорлигини оширувчи ва юқори ҳосилдор экин турлари ва ҳайвон зотларини яратиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инновацион технологияларни яратиш, саноат ва кластерлаш ҳамда шаҳарсозлик концепцияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, сунъий интеллект, буюмлар интернети ҳамда рақамлаштириш технологияларини жорий қилиш имкониятлари яратилади.

Тураев А.А.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси, Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис
институти катта ўқитувчиси, alijon.turayev@mail.ru

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ НАЗОРАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. *Ушбу мақолада бюджет-солиқ сиёсатининг ижроси мамлакатда бюджет даромадларини оширишда солиқ назоратини тартибга солиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида солиқ назоратининг муҳимлиги, солиқ назорати ва унинг шакллари, солиқ текшируви моҳиятининг амалий муҳимлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари бўйича амалга ошириш лозимлиги белгилаб берилган. Муаллиф томонидан солиқ назоратини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *бюджет-солиқ сиёсати, бюджет, солиқ, солиқ юки, солиқ текширувлари, солиқ назорати, камерал назорат, солиқ аудити, сайёр солиқ текшируви.*

Бюджет-солиқ сиёсати мамлакатнинг макроиқтисодий сиёсатида алоҳида ўз ўрнига эга бўлиб, у иқтисодиётни тартибга солиш, турли хил ижтимоий вазифаларни амалга ошириш мақсадида солиқларни тартиблаштириш ва давлат бюджети маблағларини сарф қилиш учун хукумат имкониятларидан қай даражада фойдаланиш даражасини билдиради. Мазкур сиёсатнинг асосий дастаклари бўлиб солиқ ставкасини, солиқ солиш базасини, солиқлар турини, сонини, давлат харажатлари ҳажмини ва йўналишини ўзгартириш ҳисобланади.

Мамлакатимизда солиқ юкининг камайтириб бориши хўжалик субъектларининг реал даромадларини оширишга уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга ва рағбатлантиришга ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Кишилик жамияти ва давлатчиликнинг ривожланиб боришига мос равишда давлат солиқ сиёсати такомиллашиб боради. Мамлакатимиз бюджет-солиқ сиёсати мустақиллик йилларида янгидан шаклланди. Ўзбек давлатчилиги тарихи учун солиқ сиёсати назарияси ва солиқ назорати бутунлай янги тизим ҳисобланмайди. Дунё солиқ сиёсати назарияси ва маъмуриятчилигини шакллантиришда ўзбек давлатчилиги, давлат арбоблари ҳамда олимларининг ўрни ҳозирда тарихий манбалар тадқиқотлари асосида атрофича ўрганилиб, асослаб берилмоқда [4-8].

Солиқ назоратини тартибга солишнинг устувор йўналишлари солиқ тизими қоидабузарликларнинг олдини олиш, солиқ тўловчиларни солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажаришга ундаш ва ноқонуний солиқ қоидаларини қўллашдан бош тортишдир.

Солиқ назорати ҳақида илмий адабиётларда турлича фикрлар келтириб ўтилган. Ҳусусан, Б.Тошмуродова солиқ назорати тушунчасига “**Солиқ назорати** – бу солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига тўлиқ риоя этилиши, солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши, тўғри ҳисобланиши устидан солиқ органлари ҳамда божхона органлари томонидан олиб бориладиган назоратдир”, деган мазмундаги таърифни келтирган [2].

Шунингдек, муаллифлар жамоаси томонидан яратилган ўқув қўлланмада эса “**Солиқ назорати** – Солиққа тортиладиган субъектлар ва объектларни ҳисобга олишнинг, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, солиқларнинг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия Республика пўл жамғармаларига мажбурий тўловларнинг тўғри хисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишдан иборат”, мазмунидаги таъриф берилган [3].

Айтиш керакки, хорижлик олим Т.А.Валерьевич солиқ назорати тушунчасига “**Солиқ назорати** – бу мамлакатнинг амалидаги қонунчилигига асосан солиқ тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ тўпланишини таъминлаган ҳолда, солиққа тортишнинг муҳим элементи ҳисобланади, шунингдек унинг ташкил этилиши солиққа тортиш тамойилларига ҳам мос бўлиши максадлидир”[3] деган мазмундаги таърифни кўрсатиб ўтмоқда.

Солиқ назорати тушунчасига кенг маънода тўхталадиган бўлсак, О.К.Нуцалханова “Кенг маънода солиқ назорати - самарали давлат молия сиёсатини таъминлашга қаратилган давлат назорати тадбирларининг мажмуи бўлиб, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини ҳамда марказий ва махаллий фискал манфаатларини қўллаб-қувватланишига қаратилади”[4] деган маънода тариф бермоқда.

Ушбу олимларнинг фикрини инобатга олган ҳолда, солиқ назоратига қуйидагича таъриф бериш мақсадга муофиқ:

---

[3] Т.А.Валерьевич. Налоговый контроль при налогообложении физической лиц на основе подхода “Объект контроля-налогоплательщик” 2009 год, Нижний Новгород.

[4] О.К.Нуцалханова. Налоговый контроль как обратная связь в системе финансового мониторинга. Пробелы в российском законодательстве. – 2011. – № 6. – С. 330-332.

Солиқ назорати – мамлакат бюджет даромадларини шакллантириш мақсадида солиқ тўловчиларнинг солиққа доир қонун хужжатларига мувофиқ солиқ тўловчиларнинг мажбурий тўловларини ҳисобга олинишда солиқ тортиш элементлари ўртасида вужудга келадиган молиявий мажбуриятли муносабатларни тартибга солувчи молиявий назорат шаклидир[5].

Хорижий давлатлар ва республикамизда солиқ назорати молиявий назоратнинг муҳим турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Солиқ қонунчилигига кўра, ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назорати эканлиги эътироф этилади[6].

Мамлакатимиз солиқ тизимида қуйидаги солиқ назоратининг шакллари назарда тутилган[7] ***(1-расм).***



1.расм. Солиқ назоратининг шакллари ва уларнинг таснифи.[8]

Ушбу 1-расмда кўрсатилган текширувлар орқали корхоналар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолияти доимий назорат остида тартибга солинади.

Агар солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, ҳужжатлар буюртма хат қилиб почта орқали юборилади ва улар жўнатилганидан сўнг беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади. Ҳужжатлар солиқ тўловчига ёки унинг вакилига шахсан мазкур ҳужжатлар олинган сана кўрсатилган ҳолда имзо қўйдириб топширилиши мумкин.

Ҳозирги кунда солиқ қонунчилигига кўра корхоналардан ундирилган солиқ суммаси амалдаги ҳақиқий ҳолат бўйича фарқлар борлиги ханузгача қузатилмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан иш олиб бораётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолиятлари давомида ҳақиқий даромад(фойда)ларига нисбатан давлат ҳазинаси учун тўланиши керак бўлган турли кўринишдаги солиқларни камайтириб ёки умуман тўламаслик ҳолатлари борлиги айни ҳақиқатдир. Мамлакатимизда бюджет-солиқ сиёсатида бундай ҳолатларни сақланиб қолаётгани, солиқ тўловчиларимизнинг давлат ва жамият олдидаги масъулияти юқори эмаслиги, уларнинг ижтимоий-маънавий савияси талаб даражасида етарли эмаслигидан дарак беради деб ўйлаймиз. Зеро мамлакатни ижтимоий томонлама ривожлантириш учун мақсадли юналтирилган хар қандай маблағ бизнинг ютиғимиздир.

---

[5] Муаллиф томонидан берилган таъриф

[6] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 135-модда. – Тошкент Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 640 б.

[7] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 136-модда. – Тошкент Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 640 б.

[8] Муаллиф ишланмаси.

Бундан ташқари, ҳозирга кунда амалга оширадиган барча саъй-ҳаракатларимизни хавфи юқори бўлган ҳудудларга йўналтириш ва инсофли солиқ тўловчиларга маъмурий юкни минималлаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари мунтазам равишда тадбиркорликка бўлган босимни камайтириб келмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Албатта бу ўз навбатида солиқ назоратини тартибга солишда самарадорликка эришишга олиб келади:

- улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланишда янги очилаётган юридик ва жисмоний шахслар фаолияти солиқ идоралари томонидан кенг кўламли назоратга олиниши ва кўрсатилган маълумотлар тўғрилиги ҳамда фаолият доирасида техник ҳолати талабга жавоб бериши ҳолати устидан назоратни кучайтирилишни мажбурий тартибда йўлга қўйиш;
- солиқ тизими назоратини тартибга солишда тижорат банклари билан тўғридан тўғри очиқ мулоқот олиб бориш, корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг пул маблағлари айланмасини доимий равишда мониторингини назорат қилиш;
- корхона фаолияти давомида ҳисобрақамига шубҳали пул кирими ва чиқими ҳисобини юритиш ва бу корхоналар фаолиятини алоҳида назорат олиш;
- корхонада солиқ назорати ўтказишда асосий эътиборни солиқ тўловларини бюджетга ўтказишда яшириш ҳолатларини аниқлаш ва тегишли чора кўриш лозимлигини кучайтириш;
- корхоналар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқларини ҳисоблаб чиқиш ва бюджетга ўтказишда солиқ назорати шакллари доирасида текширишни кучайтириш ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жазо чораларини кучайтириш орқали бюджетга солиқ тушумларини тўлиқ сақлаб қолиш мумкин ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида оқилона назорат тизими йўлга қўйилиши, солиқ тизими қонунчилигига тўлиқ риоя этилишида хуфиёна иқтисодиётга бархам бериш асосий вазифа бўлиб хизмат қилади. Солиқ тизимидаги иқтисодий ислоҳотларни янада такомиллаштириш ва уларни амалга ошириш, солиқ назоратини тартибга солишда хўжалик юритувчи субектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини солиқ қонунчилигига риоя этиш устидан ҳуқуқий ва ташкилий тарзда назоратни кучайтириш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётда тутган ўрнини янада мустаҳкамлашда солиқ назоратининг услубий жиҳатларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси – Тошкент Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 640 б.

2. Б.Тошмуродова. Солиқ назорати. Ўқув қўлланма.-Т.: “Иқтисод-Молия”, 2007 йил, 120 бет.

3. А. Тагаев, Ф. Хашимото, Ғ. Рўзиев, К. Хотамов. Солиқ назорати. –ўқув қўлланма / -Т.: Янги аср авлоди, 2010 й. -84 б.

Интернет сайтлар

1. http://ww.soliq.uz
2. http://www.stat.uz
3. http: //www.mf.uz
4. http://www.lex.uz

ХудайбердиевУ.
СамИСИ доценти,
Бабаназарова С.А.
СамИСИ ўқитувчиси, PhD.
Худайбердиева М.У.
СДВУ ассистенти

АСОСИЙ КАПИТАЛГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. *Мақола асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мулкчилик шакли, молиялаштириш манбалари, қайси иқтисодий тармоқларга йуналтирилгани бўйича таҳлил қилинди ва хулосалар чиқарилди.*

Калит сўзлар*. Инвестиция, асосий капитал, мулк шакли, иқтисодиёт тармоқлари, молиялаштириш манбалари.*

Аннотация.*. В статье проанализированы и сделаны выводы о формах собственности инвестиций в основной капитал, источниках финансирования, в какие отрасли экономики они направлены.*

Ключевые слова*. Инвестиции, основной капитал, формы собственности, отрасли экономики, источники финансирования.*

Abstract. *The article analyzed and drew conclusions on the form of ownership of investments in fixed capital, sources of financing, which economic sectors they are directed to.*

Keywords. *Investment, fixed capital, form of ownership, economic sectors, sources of financing.*

Мамлакат иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, диверсификация ва модернизация қилиш учун инвестициялар керак бўлади. Инвестициялар келажакда фойда олиш мақсадида пул, қимматли қоғозлар, асбоб-ускуналар, бинолар кўринишида иқтисодий тармоқларга киритилган сармоядир.

20-асрнинг охири - XXI асрнинг бошлари глобаллашувнинг янги босқичи шароитида алоҳида мамлакатлар, мамлакатлар гуруҳлари ва минтақаларнинг жаҳон иқтисодиёти таркибидаги роли сезиларли даражада ўзгарган давр бўлди. 20-асрнинг иккинчи ярмида ривожланган халқаро меҳнат тақсимоти ўзгарди ва жаҳон иқтисодий етакчиларининг роли, ташқи иқтисодий алоқаларнинг анъанавий шаклларининг мазмуни ва табиати унчалик аниқ бўлмаган. Асосий жаҳон бозорларида товар ва хизматлар учун рақобат ўзгарди, компаниялар ва мамлакатларнинг рақобат ва рақобатбардошлиги тушунчаларининг ўзи янги маънога эга бўла бошлади.

Ўзбекистонда инвесторлар фаолиятига эркинлик бериш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонуний кафолатлаш қулай бизнес ва инвестацион муҳит яратилган. Бунинг учун “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет элик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган.

Инвестицияларнинг катта қисми номолиявий активларга киритилади. Номолиявий активлар деганда асосий капитал (бино, иншоатларни қуриш, асбоб-ускуналарни сотиб олиш, транспорт воситалари кабилар), капитал таъмирлаш, модернизация, номоддий активлар (дастурий маҳсулотлар, патентлар кабилар) тушунилади. Инвестицияларнинг номолиявий активларга йўналтирилганлигини нималарга сарфланганлиги бўйича, мулк шакли бўйича, молиялаштириш манбалари бўйича, иқтисодий фаолият турлари бўйича гуруҳларга бўлиб ўрганиш, таҳлил қилиш мумкин.

Номолиявий активларга киритилган инвестицияларнинг катта қисми (2021 йилда 97,5 фоизи) асосий капиталга йўналтирилади.

Асосий капиталга кирилган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

1-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мулк шакли бўйича гуруҳланиши

(млрд.сўм)

Йиллар / Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2021 йил 2018 йилга нисбабан %да
Асосий капиталга киритилган жами инвестиция	1242331,3	195927,3	210195,1	239552,6	192,8
Шу жумладан мулк шакли бўйича: Давлат – млрд.сўм	23127,6	42543,8	35526	41820,7	180,8
Ҳиссаси	18,6	21,7	16,9	17,5	Х
Нодавлат – млрд.сўм	101103,7	153383,5	174669,1	197731,9	195,6
Ҳиссаси	81,4	78,3	83,1	82,5	Х

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, асосий капиталга киритилган инвестициялар 2018 йилги 124231,3 млрд. сўмдан 2021 йил – 239552,6 млрд. сўмгача кўпайган, яъни деярли 2 баравар ўсган. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг асосий қисми – 80,0 фоиздан кўпроғи ушбу даврда надавлат мулк шаклидаги асосий воситаларга йўналтирилган. Нодавлат мулк шаклидаги асосий воситаларга киритилган инвестициялар ушбу даврда юқори суръатлари билан кўпайиб, ушбу даврда – 195,6 фоизга ўсган.

Асосий воситаларга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилганимизда инвестицияларнинг катта қисми чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳамда корхона ва аҳоли томонидан молиялаштирилганини аниқлаш мумкин. 2021 йилда инвестицияларнинг 42,3 фоизи чет эл инвестициялари ва кредитларига, 38,0 фоизи корхона ва аҳоли инвестицияларига тўғри келади. Инвестицияларнинг қолган қисми давлат бюджети ва мақсадли жамғармалар томонидан молиялаштирилади.

Инвестицияларнинг қай иқтисодий тармоқларга киритилгани ҳам муҳим. Асосий воситаларга киритилган инвестицияларнинг катта қисми ишлаб чиқариш саноати (2021 йилда – 21,9 фоиз), тоғ-кон саноати (2021 йилда – 9,0 фоизи), қурилиш (2021 йилда – 7,6 фоиз) киритилган. Албатта саноат тармоқларини ривожлантириш, модернизациялаш мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим омил бўлади.

Асосий капиталга инвестицияларнинг таркибида 62,0 % ёки 140,5 трлн. сўм инвестициялар жалб етилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 38,0 % ёки 86,1 трлн. сўм молиялаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2023 йилнинг январ сентябр ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида машина, ускуна ва инвентарларга 100,6 трлн. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, жами инвестицияларнинг 44,4 % ини ташкил этди, қурилиш-монтаж ишлари бўйича 105,8 трлн. сўм (жами инвестициялардаги улуши 46,7 %) ва бошқа харажатларга 20,2 трлн. сўм (8,9 %) ўзлаштирилди.

2-жадвал

Асосий капиталга инвестицияларнинг асосий фондлар турлари бўйича таркиби

(млрд.сўм)

Асосий фондлар	2019	2020	2021	2022
Жами	**195927,3**	**210195,1**	**239552,6**	**266240,0**
Турар-жой бинолари	20621,9	23200,8	29851,0	30184,2
Нотурар-жой бинолари	33408,1	38172,7	50894,5	58225,1
Бошқа иншоотлар	23148,7	27039,0	30290,6	43393,4
Ерни яхшилаш	127,3	285,9	277,1	257,1
Машина ва ускуналар, жами	107305,8	110493,8	113863,9	115040,0
Транспорт ускуналари	16588,2	12415,2	14574,5	10718,7
Ахборот, компьютер ва телекоммуникатция (АКТ) ускуналари	3194,8	7347,0	5325,6	5199,7
Бошқа машина ва ускуналар	87522,7	90731,6	93963,8	99164,6
Бир неча марта маҳсулот берувчи, хайвонлар ресурслари	2418,9	2843,0	3656,8	3847,8
Бир неча марта маҳсулот берувчи дарахтлар, қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатлар ресурслари	372,0	880,7	838,6	783,8
Ноишлаб чиқариш активларга мулк ҳуқуқини бериш билан боғлиқ харажатлар	198,1	225,0	138,2	365,8
Комютер дастурий таъминоти ва маълумотлар базалари	28,7	25,2	98,6	154,9
Кўнгилочар, адабий ва бадиий асарларнинг асл нусхалари	3,7	1,6	0,8	26,0
Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар	5,9	86,5	30,8	210,7
Фойдали қазилмалар заҳираларини разведка қилиш ва баҳолаш	763,7	26,7	96,4	203,6
Бошқа интеллектуал мулк маҳсулотлари	330,1	229,0	292,3	1169,0

Инвестицияларни жойлаштиришда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, товарлар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи соҳаларга йўналтириш, экспорт рағбатлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилиш лозим бўлади. Инвестицияларни тезроқ ишга тушириш, инвестицион лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириш, инвестициянинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments
https://stat.uz/images/uploads/reliz-2023/investitsiya-uzb_asoskapital_20_10_2023.pdf

Scientific supervisor:
Abishov Muhammed Sarsebaevich
Candidate of Economics, Associate Professor
Teacher of Karakalpak State University

Aziza Kadirbaeva Azat qizi
Student of Karakalpak State University
+99888 505 10 16
qadirbaevaaziza@gmail.com

ACCOUNTING, ANALYTICS AND AUDITING: MODELING THE DIGITAL FACE OF THE PRESENT AND FUTURE

Abstract. *This article aims to examine the impact of digital technologies on accounting, analytics and auditing in the evolving context and how these disciplines are shaping today and the future. Accountants, analysts, and auditors are also said to embrace and embrace the benefits of using artificial intelligence (AI) and machine learning (ML) to improve productivity and prevent potential errors.*

Keywords: *Digital accounting, digital audit, analytics, artificial intelligence, machine learning, digital accounting software such as QuickBooks, Xero and SAP.*

In today's rapidly evolving digital landscape, accounting, analytics, and auditing have undergone significant transformations. The advent of technology and the digitization of financial information have revolutionized these fields, enabling professionals to analyze and interpret vast amounts of data in real-time. This essay aims to explore the impact of digitalization on accounting, analytics, and auditing, and how it is shaping the present and future of these disciplines. By examining the benefits, challenges, and potential risks associated with this digital transformation, we can gain insights into the opportunities and strategies needed to adapt successfully.

The digital transformation has brought about a paradigm shift in accounting practices. Traditional manual processes have been replaced by automated systems, enabling accountants to streamline their work and improve accuracy. Digital accounting software such as QuickBooks, Xero, and SAP have become indispensable tools for businesses of all sizes, allowing for efficient bookkeeping, financial reporting, and analysis.

Digital accounting offers numerous benefits, including increased efficiency, reduced errors, improved data accuracy, and enhanced decision-making capabilities. Automation enables accountants to focus on value-added tasks rather than mundane data entry, resulting in higher productivity. Real-time financial reporting allows for better visibility into a company's financial health, enabling timely decision-making.

Although digital accounting brings significant advantages, it also presents challenges that must be addressed. The reliance on technology raises concerns about data security and privacy. Cybersecurity threats pose a risk to financial information, requiring robust measures to protect sensitive data. Additionally, the adoption of new technologies may require retraining or upskilling of accounting professionals to ensure they can effectively utilize these tools.

Analytics has become an integral part of the accounting profession, enabling professionals to analyze vast amounts of financial data and extract valuable insights. By leveraging advanced analytics techniques, accountants can identify trends, patterns, and anomalies in financial data, providing a deeper understanding of a company's financial performance.

Accounting analytics offers several benefits, including improved financial forecasting, risk assessment, and fraud detection. By analyzing historical data, accountants can make accurate

predictions about future financial performance, enabling better planning and budgeting. Advanced analytics tools can also identify potential risks and anomalies in financial data, helping to prevent fraudulent activities.

The adoption of accounting analytics faces challenges such as data quality and integration. Accountants must ensure that the data used for analysis is accurate, complete, and reliable. Integrating data from various sources can be complex, requiring proper data management and governance. Additionally, the interpretation of analytics results requires a deep understanding of accounting principles and business context to derive meaningful insights.



The AI in accounting market is expected to grow from USD 1.17 billion in 2023 to USD 4.96 billion by 2028, at a CAGR of 33.50% during the forecast period (2023-2028). artificial intelligence (AI) is increasingly being used. Accounting professionals can now focus on more strategic responsibilities by automating repetitive processes such as data entry, accounting and financial reporting using AI algorithms.

The digital age has transformed auditing processes, enabling auditors to leverage technology to enhance efficiency and effectiveness. Auditing software and tools automate various audit procedures, allowing auditors to analyze large volumes of data quickly. This digitalization has resulted in more robust and comprehensive audits.

Digital auditing offers numerous benefits, including increased audit coverage, improved accuracy, and enhanced risk assessment. Auditors can analyze larger datasets in less time, improving the overall audit quality. The use of advanced analytics techniques enables auditors to identify potential risks and anomalies more effectively, improving the detection of fraudulent activities.

Digital auditing presents challenges such as data integrity, audit trail, and professional skepticism. Ensuring the integrity of digital data is crucial to maintain the reliability of audit findings. Additionally, the use of technology may complicate the creation of an audit trail, making it difficult to trace the audit process. Finally, auditors must maintain professional skepticism and critically evaluate digital evidence to avoid overreliance on technology.

The future of accounting, analytics, and auditing lies in the integration of artificial intelligence (AI) and machine learning (ML). AI-powered systems can automate routine accounting tasks, such as data entry and reconciliation, freeing up accountants to focus on more complex analysis. ML algorithms can analyze large datasets and identify patterns that humans may overlook, improving the accuracy and efficiency of financial analysis and auditing.

USE CASES OF AI IN ACCOUNTING
Chatbots power by AI
Detect Frouds
Date Automation
Algorithmic Trading
Forecasting
Financial consulting
Decision Making
Auditing

As digitalization continues to reshape accounting, analytics, and auditing, data governance and ethics become paramount. Organizations must establish robust data governance frameworks to ensure data integrity, security, and privacy. Additionally, ethical considerations surrounding data usage, transparency, and bias must be addressed to maintain public trust in financial reporting and auditing processes.

The digital transformation does not render accountants obsolete; instead, it redefines their role. Accountants must adapt to become strategic advisors who can leverage technology and analytics to provide valuable insights and support decision-making. Developing skills in data analysis, data visualization, and business intelligence will be crucial for accountants to thrive in the digital age.

In conclusion, the digital transformation has revolutionized accounting, analytics, and auditing, enabling professionals to harness the power of technology to improve efficiency, accuracy, and decision-making. However, this transformation also presents challenges such as data security, integration, and ethical considerations. By embracing digitalization, integrating AI and ML technologies, and prioritizing data governance and ethics, accounting professionals can model a future that maximizes the benefits of digitalization while mitigating potential risks. As the digital image of the present continues to evolve, accountants, analysts, and auditors must adapt and embrace these changes to remain at the forefront of their professions.

Resource:

1.ACCA (2020), Big data, available: https://www.accaglobal.com/my/en/student/exam-support-resources / professional exams-studyresources/p5/technical-articles/big-data.html [accessed 18th January 2020.

2. Appelbaum, D., A. Kogan, and M. A. Vasarhelyi. 2017. Big data and analytics in the modern audit engagement: Research needs. Auditing: A Journal of Practice & Theory, 36 (4): 1-27. https://doi.org/10.2308/ajpt-51684

3. Behn, B., Ezzell, W.F., Murphy, L.A., Rayburn, J.D., Stith, M.T., & Strawser, J.R. (2012). Pathways to a Profession: Charting a National Strategy for the Next Generation of Accountants. Commission on Accounting Higher Education. Issues in Accounting Education, 27(3), 595-600 pages

4. Bose, S., Dey, S. K., & Bhattacharjee, S. (2022). Big Data, Data Analytics and Artificial Intelligence in Accounting: An Overview. Handbook of Big Data Methods, Forthcoming.

5. Dewu and Yasser Barghathi (2019), Accounting and Management Information Systems Vol. 18, No. 3, pp. 417-442, 2019

Тураев А.А.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси, Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис
институти катта ўқитувчиси, alijon.turayev@mail.ru

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: *Мақолада солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни тартибга солишда солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш, масафовий солиқ назорати шакллари ва солиқ текшируви турларидан фойдаланиш ўрганилган. Тадқиқот солиққа муносабатларини ўзгарувчан солиқ шароитига мослашиш зарурлигини ифодалаб, мавзу сўннгида хулоса шакллантирилган.*

Калит сўзлар: *солиқ, даромад, солиқ юки, хўжалик юритувчи субъект, солиққа тортиш, рақамлаштириш, назорат, текшириш.*

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишни солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва солиқ муносабатлари иштирокчиларининг фаолиятини Солиқ кодекси нормалари асосида тартибга солиш иқтисодий аҳамиятга эга.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини ошириш йўллари қуйидаги йўналишлар деб ҳисоблаймиз:

- солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш;

-масафовий солиқ назорати шакллари ва солиқ текшируви турларидан фойдаланиш;

-солиқ маслаҳати институтини ривошлантириш ва ундан фойдаланиш.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларидан бири бу замонавий ахборот технологияларини қўллаш асосида рақамлаштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 сонли Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтишнинг стратегиясини белгилаб берди.[9] “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси бевосита солиқ назоратини рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда иқтисодиётини рақамлаштиришни ривожлантириш шароитида қонун бузилиши, солиқ солинадиган базани пасайтириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш учун солиқ тизимини такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришга транформация қилиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Ф.И.Исаев [2] “Рақамли иқтисодиётни солиқ тизимига жорий этганда:

– йирик корхоналар томонидан қўлланилган солиқларни тўлашдан бош тортиш тизимларнинг кенг доирасига ойдинлик киритади, бу адолатли солиққа тортиш зарурлиги тўғрисида жамоатчилик ўртасида қизғин мунозараларни келтириб чиқаради;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий, статистик ва солиқ ҳисоботларини тезда таҳлил қилиш имконини беради;

– таҳлика-таҳлил ишларини йўлга қўйганда, керакли ҳисоботлар асосида тезда маълумотларни қайта ишлаб, хулоса олишни соддалаштиради;

[9] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 сонли Фармони.

– ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолияти бўйича объектив баҳо берилишини таъминлайди;

– ҳозирги вақтда фойдаланувчи маълумотлари муҳокама марказида бўлса-да, иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши яқин келажакда маълумотларнинг кенг спектрларини ақлли маълумотларга айлантиришга ёрдам беради”.

Солиқ назоратига А.С.Адвокатова [3] қуйидагича таъриф берган: “Солиқ назорати, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг ажралмас қисми сифатида, жамиятнинг барча жабҳаларида давлат олдида турган муаммоларни ҳал этишни таъминлайдиган, давлатнинг молиявий ресурсларини энг самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш учун йўналишлар ва йўлларни таъминлайдиган давлатнинг молиявий сиёсатини амалга ошириш.”.

Рақамлаштириш шароитида Т.А.Ефремованинг[4] фикрига кўра, самарали солиқ назоратини ташкил этишнинг биринчи навбатдаги шарти эса солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларининг электрон тарзда тақдим этишнинг замонавий илғор ахборот технологик тизимга асосланган солиқ назорати ҳисобланади.

Наталья Игушнинг[5] фикрича: “Солиқ мониторинги солиқ назоратининг бир тури бўлиб, унда солиқ инспекцияси томонидан мунтазам текширишлар инспекторларга ахборот тизимлари ва ҳисоботлардан масофадан фойдаланишни таъминлаш орқали онлайн ўзаро ҳамкорликда алмаштирилади. Бошқача айтганда, текшириш ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини ва реал вақт режимида бюджетга тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади».

Солиқ маъмуриятчилиги соҳасида рақамлаштиришнинг ривожланиши солиқ назорати самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади ва корхонада тўғридан-тўғри солиқ текширувларини ўтказишдан чегараланиш, солиқ тўловчиларга барча солиқларни ихтиёрий равишда тўланиши лозим бўлган солиқлар, шунингдек, уларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлаштириш, тўлаш учун имтиёзлар яратишга ўтиш имконини беради.

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришнинг жорий этилишини ижобий томонлари қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

солиққа тортишнинг баъзаси кенгаяди;

шаффофлик ва ишончни оширади;

рақамли технологиялар солиқларни тўлаш учун сарфланадиган вақтни камайтиради;

солиқ маъмуриятчилигини самарадорлигини оширади;

солиқ назоратининг натижавийлиги ошади.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган яна бир йўналиши солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар кўрсатиш тизимини жорий этилиши ҳисобланади. Ушбу ахборот коммуникация тизимининг ишга туширилиши натижасида солиқ тўловчила солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ органлари билан интернет тизими алоқаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Натижада, солиқ маъмуриятчилиги осонлашиши билан бирга унинг самарадорлиги ошиши ва назорат харажатлари ҳам камаяди.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларидан бири бу замонавий ахборот технологияларини қўллаш асосида солиқ назоратининг замонавий шаклларини қўллашдир.

Жаҳон амалиётида маълумки, мамлакатларда солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ҳамда солиқ тўловчилар томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик оқибатида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш солиқ текширувларининг пировард натижаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет-солиқ қонунчилиги молиявий ва солиқ назорати натижадорлигини оширишга имкон беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ” ПФ–

158-сон Фармонида[10] масафодан туриб молиявий назоратни ўтказиш вазифаси қўйилди. Мамлакатимизда молиявий назоратни ислоҳ этиш ва рақамли иқтисодиёт талабларга мослаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарорига[11] асосан амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги солиқ назорати бўйича меъёрий ҳужжатларни таҳлил қиладиган бўлсак, аввало, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 136-моддасида солиқ назоратининг солиқ текширувлари ва солиқ мониторинги шаклида амалга ошириш кўзда тутилган

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини оширишда солиқ назоратининг солиқ мониторинг шакллидан кенг фойдаланишдир.

Солиқ мониторингининг асосий мақсади солиқ органлари томонидан назорат қилинадиган солиқ, валюта ва бошқа қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хавфли операцияларига ўз вақтида чора кўриш ва уларнинг олдини олиш орқали солиқ органлари ва йирик солиқ тўловчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини яратишдан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини ошириш йўлларидан бири бўлиб камерал солиқ текшируви ҳисобланади. камерал солиқ текширувининг хусусияти шундан иборатки, солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ ва йиғимлар масафодан туриб янги технологияларни қўллаган ҳолда ўтказилади.

2020-2022 йилларда камерал солиқ текшируви натижалари бўйича амалиётдан олинган маълумотларни келтириб ўтамиз. 2020 йилда 41105 та корхонада 45328 та камерал солиқ текширувлари ўтказилиб, натижада 9 694 млн. сўм қўшимча солиқ ҳисобланаган ва шундан 5 637,5 млн.сўм маблағ ўндирилган. 2022 йилда 28864 та корхонада 38963 та текшириш ўтказилган. Текшириш натижасида 8 784,4 млн. сўм қўшимча солиқ ҳисобланаган ва 4 674,3 млн. сўм ўндирилган. 2022 йилда йирик солиқ тўловчиларда 344 та камерал текширувлари ўтказилиб, 3291,5 млрд.сўм миқдорида қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 1 776,2 млрд. сўми ўндирилган[12].

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини оширишда солиқ маслаҳити институтидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ маслаҳатчилари молиявий масалалар, шу жумладан солиққа тортиш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатувчи, солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муносабати билан хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат билан молиявий ва солиқ муносабатларини бошқариш муаммоларини ҳал қилади.

Солиқ маслаҳати фаолиятини тартибга солиш борасида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 4 августда қабул қилинган **“Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги** ЎРҚ-787-сон қонунида солиқ маслаҳатига оид фаолият — солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатишга доир фаолияти деб эътироф этилган[13]. Ушбу қонунда мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш

---

[10] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ” ПФ–158-сон Фармони.

In particular, creating the most favorable investment environment for foreign investors making direct investments in the development of high-tech production. promoting the attraction of foreign investments for the implementation of projects on the modernization of production, technical and technological updating, as well as the elimination of various bureaucratic pitfalls and obstacles in working with foreign investors, state and control over the activities of enterprises with participation of foreign investments to prevent illegal interference by the authorities, due to the creation of an effective legal framework in our country, more than 4.2 thousand enterprises with the participation of foreign investments have been established and are successfully operating in the leading sectors of the economy,

In short, mutually beneficial cooperation with foreign partners is yielding good results. After all, all conditions have been created to strengthen the confidence of foreign investors in Uzbekistan. The state investment policy of our country is aimed at a long-term perspective and is aimed at creating all the necessary conditions for the effective work of investors.

Because the investments stimulate structural changes in the economy, technical and technological updates, renovation of enterprises, and create an opportunity to increase the country's export and import potential.

In this regard, the State of Uzbekistan is conducting its structural investment policy. Structural investment policy consists of investment policies of regions, industries and enterprises, and they are interrelated. Regional investment policy is a set of measures carried out in the region that allows for effective use of investment, taking into account the interests of the population, the region and investors. The network investment policy is to support the development of industries, export of industrial products, import substitution production, scientific and technical development through investment. In the structural investment policy of

the state, the organization and development of new industries, the achievement of the high level of demand for consumer goods and workplaces of the population in a short period of time are following the following tasks:

- Gradual elimination of obsolete products;
- Support of local producers;
- Creation of production structures that have the ability to pay and meet the demand;
- Ensuring the highest possible use of production resources and scientific and technical potential;
- Ensuring and strengthening the ecological and economic security of the country;
- Coordination of the development of efficient, competitive productions, market infrastructure, service sector and intellectual activities;
- Development of priority sectors of the economy and establishment of new sectors;
- Increasing employment and economic activity of the population;
- Complete formation of the social infrastructure of the regions.

Important strategies have been developed in the implementation of the structural investment policy, the essence of which is to support the development of small economic entities. It is important to attract foreign investments in the implementation of these works. Political stability in our country, very comfortable investment environment are the basis for foreign investors to create long-term investment projects. In addition, conditions such as providing guarantees for attracted foreign investments and loans, tax and customs benefits, subsidizing loan and interest rates are being created, and dozens of legal documents are in force.

The conclusion is that in the implementation of the state structural investment policy in the localities and villages, it is necessary to establish small enterprises on the basis of state benefits, improving gas, water, electricity, and communication networks. Because this is the only way to attract foreign investments to rural enterprises.

References:

1. Law of the Republic of Uzbekistan "On Investments and Investment Activities". Law of the Republic of Uzbekistan, от 25.12.2019 г. № LRU-598
2. PF-4947 of the President of the Republic of Uzbekistan on February 7, 2017 Decree No. T.: 7.02.2017
3. Abdullaeva Sevarakhon KHasanovna / Issues of Ensuring Economic Stability in the Textile Industries. // JournalNX - 2020. VOLUME 6, ISSUE 12 Doi

A.A.Turayev
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti katta o‘qituvchisi
A.O.Baxromov
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi

IQTISODIYOTNI RIVOJLANISHIDA MOLIYAVIY VOSITACHILARNI O’RNI VA AHAMIYATI

Annotatsiya: *Bugunga kelib moliyaviy vositachilarga talab ortmoqda. Buning sababi esa, ular iqtisodiyotning ma’lum bir mexanizmlarini harakatlantirishdi. Hozirga kelib esa bu mexanizmlar, bu vositalarsiz ishlashining iloji yo’q. Bu maqola, moliyaviy vositachilarning iqtisodiy rivojlanishdagi ahamiyatini ko’rsatib beradi.*

Kalit so’zlar: *Moliyaviy vositachi, broker, diller, kapital, bank, sug’urta, risk, ikvidlik, axborot, xarajat, nazorat, bozor, narx, iqtisodiyot.*

Mamlakatimiz rahbariyati tomonidan respublika bank tizimining izchil rivojlanishiga katta e’tibor qaratilayotganligi va banklarning kapitallashuv darajasini yanada oshirish va ularning resurs bazasini mustahkamlash borasida tizimli chora-tadbirlar amalga oshirilayotganligi investorlarning fond birjasidagi banklar aksiyalariga bo‘lgan qiziqishlarining tobora ortib borishiga sabab bo‘lmoqda. Banklar aksiyalariga bo‘lgan qiziqishning ortib borishi ularning ishonchliligi, barqarorligi, daromadlar miqdorining doimiy oshib borishi va aksiyadorlar uchun axborotlar oshkor qilish qonunchilik normalarining faol tadbiq etilayotganligi kabi omillar bilan uzviy bog‘liqdir.

Shuni aytib o’tish kerakki, hozirda iqtisodiyotda bir necha tarmoqlar mavjud bo’lib, iqtisodiyotning rivojlanishi uchun ular zaruriy vazifalarni bajaradi. Ulardan biri, moliyaviy vositachilar hisoblanib, ular ham hozirda iqtisodiyotdagi o’rni yuqoridir. Birinchi navbat shuni aytish kerakki, bu moliyaviy vositachilar kimlar va ular qanday vazifalarni bajaradi. Shu o’rinda, brokerlar va dillerlar ma’no jihatdan bir-biriga o’xshasada, ammo ularning vazifasi bir-biridan uzoqroq. Brokerlar va dillerlar moliyaviy bozorlarning asosiy ishtirokchilari bo’lib, ular qimmatli qog’ozlar, obligatsiyalar, tovarlar va valyutalar kabi moliyaviy aktivlarni sotib olish va sotishni osonlashtirishda alohida rol o’ynaydi.

Asosiy ishi moliyaviy xizmatlar taqdim etish va moliyaviy mahsulotlar savdosidan iborat bo‘lgan firmalar moliyaviy vositachilar deb ataladi.

Ularning tarkibi, asosan, banklar, brokerlar, dillerlar, investitsion va sug‘urta kompaniyalaridan iborat. Moliyaviy vositachilarning moliyaviy xizmatlari qatoriga hisobraqamlarni ochish, tijorat qarzlari va ipoteka kreditlarini berish, sug‘urta shartnomalarining keng doirasida ishtirok etishga yo‘l ochish kiradi.

Hozirgi kunda banklar eng yirik (aktivlari nuqtai nazaridan) va qadimiy moliyaviy vositachilar hisoblanadi.

Brokerlar moliyaviy bozorlarda xaridorlar va sotuvchilarni bog’lashga yordam beradigan vositachilardir. Ular moliyaviy aktivlarni sotib olish yoki sotish bo’yicha buyurtmalarni bajarish uchun o’z mijozlari, xoh individual investorlar, xoh muassasalar yoki korxonalar nomidan harakat qiladilar. Brokerlar haqida ba’zi muhim fikrlarni o’z ichiga oladi:

1. Mijoz vakilligi: brokerlar birinchi navbatda o’z mijozlari manfaatlarini ifodalaydi. Ular o’z mijozlari nomidan savdolarning eng yaxshi bajarilishiga erishish uchun ishlaydi. Bu shuni anglatadiki, ular aktivlarni sotib olish yoki sotishda o’z mijozlari uchun eng yaxshi narxlar va shartlarni izlaydilar.

2. Egalik yo’q: brokerlar sotib olinadigan yoki sotilayotgan aktivlarga egalik qilmaydi. Ular faqat xaridorlarni sotuvchilar bilan moslashtirish va xizmatlari uchun haq yoki komissiya olish orqali savdoni osonlashtiradi.

3. Maqsadli maslahat: brokerlar o’z mijozlariga o’z sarmoyalari bo’yicha ongli qarorlar qabul qilishda yordam berib, maslahat va bozor tahlilini taklif qilishlari mumkin. Biroq, mijozlar odatda savdoni amalga oshirish to’g’risida yakuniy qaror qabul qiladilar.

4. Misollar: birja brokerlari, ko’chmas mulk brokerlari va sug’urta brokerlari turli moliyaviy bozorlarda keng tarqalgan broker turlari hisoblanadi.

Moliyaviy vositachilar shunday firmalarki, ularning asosiy vazifasi moliya bozoridagi mijozlarni shaxsan ular ishtirokidagi operatsiyalaridan ko‘ra yuqoriroq samara beradigan moliyaviy mahsulot va xizmatlar bilan ta’minlashdan iborat. Eng umumiy ko‘rinishda ularning tarkibini quyidagicha tasavvur etish mumkin (1-rasm):

Moliyaviy vositachilarning asosiylari sifatida banklar, investitsiya va sug‘urta kompaniyalarini ko‘rsatish mumkin. Ularning moliyaviy mahsulotlariga, boshqalar qatorida, chek hisobvaraqlari, kreditlar, ipotekalar, o‘zaro fondlarning qimmatli qog‘ozlari va keng ko‘lamli sug‘urta shartnomalari kiradi. Moliyaviy vositachiga eng oddiy misol sifatida o‘zaro fondni olishimiz mumkin. U ko‘pchilik mayda investorlarning moliyaviy resurslarini birlashtiradi va yig‘ilgan mablag‘larni qimmatli qog‘ozlarga qo‘yadi (joylashtiradi). Bunday fondlar o‘z operatsiyalari masshtabining kengligi tufayli qimmatli qog‘ozlar hisobi va savdosida sezilarli darajada tejamkorlikka erishadi va tabiiyki, mijozlarga mablag‘larni qimmatli

qog‘ozlarga investitsiya qilishning bevosita fond bozoridagi qimmatli qog‘ozlar oldi-sotdisidan ko‘ra samaraliroq usullarini taklif qiladi.



1-rasm. Moliyaviy vositachilarning eng umumiy tarkibi[19]**.**

Olimlarning fikriga ko‘ra, birinchi xususiy bank 1157 yilda Venesiyada gersog Vitalis tomonidan tashkil etilgan. Shundan so‘ng davlat yoki shaharlar tomonidan dastlabki banklar tomonidan tartibga solinadigan banklar14-15 asrlarda Italiyada (Genuya, Venesiya) paydo bo‘la boshlagan. Ana shunday banklardan biri San Jorjo banki bo‘lib, u 1407 yilda Genuyada tashkil etilgan. Moliyachilarning fikricha, hozirgi zamonaviy bank tizimiga yaqin bank tizimi 17 asrning boshlarida Angliyada shakllangan. Angliya Banki rasman 1694 yilda ro‘yxatdan o‘tib, o‘zining faoliyatini foizli kredit berish bilan boshlagan.

Dillerlar esa to’g’ridan - to’g’ri moliyaviy aktivlarni sotib oladigan va sotadigan bozor ishtirokchilaridir. Ular tranzaktsiyalarda printsipial rol o’ynaydi, ya’ni ular aktivlarga egalik qiladi va keyin sotib olish va sotish narxlari o’rtasidagi farqdan foyda olishga intiladi. Dillerlar haqida asosiy fikrlar:

1. Aktivga egalik qilish: dillerlar o’z hisoblari uchun aktivlarni sotib oladilar va bu aktivlarning inventarizatsiyasini olib boradilar. Ular sotuvchilardan (pastroq narxda) sotib olishga va xaridorlarga sotishga (yuqori narxda) tayyor bo’lib, bozorda likvidlikni yaratadilar.

2. Bozor yaratish: dillerlar ko’pincha bozor ishlab chiqarish bilan shug’ullanadilar, bu esa muayyan aktivlar uchun doimiy ravishda sotib olish va sotish narxlarini ko’rsatishni o’z ichiga oladi. Bu jarayon xaridorlar va sotuvchilar uchun tayyor bozorni ta’minlash orqali bozorda likvidlikni saqlashga yordam beradi.

3. Riskga duchor bo’lish: dillerlar aktivlar inventarizatsiyasini o’tkazish xavfini o’z zimmalariga oladilar. Ushbu aktivlarning bozor qiymatidagi o’zgarishlar diller uchun daromad yoki zararga olib kelishi mumkin.

[19] Moliyaviy vositachilar eng umumiy tarkibiy qismlariga kiruvchi ayrim sub’ektlarning, ba’zi bir sabablarga ko‘ra, mamlakatimiz amaliyotida mavjud emasligi ularning shunday tarkibiy qismlardan iborat ekanligiga rahna sola olmaydi.

4. Misollar: Fond birjalaridagi market-meykerlar, valyuta dillerlari va obligatsiya treyderlari turli moliya bozorlarida keng tarqalgan dillerlar turlari hisoblanadi.

Ayrim mamlakatlarda banklar deyarli har qanday moliyaviy funksiyalarni bajaruvchi moliyaviy vositachilar hisoblanadi. Ular mijozlarga faqat pullarni o‘tkazish va qarz berish bo‘yicha turli operatsiyalarni bajarishga oid xizmatlarni taklif etibgina qolmay, balki o‘zaro fondlar va sug‘urta kompaniyalari funksiyalarini ham bajaradilar. Masalan, Germaniyada *universal banklar* deb nomlanuvchi banklar ko‘proq ixtisoslashgan moliyaviy vositachilarga xos bo‘lgan deyarli barcha moliyaviy funksiyalarni bajaradilar.

Oxirgi vaqtlarda, har xil turdagi moliyaviy institutlar o‘rtasida ular qaysi moliyaviy xizmat turlarini taklif qilayotganligi asosida chegara tortish borgan sari qiyinchilik tug‘dirmoqda. Masalan, Deutsche Bank garchi klassifikatsiya[20] bo‘yicha universal bank hisoblansa-da, uning funksiyalari, odatda qimmatli qog‘ozlar bilan broker-dilerlik operatsiyalariga ixtisoslashgan banklar sirasiga kiruvchi Merrill Lynch Bank funksiya-laridan ozginaga farq qiladi, xolos.

Moliyaviy vositachilar, shu jumladan broker va dillerlar kapitalni samarali taqsimlash va moliya bozorlarining ishlashini ta’minlash orqali iqtisodiy taraqqiyotda muhim rol o’ynaydi. Ularning hissalarini quyidagicha tushunish mumkin:

1. Bozorga kirish: Brokerlar jismoniy shaxslar, muassasalar va korxonalarga moliyaviy bozorlarga kirishni ta’minlaydi, bu ularga turli aktivlarga sarmoya kiritish imkonini beradi. Bu kirish o’z boyligini oshirishga intilayotgan shaxslar va kengaytirish uchun sarmoya izlayotgan bizneslar uchun juda muhimdir.

2. Likvidlik va samaradorlik: Brokerlar xaridorlarni sotuvchilar bilan moslashtirish orqali bozor likvidligini oshiradilar. Bu jarayon aktivlarni nisbatan tez sotib olish yoki sotishni ta’minlaydi, bozor samaradorligini oshiradi.

3. Xavflarni boshqarish: Brokerlar mijozlarga portfellarini diversifikatsiya qilishda yordam berish orqali risklarni boshqarish xizmatlarini taklif qiladilar. Diversifikatsiya katta yo’qotishlar xavfini kamaytiradi, investitsiyalarni yanada jozibador va kamroq xavfli qiladi.

4. Kapitalni shakllantirish: Brokerlar mablag’larni mablag’ga muhtoj bo’lgan sub’ektlar bilan bog’lash orqali kapital shakllanishiga hissa qo’shadilar. Bu jarayon biznes uchun investitsiyalarni moliyalashtirish, iqtisodiy o’sish va yangi ish o’rinlari yaratish uchun zarur.

5. Axborot tarqatish: Brokerlar ko’pincha mijozlarga bozor tushunchalari va ma’lumotlarini taqdim etadilar. Bu investorlarga ongli qarorlar qabul qilishga yordam beradi va bozor shaffofligini oshiradi. Dillerlik faoliyatida quyidagilarga e’tibor qaratish lozimligi muhim deb xisoblaymiz:

1. Bozor likvidligi: Dillerlar doimiy ravishda sotib olish va sotish kotirovkalarini taqdim etish orqali bozorda faol ishtirok etadilar. Ularning bozor-meykerlik faoliyati aktivlarning oson sotilishini ta’minlaydi va bozor likvidligini oshiradi.

2. Narxni aniqlash: Dillerlar doimiy ravishda taklif va so’rov narxlarini kotirovka qilish orqali bozor narxlarini aniqlashga yordam beradi. Samarali narx belgilash moliya bozorlarining yaxshi ishlashi uchun juda muhimdir.

3. Xavfni o’zlashtirish: Dillerlar moliyaviy aktivlarni inventarizatsiya qilish bilan bog’liq tavakkalchilikni o’z zimmalariga oladilar. Shunday qilib, ular bozor o’zgaruvchanligiga qarshi buferni ta’minlaydi, hatto notinch vaqtlarda ham tayyor xaridorlar va sotuvchilar mavjudligini ta’minlaydi.

4. Mablag’lash manbalari: Dillerlar bozor ishtirokchilari uchun mablag’ manbai bo’lib xizmat qiladi. Misol uchun, korxonalar obligatsiyalarni dillerlarga sotishi mumkin, ular keyinchalik bu obligatsiyalarni investorlarga sotadilar. Bu jarayon korxonalarga turli loyihalar va investitsiyalar uchun kapital olishga yordam beradi.

[20] «Классификация» лотинча «классис» - даража, разряд + “факере” – қилмоқ. Тасниф – танлаб олиш; турларга ажратиш. Нарса ва ҳодисаларни уларнинг ўзига хос белги, хусусиятларига қараб, тур, туркум ва ш.к.га ажратиш. Қаранг: ўша манба. J.II. – Б.382. Ўша манба. J. IV–Б.11.

5. Arbitraj va samaradorlik: Dillerlar arbitrajda rol o’ynaydi, bu tegishli aktivlar yoki bozorlar o’rtasidagi narx farqlaridan foyda olishni o’z ichiga oladi. Ushbu faoliyat narxlar muvozanatini bartaraf etish orqali bozor samaradorligini ta’minlashga yordam beradi.

Xulosa qilib aytganda, brokerlar ham, dillerlar ham moliyaviy bozorlarni yanada samaraliroq va qulayroq qilish orqali iqtisodiy rivojlanishga katta hissa qo’shadilar. Ular sarmoya kiritish uchun mablag’ga ega bo’lganlar va kapitalga muhtoj bo’lganlar o’rtasida muhim aloqani ta’minlaydi. Bu jarayon jamg’armalarni rag’batlantiradi, investitsiyalarni rag’batlantiradi va biznes va umuman iqtisodiyotning o’sishini qo’llab-quvvatlaydi. Bundan tashqari, ularning faoliyati likvidlikni saqlash, bozorlarni barqarorlashtirish va moliyaviy aktivlarni adolatli baholashga yordam beradi, bularning barchasi iqtisodiy rivojlanish uchun zarurdir.

Bundan ko‘rinadiki, banklar sug‘urta kompaniyalari va investitsiya institutlari bilan bir qatorda moliya bozorining professional, o‘ta zarur, foydali va eng salmoqli qatnashchilaridan hisoblanadi.

Aytilgan operatsiyalar negizida davlat (markaziy) banki va tijorat banklari o‘zaro bog‘liqlikda bank tizimini hosil qilib, markaziy bank boshchiligida moliya bozori orqali iqtisodiyotda kredit-pul (monetar) siyosatini yuritadi. Bu esa moliya bozorining risksizlilik, jalbdorlilik, barqarorlik, moliyaviy havfsizlik darajasini ko‘tarishga, samarali investitsion hajmini va jarayoni sifatini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Malikov T.S., Olimjonov O. Moliya. Darslik. T.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-969 b.
2. Malikov.T.S. Moliya. O‘quv qo‘llanma. T.: Iqtisodiyot-Moliya. 2018. – 268b.

Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки. O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi.

Miyassarov Davron Abdurashid o’g’li
SamISI, “Investitsiya va innovatsiyalar” kafedrasi assistenti
Abduvaliyev Bahodir Raxmatulla og’li
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi

KORXONANING INVESTITSION FAOLIYATI

Annotasiya: *Zamonaviy sharoitda korxonaning samarali faoliyati uchun investitsiyalarni jalb qilish va ulardan samarali foydalanish muammosi avniqsa dolzarbdir. Investitsion jozibadorlik tadbirkorlik sub'ektlarining tadbirkorlik faoliyati, jumladan, ishlab chiqarish, innovatsiya, bozor, marketing va boshqa faoliyatning ajralmas qismi hisoblanadi. Investitsion jozibadorlikni shakllantirish, aniq investitsiya strategiyasini ishlab chiqish, uning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, investitsiyalarning barcha manbalarini safarbar etish bugungi murakkab sharoitda korxonalarning barqaror va sifatli rivojlanishi uchun muhim ahamiyatga ega.*

Kalit so’zlar: *investitsiya, korxona, moliya, monitoring, risk, baholash.*

Korxonalar uchun investitsiya faoliyati, kapitalni oshirish va daromad olish maqsadida mablag'larni jalb qilishni o'z ichiga oladi. Bu mablag'lar, yangi loyihalarni rivojlantirish, korxonalarning iste'mol qiladigan uskunalarni yaxshilash, iste'mol qiladigan texnologiyalarni rivojlantirish, xususiyatlardan foydalanish yoki mavjud bo'lgan biznesni kengaytirish uchun ishlatilishi mumkin.

Investitsiya faoliyati uchun korxonalar bir nechta yo'ldan foydalanishi mumkin:

1. O'z mablag'larini o'zlashtirish: Korxonalarning o'z daromadlarini to'plash yoki qarzlar orqali mablag'larni jalb qilish.

2. Banklardan kredit olish: Korxonalarga banklar orqali kreditlar berish mumkin. Bu kreditlar to'lov shakli, muddati va foiz miqdori bilan bog'liq bo'ladi.

3. Hisse sotib olish: Korxonalarning hissadorlik tizimida hisse sotib olishi va shu orqali mablag'larini oshirish.

4. Ishonchlilarning mablag'larini jalb qilish: Korxonalar xalqaro moliyaviy tizimlarga ishonchlilarning mablag'larini jalb qilish orqali investitsiya jalb qilishlari mumkin.

5. Ijara shartnomalari: Korxona iste'mol qiladigan uskunalarni sotib olish orqali moliyalashtirish shartnomalari orqali investitsiya jalb qilishlari mumkin.

Investitsiya faoliyati korxonalarga uzluksiz rivojlanish, innovatsiyalar o'rnatish, yangi bozorlar ochish va daromad olish imkonini beradi. Investitsiyalar, korxonaning kengayishini va moliyaviy natijalarini oshiradi, ammo moliyaviy risklar bilan ham bog'liq bo'lishi mumkin. Korxonalar investitsiyalarni yaxshi baholash, strategiyalash va moliyaviy risklardan himoya qilish uchun mutaxassislar bilan maslahatlashishadi.

Korxonaning investitsiya faoliyatini boshqarishda bir nechta **asosiy vazifalar** mavjuddir. Quyidagi vazifalar korxonaning investitsiya faoliyatini yaxshi boshqarishda o'z ahamiyatiga ega:

1. Investitsiya strategiyasini tuzish: Korxonaning investitsiya strategiyasini tuzish, mablag'larni qayerga, qanday shaklda va qancha miqdorda investitsiya qilishga yo'naltirish lozim. Bu strategiya korxonaning maqsadlariga va muxim iste'molchilarning talablariga mos kelishi kerak.

2. Investitsiya loyihalarini tanlash: Korxonaning investitsiya loyihalarini belgilash va ulardan qanday daromad olishini, risklarni va moliyaviy natijalarni baholash lozim. Bu loyihalar, yangi mahsulotlar yaratish, xususiyatlardan foydalanish, iste'mol qiladigan uskunalarni yaxshilash yoki korxonaning kengayishini ta'minlash maqsadida bo'lishi mumkin.

3. Moliyaviy baholash va risklarni boshqarish: Investitsiya faoliyati moliyaviy risklar bilan bog'liq bo'lishi mumkin. Korxonalar moliyaviy baholashning qo'llaniladigan usullarini ishlatib, investitsiya loyihalarini va investitsiya ob'ektlarini baholash, risklarni identifikatsiya qilish va ularni boshqarishga qaratilgan strategiyalar bilan bog'liq ma'lumotlarni to'plashadi.

4. Moliyaviy resurslarni jalb qilish: Investitsiya faoliyati uchun zarur mablag'larini jalb qilish uchun korxonalar bank kreditlari, hisse sotib olish, ishonchlilarning mablag'larini jalb qilish va boshqa moliyaviy resurslardan foydalanish mumkin. Boshqaruvchilar moliyaviy resurslarni samarali va maqtovli shaklda olish uchun strategiyalar belgilashadi.

5. Investitsiya jarayonini monitoring qilish: Korxonaning investitsiya faoliyatini kuzatish, moliyaviy natijalarni baholash va investitsiya loyihalarining amalga oshishini monitoring qilish zarur. Buning uchun moliyaviy hisobotlar, hisobotlar va boshqa ma'lumotlar to'plab, investitsiya jarayonini baholash va yaxshilash imkoniyatini beradi.

6. Investitsiya tashkil etish va boshqarishning yasal muammo va talablari: Investitsiya faoliyati davomida korxonalar yuridik talablarga rioya qilishi kerak. Moliyaviy xizmatlar, hisob-kitoblarni to'g'ridan-to'g'ri saqlash, vergi talablari va boshqa yasal muammolar bilan doimiy ravishda muomalada bo'lish kerak.

Investitsiya faoliyatini yaxshi boshqarish, korxonalar uchun moliyaviy muvaffaqiyatni oshirishi va rivojlanishning katta imkonini beradi. Boshqaruvchilar va moliyaviy mutaxassislar investitsiya faoliyatini samarali boshqarish uchun ko'p tomonlama va tahlili qarorlar qabul qilish, strategiyalash va monitoring bilan birga ishlashadi.

Investitsiyalarni boshqarishda bir nechta asosiy tushunchalar va amalga oshirish sohalari mavjud. Quyidagi tushunchalar va amalga oshirish sohalari investitsiyalarni samarali boshqarishda katta ahamiyatga ega:

1. Risk va moliyaviy baholash: Investitsiyalar moliyaviy risklar bilan bog'liq bo'lishi mumkin. Boshqaruvchilar risklarni identifikatsiya qilish, baholash va boshqarishning qo'llaniladigan usullarini tartibga solish lozim. Risklarni tahlil qilish, risk birlashmalari va riskni boshqarish strategiyalarini belgilash investitsiyalar uchun kritik muhimdir.

2. Investitsiya loyihalari va ob'ektlari: Investitsiya loyihalari va ob'ektlari, mablag'larini qayerga, qanday shaklda va qanday miqdorda investitsiya qilish haqida boshqaruvchilar tomonidan qabul qilingan qarorlarga asoslanadi. Bu, yangi mahsulotlar, xususiyatlardan

foydalanish, iste'mol qiladigan uskunalarni yaxshilash, korxonaning rivojlanishini ta'minlash va daromad olish maqsadida amalga oshiriladigan loyihalar bo'lishi mumkin.

3. Moliyaviy resurslarni jalb qilish: Investitsiyalar uchun zarur mablag'larini jalb qilish, moliyaviy resurslarni samarali tartibga solishning katta qismidir. Korxonalar banklardan kredit olish, hisse sotib olish, ishonchlilarning mablag'larini jalb qilish va boshqa moliyaviy resurslar bilan jalb qilishni o'z ichiga oladi. Bu muammolar moliyaviy tahlil, moliyaviy strategiyalash va moliyaviy resurslarni qo'llab-quvvatlashni talab qiladi.

4. Monitoring va baholash: Investitsiya faoliyati jarayonida monitoring va baholash muhim ahamiyatga ega. Bu, investitsiya loyihalarining amalga oshishini kuzatish, moliyaviy natijalarni baholash va investitsiya jarayonini yaxshilashga imkon beradi. Buning uchun moliyaviy hisobotlar, hisobotlar, boshqa ma'lumotlar va muvofiqlashtirish mehanizmlari ishlatiladi.

5. Yuridik va shartnoma tadbirlari: Investitsiyalar yuridik talablarga rioya qilishi kerak. Boshqaruvchilar investitsiya tashkil etish va boshqarishda yuridik muammo va talablarni tushuntib olish, moliyaviy xizmatlar, hisob-kitoblar va vergi talablari bilan muvaffaqiyatli ravishda muomalada bo'lish uchun kerakli tadbirlarni

Firmalarning, ayniqsa yirik sanoat korxonalarining normal faoliyat ko'rsatishi investorlarning mablag'larini faol jalb qilmasdan mumkin emas. Ikkinchisining asosiy maqsadi, albatta, vaqtincha bo'sh kapitalni saqlash va ko'paytirishdir. Shuning uchun investitsiya faoliyatining asosiy sub'ektlari investorlardir. Ular kreditorlar, mijozlar, investorlar, xaridorlar va investitsiya jarayonining boshqa ishtirokchilari bo'lishi mumkin. Investor investitsiyani tanlaydi, investitsiya hajmi va kerakli samaradorligini, investitsiya yo'nalishini belgilaydi, qo'shimchalardan foydalanishni nazorat qiladi va, albatta, harakat qiladi ob'ektning investitsiya faoliyati tufayli mulkdor sifatida yaratilgan. Har qanday investorning o'ziga xos xususiyati kelajakda o'z ehtiyojlarini yaxshiroq qondirish uchun mavjud vositalarni darhol iste'mol qilishdan bosh tortishdir. Investorning asosiy maqsadi investitsiya ob'ektini eng oqilona tanlashdir. Bunday ob'ekt eng qulay rivojlanish istiqbollariga ega bo'lishi kerak, shuningdek, investitsiyalarning yuqori samaradorligiga ega bo'lishi kerak. Investitsiyalar ob'ektini tanlash o'z-o'zidan bo'lmasligi mumkin, chunki undan oldin turli xil alternativalarni sinchkovlik bilan tanlash, baholash va tahlil qilishning juda murakkab jarayoni sodir bo'ladi. Korxonaning investitsion jozibadorligi bu uning faoliyati va istiqbollar nuqtai nazaridan tomonlarning kompleks bahosi. Kompaniyaning investitsion jozibadorligini tahlil qilish va baholashning asosiy maqsadi ma'lum bir ob'ektga investitsiya qilishning maqsadga muvofiqligini aniqlashdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Dijmarescu I. "Rivojlanayotgan strategik boshqaruv guruhini boshqarish", Buxarest, 2001 yil.

2. V. Jek Dunkan. "Menejment", Nyu-York, Toronto, 2000 yil.

3. V. Zakariyo. "Menejment", Iqtisodiyot nashriyoti, Buxarest, 2008 yil V. Zakariyo:

4. "Boshqaruv funksiyalari va ularning jarayonni boshqarishdagi roli" Xalqaro metallurgiya, №o. 5/2008 yil.

Эрназаров Нуриддин Эламонович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти PhD., доцент в.б
+99893 723-22-94
E-mail: n.ernazarov@list.uz

ХУДУДЛАРДА СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ БЎЙИЧА ЭРИШИЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ НАТИЖАДОРЛИК ТАХЛИЛИ

Аннотация: *Ушбу мақолада худудларда солиқ тушумлари бўйича эришиладиган молиявий натижадорлиги тадқиқ этилган ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси илмий жиҳатдан ўрганилиб илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.*

Калит сўзлар: *солиқ имтиёзи, солиқ тўловчи, бюджет, бюджет даромадлари, солиқ механизими, иқтисодий барқарорлик, солиқ тушумлари, солиқ амалиёти, саноатлаштириш.*

Аннотация: *В данной статье изучена финансовая эффективность, достигаемая по налоговым поступлениям в регионах, научно изучен опыт зарубежных стран, сформулированы научные предложения и практические рекомендации.*

Ключевые слова: *налоговый кредит, налогоплательщик, бюджет, доходы бюджета, налоговый механизм, экономическая стабильность, налоговые поступления, налоговая практика, индустриализация.*

Resume: *In this article, the financial effectiveness achieved in terms of tax revenues in the regions has been studied, and the experience of foreign countries has been scientifically studied, and scientific proposals and practical recommendations have been formulated.*

Keywords: *tax credit, tax payer, budget, budget revenue, tax mechanism, economic stability, tax revenue, tax practice, industrialization.*

Худудларда солиқ имтиёзи олувчи солиқ тўловчилар сонининг ортиб бориши билан турли имтиёзлардан фойдаланувчи корхоналар сони ҳам ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида йиллар давомида имтиёзларни такомиллаштириб бориш уларни соддалаштирилиши ва манзиллашганлиги оширилиши солиқларнинг ижтимоий рағбатлантириш вазифасини кучайиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Бу борада давлатимиз рахбарининг фикрларини қайд этиб утиш ўринлидир “.....туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маошиини худуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилаш лозим”[21]

Аҳоли даромадларини солиққа тортиш тизими билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш солиқ тизимини ислоҳ қилишни талаб этмоқда. Бу эса жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ташкил этишга хизмат қилувчи янги хўжалик субъектларини ташкил этишни тақазо этмоқда. Бу борада хорижий тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, ривожланган мамлакатларда солиқ тизими кўпгина умумий хусусиятлари ва белгилари билан ажралиб туради. Уларнинг умумий белгиларига хос ҳолатларни ўрганиш ва ўз амалиётимизда этиборга олиш муҳимдир. Уларда, ривожланган қонунчилик базасининг мавжудлиги, вужудга келадиган мунозаралар, вазифалар ҳамда турли хил масалаларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий воситалари, механизмлари ва усулларини қуллаш имкониятини мавжудлигини эътироф этиш жоиздир. Хусусан:

- солиқ органлари тизимини ташкил этилишнинг юксак даражаси мавжуд, яъни: замонавий техника ва алоқа воситалари билан таъминланган, юқори маош, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа ўрнатилган;
- солиқ идораларининг солиқ тўловчилар олдида ишончга ва обрўга эгалиги;
- вазирликлар ва идоралар вазифаларининг аниқ чегаралаб қўйилганлиги ва улар ичида бир-бирини такрорлаш ҳолатларининг йўқлиги;

[21] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси. 2020 йил 29 декабрь. https://president/uz/uz/lists/view/4057

- ҳукуматнинг вакили бўлган ва унинг номидан иш олиб борадиган солиқ агентининг ваколатларини кенглиги;

- кадрларни таҳлил этиш, ўрганиш ва ишга қабул қилгунча ёки лавозимга тавсия этилгунга қадар белгиланиши, ўқитиш, солиқ тўловчилар билан алоқа ўрнатган молиявий институтларнинг мавжудлиги;

- солиқ идораларининг ахборот алмашиниш соҳасида барча молия органлари ва банк тизимлари билан муносабатларни ва алоқаларни юқори даражада урнатилганлиги;

- солиққа тортиш тизимини ташкил қилиш, ривожлантириш назарияси ва амалиётини ўзаро боғлиқлиги ва қабул қилинадиган қарорларнинг илмий асосланганлиги шулар жумласидандир.

Худуларда юридик шахслардан олинадиган фойдани солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш қафолати сифатида қаралиши[22] борасида муаллифларнинг фикрларини қайд этиш лозим. Хусусан, Хорижий тажриба, агарда Италияда иш берувчи 3 йил давомида ишсиз фуқарони иш жалб этса ва 3 йилдан ортиқ фаолият кўрсатиш учун иш жойида фаолиятини давом этирса унда иш берувчи ҳар бир фуқаро учун 650 евро бюджет билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларда ўзига сақлаб қолади. Бу бандлик масаласида оғир тумани бошқа яхши туманлар билан тенглаштириш муҳим аҳамият касб этади. Яъни ёшларни иш билан таъминлайди. Шуни хисобидан Италия 2015 йилда ЯИМ - 0.4 % ошириш имкониятга эга булган[23].

Энг муҳим ривожланган мамлакатларда солиқ сиёсати одатда инвестицияни жалб қилишга йўналтирилган. Уларда ишлаб чиқаришни янги технологиялар билан таъминлаш ва замонавийлаштириш билан боғлиқ бўлган инвестиция қўйилмалари солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантирилиши кенг йўлга қуйилган.

1-жадвал

Худуднинг молиявий сиёсатини шакллантиришга қуйилган ёндашувлар

Элементлар	Анъанавий	Янги таклифлар
Мақсадлар	Минтақавий тафавудларни камайтириш учун компенсациялар ҳисобига иқтисодий ривожланишни тенглаштириш	Рақобатбардошликни таъминлаш учун туманнинг етарлича фойдаланилмаётган салоҳиятини рағбатлантириш
Стратегилар	Секторал ёндашув	Туманнинг комплекс ривожлантириш лойиҳалар ишлаб чиқиш
Воситалар	Субсидиялар ва давлат ёрдами	Рағбатлантириш усулларини яратиш
Субъектлар	Марказий ҳукумат	Ҳокимиятнинг турли даражаларидаги ваколатларии таъминлаш
Объектлар	Маъмурий	Фунционал минтақаси
Кутилаётган натижа	Ресурсларни етакчи тумандан кўра қолоқ туман фойдасига қайта тақсимлаш	Рақобатбардош минтақа яратиш

Манба:Жахон тажрибасини ўрганиш асосида тузилган.

Худудларда иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш борасида амалиётига жорий этиш лозим бўлган таклиф ва тавсиялар:

[22] Ахроров, З., & Агзамов, А. (2023). Фойдани солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш кафолати сифатида. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, *24*(1), 365–371. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a56

[23] манба/.http://www/Lovoso/gov/it/Progetti Azioni/IncentiviO`ccupuzion/pagestldefault/(дата обращейия 25.07.2014)

Шу асосида хориж тажрибани ўрганиш давомида худуднинг молиявий сиёсатни шакллантириш бўйича ёндашувларини ўзгартириб олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Молиявий муносабатлардаги тафавудларни камайтириш принципи худудлараро рақобатбардошликни кучайтириш томон ўзгариб боришини таъминлайди. (1-жадвалга қаралсин).

-давлат молиявий ресурсларини марказий ва маҳаллий органлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизми ҳокимиятнинг ҳар бир даражаси ихтиёридаги солиқ кўламлари уларнинг бажараётган вазифалари ва автономия тамойиллари мамлакатнинг Конституция тузилиши асосида белгиланишини таъминлаш.

-турли мамлакатларда ҳокимиятнинг табақалашувидан келиб чиқиб солиқ тизимининг ҳам икки ёки уч поғонали бўлишини таъминлашга эришиш.

- худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талабларидан келиб чиқиб, худуд бюджетини ташкил этиша муаммоларни юзага келиб чиқиши сабабли у ислоҳотларга муҳтож десак муболоға булмайди. Худудлар ўртасида кескин тафовутлар мавжуд бўлиб, маҳаллий бюджетни шакллантиришда солиққа тортиш механизмларини тафовут ҳисобига олинган ҳолда хўжаликларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб янгича ёндашувлар асосида такомиллаштириш лозим.

-худудлар бюджет даромадларини мустаҳкамлаш ва унинг вилоят бюджетидаги улушини кўпайтириш мақсадида, федератив давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда туманда бюджет-солиқ механизмлари модификациялари жорий этилиши, дастлабки босқичда тажриба-синов режимида солиқ тушумларидан туман аҳамиятига молик ажратмалар берилиши мақсадга мувофиқ. Буни қуйидаги тарзда амалга ошириш. Бунда:

а)ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ механизмини такомиллаштири, яъни махсус меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида (вақтинча, қисман ёки маълум муддатгача) солиқ бўйича тушумларни туман бюджети даромадларида қолдириш (бириктириш);

б)худудда ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича маҳаллий хўжалик субъектлари ташаббускорлигида инвестицион лойиҳалар асосида ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш мақсадида махсус тўловлар (бонуслар) бўйича тушумлардан туман бюджетига ажратмалар бериш ва ставкаларни белгилаш бўйича туман ҳокимият органларининг ваколат доирасини кенгайтириш. Қайд этилганлар, ўйлаймизки, эндиликда туман бюджетини оптимал шакллантиришда солиқ тушумларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

-жахон солиқ амалиётининг бой ижобий тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг “ижтимоий йўналтирилган” моделини қўллаш мос келади. Бунинг учун солиққа тортишда ижтимоий адолат тамойили устуворлиги, ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари бирламчи аҳамиятга эгалиги асосида солиқ муносабатлари иштирокчилари ўзаро манфаатли фаолиятини таъминлашнинг солиқ органлари фаолияти учун ҳамда жисмоний шахслар фаолияти учун ахамиятли бўлган янги мезонлари ва кўрсаткичларини, улардан фойдаланиш услубиётини ишлаб чиқишга қаратиш.

-худуддаги ҳолатни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш муҳимдир. Концепция худуднинг ўз бюджетини ўзи шакллантиришини таъминлаш назарда тутилиши муҳим. Бу ушбу туманга юқори бюджетдан ажратиладиган субвенциялар ҳажмини камайтириш имконинии беради.

-маҳаллий салоҳият самарадорлигини ошириш ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ва худудларда саноатлаштириш даражасини янада ошириш зарур.

-янги саноат қувватларини ишга тушириш ва мавжудларини модернизациялаш, касаначиликни, савдо тармоқларини, хизматлар соҳасини ва умуман туманнинг бозор инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш ҳисобига туман бюджет даромадлари базасини мустаҳкамлаш, уларнинг

субвенцияларга бўлган эҳтиёжини камайтириш чораларииишлаб чиқишга кўмаклашиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси. 2020 йил 29 декабрь. https://president/uz/uz/lists/view/4057

2. Ахроров, З., & Агзамов, А. (2023). Фойдани солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш кафолати сифатида. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, *24*(1), 365–371.

3. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a56

Манба/.http://www/Lovoso/gov/it/ProgettiAzioni/IncentiviO`ccupuzion/pagestldefault/ (дата обращейия 25.07.2014)

Қаххоров Рафиқ
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси,
тел.: +99898 130-32-30

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ФОЙДА СОЛИҒИ ТАЪСИРИ

Аннотация*. Иқтисодиётни модернизациялашда инвестицияларни жалб этиш ва уларни солиқлар орқали тартибга солиш муҳимдир. Мақола бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига бағишланган бўлиб, унда фойда солиғининг инвестицияларни жалб қилишдаги таъсири кўриб чиқилган. Инвестиция фаолиятини фойда солиғи имтиёзлари орқали рағбатлантириш, фойда солиғи ва инвестиция сиёсатини юқори натижавийлигини таъминлаш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар*: фойда, фойда солиғи, инвестиция, солиқ сиёсати, корхона.*

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш доирасида солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади. Айнан миллий иқтисодиётда инвестицияларни жалб этишда фойда солиғининг хўжалик субъектлари фаолиятига таъсирини мақбуллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир давлат бозор муносабатларининг салбий таъсирларини маълум регуляторлар сифатида солиқ сиёсатидан кенг фойдаланади. Солиқлар бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида иқтисодиётни бошқаришнинг кучли воситаси саналади. Шу жумладан, мамлакат инвестиция салоҳиятини ва инвестиция иқлимини шакллантириш, инвестицияларни тартибга солиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш айнан солиқлар орқали тартибга солинади. Бунда фойда солиғи инвестициялар муҳитига таъсир этувчи асосий омил сифатида майдонга чиқади.

Тижорат асосида фаолият юритувчи корхонанинг асосий мақсади фойда олиш ҳисобланади. Э.Шеффленинг фикрига қўшилган ҳолда, фойда – инвестиция қилинган капитал қайтими [1] ҳисобланади. Демак, фойдага эришиш инвестициялар сам

арадорлиги ва фаолият фойдасидан тўланадиган солиқлар билан бевосита ва билвосита боғлиқ.

Проф. Ш.Тошматов корхоналар фойдасини солиққа тортишда нафақат фискал инструментлар билан, балки хусусий тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятларини ҳам рағбатлантириш орқали таъсир кўрсатиш лозимлигини таъкидлайди [2].

И.Ниязметов фикрича, корхоналарнинг айрим тоифаларига берилган, иқтисодий асосланмаган ва самарасиз солиқ имтиёзлари рўйхати қанчалик қисқартирилса саноат

корхоналарининг солиқ юкини камайтиришга шунчалик имкон яралади [3]. Шу сабабли, индивидуал характерда Солиқ кодексидан ташқари берилган барча солиқ имтиёзларини бекор қилиб, уларнинг ўрнига халқаро амалиётда синалган инновацион солиқ кредитлари, солиқ таътилларини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

З.Ахроров фойда солиғи бўйича имтиёзлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва қўшма корхоналарнинг очилишини, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни, корхоналарнинг асосий фондлар билан қайта қуроллантиришни рағбатлантиради, дея эътироф этади [4].

Инвесторлар максимал фойда олиш мақсадида солиқ қонунчилигини четлаб ўтишга ҳаракат қилишади. Де Вито фирмаларнинг инвестицион харажатларини чегириб ташланиши натижасида келиб чиқадиган таъсирларни юмшатиш бўйича солиқларни тўлаш ҳолатларини кўриб чиққан [5].

Корхоналар фаолиятида фойда солиғи инвестиция оқимлари бошқарилишига, капитал жамғарилишига кенг таъсир этиши билан бир қаторда, давлат бюджетининг ҳам асосий ва барқарор даромад манбаига айланган. Хусусан, L. Dobbins ва M. Jacob ўз илмий ишларида инвестицияларга корпоратив солиқларнинг таъсирини ўрганган ҳолда корпоратив солиқ тушумларининг камайиши миллий иқтисодиётга реал инвестицияларнинг икки баробар ошишига олиб келганлигини келтириб чиқарди [6].

Фойда солиғи бўйича бериладиган имтиёзлар фойда солиғи тўловчилар фаолияти билан боғлиқ қилиб қўйилганлиги муҳим бўлиб, у корхоналарни маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кўпроқ ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Фаолият жараёнида олинган фойдани корхона тўғри ишлатишга ва иқтисодий самара бермайдиган инвестицияларни қилишдан қочишга ҳаракат қилади.

Фойда солиғи бўйича имтиёзлардан оқилона фойдаланиш корхона харажатларининг қисқаришига, кўпроқ сифатли ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва шу билан бирга давлат бюджетига солиқ суммаларини кўпроқ туширишга қулай имконият яратади.

Таъкидланишича, корпоратив солиқ ставкаларининг пасайиши хорижий инвесторларга нисбатан миллий инвестицияларини киритган кўпроқ ютади [7]. Бундай солиқ пасайиши ҳисобига юқори миқдорда инвестицияларни киритиш ва бунинг эвазига кўпроқ товарлар ва хизматлар реализацияси ҳажмини амалга оширишга хизмат қилади.

Айрим ҳолларда фойда солиғи ставкасининг пасайиши корхона фаолияти учун ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлиги ҳам таъкидланади [8]. Корхоналар солиқ ставкаси пасайтирилиши натижасида қолган молиявий маблағларини ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятларини кенгайтириш учун ишлатишлари лозим бўлади.

Оқилона солиқ сиёсати ва унга монанд хизмат қилишга даъват этилган солиқ ставкаси миллий иқтисодиётга инвестиция оқимини оширишга ҳам хизмат қилади. Эндиги келаётган бюджет босқичида турли механизмларни қўллаш орқали солиқ солиш базасини ошириш ёки пасайтириш, қолаверса имтиёзларни қўллашдан кўра инвестиция ҳисобига янги корхоналар ташкил этиш солиқ муносабатларидаги муаммоларга тезроқ ечим топиб беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, корхоналар инвестицион фаолиятига солиқларнинг таъсири яққол кўринади. Ҳукумат яратилган инвестицион муҳити, инвесторлар имкониятлар ва инвестиция портфели таркибида қабул қилинган турли солиқ тартиблари ўз таъсирини кўрсатади. Солиқ тизимида қонунчиликдаги номукаммаллик корхоналар молиявий-иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига ва бу эса ўз навбатида давлат бюджетига солиқ тушумларининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Фойда солиғи ва инвестиция фаолиятини тўғри олиб бориш давлат солиқ ва инвестиция сиёсатини юқори натижавийлигини таъминлашга хизмат қилади. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон амалиётида ҳам инвестицияларни киритишда солиқ қонунчилигида келтирилган имтиёзлар ва преференциялардан тўғри ва самарали фойдалана олмаяптилар. Улар солиқ имтиёзларидан фақатгина ўз манфаатлари

йўлида фойдаланиб, мамлакат иқтисодиёти учун кучли ривожланиш йўлларини таъминлашга ҳаракат қилмаяптилар.

Умуман олганда, фойда солиғининг инвестицияларга таъсири бўйича қуйидаги тадбирларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Инвестицион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришда уларнинг мониторинг, таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга ошириб, самарасиз, фойда келтирмайдиган, эскирган имтиёзларни кўриб чиқиш, инвестицион фаолият бўйича аниқ солиқ имтиёзларини бериб, уларнинг сонини оширишга ҳаракат қилмаслик, асосий капиталга инвестицияларни оширишга хизмат қиладиган солиқ имтиёзларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

2. Корхоналарнинг иқтисодий талабларидан келиб чиқиб, уларнинг инвестицион фаолиятига мос келувчи солиқ тизимини, шу жумладан солиқ имтиёзлар тизимини мониторинг қилиш лозим. Унга кўра жорий этилган имтиёз қандай фойда келтирганлигини ҳам асослаш муҳим бўлиб ҳисобланади.

3. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш учун амортизация ажратмаларидан ташқари, инвестицион солиқ кредити солиқ механизмидан фаолроқ фойдаланиш зарур. Амалий жиҳатдан мазкур механизмни қўллаш иқтисодиётга ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш, шу билан бирга солиқ тушумларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Олиб борилган ислоҳотлар барча манфаатли томонларнинг инвестицияларни рағбатлантириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш борасидаги тадбирларини олиб борувчи солиқ тизимини яратиш зарурлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мануйленко В. В., Садовская Т. А. Экономическая сущность, виды и функции прибыли хозяйствующего субъекта: современный аспект. Финансовая аналитика: проблемы и решения 33 (2012): 2-11.

2. Тошматов Ш.А. - Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 40 б.

3. Ниязметов И.М. “Инвестицион-инновацион фаолликни оширишда солиқ механизмининг роли”. Иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга банк-молия тизимининг самарали таъсирини кучайтириш. Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. – Т.: Молия, 2017. 197 б.

4. Ахроров З.О. Корхоналар молиявий фаолиятида фойда солиғининг рағбатлантирувчи ролини ошириш йўллари. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш шароитида солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисобининг муаммолари" мавзусида Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: ФИ., 2022. – 81 б.

5. De Vito A., Jacob M., Muller M. Avoiding taxes to fix the tax code. Available at SSRN 3364387. – 2019.

6. Dobbins L., Jacob M. Do corporate tax cuts increase investments? //Accounting and Business Research. 2016. – T. 46. – №. 7. – p. 731.

7. Cui W. et al. Corporate Tax Cuts for Small Firms: What Do Firms Do? //Available at SSRN 3950973. – 2021. – p. 3.

8. Rodnik D. The G7 Tax Clampdown and the End of Hyper-Globalization. June 7, 2021.

A.A.Turayev
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti katta o‘qituvchisi,
E.K.Sadullayeva
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi

INNOVATSION IQTISODIYOTDA MOLIYAVIY BOSHQARUV TIZIMINING AHAMIYATI

Anotatsiya*: Ushbu maqolada innovatsion iqtisodiyot sharoitida moliyaviy boshqaruvning ahamiyati, boshqariladigan obyektlar, boshqaruvchi subyektlar hamda mamlakatning tashqi va ichki qarzlari kamayishida boshqaruvning muhimligi, moliyaviy apparat, moliyaviy rejalashtirish turlari, umumdavlat miqyosida boshqaruv organlari tuzilmasi va vazirliklar to'g'risida ma'lumotlar yoritilgan.*

Kalit so'zlar*: moliyaviy boshqaruv, obyekt, subyekt, moliyaviy apparat, boshqaruv tizimi.*

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so‘ng, iqtisodiy o‘sishning yuqori sur’atlarini va jamiyatning barqaror rivojlanishini ta’minlashga qodir bo‘lgan ko‘p bosqichli iqtisodiyotni va raqobat muhitini shakllantirishning huquqiy va tashkiliy asoslarini yaratish ustuvor vazifa bo‘ldi. O‘tish iqtisodiyotini isloh qilish tajribasi shuni ko‘rsatadiki, ma’muriy rejali iqtisodiyotdan boshqaruvning bozor modeliga uyg‘un o‘tishning eng muhim vositasi xususiylashtirish va aksiyadorlik jamiyatlarining paydo bo‘lishi bo‘lib, bu haqiqiy mulkdorlar sinfini shakllantirishga olib keladi va moliyaviy boshqaruvning samarali usullarini joriy etishda alohida ahamiyatga egadir.

Iqtisodiyot tarmoqlarida tarkibiy o‘zgarishlarni diversifikatsiya qilish va amalga oshirish, korporativ tuzilmalarning moliyaviy faoliyatini rivojlantirish sharoitida moliyaviy barqarorlikni ta’minlashda moliyaviy boshqaruvning roli va ahamiyatini oshib bormoqda.

Respublikamizda faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalarda (aksiyadorlik jamiyatlarida) korporativ boshqaruvning zamonaviy usullarini joriy etish, xususan, moliyaviy boshqaruvning nazariy va iqtisodiy asoslarini o‘rganish, moliyaviy menejment mexanizmini takomillashtirishga qaratilgan bilimlarni rivojlantirish, xorijiy davlatchilikning ilg‘or tajribalaridan oqilona foydalanish masalasi bugungi kunda juda dolzarb hamda muhim hisoblanadi.

Boshqaruv jamiyat munosabatlarining muhim ko‘rsatkichi sifatida jamiyat hayotining barcha jabhalariga tegishlidir. Hozirgi paytda, iqtisodiy, siyosiy va moliyaviy o‘zgarishlar davrida boshqaruv usullari, tamoyillari va texnikasida sezilarli o‘zgarishlar ro‘y bermoqda.

“Boshqaruv” atamasi umumiy tarzda ob’ektni rivojlantirish va takomillashtirish maqsadida unga ongli ravishda ta’sir ko‘rsatishni anglatadi. Moliya tizimi doirasida moliyaviy resurslarni qayta taqsimlash har doim ma’lum bir maqsadlarga erishishga yo‘naltirilgan bo‘ladi. Bu narsa ma’lum bir tarzda boshqaruv sxemasini tashkil etishni taqazo etadi. Shu ma’noda va eng umumiy ko‘rinishda boshqaruv sub’ektining boshqaruv ob’ektiga maqsadga yo‘naltirilgan ta’siri boshqaruv deyiladi.

Davlat jamiyatning sotsial-iqtisodiy taraqqiyoti uchun zarur bo‘lgan moliyaviy resurslarni sog‘lomlashtirishga (normallashtirishga) qaratilgan munosabatlar tizimini takomillashtirishi va bu resurslarning samarali hamda oqilona foydalanishi ustidan nazoratni amalga oshirishi kerak. Ana shu vazifani (muammoni) bajarish (yechish) moliyaviy boshqaruvning zimmasiga yuklatilgan.

Moliyaviy boshqaruv murakkab jarayon bo‘lib, boshqariladigan (ob’ektlar) va boshqaruvchi (sub’ektlar) tizimlarning yagonaligidan iboratdir. Boshqaruvchi tizim, bu yerda moliyaviy institutlarning (tashkilotlarning) to‘plamidan (majmuidan) iborat bo‘lgan moliya tizimini nazarda tutsa, boshqariladigan tizim esa pul munosabatlari to‘plamidan (majmuidan) iborat bo‘lgan moliya tizimini o‘z ichiga oladi. Bunda moliyaviy boshqaruv jarayoni bir xil tarzda bo‘lmasdan, u bir tomondan, faqat ob’ektlarni boshqarishni emas, balki ikkinchi

tomondan, boshqaruv sub’ektlarini tashkil qilishni va ular faoliyatini takomillashtirishni ham o‘z ichiga oladi.

ikkinchidan, investorlarning huquqlarining yetarli darajada himoyalanmaganligi;

uchinchidan, litsenziya va ruxsat olish tartib qoidalarining murakabligi.

Yuqorida keltirilgan tahlillarimizdan kelib chiqib, investitsiya muhitini yaxshilash uchun xususiy va to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo‘yicha institutsional asosni shakllantirish lozim deb hisoblaymiz. Xorijiy investitsiyalarni faollashtirish uchun tadbirkorlik faoliyatini erkinlashtirish imkonini oshirish lozim. Biznesning rivojlanishiga to‘sqinlik qiladigan to‘siqlarni aniqlash va bartaraf etish bo‘yicha astoydil kurashish kerak. Natijada investitsion jozibadorlikni oshirish va barqaror iqtisodiy o‘sishni ta’minlash mumkin. Davlat xususiy sheriklik va loyihalarni moliyalashtirish vositalarini rivojlantirish orqali esa investitsion faoliyatni rag‘batlantirish, shaffoflikni maksimal darajada ta’minlash va xorijiy investorlarning murojaatlari va so‘rovlari bilan ishlashni tashkil etish lozim deb hisoblaymiz.

Xulosa o‘rnida ta’kidlash lozimki, rivojlangan mamlakatlarning tajribasi, mamlakatning investitsion muhitini yaxshilash borasida qabul qilgan qonunlari, qarorlarini o‘rganish, kerakli jihatlarini O‘zbekiston sharoitiga tadbiq etish muhim masalalardan hisoblanadi. Ushbu taklif va tavsiyalarning amaliyotga tadbiq etilishi respublikamiz iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni kengaytirish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi Oliy majlisga murojaatnomasi
3. O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining 2021-2023-yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4937 son qarori.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 18-avgustdagi PF-6042-son va “Hududlarning sanoat salohiyatini oshirishga doir qo‘shimcha chora tadbirlar to‘g‘risida”gi farmoni
5. O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 14-dekabrdagi “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to‘g‘risida”gi O‘RQ №598 son qonuni.
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni, 2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida 28.01.2022 yildagi PF-60-son
7. “Science and Education” Scientific Journal Volume 1issue 4 July 2020
8. O‘zbekiston Respublikasi davlat statistika qo‘mitasining rasmiy sayti
9. Vahabov A.V., Xajibakiyev Sh,X., Muminov N.G “Xorijiy investitsiyalar” o‘quv qo‘llanma – T.: Moliya, 2010. –153 b.
10.G‘ozibekov D.G‘., Nosirov E.I. O‘zbekiston iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalar инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 92 б.
11. Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик. – Т.: Baktria press, 2015. -584 б.
12. Salimov B., Xotamov I. Investitsiyaviy faollik: tahlil va imkoniyatlar. TDIUkoll.monogr. – T.: Fan va texnologiya, 2019, 93-b.
13. Mustafakulov Sh.I. Investitsion muhit jozibadorligi. – T.: Baktria press, 2017 – 18-b.
14.https://review.uz/oz/post/v-2022-godu-planiruetsya-privlech-95-mlrd-pryamx-inostrannx-investiciy
15. https://ifmr.uz/infographics#mob-menu2

Malikova Dilrabo Muminovna,
“Investitsiya va innovatsiyalar” kafedrasi dotsenti v.b., SamISI
Cho‘liyeva Sevara Qodir qizi
talaba, SamISI

XORIJIY INVESTITSIYALAR VA ULARNING MAMLAKAT IQTISODIYOTI UCHUN ZARURIYATI

Annotatsiya: *Jahon bozorini egallash va xalqaro iqtisodiy munosabatlarni muvaffaqiyatli olib borish, ichki va tashqi bozorda milliy tovarlar raqobatbardoshligini oshirish uchun turli ko‘rinishdagi xorijiy investitsiyalarni milliy iqtisodiyotga jalb qilish muhim ahamiyatga ega. Ushbu maqolada investitsiya atamasining mazmun-mohiyati, chet el investitsiyalari tushunchasi, ularning ahamiyati va iqtisodiyot uchun zarurati masalalari o‘z ifodasini topgan.*

Kalit so‘zlar: *investitsiya, investor, investitsiya faoliyati, foyda, investitsiya sub’yektlari, chet el investitsiyalari, iqtisodiyotni modernizatsiyalash, iqtisodiy o‘sish.*

Mamlakatimizda bugungi kunda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarni, iqtisodiyotni keng miqyosda modernizatsiyalash borasidagi sa‘yi-harakatlarning yanada kuchaytirilishi sanoat korxonalarida texnika va texnologiyalarni keng joriy etish hamda investitsiyalar jalb qilish doirasini kengaytirish va ulardan imkon darajasida samarali foydalanishni taqozo etadi. Mamlakatlar iqtisodiyotining rivojlanishi va iqtisodiy barqarorligini ta’minlashda investitsiyalar muhim o‘rin tutadi. Jumladan, bugungi kunga kelib chet el investitsiyalari har bir iqtisodiyot rivojlanishida zarur omil bo’lib hisoblanmoqda.

Rivojlangan investitsion faoliyatning yo‘lga qo‘yilishini hukumatimizning yuritayotgan oqilona investitsiya siyosatining mahsuli ekanligini ta’kidlash lozim. Barcha sohalardagi ijobiy natijalar qatorida investitsiyalar hajmi ham sezilarli darajada oshdi.

Mamlakatimiz korxonalarida investitsion va innovatsion faoliyatning yanada rivojlantirishga qaratilgan muammolarni o‘rganish, innovatsion faoliyatning samaradorligi, avvalambor, mamlakatda innovatsion muhitni yaxshilashga qaratilgan qonunlar doirasida yagona huquqiy me’yorlar tizimini shakllantiradigan institutsional asoslarni ishlab chiqish darajasiga bog‘liq ekanligidan dalolat beradi.

Investitsiya iqtisodiy kategoriya sifatida juda keng ma’noga egadir. Investitsiyalar tushunchasi (lotincha “investio” so‘zidan olingan bo‘lib, “kiyinaman” degan ma’noni anglatadi) amalda har qanday lug‘atda mamlakat ichkarisida va xorijda iqtisodiyot tarmoqlariga kapital qo‘yish sifatida talqin qilinadi.

Investitsiya atamasiga iqtisodiy kategoriya sifatida O‘zbekiston Respublikasining “Investitsiya faoliyati to‘g‘risida”gi qonunida quyidagicha ta’rif berilgan: “Investitsiyalar – qonun hujjatlarida taqiqlanmagan tadbirkorlik faoliyati va boshqa turdagi faoliyat ob’ektlariga kiritiladigan moddiy va nomoddiy ne’matlar hamda ularga bo‘lgan huquqlar, shu jumladan intellektual mulkka bo‘lgan huquqlar, shuningdek reinvestitsiyalar”.

Investitsiyalar – foyda olish hamda ijobiy ijtimoiy samaraga erishish maqsadida tadbirkorlik obyektlariga va boshqa faoliyat turlariga qo‘yiladigan pul mablag‘lari, banklarning maqsadli omonatlari, aksiyalar, boshqa qimmatli qog‘ozlar, texnologiyalar, mashinalar, uskunlar, litsenziyalar, kreditlar, har qanday boshqa mol-mulk yoki mulkiy huquqlar, intelektual boyliklar.

O’zbekiston Respublikasining fuqarolari, yakka tartibdagi tadbirkorlari va yuridik shaxslari-rezidentlari,davlat boshqaruvi organlari va mahalliy davlat hokimiyat organlari,chet davlatlar,chet ellik yuridik shaxslar, shuningdek fuqaroligi bo’lmagan shaxslar investitsiya faoliyatining subyektlaridir.

Yurtimizda iqtisodiyotni rivojlantirish uchun investitsiyalarni, ko‘plab chet el investorlari va ularning investitsiyalarini jalb qilishimiz kerak. Chunki O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishda to‘g‘ridan-to‘g‘ri chet el investitsiyalarining ahamiyati katta. O‘zbekiston xorijiy investitsiyalarni mamlakatga kiritish uchun barcha shart- sharoitlarga ega. O‘zbekiston xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun bir qator afzalliklarga ham ega. Umuman olganda qulay investitsiya muhitini yaratish davlatimiz iqtisodiy siyosatining markaziy masalalaridan biri bo‘lib hisoblanmoqda. Aytish joizki, xorijiy sarmoyalarni jalb qilmasdan turib biror-bir davlat taraqqiyotga hamda iqtisodiyot rivojiga erisha olgan emas. Shu bois, ham bu ish mamlakatimizning iqtisodiy siyosatida ustuvor yo‘nalishlaridan biri bo‘lib kelmoqda. Xorijiy investitsiyalar ishlab chiqarish kapitalini to‘g‘ridan to‘g‘ri tovar va xizmatlar ishlab chiqarishga yo‘naltirilishini anglatadi.

Xorijiy investorlar uchun yaratilgan qulay biznes muhiti, keng huquqiy kafolat va imtiyozlar tizimi, xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalarni rag‘batlantirishga qaratilgan chora-tadbirlar mamlakatimiz iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalar oqimini tubdan ko‘paytirish imkonini beradi.

Mamlakat miqyosidagi manbalar hisobiga, turli mulk egalarining mablag‘lari,yangidan tashkil etilayotgan fondlarni ulushi, chet el investitsiyalari orqali olib boriladi.

Mamlakat iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilinar ekan, bunda bizning asosiy vazifamiz chet mamlakatlardan keladigan sarmoyalarni ishga solib, xom-ashyo yetkazib beradigan mintaqadan tayyor mahsulot chiqaradigan mamlakatga aylantirish orqaligina biz o‘z oldimizga qo‘ygan maqsadga erishgan bo‘lamiz.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy rivojlanishida investitsiyalarning, jumladan, xorijiy investitsiyalarning ahamiyati kattadir.

Makroiqtisodiy o‘sishning asosiy omillaridan biri milliy iqtisodiyotda investitsiyalarning samarali joylashtirilishidir. Investitsiyalarning yuqori samara keltirishi kengaytirilgan takror ishlab chiqarishni amalga oshiruvchi asosiy omil hisoblanadi. Iqtisodiy taraqqiyot jarayonida xorijiy investitsiyalarning ahamiyatini alohida ta’kidlab o‘tish zarur.

Iqtisodiy taraqqiyotning jadallashtirilishi milliy iqtisodiyotga yuqori samara keltiradigan investitsiyalarning joriy qilinishiga chambarchas bog‘liq.

Mikroko‘lamda ham xorijiy investitsiyalarning o‘rni beqiyos ekanligini anglash qiyin emas. Korxonaning ishlab chiqarish jarayoniga xorijiy investitsiyalarning jalb qilinganligi ushbu korxonaning milliy va jahon bozorlarida samarali amal qilishining asosiy omili bo‘lib hisoblanadi.

Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirish sharoitida, milliy iqtisodiyotda barqaror o‘sishni ta’minlash hamda xalqaro miqyosda iqtisodiy jihatdan raqobatbardosh bo‘la olishi mamlakatning faol investitsion siyosat olib borishi va boshqa mamlakatlararo integratsion aloqalarni yo‘lga qo‘yishiga bog‘liqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to‘g‘risida” gi Qonuni, O‘RQ-598-son, 25.12.2019 y.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Innovatsion faoliyat to‘g‘risida” gi Qonuni, O‘RQ-630-son, 24.07.2020 y.
3. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
4. Г. В. Моисеев, Н. И. Кремень, Л. В. Фиалка О необходимости активизации инвестиционной деятельности в современных условиях // ЭВД. 2007. №3 (9).
5. Жўраев Хусан Атамуратович Инвестиция тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти // Экономика и финансы (Узбекистан). 2015.
6. Ганиева Ф. Иқтисодиётда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти // Экономика и финансы (Узбекистан). 2012. №2.

Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. Т.: “BAKTRIA PRESS” 2017. 319 Б.

Жавлон Зоитов
Банк-молия академияси тингловчиси, Тошкент, Ўзбекистон

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЎРНИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. *Мақолада тижорат банклари молиявий ҳолатини яхшилашни эътиборга олган ҳолда инвестицияларни ҳисобга олиш ва аудитини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистондаги тижорат банклари молиявий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, хулоса ва таклифлар шакллантирилган.*

Калит сўзлар: *тижорат банклари, инвестиция, фонд бозори, инвестиция портфели.*

Тижорат банкларининг инвестицион жараёнларда фаол қатнашиши иқтисодиётни модернизация қилишда ва мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти юксалишида муҳим ўрин тутади.

Тижорат банкларининг капиталига аҳоли, тадбиркорлик субектлари ва бошқа сармоядорларни, шу жумладан хорижий сармоядорларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш, банк акцияларини чиқариш, уларни фонд бозорида фаол жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, тижорат банкларининг янги замонавий ишлаб чиқариш тузилмаларини яратишда, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишининг кенгайтирилишида инвестиция жараёнларида ҳамда аҳоли бандлигини оширишда ўз капитали билан иштирок этишини таъминлайди.

Банк ташкилотлари катта миқдордаги мижозларга кредитлар бериш операциялари билан шуғулланади. Албатта, бундай шароитларда ҳамма мижозларнинг молиявий ҳолатини бир хил деб бўлмайди ҳамда тақдим этилган кредитларни ўз вақтида қайтарилиши муаммоли масалага айланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарорлаштириш шароитида тижорат банкларини ривожлантириш унинг инвестиция фаолиятини фаол кенгайтириш йўли билан амалга оширилади. Инвестиция замонавий технологияларни жорий этади, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этади, янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш учун ишлаб чиқариш мажмуасини яратади. Тижорат банклари асосий капиталига ресурсларни самарали инвестиция қилишни харажатлар миқдори, инвестицион ресурслардан фойдаланиш йўналишлари ва инвестиция объектларини ўз вақтида яратиш ҳақидаги аниқ ва тўлиқ ахборотлар асосида амалга ошириш мумкин.

Қонунчиликда инвестициялар инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар деб эътироф этилади [1].

Проф. А.Вахабов тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг кредит қўйилмалари ҳажмини, шу жумладан, инвестицион кредитлар бериш ҳажмини ошириш таклифини асослаб берган [2].

Инвестициялар тушунчаси хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва бир қатор йўналишларда турлича тушунилади.

Биринчидан, инвестициялар амалга оширилаётган инвестиция жараёни (инвестиция операциялари) сифатида қабул қилинади.

Иккинчидан, инвестициялар қандай манбаларга киритилганлиги ёки инвестициялаш шакллари объектлари маъносини англатади.

Учинчидан, инвестиция деганда хўжалик субъектининг мақсадли йўналиши (инвестиция фаолияти) тушунилади [3].

Молиявий ҳисобда тижорат банкларининг ўтган даврлардаги хўжалик операциялари қайд этилади. Бу ҳолат инвестицион қарорларни қабул қилиш учун ушбу ахборотлардан фойдаланиш имкониятини яратади.

Тижорат банкларида инвестиция фаолиятини бошқарув аудитини ривожлантириш инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш ва инвестиция лойиҳаларини бажарилиши натижаларини аниқлаш жараёнида аудиторлик ташкилотларини қўллайдиган методларни тизимлаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Тижорат банкларида инвестиция ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда тижорат банкларида ички аудитни ташкил этишга Марказий банк томонидан қўйилган талабларни мувофиқ келиши шарт.

Қонунчиликда банк Кенгаши активлар, кредит ва инвестиция портфелининг сифати ва банк фаолиятининг бошқа кўрсаткичларидан келиб чиқиб аудит хизмати ишининг самарадорлигини баҳолаш аудит хизматини назорат қилиши керак [4].

Инвестиция портфелини бошқариш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- портфелни режалаштириш;
- портфел таркибини таҳлил этиш ва уни тартибга солиб туриш;
- портфелни шакллантириш ва уни сақлаб туриш учун керакли ликвидлик даражасига амал қилиш;
- портфелни бошқарув фаолиятидаги харажатларни камайтириш ва бошқ.

Тижорат банкларининг йирик инвестиция институтларига айланиши ўз навбатида, иқтисодий барқарорликка эришиш учун муҳим ўрин тутади. Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолият олиб боришдан асосий мақсад уларнинг даромадлилиги ва ликвидлигини таъминлашдан иборат. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти тижорат банклари инвестицион сиёсати банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлигини таъминлашда асосий рол ўйнайди.

Банкларнинг инвестиция фаолияти – бу банк инвестор сифатида даромад олиш мақсадида молиявий активларни сотиб олиши, реал активларни яратиши ва ташкил қилиши учун маблағларни жойлаштириши билан боғлиқ фаолиятидир [5]. Банкларнинг инвестиция фаолиятини бошқа инвесторлар фаолиятидан фарқли томони шундаки, улар инвестицияни жалб қилинган маблағлар эвазига амалга оширадилар. Шунинг учун ҳам банк бир томондан инвестор сифатида бозорда пайдо бўлса, бошқа томондан эса у қарздордир. Ушбу ҳолат банклар учун ликвидлиликни муҳим масала қилиб қўяди, улар активлар ва пассивларининг муддати, ҳажми ва фоиз ставкалари бўйича мутаносиб бошқаришни тақозо этади.

Ўзбекистонда кузатилаётган барқарор ўсиш суръатлари ҳақида гап кетганда, бунинг боиси ва омилини, авваламбор, иқтисодиётимизга йўналтирилаётган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётгани билан изоҳланади. Бинобарин, республикада фаол инвестиция сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестиция фаолиятларини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб мижозлардан жалб этилган муддатли ва жамғарма депозитлари ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, капитал тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли ҳисобланади; иккинчидан, тижорат банклари фаолиятининг моҳиятига кўра, аҳоли ва корхоналарнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини депозит ҳисобрақамларига жалб қилиш ва уларни кредитлар, инвестициялар шаклида жойлаштириш билан шуғулланувчи тижорат ташкилотлари ҳисобланади; учинчидан, банклараро кредитлар нисбатан қиммат молиявий ресурс ҳисобланади, шу сабабли ундан актив операцияларни молиялаштиришда фойдаланиш тижорат банклари фоизли харажатлари миқдорининг ошишига олиб келади; тўртинчидан, тижорат банклари трансакцион депозитлардан тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб фойдаланишга ҳақли эмас [6].

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилган кредит қўйилмаларининг таркибида юз бераётган сифат ўзгаришларга баҳо бериш учун кредитларнинг муддатини таҳлил қилиш лозим. Республикамиз банклари кредит портфелининг 76,8% ини узоқ муддатли кредитлар ташкил этмоқда [7]. Бундай ҳолат, биринчидан, тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини тобора ривожланиб бораётганлигидан далолат беради; иккинчидан, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнига банкларнинг фаол жалб этилганлигини кўрсатади; учинчидан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицияларни молиялаштириш учун тижорат банклари кредитларига бўлган талабининг ошиб бораётганлигидан далолат беради. Республикамиз тижорат банклари инвестицион кредит қўйилмалари ҳажмига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси, депозит фоизларига нисбатан ўрнатилган мажбурий меъёрлар, узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаси ва инфляция даражаси каби омиллар таъсир қилади.

Банклар инвестицион лойиҳаларнинг экспертизаси сифатини ошириб, реал самарадор лойиҳаларга кредит линиялари очишлари керак. Ваҳоланки, ўзини оқламаган инвестицион лойиҳалар ҳам учраб турадики, бунга сабаб улар ишга тушиши натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларига талаб бўлмайди, улар экспорт қилинмайди ёки жуда кам миқдорда экспорт қилинади, корхоналар лойиҳада белгиланган қувватда ишламайди ва улар етарли даражада хом ашё билан таъминланмаган ёки фаолияти хорижий хом ашёга боғлиқ бўлади. Натижада инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун олинган

кредитлар ва уларнинг фоизлари вақтида қайтарилмайди. Агар ушбу кредитлар хорижий валютада олинган бўлса, курс ўзгариши оқибатида корхоналар уни қайтаришга анча қийналадилар. Шунинг учун ҳам банклар инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш сифатини оширишлари, йирик ва мураккаб лойиҳаларни экспертиза қилишда халқаро экспертларни жалб қилишлари мақсадга мувофиқдир. Айниқса, хорижий банк кредит линиялари орқали молиялаштириладиган лойиҳаларнинг экспертизасига ушбу хорижий банкларнинг ўзи ҳам иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкларида инвестициялаш жараёнида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- тижорат банки инвестицион фаолиятида ахборот технологияларини қўллаш ва маълумотларни автоматлашган ҳолда таҳлил этиш лозим;
- инвестиция операцияларида ташкилот ва корхоналардан доимо ахборотлар олиб туришни ташкил этиш керак;
- янги мижозлардан инвестицияларни олиш тўғрисидаги бизнес-режаларини батафсил ўрганиб чиқиш лозим;
- банкнинг фойдасини ошириш мақсадида янги турдаги инвестицион лойихаларни таклиф этиш;
- банкда ҳисоб ва аудитни олиб бориш учун ҳужжат бўйича бажариладиган ишларни масъул ходимларини тайинлаш керак;
- инвестицион лойиҳаларни олган мижозларнинг молиявий ҳолати устидан мониторинг ва аудити (назорати)ни олиб бориш зарур;
- тижорат банки томонидан молиявий барқарор бўлган корхоналарга кредит бериш амалиётини янада такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни. 2019 йил 25 декабрьда қабул қилинган. https://www.lex.uz/docs/4664142

2. Вахабов А.В. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини оширишда капиталлашишнинг ўрни. //Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: Молия, 2009. – б. 34-35

3. Суворова, С. П. Внутрифирменная стандартизация аудиторских услуг / С. П. Суворова // Аудиторские ведо¬мости. – 2014. № 3. – с. 10-13

4. Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2004 йил 13 март, 6/12-сон билан тасдиқланган. https://lex.uz/docs/866557.

5. Додиев Ф.Ў. Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари. //Иқтисод ва молия. 2014, 3-сон. 23-б.

6. Деньги, кредит, банки. / Под ред. проф. О.И.Лаврушина. – М.: КноРус, 2009. – С. 155.

7. www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти маълумотлари.

Маликова Д. М.,
Самаркандский институт экономики и сервиса,
и.о. доцента кафедры «Инвестиции и инновации»

ИНВЕСТИЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ: СУЩНОСТЬ, ЦЕЛИ И ЭТАПЫ

Аннотация: *Инвестиционная деятельность является важным элементом экономики любого уровня развития. Вложение в развитие производств и повышение эффективности деятельности отрасли играют роль толчка для поднятия уровня жизни и экономического роста страны, региона. В статье представлена значимость инвестиционной деятельности, трактовка сущности инвестиций, а также рассмотрены базовые этапы инвестиционного процесса.*

Ключевые слова: *инвестиционная деятельность, денежные средства, инвестиции, инвестирование, прибыль, этапы инвестиционного процесса.*

Успешная инвестиционная деятельность заключается в постоянном осуществлении новых проектов, поскольку отсутствие прогресса не только ухудшает результаты компании, но и вызывает ухудшения положения бизнеса вследствие неизбежного уменьшения конкурентоспособности производимой продукции и услуг.

Инвестиции – это вложение денежных средств в активы с целью получения дохода в будущем. Инвестиционная деятельность может осуществляться как физическими, так и юридическими лицами.

Цели инвестирования могут быть различными. К наиболее распространенным целям относятся:

1.Получение дохода.

Это основная цель инвестирования. Инвесторы стремятся получить доход от своих вложений в виде процентов, дивидендов, роста стоимости актива и т.д.

2.Сохранение капитала.

Инвестиции могут быть направлены на сохранение стоимости капитала в условиях инфляции или других экономических потрясений.

3.Создание источника дохода на пенсии.

Инвестиции позволяют сформировать пенсионный капитал, который будет приносить доход в будущем.

4.Достижение других финансовых целей.

Инвестиции могут быть направлены на достижение других финансовых целей, например, на покупку квартиры, автомобиля, образование детей и т.д.

Перед началом инвестиционной деятельности важно четко определить свои цели. Это поможет выбрать правильную стратегию инвестирования и предотвратить ошибки.

Итак, рассмотрим, сущность основных этапов инвестиционного процесса.

1.Стратегическое планирование.

Стратегическое планирование является важнейшим этапом инвестиционного процесса. На этом этапе необходимо ответить на следующие вопросы:

Какие финансовые цели я преследую?

Каков мой риск-профиль?

Каков мой инвестиционный горизонт?

Ответы на эти вопросы помогут выбрать правильную инвестиционную стратегию и избежать ошибок. Необходимо определиться с финансовой целью: какой доход хотим мы получить, сохранить капитал, создать пенсионный капитал или же достичь других финансовых целей

Каждый инвестор имеет свой собственный риск-профиль. Риск-профиль – это уровень риска, который вы готовы принять в обмен на потенциальную доходность.

Если вы не готовы к высокому риску, вы должны выбирать консервативные инвестиционные инструменты. Если вы готовы к более высокому риску, вы можете выбирать более рискованные инвестиционные инструменты, которые могут принести более высокую доходность.

Инвестиционный горизонт – это период времени, в течение которого вы планируете инвестировать свои средства.

Если ваш инвестиционный горизонт долгосрочный, вы можете выбирать более рискованные инвестиционные инструменты, которые могут принести более высокую доходность. Если ваш инвестиционный горизонт краткосрочный, вы должны выбирать консервативные инвестиционные инструменты, которые помогут вам сохранить свой капитал.

2.Анализ инвестиционных возможностей.

На этом этапе необходимо изучить различные инвестиционные инструменты и выбрать те, которые соответствуют вашим целям и риск-профилю.

К инвестиционным инструментам относятся акции, облигации, недвижимость, драгоценные металлы, депозиты и другие. Каждый инвестиционный инструмент имеет свои преимущества и недостатки.

3. Формирование инвестиционного портфеля. На этом этапе необходимо распределить свои средства между различными инвестиционными инструментами в соответствии с определенной инвестиционной стратегией.

Правильно сформированный инвестиционный портфель поможет вам снизить риск и повысить потенциальную доходность.

4. Реализация и мониторинг инвестиционного портфеля. На этом этапе необходимо следить за состоянием инвестиционного портфеля и вносить необходимые корректировки в соответствии с изменением рыночной ситуации.

Важно регулярно отслеживать доходность вашего инвестиционного портфеля и вносить необходимые корректировки в соответствии с изменением рыночной ситуации.

Исходя из вышеизложенного, в заключении можно сделать выводы о том, что инвестиционная деятельность – это процесс вложения капитала в финансовые инструменты, активы или проекты с целью получения прибыли в долгосрочной перспективе. Инвестиции могут иметь различные цели, такие как получение дохода, рост капитала, защита от инфляции или диверсификация портфеля. Они также могут быть сделаны на различные сроки, от краткосрочных инвестиций до долгосрочных стратегий.

Инвестиционная деятельность связана с анализом рынка, оценкой рисков и прогнозированием перспектив будущих доходов. Она также может включать управление инвестиционным портфелем, диверсификацию активов и принятие решений о покупке, продаже или удержании активов.

Список использованная литература:

1. Z.Bodie, A.Kane, A.Marcus. Investments. -10th Edition. McGraw-Hill Education, New York, 2014.
2. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
3. Теплова Т. В. Инвестиции в 2 ч. Част 1 : учебник и практикум. -М.: Юрайт, 2019. - 409 с.
4. Зайиров Л., Насиров Э., Ханова Н., Асамходжаева Ш. Инвестиции. Учебное пособие. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2019. – 448 с.

5. Бектемиров Абдумалик, Маликова Дилрабо Муминовна, Пирназаров Умид Наржигитович БАНК КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ ВА УНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ // JMBM. 2023. №2.

Malikova D. Methodology for effective assessment of the level of economic security of banks //Innovative Society: Problems, Analysis and Development Prospects (Spain). – 2023. – С. 96-98.

Узакова Камола Бехзодовна
СамИСИ,молия кафедраси ассистенти,
Муродов Алишер
СамИСИ, МК-120 гурух талабаси

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРЖА ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистонда фонд биржасининг вужудга келиши, асосий вазифалари, функциялари ва операциялари кўриб чиқилади. Шунингдек, биржа фаолиятининг иқтисодий жараёнлардаги роли бўйича хулосалар келтирилган*

Калит сўзлар: *депозитарий, акция, облигация, брокер, диллер*

Аннотация: *В статье описывается возникновение фондовой биржи в Узбекистане, ее основные функции, функции и операции. Таким образом, биржевая деятельность играет определенную роль в экономических процессах.*

Ключевые слова: *депозитарий, акция, облигация, брокер, дилер*

Abstract: *The article describes the emergence of the stock exchange in Uzbekistan, its main functions, functions and operations. Thus, exchange activity plays a certain role in economic processes.*

Keywords: *depository, stock, bond, broker, dealer*

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг фонд биржаси ривожланмаган эди. Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига кўра 1991 йил Тошкентда Ўзбекистон Республикаси "Товар хом-ашё" биржаси ташкил этилди. Бу қарорга мувофиқ товар савдолари ўтказила бошлади ва бу иқтисодиётнинг ўсишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Кейинчалик, биринчи Президентимиз фармонига мувофиқ, 1994 йил 8 апрелда "Тошкент" Республика фонд биржаси ташкил этилди ва бу фонд биржасини бир ўркачли туя белгиси сифатида намоён этишди. Зеро, бир ўркачли туя – бу чидамли, матонатли ва ҳар қандай қийинчиликларда ҳам ўзини тутиб тура оладиган кучга эга дейишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 17 март 2021 йилдаги ПҚ-5031-сонли, “Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорида биржа савдоларида «форвард» шартномаларининг жорий қилиниши ижтимоий аҳамиятга эга асосий маҳсулотлар нарх-наволари кескин ўсишидан ҳимояланиш, бозорда талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг бўш маблағларидан самарали фойдаланиш имконини яратди.

Шу нуқтаи назаридан, мамлакатимизда эса фонд бозори инфратузилмасини ривожига таъсир этувчи омилларни чуқурроқ таҳлил қилиш ва унда инсонлар манфатларига қаратилган аниқ мақсадлар белгиланганлиги давлат даражасига кўтарилганлиги билан изоҳланмоқда. Хусусан, мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “... молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш ҳам янги иқтисодий шароитда асосий мақсадларимиздан бири бўлиши керак” деб таъкидладилар. Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур.

Ҳозирда "Тошкент" Республика фонд биржасида 99 та компания ва 4 та эмитент (акция чиқарадиган компания) ўз облигациялари билан савдо қилади ва биржадаги қимматли қоғозларни жисмоний ва юридик шахслар, инвесторлар харид қилиши мумкин.

Даставвал, фонд биржаси XVI асрда Ғарбий Европа мамлакатларида пайдо бўлган. Дунё бўйича 150 дан ортиқ фонд биржалари мавжуд бўлиб, улар давлат облигациялари, корхона акциялари, банк кредит билетлари ва валюта олди-сотдиси бўйича ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Фонд биржалари ҳақида олимлар ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишган. *Freedom Broker* инвестицион банкнинг менежери Владимир Линделнинг фикрича: "Иқтисодиётда фонд биржалари бўш ресурсларга эга бўлган маблағларни мухтожларга қайта тақсимлаш имконини берувчи воситачи сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ривожланаётган иқтисодиётга қарамасдан Ўзбекистонда фонд биржалари ҳали бошланғич босқичда бўлганлиги сабабли узоқ муддатли инвестициялар етишмаслиги муаммоси ҳозиргача ҳал этилмаган" деб фикр билдирган ва бунга ечим сифатида Ўзбекистонда фонд биржалари ривожланишини тезлаштириш мумкин. Яъни валюта биржаси ва Тошкент Республика фонд биржаси негизида ягона биржа ташкил этилиши, турли хил техника-технологияларни такомиллаштириш ва брокерлик, диллерлик ҳисоб варағларида турли платформаларда воситаларни сотиш имконияти туфайли хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун фонд биржа фаолиятини соддалаштириш керак деб айтиб ўтган.

Н.Р.Турсунова ҳам фонд биржаси фаолиятини ўрганиб, уни ривожлантириш учун қуйидагича хулосага келган: "Иқтисодиётни ривожлантиришда тижорат банкларининг, қимматбаҳо облигацияларнинг ўрни катта ва шу билан бирга йирик лойиҳаларга ҳам сармоя киритиш керак" деб хулоса қилган.

Ўзбекистон Республикасида фонд биржасини ривожлантириш йирик масалалардан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида Марказий банк томонидан Тижорат банклари устида назорат бўлгани каби, фонд биржасининг фаолиятида ҳам давлат назорати қаттиқ ўрнатилиши керак.

Қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

1.Қимматли қоғозлар бозори ва биржа фаолиятини лицензиялаш ёки фаолият бўйича мажбурий талабларни белгилаш;

2.Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш ва эмитентлар томонидан эмиссия бўйича қарорларда назарда тутилган шартлар ва мажбуриятларга амал қилишини назорат қилиш;

3.Қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилишини таминлаш;

4.Иштирокчилар фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилиш ва қўшимча равишда ривожланган етакчи фонд биржалари (NYSE, NASDAQ, LSE ва бошқалар) фаолиятидан нусхалар олиш керак.

Фонд биржаси - қимматли қоғозлар бозорининг professional қатнашчилари томонидан standart молиявий воситалар билан савдо қилиш учун уюшган бозор ҳисобланади, шу боисдан қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

1. Доимий фаолият юритадиган бозорниу яратиш;
2. Нархларни талаб ва таклиф асосида белгилаш;
3. Савдо предметлари ва уларнинг нархлари ҳақида ахборотларни тарқатиш;
4. Савдо қоидаларини ишлаб чиқиш;
5. Савдо қатнашчилари профессионализмини қўллаб қувватлаш;
6. Фонд бозори ва бутун иқтисодий ҳолатни индикациялаш.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарияси қимматли қоғозларни сақлаш, олди-сотдисини амалга ошириш, ҳамда бошқа операцияларни амалга оширишининг фаоллигини талаб этади. Марказий депозитария ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263-сонли "Қимматли қоғозларнинг марказий депозитариясини

ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисидаги" қарорига мувофиқ мажбурий лицензиясиз амалга оширади.

Ўзбекистон ҳам аста-секин фонд биржалари орқали давлат қимматли қоғозларини сотиш ва сотиб олиш бўйича ким ошди савдоларида инвестиция брокери сифатида профессионал фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон илк бор 2020 йил ноябр ойида 2 трлн сўмлик, 2021 йил июл ойида 2,5 трлн сўмлик халқаро облигацияларни чиқарди. Ҳар икки ҳолатда ҳам муомола муддати 3 йил этиб белгиланди. Албатта, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки қимматли қоғўзларнинг даромадлилиги муомола даврига, шунингдек талаб ва таклифга боғлиқ. Талаб қанчалик кўп бўлса, нарх шунча юқори бўлади, аксинча таклиф талабдан устун бўлса нарх пассаяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 17.03.2021 йилдаги ПҚ-5031-сон қарори
2. "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2001 йил 29 август, 1-260-11
3. "Қимматли қоғозларнинг марказий депозитариясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисидаги" Вазирлар Маҳкамасининг қарори 1999 йил 21 майдаги 263 - сонли
4. www.kursiv.kz
5. www.ATOMIYME.COM
6. http://azizovpartners.uz/ru/pravila-polzavaniya
7. www.Finlit.uz

Халимов Шахбоз Халимович,
Самаркандский институт экономики и сервиса,
преподаватель кафедры «Цифровая экономика»
xalimovshaxboz8545@gmail.com

РАЗВИТИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация: *Данная статья исследует динамику инвестиционной деятельности в контексте инновационной экономики. Фокус направлен на ключевые факторы, стимулирующие инвестиции, такие как технологический прогресс, венчурный капитал, экосистемы инноваций и цифровизация. Анализируется влияние государственной поддержки, экологической устойчивости и глобальных трендов на привлекательность инвестиций. Статья также обсуждает роль образования, научных исследований и международного сотрудничества в развитии инновационной экономики.*

Ключевые слова: *инвеститция, развития, инновация, экономика, анализ, наука, история.*

Abstract: *This article examines the dynamics of investment activity in the context of an innovative economy. The focus is on key factors driving investment, such as technological progress, venture capital, innovation ecosystems and digitalization. The influence of government support, environmental sustainability and global trends on the attractiveness of investments is analyzed. The article also discusses the role of education, research and international cooperation in the development of an innovative economy.*

Key words: *investment, development, innovation, economics, analysis, science, history.*

Annotatsiya: *Ushbu maqola innovatsion iqtisodiyot kontekstida investitsiya faolligi dinamikasini o'rganadi. Texnologik taraqqiyot, venchur kapital, innovatsion ekotizimlar va raqamlashtirish kabi investitsiyalarni harakatga keltiruvchi asosiy omillarga e’tibor qaratilgan. Davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi, ekologik barqarorlik va global tendentsiyalarning investitsiyalar jozibadorligiga ta’siri*

tahlil qilinadi. Shuningdek, maqolada innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishda ta'lim, tadqiqot va xalqaro hamkorlikning o'rni haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: *sarmoya, rivojlanish, innovatsiya, iqtisodiyot, tahlil, fan, tarix.*

В наше время переход к инновационной экономике становится неизбежным трендом, формируя новый порядок в бизнесе, технологиях и обществе в целом. Инновации становятся движущей силой за пределами привычных рамок, и, следовательно, инвестиционная деятельность начинает принимать совершенно новые формы и приоритеты.

Инновационная экономика предоставляет уникальные возможности для развития и роста, основанные на креативности, технологических прорывах и стремлении к решению современных вызовов. Этот переход происходит под воздействием таких факторов, как цифровизация, глобализация, экологическая устойчивость и изменения в потребительском поведении. Развитие венчурного капитала и взлет стартап-проектов становятся неотъемлемой частью инвестиционной карты. Инвесторы с особым интересом оценивают перспективы перевоплощения инновационных идей в успешные бизнес-проекты. Формирование экосистем инноваций, объединяющих предпринимателей, инвесторов, учебные заведения и государственные структуры, становится неотъемлемым условием для ускоренного развития. Интеграция секторов и обмен знаний создают благоприятные условия для инвестиций.

Цель данной статьи заключается в глубоком анализе развития инвестиционной деятельности в условиях инновационной экономики, выявлении основных факторов, влияющих на решение инвесторов, и предоставлении обзора перспектив данного направления.

Статья структурирована следующим образом: раздел о технологическом прогрессе, венчурном капитале и стартапах, а также об экосистемах инноваций подробно освещает каждый из аспектов. Затем рассматривается влияние государственной поддержки и стратегий развития, а заключительный раздел посвящен анализу текущих тенденций и перспектив развития инвестиций в инновационной экономике.

В современном мире, охваченном волной технологических изменений и инноваций, инвестиционная деятельность играет важнейшую роль в формировании устойчивой и конкурентоспособной экономики. Рассмотрим, как развивается инвестиционная деятельность в условиях инновационной экономики и какие факторы способствуют её успешному развитию.

Технологический прогресс и инновации:

В инновационной экономике инвесторы ориентированы на компании, внедряющие передовые технологии. Инвестиции в исследования и разработки, создание стартапов и применение новых технологий становятся ключевыми элементами привлекательности для инвесторов.

«21 век — век технологий» — это утверждение не утрачивает своей актуальности. Технологический прогресс стал главным двигателем изменений в экономике, обществе и бизнесе. Именно здесь, в мире инноваций, инвесторы находят новые горизонты для вложений. Давайте рассмотрим, как технологический прогресс формирует инвестиционный ландшафт.

Технологический прогресс стал неотъемлемой частью инвестиционной стратегии, и ориентация на инновации становится ключевым критерием для успешных вложений. Следующие разделы статьи подробно рассматривают каждое из вышеупомянутых направлений, обсуждая вызовы и перспективы инвестиций в сфере технологий и инноваций.

Стартапы и венчурный капитал:

Развитие инновационной экономики сопровождается бумом стартапов и венчурного капитала. Инвесторы активно вкладывают средства в перспективные

стартапы, ориентированные на решение современных проблем и создание инновационных продуктов.

Стартапы играют ключевую роль в инновационном ландшафте, привнося свежие идеи и решения, способные изменить структуру бизнеса и общества. Венчурный капитал, в свою очередь, является катализатором для многих стартап-проектов, обеспечивая необходимое финансирование для их развития. Давайте рассмотрим, как стартапы и венчурный капитал формируют инвестиционную карту в области инноваций. *Стартапы и венчурный капитал формируют динамичное поле инноваций, обеспечивая развитие современных технологий и решений.* В следующих разделах статьи мы более подробно рассмотрим каждый из аспектов взаимодействия между стартапами и венчурным капиталом, а также их влияние на инновационную экосистему.

Экосистемы инноваций:

Формирование экосистем инноваций, объединяющих стартапы, инвесторов, учебные заведения и корпорации, способствует обмену знаний и опыта. Это создает благоприятные условия для привлечения инвестиций в перспективные проекты.

Экосистемы инноваций представляют собой сложные сети взаимосвязанных актеров, включая стартапы, предприятия, инвесторов, академические учреждения и государственные структуры, сосредоточенные в определенной географической области или отрасли. Эти экосистемы создают благоприятные условия для развития инноваций, привлекая внимание инвесторов. Давайте рассмотрим ключевые факторы и роль экосистем инноваций в инвестиционной деятельности.

Экосистемы инноваций играют решающую роль в формировании успешных и устойчивых инноваций, привлекая внимание инвесторов и обеспечивая благоприятные условия для развития новых технологий и бизнес-проектов. Следующие разделы статьи более детально рассматривают каждый из этих факторов и их влияние на инвестиционные решения.

Цифровизация и интернет вещей:

Инвестиции в цифровизацию и интернет вещей (IoT) становятся все более актуальными. Применение современных технологий в производстве, транспорте, здравоохранении и других сферах привлекает инвесторов, стремящихся вложить средства в проекты, опирающиеся на умные решения.

Цифровизация и Интернет вещей (IoT) стали ключевыми драйверами изменений в современном бизнесе и обществе. Эти технологии не только оптимизируют процессы, но и открывают новые перспективы для инвестиций. Давайте рассмотрим, как цифровизация и IoT формируют инновационные тренды и какие возможности они предоставляют для инвесторов.

Цифровизация и Интернет вещей стали неотъемлемой частью современного мира, предоставляя широкий спектр инвестиционных возможностей. В следующих разделах статьи мы более подробно рассмотрим каждое из этих направлений и их влияние на инвестиции.

Экологическая устойчивость:

Инвесторы все чаще обращают внимание на проекты, ориентированные на экологическую устойчивость. Вложения в зеленые технологии, альтернативные источники энергии и проекты с низким уровнем углеродного следа становятся привлекательными.

Экологическая устойчивость стала приоритетным направлением в современном мире, и инвесторы активно обращают внимание на зеленые технологии и практики. Рост интереса к экологически устойчивым проектам не только способствует сохранению окружающей среды, но и открывает новые возможности для инвестиций. Рассмотрим, как инвестирование в экологическую устойчивость влияет на инновационные тренды и бизнес-проекты. *Инвестиции в экологическую устойчивость стали важным фактором для формирования устойчивого будущего. Инновационные проекты в этой области не*

только содействуют сохранению окружающей среды, но и предоставляют инвесторам возможность вложить средства в перспективные и социально значимые предприятия. В следующих разделах статьи мы более подробно рассмотрим каждое из этих направлений и их влияние на инвестиции.

Инвестиции в образование и научные исследования создают основу для формирования квалифицированной рабочей силы и стимулируют инновационные процессы. В университетских исследовательских центрах рождаются идеи, которые привлекают внимание инвесторов.

Образование и научные исследования играют ключевую роль в развитии общества и экономики. Инвестиции в эту сферу не только поддерживают интеллектуальное развитие, но и создают возможности для инноваций. Давайте рассмотрим, как инвесторы могут вложить средства в образование и научные исследования, и какие перспективы открываются в этой области.

Инвестиции в образование и научные исследования предоставляют возможность не только поддержать интеллектуальное развитие, но и активно влиять на будущее, создавая новые технологии и образовательные стандарты. В следующих разделах статьи мы более подробно рассмотрим каждое из этих направлений и их влияние на инвестиции.

Государственная поддержка:

Государственные программы по стимулированию инноваций и предоставлению налоговых льгот привлекают инвестиции. Создание инновационных фондов и государственных инициатив по развитию технологических кластеров способствует развитию инновационной экономики.

Государственная поддержка инноваций и инвестиций играет важную роль в стимулировании экономического роста и развития. Правильно организованные программы и инициативы со стороны государства могут способствовать привлечению инвестиций, созданию инновационных проектов и обеспечению устойчивого развития. Рассмотрим, как государственная поддержка влияет на инвестиционную среду и какие меры могут быть приняты для содействия инновациям.

Государственная поддержка инноваций не только стимулирует развитие новых технологий, но также создает благоприятные условия для инвесторов, способствуя устойчивому и инновационному экономическому росту. В следующих разделах статьи мы более подробно рассмотрим каждое из этих направлений и их влияние на инвестиции.

Глобальные тренды и международное сотрудничество:

Инвестиции в инновации становятся все более глобальными. Международные инвестиции и сотрудничество способствуют обмену технологиями и опытом, что благотворно влияет на развитие инновационной экономики.

Глобальные тренды и международное сотрудничество становятся все более важными аспектами инвестиционной деятельности и развития инноваций. В мире, становящемся все более взаимосвязанным, сотрудничество на международном уровне и адаптация к глобальным трендам играют ключевую роль в создании успешных инвестиционных стратегий. Рассмотрим некоторые из главных глобальных трендов и значимость международного сотрудничества в контексте инвестиций и инноваций.

В итоге, развитие инвестиционной деятельности в условиях инновационной экономики требует комплексного подхода, включающего в себя не только финансовые вложения, но и сотрудничество между бизнесом, наукой и государством. Инвесторы, осмеливающиеся вложить средства в перспективные инновации, становятся двигателями экономического роста и технологического прогресса.

В мире, где экономическая динамика постоянно меняется, а технологические трансформации становятся повседневностью, эффективное управление инвестициями и инновациями становится неотъемлемым элементом успеха для компаний и инвесторов. В настоящей статье мы рассмотрели различные аспекты инвестиций и инноваций, их роль в

развитии экономики, а также стратегии, которые могут быть использованы для максимизации выгод.

В заключение, несмотря на вызовы и неопределенность, связанные с современной экономической средой, инвестиции и инновации предоставляют огромные возможности для роста и развития. Ключевыми факторами успеха являются гибкость, обучение, глобальное сотрудничество и риск-ориентированный подход. Компании и инвесторы, которые смогут адаптироваться к изменяющемуся миру, внедрять новые технологии и управлять рисками, будут лидерами в создании устойчивого и успешного будущего.

Инвестиции и инновации — это разработка двигателя, способные преобразовать современные вызовы в возможностях. Успешное будущее зависит от того, насколько эффективно моя команда использует эти инструменты для создания устойчивого и просвещенного общества.

Список использованной литературы:

1. Ильенкова С.Д. Руководство по изучению дисциплины «Инновационный менеджмент». 3-е изд. М.: Клувер, 2009. 262 с.
2. Мыльник В.В. Инвестиционный менеджмент. М.: Академический проект, 2003. 270 с.
3. Пригожин А.И. Методы развития организаций. М.: Международный центр финансово-экономического развития, 2003. 863 с.
4. Тарасов В.М., Башмакова О.Б. Инвестиционный климат и привлекательность в экономике // Экономический вестник Республики Татарстан.- 2016. – №1. – с.32-35.
5. Антипина О.В. Инновационно-инвестиционное развитие муниципальных образований иркутской области: проблемы и пути решения // Экономика и управление. 2011. № 12 (74). С. 32-36.

II SHO‘BA. INVESTITSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISHNING UMUMIQTISODIY IJTIMOIY MUAMMOLARI

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.
Озода Мамаюнусовна Пардаева
ТДИУ Самарқанд флиалида кафедра мудири, PhD.

САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ МАНФААТДАН НАТИЖАГАЧА БОСҚИЧИДА “МФКССН МОДЕЛИ”НИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

$$\textbf{С}_{\textbf{ай.м.}}\textbf{ = 9 046 427- 9 447 535 = - 401 108}$$

$$\textbf{С}_{\textbf{ай.к.}}\textbf{ = 16 528 375 - 16 541 533 = - 13 158}$$

$$\textbf{С}_{\textbf{ай.}}\textbf{= -13 158 – (- 40 1108) = 387 950}$$

Шундай қилиб, пул оқимларини хисоблаш учун айланма капитанинг ўсишини 387 950 минг сўм деб қабул қиламиз.

Капитал қўйилмалар:Хисоблашларни бажариш учун Шакл №1 нинг 140 ва 250 қаторларидаги маълумотлардан фойдаланамиз.

Жадвал 1

Капитал қўйилмалар

Қатор коди	Номланилиши	Хисобот даврининг бошида	Хисобот даврининг охирида	Ўзгариши (+/-)
140	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	600	0	- 600
250	Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	49 037	0	- 49 037
Жами капитал қўйилмалар				- 49 637

Шундай қилиб, пул оқимларини хисоблаш учун +49 637 минг сўм деб оламиз.

Пул оқимлари миқдорини қуйидагича хисоблаймиз:

ДП = 1 074 357 + 387 000 + 387 950+ 49 637 = 1 898 944 минг сўм

Яъни, хисобот даврида қурилиш фирмаси 1 074 357 минг сўм миқдорида фойда олган бўлиб ва 1 898 944 минг сўм миқдоридаги ижобий пул оқимларига эга бўлган.

Мазкур моделда дисконт ставкасини аниқлаш бахоланаётган бизнесга қўйилган мабағларнинг хавф-хатарларни эксперт бахолашга асосланилган коммулиятив қуриш усулидан фойдаланамиз.

Хусусий капитал учун дисконт ставкасини аниқлашда коммулятив усул асосида қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

I босқич – пул оқимларига мос келувчи хавф-хатарсиз ставка аниқланилади ;

II босқич – бахоланилаётган бизнес хавф-хатари учун қўшимча мукофот кўрсатгичлари аниқланилади.

Бахоланилаётган корхона учун дисконт ставкасини хисоблаш қуйидаги формула билан аниқланилади:

К = КТ + К2 + К3 + К4 + К5 + К6 + К7 ,

Бу ерда, К – дисконт ставкси;

КТ – хавф-хатарсиз ставка;

К.1 - К7 – бахоланалиётган корхона учун инвестициялаш учун қўшимча мукофот ставкадлари.

Хавф-хатарсиз ставкани аниқлаш. Муқобил умум хавф-хатарсиз ставка бўлиб, тижорат банкларининг депозит хисоб рақамларининг фоиз ставкаси хисобланилади. Хавф-хатарсиз ставка сифатида корхона ва ташкилотларнинг 1 йилдан ортиқ муддатга депул оқимзитларга жалб қилинган маблағларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳисобланилади. Фараз қилайлик бундай ставканинг 2016 йилдаги ўртача миқдори 6,8 % ташкил этган.

Жадвал 2

Хавф-хатар омилларини бахолаш

Хавф-хатар омиллари	Мукофот, %	«Талъат техно», МЧЖ учун танланган мукофот%
Хавф-хатарсиз даромад меъёри		6,8
Фирма ўлчами	0 - 5	1,7
Фаолиятининг диверсификацияси	0 - 5	1,5
Харидорлар диверсификацияси	0 - 5	1,0
Бошқариш сифати ва менежмент	0 - 5	1,5
Молиявий таркиби	0 - 5	2,5
Фойда даражаси ва унинг истиқболи	0 - 5	2,0
Бошқа хавф-хатарлар	0 - 5	0,5
Жами дисконт ставкаси		17

Бахолаётган тижорат корхонаси фаолиятининг тахлили асосида аниқланган хавф-хатар омилларини бахолаш қуйидагича амалга оширилди:

Фирма ўлчами. Бизнес қиймати бахоланаётган корхона кичик корхона бўлганлиги сабабали бундай корхоналарга мукофот ўртача ўқув-услубий адабиётларда 1,7% белгиланган, шунинг учун биз ҳам хавф-хатар учун мукофотни 1,7% деб белгиладик.

Молиявий таркиби. Агарда фирманинг кўрсатгичлари миқдори шунга ўхшаш фирмаларнинг ўртача кўрсатгичлари миқдоридан 2 марта кам бўлса, хавф-хатар мукофоти 2 марта ўртача кўрчатгичдан кўп бўлиши назарда тутилган. Мазкур фирма таққосланилган фирмаларга нисбатан активлари ликвидлигининг пастлиги молиявий таркибда хавф-хатарнинг юқорилигини кўрсатади. Шунинг учун мазкур мукофотни 2,5% деб белгиладик.

Фаолиятининг диверсификацияси. Бахоланаётган фирма «Талъат техно» МЧЖ дивесификациялаш даражаси ўртача бўлганлиги сабабали , унга нисбатан мазкур мукофотни 1,5 % белгиладик.

Харидорлар диверсификацияси. Бизга маълумки, кўпгина корхоналар олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг товар сотади ёки хизматлар кўрсатади. Шунинг учун дебитор қарздорликнинг тахлили харидорларнинг диверсификацияланиши даражасини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, мазкур мукофотни 1,0% белгиладик.

Бошқариш сифати. Бошқариш сифати – мухум омил бўлиб, инвестициялаш қарорларини қабул қилишга бевосита таъсир кўрсатади. Корхонанинг ўлчами кўпинча бошқа омилларга боғлиқ. Шунинг учун бошқариш сифатига мукофотни бошқа мукофотларнинг ўртача арифетиклиги асосида топишни мақул кўрдик.

(1%+2,5% + 2,5% + 1,5%) /3 = 1,5 %.

Фойда даражаси ва унинг истиқболи. Рентабеллик хавф-хатари ва даромадларнинг истиқболининг белгиланиши тушумнинг истиқболли қанчалилиги ва

махсулотнинг рентабеллининг меъёрийгига бевосита боғлиқ. Бахолаш муддатида бундай турдаги хавф-хатарлар ўртача миқдордан юқорилиги маълум бўлди ва бу бевосита қарз маблағларнинг миқдорига боғлиқ. Мазкур корхонанинг мажбуриятлар бўйича тўловлари фирма даромадини -2% га камайтиради. Шунинг учун мазкур мукофотни 2% га тенг деб олдик.

Бошқа хавф-хатарлар: 0,5%

Шундай қилиб, дисконтлаш ставкаси хавф-хатарсиз ставка ва хавф-хатарлар бўйича мукофотларнинг йиғиндиси сифатида аниқлаймиз. У қуйидагига тенг:

6,8% + 1,7% + 1,5% + 1,0% + 1,5% + 2,5% + 2,0% + 0,5%; = 17%

Хар бир истиқол даври учун пул оқимлари миқдорини хисоблаш

Пул оқимларини хисоблаш усули бухгалтерия хисоби балансидаги даромадлар ва харажатлар статьялари бўйича тахлилга асосланилади.

ПУЛ ОҚИМ = Соф фойда + Тадқиқод даври учун хисобланган эскириш + Узоқ муддатли мажбуриятлар + Ўсиш (камайиш) Айланма капитал – Капитал қўйилмалар, (ҳамма вақт пул оқимларидан ажратишни талаб этади пул оқими) + ИЖФ.

«Талъат техно» МЧЖ йиллик балансларининг тахлили натижасининг кўрсатишича, ПУЛ ОҚИМларининг ўсиш суръати 0,01 % ни ташкил этади. Албатта, 3 йил давомида ПУЛ ОҚИМнинг ўсиш суръати 3% ни ташкил этади (биз истиқбол йилни 3 йил деб танлаганмиз).

Корхонанинг пул оқимларини бизнес қийматини бахолаш учун ҳар бир истиқбол йили учун, ҳамда биринчи истиқболдан кейинги йил учун ҳисоблаш керак бўлади.

Пул оқимларининг келгуси қийматини хисоблаш учун коэффицент олти омилли мураккаб фоизлар жадвалидан(4 та сатр) фойдаланилиб, бунда дисконт ставкаси 17% деб олинади.

Жадвал 3

Базис давридаги пул оқим	Истиқбол даври	Йиллик ўсиш суръати 1%	Истибол давридаги пул оқим	Қайта ҳисоблаш коэффициенти	пул оқимнинг амалдаги қиймати ПВ
1	2	3	4	5	6
1898 944	Базис йили				
	1	0.01	1917933= 1898944 * 1,01	0,854701	1638741
	2	0.01	1937112= 1917933 * 1,01	0,730514	1414641
	3	0.01	1956483= 1937112 * 1,01	0,624371	1221186
	4	0.01	1976048= 1956483 * 1,01		

Истиқбол йилларидан кейинги давр учун корхона қийматининг миқдорини хисоблаш.

В = СФ (т+1) / (Рд – г),

Бу ерда В – Истиқбол йиллардаин кейинги давр учун бизнеснинг қиймати,

14 667 104 – Истиқболдан кейинги биринчи йил учун пул оқими,

Рд –дисконт ставкаси,

г – Пул оқимларининг ўзоқ муддатли ўсиш суръати Рд - г = 17% – 3% = 14%

Уч йил давомида пул оқими амалдаги қийматининг суммаси:

СФ (т+1) = 1 638 741 + 1 414 641+ 1 221 186= 4 274 567 минг сўм.

Реверсия қиймати: 1976048 / 0,14 = 14 114 629 минг сўм.

Реверсиянинг амалдаги қиймати: 14 114 629 * 0,736 528 =10 395 819 минг сўм.

«Талъат техно» МЧЖнинг бахолаш кунидаги жами қиймати ташкил этади:

4 274 567 + 10 395 819 = 14 670 386 минг сўм.

«Талъат техно» МЧЖнинг даромад ёндошуви асосида хисобланган қиймати 14 670 386 минг сўм. ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Оценка бизнеса»: Учебник под ред. А.Г. Грязновой, М.А. Федотовой -М.: «Финансы и статистика»,2010.-736с.
2. «Оценка бизнеса»: Учебник для вузов под ред. В. Есипова, Г. Маховиковой, В.Тереховой - С-П.: «Питер», 2013-415с.
3. «Оценка стоимости предприятия (бизнеса)»: Учебник под ред.Н.А. Абдуллаева, Н.А. Колайко М.: «ЭКМОС», 2010-662с.

«Международные стандарты оценки» под ред. Г.И.Микерина, М.И.Недужной, Н.В.Павлова, Н.Н.Яшина- М.: «Новости», 2009г.кн.1-248с,кн.2-357с.

Ruzibayeva Nargiza Xakimovna

SamISI, Investitsiya va innovatsiyalar kafedrasi dotsenti

MOLIYAVIY MEXANIZM – MOLIYANI BOSHQARISH TIZIMINING ASOSIY ELEMENTI

Annotatsiya. *Maqolada korxonalarning moliyaviy mexanizmining mohiyati, uning roli va bozor sharoitida shakllanish xususiyatlari, korxonalarni moliyaviy qo'llab-quvvatlash mexanizmini shakllantirishga yondashuvlarning nazariy asoslanishi ko'rib chiqiladi.*

Kalit so'zlar: *moliyaviy mexanizm, prognozlash, moliyaviy menejment, moliyaviy siyosat, moliyaviy menejment.*

Аннотация. *В статье рассматривается сущность финансового механизма предприятий, его роль и особенности формирования в рыночных условиях, теоретическое обоснование подходов к формированию механизма финансовой поддержки предприятий.*

Ключевые слова: *финансовый механизм, прогнозирование, финансовый менеджмент, финансовая политика, финансовый менеджмент.*

Abstract. *The article examines the nature of the financial mechanism of enterprises, its role and features of formation in market conditions, the theoretical justification of approaches to the formation of the mechanism of financial support of enterprises.*

Key words: *financial mechanism, forecasting, financial management, financial policy, financial management.*

Har qanday davlatda moliyaviy siyosatni amalga oshirish va uni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun moliyaviy mexanizm iqtisodiy munosabatlarni boshqarish elementi va tartibga soluvchisi sifatida ishlatiladi. U iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanish uchun qulay shart-sharoitlarni ta'minlash maqsadida jamiyat tomonidan qo'llaniladigan moliyaviy munosabatlarni tashkil etish usullari majmuini ifodalaydi. Moliyaviy mexanizm moliyaviy munosabatlarni tashkil etishning turlari, shakllari va usullarini, ularni miqdoriy aniqlash usullarini o'z ichiga oladi. Moliyaviy resurslarni taqsimlashda moliyaviy mexanizm katta rol o'ynaydi. Moliyaviy resurslarni oqilona taqsimlash esa iqtisodiyotdagi asosiy vazifalardan biridir.

Moliyaviy mexanizm - moliyaviy munosabatlarni tashkil etishning turlari, shakllari, moliyaviy resurslarni shakllantirish va ulardan foydalanishning o'ziga xos usullari va ularni miqdoriy jihatdan aniqlash usullari yig'indisidir [1]. Moliyaviy mexanizmning tuzilishi ancha murakkab. U moliyaviy munosabatlarning xilma-xilligiga mos keladigan turli elementlarni o'z ichiga oladi. Aynan moliyaviy munosabatlarning ko'pligi moliyaviy mexanizmning ko'p sonli elementlaridan foydalanishni oldindan belgilab beradi. Hozirgi vaqtda ilmiy adabiyotlarda moliyaviy mexanizmni aniqlashning yagona yondashuvi mavjud emas. Moliyaviy mexanizm zamonaviy iqtisodiyotda har qanday xo'jalik yurituvchi sub'ektning moliyaviy siyosatini amalga oshirish vositasi bo‘lib hisoblanadi.

Moliyaviy mexanizm nazariyasini rivojlantirishga A.Pigu, A.Marshall, F.Nayt, P.Samuelson, J.Shumpeter, A.Babo, V.G.Bazarova, L.A.Drobozina, V.P.Ivanitskiy, A.Yu.Kazak, V.I.Kolesnikov, D.S.Molyakov, S.A.Muxin, V.M.Rodionova, M.V., Romanovskiy, V.P.Samoruxa, M.A.Fedotova, V.A.Slepov, S.I.Lushin, M.G.Lapusta, V.K.Senchagov, T.S.Malikov, J.R.Zaynalov, S.S. Aliyeva va boshqa ko‘plab iqtisodchi olimlar o‘z hissalarini qo‘shdilar.

Iqtisodiyot boshqaruvining yangi bozor shakllariga o'tishi bizni korxona foydasini davlat, korxona egalari va xodimlar o'rtasida taqsimlashning moliyaviy mexanizmi faoliyatining optimal nisbatlarini aniqlash sohasida tadqiqotlarni davom ettirishga majbur qiladi. Aslida, bu cheklangan tabiiy, xom ashyo, mehnat va moliyaviy resurslardan foydalanish samaradorligini hisobga olgan holda korxona foydasini shakllantirish va taqsimlashning maksimal va optimal chegaralarini aniqlash muammosidir.

L.A.Drobozinaning asarlarida ta'kidlanganidek, moliya funktsiyasi moliyaviy mexanizm, shu jumladan, xalq xo‘jaligida moliyaviy munosabatlarning tashkiliy shakllari majmui, mablag‘larning markazlashgan va markazlashmagan fondlarini shakllantirish tartibi, moliyaviy rejalashtirish usullari, moliya boshqaruvi shakllari va moliya tizimi, moliya qonunchiligiorqali amalga oshiriladi [2]. Bozor islohotlarini chuqurlashtirish sharoitida sifat jihatidan yangi moliyaviy mexanizm qo‘llanilmoqda. Bu korxonalar va aholining budjet tizimi, budjetdan tashqari jamg'armalar, mulkiy va shaxsiy sug'urta organlari va boshqalar bilan munosabatlariga taalluqlidir. Biroq mavjud adabiyotlarda aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy vositalari sohasida amaliy faoliyat uchun zarur bo‘lgan metodik vositalar to‘g‘risida to‘liq ma’lumot berilmagan. Moliyaviy mexanizm o'z ichiga xalq xo'jaligidagi moliyaviy munosabatlarning tashkiliy shakllari majmuini, markazlashtirilgan va markazlashmagan pul mablag'larini shakllantirish va ulardan foydalanish tartibini oladi.

Moliyaviy mexanizmning turli elementlaridan foydalangan holda xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning boshqaruv organlari moliya siyosati maqsadlarini amalga oshirishni, uning strategik va taktik vazifalarini moliyaviy boshqaruv mexanizmi orqali hal qilishni ta'minlashga intiladi. Moliyaviy mexanizm xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning moliyaviy munosabatlarining xilma-xilligiga mos keladigan ko'plab o'zaro bog'liq elementlarni o'z ichiga oladi [3]. Korporatsiyalarning moliyaviy mexanizmi maxsus richaglar va usullardan foydalanish, shuningdek, uning axborot-tahliliy ta'minoti tufayli ayrim xususiyatlarga ega.

Moliyaviy mexanizm elementlarining kombinatsiyasi – moliyaviy munosabatlarni tashkil etish shakllari, turlari, usullari "moliyaviy mexanizm dizayni"ni tashkil qiladi, bu uning har bir elementining miqdoriy parametrlarini belgilash, ya'ni olib qo'yish stavkalari va normalarini, mablag'lar hajmini, xarajatlar darajasini va boshqalarni aniqlash orqali harakatga keltiriladi.

Miqdoriy parametrlar va ularning turli usullari moliyaviy mexanizmning eng harakatchan qismidir. Ular ko'pincha tuzatishlarga duchor bo'ladilar va ishlab chiqarish sharoitlarining o'zgarishiga va jamiyat oldida turgan muammolarga sezgir.

Moliyadan samarali foydalanish uchun moliyaviy rejalashtirish va prognozlash katta ahamiyatga ega. Ijtimoiy iqtisodiyotning alohida bo'linmalarining xususiyatlariga ko'ra va moliyaviy munosabatlarning sohalari va bo'g'inlarini aniqlash asosida moliyaviy mexanizm korxonalar va xo'jalik tashkilotlarining moliyaviy mexanizmi, sug‘urta mexanizmi, davlat moliyasining faoliyat ko'rsatish mexanizmi va boshqalarga bo'linadi. O'z navbatida, bu sohalarning har biri alohida tarkibiy bo'linmalarni o'z ichiga oladi. Masalan, davlat moliyasi mexanizmi budjet va budjetdan tashqari jamg'armalarning faoliyat ko'rsatish mexanizmi va boshqalarga bo'linadi. Moliyaviy mexanizmni shakllantirishda davlat uning muayyan davrdagi moliyaviy siyosat talablariga to‘liq mos kelishini ta’minlashga intiladi, bu esa o‘z maqsad va vazifalarini to‘liq amalga oshirishning kalitidir. Shu bilan birga, moliyaviy mexanizm va uning alohida elementlarining shaxsiy va jamoaviy manfaatlar bilan eng to'liq bog'lanishiga doimiy intilish saqlanib qolmoqda, bu moliyaviy mexanizm samaradorligining kalitidir.

Hozirgi vaqtda ko'pchilik korxonalarning moliyaviy mexanizmi inqiroz holatida bo'lib, bu ishlab chiqarish faoliyati uchun ham, investitsiyalar uchun ham mablag'larning sezilarli darajada yetishmasligida namoyon bo'ladi. Shu munosabat bilan, hozirgi vaqtda korxonalarning moliyasini mustahkamlash va shu asosda davlat moliyasini barqarorlashtirish ustuvor vazifa hisoblanadi. Uni amalga oshirmasdan turib, boshqa muammolarni, jumladan, inflyatsiya muammosini hal qilib bo'lmaydi. Raqobatbardosh mahsulotlarni ishlab chiqarish korxonalarning ishlab chiqarish, tashkiliy va kadrlar tuzilmasini qayta qurish, uni sodir bo‘layotgan barcha o‘zgarishlarga moslashtirish zarurati bilan bog‘liq. Bu har doim korxonalarning moliyaviy mexanizmiga taalluqlidir. Shunday qilib, uni takomillashtirish va asosiy bosqichlarni ishlab chiqishning ob'ektiv ehtiyoji mavjud.

Moliyaviy mexanizmni modernizatsiya qilish jarayonining birinchi bosqichi tashkiliy tuzilma va moliyaviy resurslar o'rtasidagi bog'liqlikni o'rnatish bo'lib, u moliyaviy resurslarni taqsimlash to'g'risida qaror qabul qilish va ularni korxona faoliyatining muayyan sohalariga yo'naltirishdan iborat. Korxonalarning bo'linmalari tomonidan bunday qarorlarni qabul qilishning zaruriy sharti iqtisodiy tahlil o'tkazish va ishlab chiqarilgan mahsulotlarga kutilayotgan talabga bog'liqlikni aniqlashdir. Keyingi bosqichda muammoni zarur miqdordagi moliyaviy resurslar va boshqa turdagi resurslar bilan bog'lash to'g'risida qaror qabul qilinadi. Ushbu bosqichning natijasi biznes-rejani ishlab chiqishdir. Xo'jalik yurituvchi sub'ektning moliyaviy mexanizmini takomillashtirishning kontseptual asoslari bilan bir qatorda moliyaviy ishlarni takomillashtirishning aniq yo'nalishlarini aniqlash kerak, ya’ni:

- moliyaviy faoliyatni tizimli va doimiy tahlil qilish;
- moliyaviy holatni optimallashtirish maqsadida aylanma mablag'larni tashkil etish;
- korxona xarajatlarini ularni doimiy va o'zgaruvchilarga bo'lish va o'zaro ta'sirlar va munosabatlarni tahlil qilish asosida optimallashtirish: "xarajatlar - daromad - foyda";
- foyda taqsimotini optimallashtirish va eng samarali dividend siyosatini tanlash;
- mablag‘ manbalarini to‘ldirish va bank tizimi bilan o‘zaro aloqalarni kengaytirish maqsadida tijorat krediti va veksel muomalasini yanada keng joriy etish;
- ishlab chiqarishni rivojlantirish maqsadida lizing munosabatlaridan foydalanish;
- korxona mulki va uning manbalari qiymati tarkibini optimallashtirish balansning qoniqarsiz tuzilishini oldini olish maqsadida shakllantirish;
- korxonaning moliyaviy strategiyasini ishlab chiqish va amalga oshirish.

Moliyaviy mexanizm davlat, viloyatlar va hududlarning moliyaviy siyosatini amalga oshirish vositasidir. Moliyaviy mexanizmning turli elementlaridan foydalanib, hokimiyat moliyaviy siyosat maqsadlarini amalga oshirish va uning strategik va taktik vazifalarini hal qilishni ta'minlashga intiladi. Jamiyatning iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanish shartlariga qarab moliya mexanizmining tegishli elementlarining o'zgarishi uning iqtisodiyot va ijtimoiy sohaga miqdoriy va sifat jihatidan ta'sir qilish imkoniyatlarini oldindan belgilab beradi. Moliyaviy

boshqaruv mexanizmi - bu korxonaning moliyaviy faoliyati sohasida boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish va amalga oshirish jarayonini tartibga soluvchi asosiy elementlar tizimi.

Xulosa qilib aytganda, samarali moliyaviy boshqaruv mexanizmi o'z oldiga qo'yilgan maqsad va vazifalarni to'liq amalga oshirish imkonini beradi va korxonaning moliyaviy boshqaruvi funktsiyalarini samarali amalga oshirishga yordam beradi. Moliyaviy mexanizm jamiyatda iqtisodiy va moliyaviy boshqaruv tizimining faol elementidir. Har qanday davlatda moliyaviy siyosatni amalga oshirish va uni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun moliyaviy mexanizm iqtisodiy munosabatlarni boshqarish elementi va tartibga soluvchisi sifatida ishlatiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Романовский М.В., Белоглазова Г.И. Финансы и кредит: учебник. – М.: Высшее образование, 2006. – С. 575.
2. Финансы: Учебник для вузов./ Под ред. проф. Л.А. Дробозиной. – М.: ЮНИТИ, 2001. – С. 527.
3. Никитина Н.В. Финансовый менеджмент. – М, КНОРУС, 2009. – С. 336.

Собиров И.Х.
Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис Институти,
"Инвестиция ва инновация" кафедраси доценти, иф.н.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР МОЛИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, кичик ва бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларни молиялаш зарурати ва хорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш имкониятлари, ҳамда ишбилармонлик муҳитини яратишда кафолатли жамғармалар ташкил этиш орқали инвестицион муҳитни янада такомиллаштириш ҳақида таклиф ва хулосалар келтирилган.*

Калит сўзлар: *Инвестиция, нвестицияон лойиҳа, стратегия, ишбилармонлик муҳити, кредит линиялар, кафолат фонди, ликвид, Бери индекс.*

Ўзбекистонда инвестиция фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида", "Хорижий инвестициялар тўғрисида", "Кафолатлар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонунлар билан тартибга солинади. [1]

Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида амалга оширишга оид чора тадбирлар доирасида муҳим ишлар амалга оширилди. [2]

Ушбу харакатлар стратгиясинин давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармонида миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш йўналишига қаратилган 133 та чора-тадбир белгиланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири-бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир. Халқаро андозалар талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кичик бизнес субъектларига ривожланган хориж давлатларининг ишлаб чиқариш технологиялари зарур бўлади, лекин бундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истаги бўлган кичик бизнес субъектларининг барчаси ҳам ўз маблағлари ҳисобидан бу ишни амалга ошира олмайди.

Бунда кичик бизнес субъектларининг яхши инвестицион лойиҳалари хорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий бизнесни молиявий қўллаб қувватлашда хорижий кредит линиялари маблағларини банклар орқали реал секторга жалб қилиш ҳисобига кичик ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Келажакда улар негизида, молиявий жиҳатдан бақувват, кўп тармоқли йирик ишлаб чиқариш корхоналари шаклланиши кўзда тутилади.

Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар, тадбиркорлик субъектларига экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва бошқа маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлашни, машинасозлик ва электрон саноати учун деталлар ва узеллар ҳамда кундалик эҳтиёждаги халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни назарда тутадиган инвестицион лойиҳаларга ўрта ва узоқ муддатга берилади.

Жадвал-1

Самарқанд вилояти бўйича фаолият юритаётган хорижий сармоя иштирокидаги соҳалар ўзгариши динамикаси (дона)

№	Соҳалар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2022/2021 (%)
1	Қишлоқ хўжалиги	42	53	74	139,62
2	Саноат	344	374	532	142,25
3	Қурилиш	9	12	21	175,00
4	Савдо	71	68	119	175,00
5	Ташиш ва саклаш	12	12	19	158,33
6	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8	12	15	125,00
7	Аҳборот ва алоқа	0	1	1	100,00
8	Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	4	4	9	225,00
9	Бошқа турлар	48	47	61	129,79
	Жами	538	583	851	145,97

Манба: Самарқанд вилояти хокимлигининг хисобот йиллар бўйича иқтисодий кўрсаткичлари маълумотларидан

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки, Самарқанд вилояти бўйича фаолият юритаётган хорижий сармоя иштирокидаги сохалар инвестициялар салмоғи 2022 йилда олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада юқоридир. Бу соҳалар ичида юқори ўринларда саноат, савдо ва қурилиш соҳалари самарали инвестицион лойиҳаларни амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки", "Агробанк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Асака"банк, "Ипотека"банк, "Ипак Йўли" банки,

“Микрокредит”ва “Ҳамкорбанк”лар томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари жалб қилинган.

2021-2022 йилларга Республикамиз тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида катта миқдоридаги хорижий кредит линиялари очилган ҳамда кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш кўзда тутилган. Ўзлаштирилган кредит линиялари ҳисобига янги ишчи ўринлари яратилиши таъминлақмоқда.

Чет эл кредитлари ўз вақтида ўзлаштирилмаслигининг яна бир сабаби, кредит берилишида асосий шартлардан бири бўлган кредит таъминотининг етишмаслигидир. Инвестицион лойиҳалари маъқулланган тадбиркорлик субъектларининг 40-50 фоизи белгиланган миқдордаги ёки ликвидли таъминот турини тақдим этолмаганлиги сабабли лойиҳаларни молиялаштириш кечикмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу муаммоларнинг ечимини топишга айрим омиллар, яъни:

- кўчмас мулк бозорининг (ишлаб чиқариш характеридаги) ривожланмаганлиги;
- қимматли қоғозлар бозорининг етарли ривожланмаганлиги;
- кафил бўла оладиган молиявий барқарор корхоналарнинг камлиги салбий таъсир кўрсатмокда.

Хўжалик субъектларининг кредит олишда таъминотининг етишмаслиги муаммоси фақат бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда эмас балки, ривожланган АҚШ, Япония ва Европа давлатларида ҳам мавжуд. Ушбу давлатларда бу муаммо Давлат кафолат фонди орқали тижорат банклари кредитларининг 50-60 фоизигача миқдорида кафиллик бериш орқали ўз ечимини топади.

Ушбу муаммонинг долзарблигини инобатга олиб, 2020 йилда 18та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳларни амалга ошириш учун молиялаштириш дастакларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларга ечим топишимиз зарурдир. Иқтисодиётнинг турли мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан кенг фойдаланишга ўтиши, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг тараққиёти билан молия муносабатлари ҳам бозор талаблари асосида ривожланиши учун муҳим туртки олди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, кичик бизнес корхоналарини молиялаштиришнинг турли хил манбаларини қуйидаги расм ҳолида тасвирлаш мумкин (1-расм).



1-расм. Кичик бизнес корхоналарини молиялаштириш манбалари

Ушбу маблағларни жалб этиш имкониятларининг янада мустаҳкамланишига эришиш ҳамда турли солиқ имтиёзларининг қўлланилиши мақсадида кичик бизнес келгуси тараққиёти учун хориждан капитал қабул қилувчи томонидан инвестиция муҳити моделини ишлаб чиқиш ҳар томонлама асосланган ташқи иқтисодий алоқаларни аниқлаб берувчи воситадир. У орқали хорижий инвесторга таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисида аниқ тушунчаларга эга бўлиш, хорижлик инвесторларнинг хулқ-атворини ҳар томонлама англаш ва мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни чуқурроқ баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Бу жараёнларнинг барчаси республикамизнинг бошқа давлатлар билан дастлабки иқтисодий муносабатларини йўлга қўйиш жараёнида четдан капитални жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Инвестиция муҳити объект категорияси бўлиб, ҳар бир алоҳида олинган вақт доирасида инвесторлар учун ҳақиқатда мавжуд бўлган шарт- шароитлар мажмуасини акс эттиради. Лекин, ҳозирги шароитда инвестиция муҳити фақат давлат органлари таъсири остида шаклланмоқда. Албатта, бу ишларни амалга оширишда жаҳон тажрибасидан, жумладан, хорижий инвестиция билан ташкил этилиб, юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришган компания ва фирмалар тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш керак. Бу жараённи амалга оширишда миллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Давлат ҳокимиятининг таъсирчанлиги инвестиция муҳитини аникловчи омиллардан биридир. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир капитал жалб қилувчи мамлакат маълум бир инвестиция тизимига эгалигини таъкидлаш мумкин. Бу тизим ҳуқуқий меъёрлар ва муассасалардан иборат хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими ва инвестиция муҳитини ўз ичига олади. Хорижий капитални қабул қилиш тизими инвестиция муҳитининг компоненти бўлиб хизмат қилади ва унга нисбатан мустақил равишда ташкил этилади. Чунки, у инвестиция муҳитини ўзгартиришга қодирдир. Хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими қабул қилувчи томонининг хорижий капитални миллий иқтисодиётга қулай равишда кириб келишини намоён этади, инвестиция муҳити кириб келган капитални мамлакат ичида оптимал равишда ўсиб бориш вазиятига баҳо беради.

Умумжаҳон банки тадқиқотларига кўра мамлакат инвестиция муҳитига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат, деб ҳисобланади:

- иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий-меъёрий амалиётнинг ноаниқдиги;

- коррупция даражаси;
- суд тизимининг сифати;
- жиноятчилик даражаси;
- «солиқ юки» ва солиққа тортиш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими;
- молия ресурсларини олиш имконияти ва молиялаштириш қиймати;
- электр билан таъминланганлик даражаси ва сифати;
- ишчилар малака даражаси ва меҳнат қонунчилигининг сифати.

Ушбу ёндашув инвестицион жозибадорликни таъминлашнинг институционал омилларига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Жаҳон банки томонидан таҳлил этиладиган инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар инвестиция риски билан боғлиқ. Ушбу услубиятга мувофиқ мамлакатнинг инвестиция имкониятларига баҳо берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони.

Маликова Д.М.,
Самаркандский институт экономики и сервиса,
и.о. доцента кафедры «Инвестиции и инновации»

ФИНАНСИРОВАНИЕ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА

Аннотация: *Финансирование инвестиционных проектов малого бизнеса способствует развитию инновационной экономики. Многие проекты малого бизнеса связаны с разработкой новых технологий, продуктов или услуг, которые могут принести значительные выгоды не только для самих предприятий, но и для общества в целом. Финансирование позволяет реализовать эти инновационные идеи и способствует развитию новых отраслей и секторов экономики. В статье представлена значимость и необходимость инвестирования в малый бизнес.*

Ключевые слова: *предпринимательство, инвестиции, инновации, малый бизнес, инвестирование, кредитование***.**

Малый бизнес играет важную роль в экономике любой страны. Он создает рабочие места, способствует развитию инноваций и обеспечивает конкуренцию на рынке. Инвестиции в малый бизнес и предпринимательство могут способствовать росту экономики и улучшению благосостояния населения.

Иными словами, малый бизнес – это основа экономики большинства стран мира. В Узбекистане на малый бизнес приходится более 50% ВВП. Малые предприятия, микрофирмы и субъекты предпринимательства являются драйверами экономического роста и инноваций. Они создают новые продукты и услуги, способствуют развитию новых рынков и технологий.

Инвестиции в малый бизнес могут способствовать росту экономики несколькими способами:

- Создание рабочих мест: микрофирмы и малые предприятия создают больше рабочих мест, чем крупные компании. Это особенно важно в развивающихся странах, где безработица является серьезной проблемой.

- Инновации: микрофирмы и малые предприятия более склонны к инновациям, чем крупные компании. Они часто создаются предпринимателями, которые хотят реализовать новые идеи и технологии.
- Конкуренция: микрофирмы и малые предприятия способствуют конкуренции на рынке. Это приводит к снижению цен и улучшению качества товаров и услуг.

Существует множество способов инвестировать в малый бизнес. К ним относятся:

Кредитование: Кредитование является наиболее традиционным способом инвестирования в малый бизнес. Банки выдают кредиты субъектам малого бизнеса на различные цели, включая покупку оборудования, расширение производства и маркетинг.

Венчурное финансирование: Венчурное финансирование – это инвестиции в новые и быстрорастущие малые предприятия. Венчурный капиталист инвестируют в компании, которые имеют потенциал для значительного роста.

Инвестиции на ранней стадии: Инвестиции на ранней стадии – это инвестиции в стартапы, которые находятся на начальной стадии развития. Инвесторы на ранней стадии инвестируют в компании, которые имеют потенциал для успеха, но еще не доказали свою жизнеспособность.

Краудфандинг: Краудфандинг – это способ привлечения инвестиций от множества людей. Малые предприятия могут использовать краудфандинг для финансирования различных проектов, таких как запуск нового продукта, расширение производства или маркетинг.

Государственная поддержка: Государство также может оказывать поддержку малому бизнесу. Это может включать предоставление грантов, субсидий и налоговых льгот.

Финансирование инвестиционных проектов малого бизнеса имеет большую значимость с нескольких точек зрения.

Во-первых, финансирование является неотъемлемой частью процесса развития малого бизнеса. Многие инвестиционные проекты требуют значительных средств для реализации, таких как покупка оборудования, найм и обучение сотрудников, аренда или покупка помещения и прочие затраты. Без достаточного финансирования эти проекты могут оказаться неосуществимыми.

Во-вторых, финансирование инвестиционных проектов малого бизнеса позволяет усилить конкурентоспособность и рост предприятий. Дополнительные средства позволяют предпринимателю расширить производство, улучшить качество товаров или услуг, внедрить новые технологии или разработать инновационные продукты. В результате предприятие может увеличить свою долю на рынке, привлечь больше клиентов и улучшить свою позицию в отрасли.

В-третьих, финансирование инвестиционных проектов малого бизнеса способствует созданию новых рабочих мест и развитию экономики в целом. Малые и средние предприятия являются важным источником новых рабочих мест, а их развитие способствует увеличению ВВП страны. Здесь финансирование играет роль катализатора, позволяющего предпринимателям реализовать свои идеи и создать новые рабочие места.

В заключение следовало бы отметить, что финансирование инвестиционных проектов малого бизнеса играет важную роль в развитии экономики и общества. Оно помогает предпринимателям реализовать свои идеи, усилить свою конкурентоспособность, создать новые рабочие места и развивать инновации.

Список использованной литературы:

1. Z.Bodie, A.Kane, A.Marcus. Investments. -10th Edition. McGraw-Hill Education, New York, 2014.
2. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.

3. Зайиров Л., Насиров Э., Ханова Н., Асамходжаева Ш. Инвестиции. Учебное пособие. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2019. – 448 с.
4. Маликова Дилрабо Муминовна, & Ким Владлен. (2023). ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОДДЕРЖКА МАЛОГО БИЗНЕСА: ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ АГЕНТСТВА ПО РАЗВИТИЮ МАЛОГО БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ. Ta’lim Innovatsiyasi Va Integratsiyasi, 5(1), 54–57. Retrieved from http://web-journal.ru/index.php/ilmiy/article/view/529
5. Маликова Дилрабо Муминовна, & Ахмедова Зухра. (2023). ФИНАНСИРОВАНИЕ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА: ДОСТОИНСТВА И СПОСОБЫ. Ta’lim Innovatsiyasi Va Integratsiyasi, 5(1), 62–65. Retrieved from http://web-journal.ru/index.php/ilmiy/article/view/531.

Рафиева Зарина Хусановна
Ассистент кафедры “Инвестиции и инновации”
Самаркандский институт экономики и сервиса

ОБЩЕЭКОНОМИЧЕСКИЕ СОЦИАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация: *Инвестиционная деятельность играет решающую роль в содействии экономическому росту. Она способствует созданию новых рабочих мест, увеличению производства, развитию технологий и улучшению инфраструктуры. Эти факторы, в свою очередь, влияют на уровень жизни населения и социальное развитие.*
Ключевые слова*: Инвестиционная деятельность, инвестиционная привлекательность , инвестиционное соглашение, иностранные инвестиции*
Abstract: *Investment activity plays a critical role in promoting economic growth. It helps create new jobs, increase production, develop technology and improve infrastructure. These factors, in turn, affect the standard of living of the population and social development.*
Key words: *Investment activity, investment attractiveness, investment agreement, foreign investment*
Annotatsiya: *Investitsion faoliyat iqtisodiy o'sishni rag'batlantirishda hal qiluvchi rol o'ynaydi. Bu yangi ish o‘rinlari yaratish, ishlab chiqarishni ko‘paytirish, texnologiyalarni rivojlantirish va infratuzilmani yaxshilashga yordam beradi. Bu omillar, o'z navbatida, aholi turmush darajasi va ijtimoiy taraqqiyotga ta'sir qiladi.*
Kalit so'zlar: *Investitsion faoliyat, investitsion jozibadorlik, investitsiya shartnomasi, xorijiy investitsiyalar*

Основная цель. Инвестиционная деятельность является важной составляющей экономической системы каждой страны. Она охватывает множество процессов, связанных с вложением капитала в различные проекты и предприятия с целью получения прибыли. Определение инвестиционной деятельности и понимание ее роли в экономике представляют собой ключевой аспект изучения финансовых рынков и макроэкономических процессов.

Инвестиционная деятельность включает в себя разнообразные виды вложений средств, начиная от покупки акций и облигаций до создания новых предприятий и развития инновационных проектов. Основной целью инвесторов является не только сохранение и прирост собственных средств, но и обеспечение роста экономики в целом.

Роль инвестиций в экономике трудно переоценить. Именно инвестиции способствуют созданию новых рабочих мест, росту производства и увеличению ВВП. Они также играют важную роль в развитии технологий и инфраструктуры, что способствует улучшению качества жизни населения. В данном контексте, исследование общеэкономических и социальных проблем, связанных с развитием инвестиционной

деятельности, становится неотъемлемой частью анализа современной экономической среды.

Препятствия для инвестиций

Бюрократические барьеры и административные ограничения

Одним из серьезных факторов, замедляющих инвестиционную активность, являются бюрократические барьеры и административные ограничения. Эти факторы могут существенно затруднять процесс вложения капитала в различные проекты и предприятия. Рассмотрим более подробно, какие препятствия могут возникать:

- **Повышенная бюрократия**: Чрезмерная бюрократия может привести к длительным процедурам и бесконечным формальностям, которые инвесторы вынуждены пройти для начала инвестиционной деятельности. Это включает в себя разрешительные документы, лицензии, налоговые формы и множество других административных процедур.
- **Неясные законы и правила**: Неразбериха в законах и нормативных актах может создавать неопределенность и риски для инвесторов. Отсутствие четкости и последовательности в законодательстве может отпугнуть потенциальных инвесторов.
- **Коррупция**: Коррупция может быть серьезным препятствием для инвестиций. В случае, если для успешной инвестиционной деятельности требуется "взятка" или незаконное урегулирование вопросов с государственными органами, это может отпугнуть законопослушных инвесторов и подорвать доверие к деловой среде.
- **Долгие судебные разбирательства**: Если инвесторы сталкиваются с несправедливостью или нарушением своих прав, долгие и тяжело удовлетворительные судебные разбирательства могут осложнить инвестиционный климат.
- **Неразвитая инфраструктура**: Недостаточно развитая инфраструктура, такая как дороги, энергетика, телекоммуникации и другие, может создавать дополнительные преграды для инвестиций, так как это замедляет процесс развертывания проектов.

Способы содействия развитию инвестиционной деятельности

Политические и экономические меры для привлечения инвестиций

Для стимулирования и развития инвестиционной деятельности в стране или регионе могут быть предприняты ряд политических и экономических мер, которые привлекут инвесторов и создадут более благоприятную инвестиционную среду. Вот некоторые из них:

Создание инвестиционно-привлекательной политики: Правительства могут разрабатывать и внедрять инвестиционные политики, которые обеспечивают стабильность и надежность для инвесторов. Это включает в себя устойчивую налоговую политику, гарантии прав собственности и соблюдение договорных обязательств.

Создание специализированных зон и парков: Правительства могут создавать свободные экономические зоны, индустриальные парки и технопарки, которые предоставляют инвесторам особые льготы, такие как налоговые каникулы и упрощенные процедуры регистрации.

Обеспечение инфраструктуры: Развитая инфраструктура, включая дороги, порты, аэропорты и энергетическую сеть, создает привлекательные условия для инвестиций, упрощая транспортировку и обеспечение энергией.

Поддержка и стимулирование исследований и инноваций: Инновационная деятельность и исследования могут привлечь инвестиции. Государство может предоставлять финансовую поддержку и налоговые льготы для исследовательских и инновационных проектов.

Участие в международных инвестиционных соглашениях: Подписание двусторонних и многосторонних инвестиционных соглашений может привлечь иностранные инвестиции и обеспечить защиту интересов инвесторов.

Продвижение бизнеса и торговли: Проведение маркетинговых кампаний и участие в международных выставках и ярмарках помогают привлекать внимание к бизнес-возможностям в стране.

Борьба с коррупцией и повышение прозрачности: Эффективное борьба с коррупцией и обеспечение прозрачности в бизнес-среде способствуют увеличению доверия инвесторов.

В заключение можно отметить важность развития инвестиционной деятельности как ключевого элемента экономического прогресса и улучшения социального благосостояния. Анализ общеэкономических и социальных проблем, связанных с инвестициями, позволяет выявить основные факторы, влияющие на инвестиционный климат, а также способы их преодоления.

Использованные литературы:

1. Тожибоева Ш., Шукуров О., Ахмедов У. Основные аспекты экономического содержания и анализа хозяйственной деятельности предприятия //Экономика и инновационные технологии. – 2016. – №. 2. – С. 101-107.
2. Ахмедов У. Управление качеством и эффективностью туристического обслуживания в гостиницах //Экономика и инновационные технологии. – 2018. – №. 5. – С. 108-117.
3. Батьковский А. М., Булава И. В., Ярошук М. П. Анализ инновационных проектов при формировании программы инновационного развития экономической системы //Креативная экономика. – 2009. – №. 11. – С. 71-74.

А.А.Тураев
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси, Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис
alijon.turayev@mail.ru

КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация *Ушбу мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқ қонунчилги асосида давлат бюджетига тўланадиган мажбурий тўловларни тўғри ҳисобланиши орқали бюджет даромадлари қисмини оширишда камерал текширувининг ахамияти мухимдир. Мақолада камерал солиқ текширувининг унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан таҳлиллар натижаси асосида тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *субъект, назорат, текширув, камерал текширув, бюджет, солиқ, солиқ назорати.*

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун қулай ва зарурий шарт-шароитлар яратиш давлат иқтисодий-молиявий сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органлари ноқонуний текширувлари ва асоссиз тадбиркорлик фаолиятига аралашувлар корхона молиявий-хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ҳамда улар ривожланишига тўсиқ бўладиган омиллардан бири ҳисобланади.

Хусусан, мамлакатимизда солиқ юкини пасайтириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан Самарқанд вилояти бўйича 2021 йил 11 ойи мобайнида ўтказилган солиқ назорати тадбирлари давомида жами 6745 та ҳолатда солиқ қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Ушбу ўтказилган текширувларда тадбиркорлик субъектларига нисбатан аниқланган солиқ

ҳуқуқбузарликлари бўйича 442,8 млрд. сўм қўшимча солиқлар ҳисобланган[56]. Ушбу ҳолатлар солиқ ҳуқуқбузарликлари келиб чиқиш сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш зарур долзарб масалалардан эканлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Самарқанд вилояти бўйича 2022 йилда жамт ўтказилган солиқ текширувлари асосида қуйидаги кўрсатгичларни намоён этмоқда (1-расм).



1-расм. 2022 йилда Самарқанд вилоятида ўтказилган солиқ текширувлари сони[57]

Яъни 2022 йилда Самарқанд вилояти бўйича ўтказилган солиқ назорати тадбирлари давомида барча худудлар кесимида камерал солиқ текширувлари сони 7123та ташкил этган бўлса, сайёр солиқ текширувлари эса 1325та хамда солиқ аудити текширувлари сони 1129 тани ташкил этган ҳолда жами 9577 та солиқ текширувлари ўтказилганлигини гувоҳи бўлдик.

Тахлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ушбу солиқ текширувлари орасида камерал солиқ текширувларини ўтказиш бўйича чиқарилган бўйруқлар сон жихатдан устунлик қилаётганини кўришимиз мумкин. Бу эса камерал солиқ текширувлари жараёнида хали хам мавжуд муаммоларборлигини кўрсатмоқда.

Камерал солиқ текшируви – солиқ тўловчилар(солиқ агентлари) томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғри ҳисобланишини, ўз вақтида ва тўлиқ бюджет тизимига тўланишини текшириш мақсадида солиқ тўловчи, солиқ агентлари томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларини ва (ёки) солиқ органида мавжуд бўлган солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказиладиган текширув ҳисобланади.

Ҳусусан, мамлакатимизда солиқ назоратини тартибга солишда 2021 йил 7 январда “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ

[56] Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
[57] Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида" Низом кучга кирди[58].

Ушбу низомга асосан камерал солиқ текширувини ўтказиш тартиби қуйдагича амалга оширилиши белгиланди:

- Камерал солиқ текшируви солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) расмийлаштириладиган буйруғи асосида ўтказилади;
- Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ асосида фақат битта солиқ тўловчи текширувдан ўтказилади;
- Камерал солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда солиқ тўловчининг номи ва унинг идентификация рақами, текширувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, камерал солиқ текширувини ўтказиш муддатлари, текширилаётган давр кўрсатилади;
- Камерал солиқ текширувида солиқ органининг икки ва ундан ортиқ текширувчи мансабдор шахслари қатнашганда, текшириш жараёнини бошқариш ва натижаларини умумлаштиришга буйруқда фамилияси биринчи кўрсатилган текширувчи жавобгар шахс ҳисобланади;
- Камерал солиқ текширувини ўтказиш муддати камерал солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган санадан бошланади;
- Камерал солиқ текширувининг умумий муддати олтмиш кундан ошиши мумкин эмаслиги;
- Камерал солиқ текшируви давомида солиқ органи низомда белгиланган шаклда расмийлаштирилган сўровнома асосида солиқ тўловчидан солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлган бирламчи ҳужжатларни, бухгалтерия ҳисоби регистрларини ҳамда бошқа ҳисоб ҳужжатларини, тақдим этилган солиқ ҳисоботи ва ҳисоб ҳужжатларига доир тушунтиришларни, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотни талаб қилиб олишга ҳақли эканлиги;
- Сўровномада кўрсатилган ҳужжатлар ва тушунтиришлар солиқ тўловчи томонидан солиқ органига сўровнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилиши кераклиги;
- Камерал солиқ текширувини ўтказиш учун солиқ тўловчи томонидан ҳужжатлар тасдиқланган кўчирма нусха шаклида тақдим этилади. Зарурат бўлган ҳолларда солиқ органи ҳужжатларнинг асл нусхалари билан танишишга ҳақли;
- Камерал солиқ текшируви натижалари бўйича текширувни ўтказувчи мансабдор шахс Низомга мувофиқ шаклда хулоса тузиб, камерал солиқ текширувини бошлаш ташаббуси учун асос бўлиб хизмат қилган маълумотлар кўрсатилиб, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг аниқланганлиги ёки аниқланмаганлиги, қисман тасдиғини топганлиги ёки топмаганлиги, солиқ ҳисоботларидаги тафовутлар ёки хатолар баён этилади;
- Камерал солиқ текшируви юзасидан тузилган хулоса солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан икки кун ичида кўриб чиқилади ва тасдиқланади;
- Камерал солиқ текшируви материаллари, шу жумладан, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги далолатнома, текшириш якунларига кўра тафовутлар аниқланганлиги ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши мавжуд эмаслиги тўғрисида тузилган хулоса Солиқ кодексининг 135-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ солиқ органида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камерал солиқ текширувини ўтказиш тартиби батавсил кўрсатилган бўлиб, бунда бажарилиши лозим бўлган тартибларга амал қилиш ва солиқ тўловчи ва солиқ текширувини олиб бораётган солиқ органи ўртасида маълумотлаш

[58] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва уларни солиқ хавфи даражаси бўйича тоифалаш тартиби тўғрисида" Қарори: 2021 йил 7 январ № 1

алмашишда қулай солиқ иқлимини яратиш муҳим омил булиб ҳисобланади. Чунки хар иккала томон хам қандай натижага эришишидан қатъий назар солиқ қонунчиги доирасида белгиланган вазифаларни тўлиқ бажаришлари шарт ҳисобланади. Солиқ органи томонидан солиқ текшируви натижалари бўйича талабномани юбориш энг асосий бажаридган ишлардан биридир.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида айтиб ўтилган барча маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топдик. Айтиш лозимки, ушбу айтиладиган фикр ва мулоҳазаларимиз ўз навбатида солиқ текширувларини ҳолисона амалга оширишда самарадорликка эришишга олиб келади:

Биринчидан, солиқ хизмати органи доимий назоратни амалга оширишда тижорат банклари билан хамкорликда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий маълумотларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш лозим.

Иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолиятида камерал солиқ текшируви ўтказилган давр учун қайта камерал солиқ текшируви ўтказилмаслик кераклиги.

While the growth in demand mentioned above is positive news, to keep up with the rapid tourism growth, it seems the supply side of tourism operations in Uzbekistan and Samarkand for instance, are choosing questionable methodologies. The local tour operators are relying heavily on traditional tourism narratives while foreign projects are swinging the narrative to the far left. For example, the short movie of *"Indiana Jones in Uzbekistan"* which has been released a year ago on YouTube and other social media platforms has positioned the local heritage sight of Guri-Emir and the persona of Amir Temur in a quite questionable manner not aligned with the local residents' views and value considerations. The short movie clip positions Amir Temur as the "Father of Death" and "wiping out 17 million people in the world, close to 5% of world population", etc. While the movie is shot in a high quality and mind-triggering adventures genre, set to attract thousands of views on YouTube, Facebook and other platforms, the message it carries on some of the strategic heritage items of Samarkand are distant from authentic self-perceptions of Samarkandians. Such destination branding campaigns often focus on promoting a specific image or message, without addressing the underlying issues that may be preventing the destination from achieving its full potential, and may eventually cause negative impact.

While marketing strategies play on their own short-term goals, it is important to develop a proper and authentic destination brand for Samarkand, and heritage objects, so that we do not become another *'location'* but a true *'destination'* in the world travel arena. It is argued in the given thesis that in the search for short-term super-normal economic profit from tourism sector we are risking damaging Samarkand heritage items' brand perception in the long term. Proper destination branding should go beyond the existing tourism strategies and ensure careful and scientific approach long term.

With this it is urgently needed to conduct proper research to form an authentic branding of Samarkand's historical sights. To solve this gap, effective methodologies and research strategies should be chosen. In the given proposal framework has been found to be of a fit for addressing its current objective. The framework examined is by Tasci A. and Gartner W, (2020) which the authors refer to as a practical framework for destination branding (*Figure 1* below). Within the framework of the given conference, it is intended to collect comments and suggestions from the scientific community in relation to the given method and existing issues raised in relation Samarkand's destination branding.



Figure 1. Comprehensive Framework for Creating Strategic Destination Brand (Tasci A. & Gartner W, 2009)

Bibliography:

1. Anholt, S. (2003) Brand New Justice – The Upside of Global Branding. Oxford: Butterworth-Heinemann.

2. International Trade Administration (2022) Travel and Tourism [online]Available from: < https://www.trade.gov/country-commercial-guides/uzbekistan-travel-and-tourism>
3. Jumaniyazarov S. et al (2020) 'Impact of Samarkand's Destination Attributes on International Tourists Revisit and Word-of-Mouth Intention' Sustainability MDPI [online] Available from: https://www.mdpi.com/2071-1050/12/12/5154
4. Statistics Agency, Under the President of the Republic of Uzbekistan (2023) How many visitors visited Uzbekistan? [online] Available form: https://stat.uz/en/23-novosti/novosti-komiteta/26357-7-oyida-necha-nafar -chet-el-fuqarolari-turistik-maqsadlarda-o-zbekistonga-kelgan-3>
5. Tasci, Asli & Gartner, William. (2009). Chapter 11 A Practical Framework for Destination Branding. Bridging Tourism Theory and Practice. 1. 149-158. 10.1108/S2042-1443(2009)0000001013.
6. 4K VideoRelax (2022) *Indiana Jones – Uzbekistan* [online] Available at: < https://www.youtube.com/watch?v=7nZutUE-GvE>

A.B. Mirzaxodjayev,
SamISI katta o'qituvchi

MEHMONXONADA INVESTISION FAOLIYATINING SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI

Annotasiya. *Ushbu maqolada xizmatlar sohasiga yo'naltirilayotgan investitsiyalarning samaradorligini oshirish bo'yicha shuningdek, investitsion faoliyatning tashkiliy jihatlari maqsadga muvofiqligi hamda investitsion loyihalarning texnik iqtisodiy asoslari bo'yicha mualliflarning taklif va xulosalari keltirilgan.*

Kalit so'zlar. *Investitsiyalar, loyiha tahlili, xatarlar, turistik va mehmonxona majmuasisi, samaradorlik, rentabellik, sof daromad, diskontlangan daromad.*

O'zining iqtisodiy rivojlanishiga investitsiya kiritayotgan barcha korxonalar singari, mehmondo'stlik korxonalari ham kiritilgan investitsiyaning yuqori rentabelligini ta'minlashda bir qator qiyinchiliklarga duch kelishmoqda. Bu xolat mehmonxona xujaligi investitsiya faoliyati uchun tegishli , strategik kontseptsiyani ishlab chiqishda investitsiyalarning samaradorligi ustuvor ahamiyatga ega bo'lishi kerak. Tabiiyki, investitsiy mablag'larining etishmasligi oqibatida xo'jalik yurituvchi sub'ektlarni o'z hajmlarini oshirishga undaydi, buning natijasida chetdan moliyalashtiriladiganlar subyektlar ro'yxatiga kiritish uchun murojaat etayotgan loyihalar soni ko'paymoqda, shuning uchun ushbu ro'yxatda eng samarali loyihalar birinchi o'rinlarda turishi zarur.

Investitsiya loyihalarning xilma-xilligiga qaramay, ularning tahlili odatda loyihaning tijorat, texnik, moliyaviy, iqtisodiy va institutsional nuqtai-nazardan maqsadga muvofiqligini o'z ichiga olgan umumiy sxemalar asosida amalga oshiriladi. Strategik investor nuqtai nazaridan loyiha tavakkalchilikni baholash bilan yakunlanishi kerak.

Investitsiya loyihasini tayyorlash va ularni amalga oshirishning muvaffaqiyati loyha ishtirokchilari o'rtasida iqtisodiy xavf-xatarlarni to'g'ri taqsimlanishiga bog'liq. Ishtirokchilar o'rtasida xatarlarni taqsimlanishi loyihaning o'ziga xos xususiyatlariga qarab farq qilishi mumkin. Ushbu jihat ko'p xollarda huquqiy xususiyatga ega, chunki xatarlar va ularning taqsimlanishi loyiha hujjatlarida aks etadi va har qanday shartnomaning muhim jixati hisoblanadi. Investitsiya loyihalarini amalga oshirish natijasida kelib chiqadigan xatarlarni uch guruhga bo'lish mumkin: siyosiy, tijorat va fors-major xatarlariga bo'lish mumkin.

Investitsion loyihaning dastlabki tahlili korxonaning ishbilarmonlik sohasi holatini xamda tarmoq ichidagi korxonaning qiyosiy holatini qiyosiy baholashni o'z ichiga oladi. Bizning fikrimizda dastlabki tahlil bosqichi uzoq vaqt bo'lmasligi kerak va bu bosqichda chiqarilgan

xulosalar asosan sifat baholariga yo’naltirilgan tahlil. Keyingi marketing tahlili bulib, u kuydagi savollarga: ya’ni kompaniya loyiha natijasida hosil bo'lgan mahsulotni (xizmatni) sota oladimi va kompaniya bundan investitsiya loyihasini oqlash uchun etarli foyda oladimi?

Investitsiya loyihalarining samaradorligini tahlil qilish ham muhimdir, chunki aktivlarni kengaytirish odatda qimmatga tushadi va katta mablag 'sarflanishidan oldin firmalar bir necha yil ichida investitsiyalarning qanchalik samarali bo'lishini asoslashlari kerak. Investitsiyalarning samaradorligi ma'lum darajada firmalar foydalanadigan kreditlarning dolzarbligiga bog'liq. Turistik va mehmonxonalar majmuasiga investitsiyalar nisbatan uzoq muddatli qoplanish davri bilan ajralib turadi, shuning uchun mehmonxonalar va turizm sanoatining boshqa ob'ektlarini qurish bilan bog'liq uzoq muddatli loyihalarni amalga oshirishda firmalar uzoq muddatli kredit olishga qiziqishadi. Demak rejalashtirilgan investitsiya muddati investitsiyalar samaradorligiga sezilarli ta'sir qiladi. Ushbu omilning investitsiya samaradorligiga ta'sirini baholashda, bizning fikrimizcha loyihaga kiritilgan mablag'larning vaqt o'tishi bilan har xil qiymatga ega bo'lishining aniq faktidan kelib chiqish kerak: ya’ni ular loyihaning boshida yuqorirok, keyingi bosqichda esa pastrok qiymatga ega buladi. Shu munosabat bilan, vaqt omilini hisobga olgan holda, o'tgan xarajatlar, ma'lumki, loyihani amalga oshirish yiliga yoki taxmin qilingan yilga kamayadi.

Loyihani investitsiyalashning maqsadga muvofiqligi to'g'risida firma qarori ko'pincha uning oldiga qo'ygan maqsadlari bilan belgilanib, uning investitsiya maqsadlarining quyidagi iyerarxiyasi ma'lum:

1) investitsiya xolatining rentabelligi;
2) boshqariladigan bozor ulushini oshirish orqali korxonaning o'sishi;
3) iste'molchilar nazarida yuqori obro'-e'tiborni saqlash;
4) innovatsion yondashuvlar va usullarni yaratish va sinovdan o'tkazish.

Mehmonxona va turizm biznesi korxonalarini bir qator foydali investitsiya loyihalaridan birini tanlashga undaydigan rag'batlantiruvchi omillardan biri bu cheklangan moliyaviy manbalardir. Investitsiyalarni kiritish uchun moliyaviy resurslar chegarasi - bu korxonaning moliyaviy imkoniyatlaridan kelib chiqib, kapital qo'yilmalarning yillik hajmining belgilangan chegarasi. Doimiy xarajatlarni kamaytirish investitsiya loyihalari samaradorligini oshirish zaxiralaridan biri sifatida qaralishi kerak. Ko'p hollarda kompaniya uchun xodimlarni tanlash, xodimlarning malakasini oshirish va boshqalar doimiy xarajatlarni kamaytiradi. Investitsiya loyihalarining samaradorligiga ta'sir qiluvchi navbatdagi omil bu o'zgaruvchan xarajatlarni kamaytirishdir. Ushbu muammoni hal qilish usullaridan biri sifatida kompaniyaning logistika tizimini optimallashtirishni e’tirof etish mumkin.

Loyihaning texnik-iqtisodiy asoslari investitsiyalar samaradorligini baholashning zamonaviy yondashuvlarini qiyosiy tahliliga asoslangan. Odatda, mahalliy va xorijiy investorlar loyihani bajarish ko'rsatkichlarini tahlil qiladilar va ularning qiymatlarining ruxsat etilgan (tavsiya etilgan) oraliqlarini aniqlaydilar. Loyiha samaradorligining odatiy ko'rsatkichlari quyidagilar:

1)Sof daromad (**Sd**) - bu hisobot davri uchun to'plangan ta'sir (pul oqimi balansi):

Sd = ∑ φm > 0. Bu yerda **φm**- jami pul oqimining qoldig'i.

2)Sof diskontlangan daromad (**Sdd**) loyiha ishining eng muhim ko'rsatkichidir. U hisob-kitob davri uchun to'plangan diskontlangan effektni ko'rsatadi va quyidagi formula bo'yicha hisoblanadi:

Sdd = ∑ φm dm (E) > 0

Sdd, vaqtning turli nuqtalariga taalluqli ta'sirlarning (shuningdek, xarajatlar, natijalar) tengsizligini hisobga olmagan holda va hisobga olgan holda, jami tushumlarning loyihaning umumiy xarajatlaridan oshib ketishini tavsiflaydi. U rejalashtirish intervallari bilan hisoblanadi va ushbu rejalashtirish oralig'ida tushgan tushumdan (T) operatsion xarajatlar, soliqlar (S) va investitsiya xarajatlari (I) ni olib tashlanadi.

Xizmatlarni ko'rsatish, zarur tovarlarni sotish turistik mahsulotni shakllantiradi, bu tovarlarni va ularni ishlab chiqarish xizmatlarini sotib olish natijasida iqtisodiyotning boshqa tarmoqlarining moddiy-texnik bazasidan foydalanish bilan chambarchas bog'liqdir.

O'zbekistonda mehmonxona biznesini rivojlantirishning quyidagi muammolari ustuvor echimlarni talab qiladi:

1. Moddiy-texnika bazasini investitsiyalashga qo'shimcha manbalarni jalb qilish uchun qulay sharoitlar yaratish;
2. Sohaning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga oladigan soliq to'lash standartlarini qonunchilikda belgilash masalalarini hal qilish;
3. O'zbekiston turizm sohasi korxonalari uchun amaldagi me'yoriy-huquqiy bazani xalqaro talablarga va turistik korxonalarning chet ellarda ishlash amaliyotiga moslashtirish;
4. Mahalliy hokimiyat organlari tomonidan tarmoq korxonalarini moliyaviy-iqtisodiy qo'llab-quvvatlash konsepsiyasini ishlab chiqish;
5. Davlat darajasidagi mehmonxonalar tiqilinchligini oshirishda va milliy sayyohlik mahsulotining chet elda reklama qilinishini rivojlantirishga ko'maklashish mexanizmlarini ishlab chiqish.

Shunday qilib, investitsiya bozori investor va uning kapitali uchun kurash maydonidir, shuning uchun har bir kompaniya o'z obro'si va obro'sini belgilaydigan o'z ambitsiyalaridan xalos bo'lmasdan, o'z investitsiya faoliyatini investorlarning turlariga moslashtirishi va tartibga solishi kerak.

Насиров Дилшод Фархадович,
Самаркандский институт экономики и сервиса,
преподаватель кафедры «Инвестиции и инноваций»
dilshodnasirov1967@gmail.com

ПРОБЛЕМЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ И ИНАНСИРОВАНИЯ В СФЕРЕ УСЛУГ: НЕОБХОДИМОСТЬ КОНГРУЭНТНОГО ПОДХОДА

Аннотация: *“В статье рассмотрены все пункты возникновения проблем инвестиций и финансирования в сфере услуг, история их укоренения в эволюции, все виды формирования, этапы проявления и решения с обходительными, новыми подходами”*

Ключевые слова: *проблемы, инвестиция, финансы, история, этапы, новое решение.*

Современный экономический строй выделяется необходимостью вложения в развивающий сегмент сферы услуг, то как руководитель вкладывается в свой персонал, улучшению условий, трактовке навыков и донесению их, и как сам персонал к этому стремится является важной формирующей любой организации и даже всей экономической системы. Парадигма вложения всегда работает, активна, необходима и прогрессивна, также всегда имеется проблемы в виде не сопутствующих рисков, начальное вложение денег, не знание как структурировать вклад, отсутствие навыков, не продуктивное руководство или даже отсутствие подлинного партнёрства.

Актуальностью темы являются постоянные проблемы, возникающие при содействии плана для инвестиции или финансирования в сферу услуг. Отличительная черта финансирований от инвестиций выступает тем, что финансирование включает в себе процесс вложения именно финансовых ресурсов, а инвестирование же может выражаться в любых видах, как материальных, так и наоборот. (Слово “инвестиция” латинского происхождения “investrie” - “одевать” (слово использовалось в период средневековья по отношению к рыцарям, которые инвестировали на покупку доспех)). Существует знаменитое историческое изречение про инвестицию - “Похождения императора”, корнем этой истории является период римского императора Октавиана Августа (63-14 г.н.э), основателя Римской империи, он провёл ряд реформ инвестирования в театр, и проблема относительно к этому выступала в двух видах - дворянская знать и война против Марка Антония, двор заявлял высказываниями, что императору должен

заниматься правлением, а не тратой денег на искусство. Август для решения проблемы придумал необычную идею - поход на театральные показы вместе с ними, чем в итоге доказал превосходство искусства и её соотносительную ценность к себе тратами, а междоусобица Марка Антония выступала речью “Мудрый и властный мужчина должен уметь править, а не ходить в театры” показывая при этом своё место при дворе финансированием архива бывшего царя, и также опытом правления – этим Октавиан решил стать сенатором, где его такой мудрый такт правления поддержали сенаторы и сам Цицерон, они укрепили власть над Римом за ним, чем потом Август основал первое в мире банковское дело, именно внеся в неё вклады. В средние же века Европой двигала политика разделения земель на феодальные государства, когда имущества находились в руках аристократов и церкви, произошло понятие инвеститура (от лат. “investitura”) - процесс назначения нового хозяина на феодальное поместье или настоятеля на церковную должность, важное событие, которое могло повлиять на социальный и экономический порядок в местности. С истечением времени, во времена наступления капитализма, термин инвеститура стали использовать в смысле вложения денежных средств в бизнес-проекты, процесс этот как и в средневековье, требовал назначения правильных управленцев, которые могут эффективно вложиться знаниями и опытами в компанию и достигать поставленных целей, проблему относительно к этому открытию возложили сами управленцы, выводя период вложения навыков на рабочего платным, то есть, персонал одновременно работал и одновременно за это платил, так как в те времена освоение навыками в компаниях проходили за 6 месяцев - система была невыгодной и решением такой проблемы вышла в свет реформа бесплатного обучения. Также можно заглянуть в эпоху голландских тюльпанов, когда в 1637 году из-за редкости тюльпан в Голландии его луковица был продана на аукционе в сумме на сегодняшний день в размере 10 тысяч евро, сама история началась в 1634 году и имела печальный конец в начале января 1637 года - голландский золотой век цены на недавно ввезенные луковицы тюльпанов достигли экстремальных высот. В январе 1637 года луковицы тюльпанов были проданы за более чем в 10 раз выше годовой зарплаты опытного ремесленника и стоили они примерно так же, как Амстердамский дом на канале. “Тюльпаномания” рассматривается экономистами как первый биржевой пузырь в мировой истории, а термин “тюльпаномания” часто используется как метафора большого экономического пузыря.

XXI век славится благополучным веком для инвестиций и финансирования в сфере услуг за отсутствие крупно ёмких проблем прежних эпох (например, не было обучения персонала, повышения по должности, навыки и опыты, было время, что за нацию тоже не брали на работу) и всё таки, это не значит, что их совсем нет. Исходя из разнообразия должностей и направлений по всему миру в наши дни проблемы развития в них отображаются постоянным возрастанием потребностей населения и причинами развития сферы услуг - глубокое преобразование в системе общественных потребностей. Рынок услуг существует в единстве с товарным рынком и является одной из его разновидностей, развивающейся в рамках общих законов рыночной экономики и подчиняющийся этим законам. Система сервиса сегодня представляет собой огромное число не испробованных практик. Разнообразие настолько велико и так переплетается, что в нем трудно различать вещи, символы, знаки и социальные связи. Люди все больше живут в соответствии с ритмом объектов, ныне сервис переживает определенные проблемы, следует отметить, такое явление, как псевдо культурализация торговли и вместе с ней товаров и услуг.

Так проблемы в сфере услуг подразделяются на один колоссальный вид: возрастание спроса, а существуют к этому несколько подходов и методологий, один из них, который в теме является Объектом и решает именно сразу темп инвестиции с финансированием - “Конгруэнтный подход” - (взгляд в самый очаг), что значит - соответствующий, корректированный метод, предусмотренный только на центральную оболочку проблемы. Применяется в современном мире распределяясь по двум признакам:

✓ по проблемам материальных ресурсов компании (рабочая система, оборудования, место и т.д.); возвышается за усложнением промышленных изделий и вследствие этого появлением дополнительных требований к квалификации кадров эксплуатационников, к качеству проведения ремонтных и обслуживающих работ, быстрым моральным старением производственного аппарата, вызванным ускорением научно-технического прогресса, которое приводит к необходимости выполнения принудительной модернизации, повышением требований к качеству промышленных изделий вследствие изменения ситуации в отношениях между потребителем и производителем, истощением источников естественных ресурсов и возрастанием роли вторичных ресурсов.

✓ по проблемам нематериальных ресурсов (знания, традиции, методы освоения, новые идеи), вызывается неудачными программами обучения - обновление и нововведение механизма учения (постоянные тренинги, курсы), неподходящим графиком, ограничивающим свободу - разработка системы почасовых ставок или утренних, дневных, вечерних и ночных смен; оплатой труда в малом размере - введение премий, KPI, окладной части и дополнительных наград, даже оплачиваемого отпуска; неподходящим видом вакансии - разработка новых видов направлений в одном виде деятельности, например, был один менеджер, теперь есть менеджер по продажам, менеджер по персоналу, менеджер по отчетности, менеджер по маркетплейсам; потребностью повышения - повышение за краткий срок, даже вначале через испытание можно.

В Заключение можно сказать, сфера услуг - это система, с постоянным ростом спроса, человек всегда будет развиваться в гениальном смысле и сопутствуя этому его спросы тоже, а проблемы последуют за ними, которые в качестве решения будут требовать инвестиционный и финансовый подход. Таким образом, тенденция решения проблем всегда на высоте, если даже иногда отстаёт с временной необходимостью.

Список использованная литература:

1. Карел Дэвидс. Инновации и технологический прогресс в Нидерландах: Этапы становления и развития (1350-1800 гг.), Издательство*Альпина Паблишер*/2020 год издания. ISBN978-5-96-141642-8, 638 стр.

2. Роберт Виппер. Римская империя. Основы западной цивилизации Издательство *Родина,* Серия - Весь мир. Год издания2021. ISBN978-5-00-180197-9, 416 стр.

3.Елена Карпова. Финансы организаций (предприятий). Учебное пособие, Издательство *Инфра-М*. Серия *Высшее образование: Бакалавриат*. Год издания 2020. ISBN978-5-16-014792-5. Количество страниц 285.

4. Питер Маллук. Путь: как ускорить продвижение к финансовой свободе Издательство *Попурри*. Серия*Бизнес*. Год издания2021. ISBN978-9-85-154817-6. Количество страниц 336.

5. Инвестиционный анализ - Виктор Серов. ID товара2651817. Издательство*Инфра-М*. Серия*Высшее образование: Бакалавриат*. Год издания2018. ISBN978-5-16-013104-7. Количество страниц248

7. Государственная инвестиционная политика - А.И.Трубилин, В.И.Гайдук, Е.А.Шибанихин, А.Б.Кондрашова. ID товара2651392. Серия*Учебники для вузов. Специальная литература*. Год издания2018. ISBN978-5-81-143000-0. Количество страниц192.

8. Инвестиции - Валерий Ковалев. ID товара2111399. Бренд*Проспект,* Серия*Учебник* - Год издания2006. ISBN5482011607. Количество страниц584.

9. Инвестиционный менеджмент - С.Е.Вепелев, В.П.Чижик. ID товара2511755. Издательство*Форум,* Серия*Высшее образование: Бакалавриат*. Год издания2017. ISBN978-5-00-091092-4. Количество страниц288.

Qarajanova Gulnoza Tolliyevna
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti,
“Investitsiya va innovatsiyalar” kafedrasi assistenti

XIZMAT KO‘RSATISH SOHASIGA INVESTITSIYALARNI JALB QILISH VA MOLIYALASHTIRISH MUAMMOLARI

Annotatsiya: *Ushbu tezis xizmat ko‘rsatish sohasiga investitsiyalarni jalb qilish va moliyalashtirish bilan bog‘liq muammolarni o‘rganadi, uning o‘sishiga to‘sqinlik qiluvchi omillarga e'tibor qaratadi.*

Kalit so‘zlar: *investitsiya, moliyalashtirish, xizmat ko‘rsatish, turizm.*

Xizmat ko‘rsatish sohasi millatning umumiy iqtisodiy rivojlanishida hal qiluvchi rol o‘ynaydi. U transport, turizm, mehmondo‘stlik, sog‘liqni saqlash, ta'lim va professional xizmatlarni o‘z ichiga olgan keng ko‘lamli tadbirlarni o‘z ichiga oladi. Uning ahamiyatiga qaramay, xizmat ko‘rsatish sohasiga investitsiyalarni jalb qilish va moliyalashtirish bir qator muammolarni keltirib chiqaradi. Bular muammolarni uchta asosiy toifaga bo‘lish mumkin: tartibga soluvchi to‘siqlar, moliyalashtirishga cheklangan kirish va xizmat ko‘rsatish sohalarining noaniqligi. Ushbu muammolarni tahlil qilish orqali siyosatchilar va manfaatdor tomonlar ushbu to‘siqlarni engillashtirish va xizmat ko‘rsatish sohasining o‘sishiga ko‘maklashish uchun tegishli strategiyalarni ishlab chiqishlari mumkin.

Xizmat ko‘rsatish sohasiga investitsiyalarni jalb qilishdagi muammolardan biri xizmatlarning nomoddiy xususiyatidan kelib chiqadi. Jismoniy ko‘rish va teginish mumkin bo‘lgan moddiy tovarlardan farqli o‘laroq, xizmatlar osonlikcha bo‘lmaydi miqdoriy yoki baholanadi. Ushbu aniqlik etishmasligi potentsial investorlarga xizmatga asoslangan investitsiyalar bilan bog‘liq potentsial daromad va xatarlarni baholashni qiyinlashtiradi. Bundan tashqari, xizmat ko‘rsatish sohasi ko‘pincha xizmat ko‘rsatuvchi provayderlar va mijozlar o‘rtasidagi murakkab va dinamik o‘zaro ta'sirlarni o‘z ichiga oladi, bu esa mijozlar talabini va o‘zgaruvchan bozor sharoitlarini aniq bashorat qilishni qiyinlashtiradi. Binobarin, investorlar ushbu sektor bilan bog‘liq noaniqliklar va sezilgan xatarlar tufayli o‘z mablag‘larini xizmatga asoslangan korxonalarga ajratishdan tortinishlari mumkin. Bundan tashqari, nomoddiy tabiati xizmatlar garov va aktivlarga asoslangan kreditlar haqida gap ketganda ham qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi, chunki kreditlar uchun xavfsizlik sifatida cheklangan moddiy aktivlar mavjud. Natijada, xizmatga asoslangan korxonalar moliyalashtirish imkoniyatlaridan foydalanishda qiyinchiliklarga duch kelishi mumkin, bu esa investitsiyalarni jalb qilish qobiliyatiga to‘sqinlik qiladi.

Xizmat ko‘rsatish sohasiga investitsiyalarni moliyalashtirishdagi asosiy qiyinchiliklardan biri bu xizmatlarning nomoddiy xususiyatidir. Binolar yoki mashinalar kabi moddiy aktivlardan farqli o‘laroq, xizmatlarni osonlikcha aniqlash yoki quyidagicha ishlatish mumkin emas moliyalashtirishni ta'minlash uchun garov. Bu investitsiyalarni jalb qilmoqchi bo‘lgan xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalari uchun katta qiyinchilik tug‘diradi, chunki an'anaviy moliyalashtirish institutlari qarz oluvchining kreditga layoqatini baholashda ko‘pincha moddiy aktivlarga ustuvor ahamiyat berishadi. Bundan tashqari, moddiy aktivlarning etishmasligi xizmatlarning qiymatini aniqlashda qiyinchiliklarga olib keladi va investorlarga o‘z investitsiyalarining potentsial daromadlarini baholashni qiyinlashtiradi. Natijada, xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalari qarz olish xarajatlarining oshishiga yoki hatto tashqi moliyalashtirishga kirishda qiyinchiliklarga duch kelishi mumkin, bu ularning o‘sish istiqbollarini cheklaydi.

Muvofiqlik mezonlari kompaniyaning hajmi, o‘sish salohiyati va ish o‘rinlarini yaratish qobiliyati kabi omillarni o‘z ichiga olishi mumkin. Arzon moliyalashtirishga kirishni ta'minlash orqali ushbu moliyalashtirish dasturlari potentsial investorlarning xizmat ko‘rsatish sohasiga

kirishiga to‘sqinlik qiladigan to‘siqlarni engishga yordam beradi. Bundan tashqari, hukumat xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalarining noyob ehtiyojlarini qondiradigan maxsus moliyaviy mahsulotlarni ishlab chiqish uchun moliya institutlari bilan hamkorlik qilishi mumkin. Bunday tashabbuslar nafaqat investitsiyalarni jalb qiladi, balki xizmat ko‘rsatish sohasidagi kompaniyalarning raqobatbardosh bozorni kengaytirish va rivojlantirish uchun zarur moliyaviy yordamga ega bo‘lishini ta'minlaydi.

Xizmat ko‘rsatish sohasiga investitsiyalarni jalb qilish va moliyalashtirishning potentsial echimlaridan biri bu davlat - xususiy sheriklik aloqalarini o‘rnatishdir. Hukumat bilan hamkorlik qilish orqali xususiy investorlar davlat sektori taqdim etadigan ishonchlilik, resurslar va qo‘llab-quvvatlashdan foydalanishlari mumkin. Ushbu hamkorlik turli shakllarda bo‘lishi mumkin, masalan birgalikda moliyalashtirish loyihalari yoki qo‘shma korxonalar, bu erda ikkala tomon ham xizmatga asoslangan tashabbuslarni ishlab chiqish va boshqarish uchun mablag ' va tajriba qo‘shadilar. Davlat-xususiy sheriklik, shuningdek, xizmat ko‘rsatish sohasiga sarmoya kiritish bilan bog‘liq xavfni kamaytirishga yordam beradi, chunki hukumatning ishtiroki investorlar uchun barqarorlik va ishonch darajasini ta'minlaydi. Bundan tashqari, hukumatlar xizmat ko‘rsatish sohasiga xususiy investitsiyalarni rag‘batlantirish uchun soliq imtiyozlari yoki grantlar kabi imtiyozlarni taklif qilishlari mumkin. Davlat va xususiy sektor o‘rtasidagi hamkorlikni osonlashtirish orqali potentsial investorlarni ko‘proq jalb qilish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, xizmat ko‘rsatish sohasiga investitsiyalarni jalb qilish va moliyalashtirish muammolari ko‘p qirrali bo‘lib, diqqat bilan ko‘rib chiqishni talab qiladi. Sektor o‘sish va iqtisodiy rivojlanish uchun ulkan salohiyatga ega bo‘lsa-da, muayyan muammolarni hal qilish kerak. Ushbu muammolarga investitsiyalarning potentsial rentabelligi to‘g‘risida xabardorlikning etishmasligi, qo‘llab-quvvatlovchi tartibga solish muhitining yo‘qligi va moliyaviy resurslarga kirishda qiyinchiliklar kiradi. Ushbu to‘siqlarni engish uchun bu juda muhimdir davlat organlari xizmat ko‘rsatish sohasini jozibador investitsiya imkoniyati sifatida faol ravishda targ‘ib qilishlari, qulay ishbilarmonlik muhitini yaratadigan siyosatni ishlab chiqishlari va moliyalashtirishning moslashtirilgan variantlarini taqdim etish uchun ixtisoslashgan moliya institutlarini tashkil etishlari uchun. Bundan tashqari, hukumatlar, xususiy korxonalar va moliya institutlari o‘rtasidagi hamkorlik xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalarini moliyalashtirish ehtiyojlarini qondirishning samarali mexanizmlari bo‘lib xizmat qilishi mumkin. Ushbu muammolarni hal qilish orqali mamlakatlar xizmat ko‘rsatish sohasining barcha imkoniyatlarini ochib berishlari va barqaror iqtisodiyotni rivojlantirishlari mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Andreas Antoniou. Kichik, iqtisodiyoti zaif xalqaro moliyaviy xizmatlar. Challenges va istiqbollari, Hamdo‘stlik kotibiyati, 1/1/2004

Geethanjali Nataraj. Janubiy Osiyoda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar. Siyosat, ta'sir, determinantlar va muammolar, Pravakar Sahoo, Springer fan va biznes Media, 10/1/2013

Qarajanova Gulnoza Tolliyevna
SamISI, “Investitsiya va innovatsiyalar” kafedrasi assistenti,
Nazarqosimov O‘zbekali Shuhrat o‘g‘li
SamISI, Bank ishi va auditi fakulteti talabasi.

O‘ZBEKISTON TIJORAT BANKLARIGA KIRITILGAN XORIJIY INVESTITSIYALARNING AHAMIYATI HAMDA XORIJDAN AJRATILGAN KREDIT LINIYALARINING IQTISODIYOTDAGI ROLI VA TURLARI

Annotatsiya *Ushbu maqolada xorijiy investitsiyalarning mamlakat iqtisodiyotini hamda tijorat banklari rivojlantirishdagi ahamiyati. Xorijiy investitsiyalarining va xorijiy kredit liniyalaring nima uchun muhimliligi haqida malumotlar keltirilgan.*

Shuningdek, maqolada tijorat banklari tomonidan jalb qilingan ayrim xorijiy kredit liniyalari haqida ma’lumotlar keltirilgan.

***Kalit so‘zlar**: Investitsiya , xorijiy investitsiya, xorijiy kapital, investor, kredit, milliy iqtisodiyot,tijorat bank, xalqaro kredit liniyalari.*

So‘nggi yillarda O‘zbekistonda iqtisodiyotni liberallashtirish va turli sohalarga xorijiy sarmoyalarni jalb etish borasidagi islohotlar faol davom ettirilmoqda. Ushbu iqtisodiy o'zgarishlar doirasida tijorat banklari sektoridagi xorijiy investitsiyalar moliyaviy o'sishni rag'batlantirish, xizmatlar ko'rsatishni yaxshilash va mamlakat moliyaviy sohasidagi barqarorlikni mustahkamlashda hal qiluvchi element sifatida namoyon bo'ldi.

O‘zbekiston bank sektorining liberallashuvi xorijiy investorlarning mamlakat moliya bozorida imkoniyatlar izlashga bo‘lgan qiziqishini kuchaytirdi. Hukumatning me’yoriy-huquqiy islohotlarni amalga oshirish, shaffoflikni oshirish, investorlar uchun qulay siyosatni joriy etish orqali yanada qulay investitsiya muhitini yaratish bo‘yicha tashabbuslari bank sohasiga xorijiy kapitalni jalb etishga sezilarli hissa qo‘shdi. Moliyaviy sektorni izchil isloh qilish davomida qator chora-tadbirlar amalga oshirildi va natijada ilg‘or bank biznesini yuritish hamda ushbu sektorda raqobat muhitini kuchaytirish uchun zarur huquqiy shart-sharoitlar yaratildi.

Xususan, xalqaro standartlarga muvofiq keladigan va moliyaviy sohaga xorijiy investitsiyalar kiritish uchun jozibador huquqiy muhitni yaratadigan O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi, “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi, “Valyutani tartibga solish to‘g‘risida”gi hamda “To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risida”gi yangilangan qonunlari qabul qilindi.

O‘zbekiston tijorat banklariga xorijiy investitsiyalar ko‘pincha aksiya ulushlari, sheriklik yoki strategik hamkorlik shaklida amalga oshiriladi. Bu investitsiyalar nafaqat zarur kapitalni ta’minlabgina qolmay, balki jahon moliya bozorlaridan tajriba, zamonaviy texnologiyalar va ilg‘or tajribalarni olib keladi. Ular bank tizimini modernizatsiya qilish, ilg‘or risklarni boshqarish usullarini joriy etish, bank sektorining umumiy samaradorligi va raqobatbardoshligini oshirishga yordam beradi.

Xorijiy investitsiyalar oqimi O‘zbekiston bank sektorida moliyaviy o‘sish va barqarorlikni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Ushbu investitsiyalar banklarga kapital kiritilib, ularning kreditlash imkoniyatlarini kengaytirish, iqtisodiy faoliyatni qo‘llab-quvvatlash hamda tadbirkorlik sub’ektlari va jismoniy shaxslarning moliyalashtirish imkoniyatlarini osonlashtirish imkonini beradi.

Bundan tashqari, xorijiy investitsiyalar ko'pincha innovatsion moliyaviy mahsulotlar va xizmatlarni rivojlantirishga yordam beradi. Bu mobil bank ilovalari va onlayn to‘lov tizimlari kabi raqamli bank yechimlarini joriy etishni o‘z ichiga oladi, bu esa butun mamlakat bo‘ylab moliyaviy inklyuzivlikni va bank xizmatlaridan foydalanish imkoniyatini yaxshilashga yordam beradi.

Tijorat banklariga kiritilayotgan xorijiy investitsiyalar moliya tizimining umumiy barqarorligiga xizmat qilmoqda. Kapitallashuvning ortishi va xalqaro standartlar va amaliyotlarga rioya etilishi banklarning moliyaviy zarbalarga chidamliligini mustahkamlaydi. Bu, o'z navbatida, omonatchilarning ishonchini oshiradi va mahalliy va xalqaro manfaatdor tomonlar uchun yanada mustahkam va ishonchli bank tizimini ta'minlaydi.

2020-yil 12 may PF-5992 son 2020-2025 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to’g’risida O’zbekiston Respublikasi prezidentining farmoni qabul qilindi.

Mazkur Strategiya doirasida quyidagi banklarni transformatsiya qilish va xususiylashtirish va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish ko‘zda tutilmoqda:

1) “Ipoteka-bank” ATIB va “O‘zsanoatqurilishbank” ATBni Xalqaro moliya korporatsiyasining ko‘magida;

2) “Aloqabank” ATBni Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki hamda Osiyo taraqqiyot bankining ko‘magida;

3) “Asaka” ATBni Yevropa tiklanish va taraqqiyot bankining ko‘magida;

4) “Qishloq qurilish bank” ATB va “Turon bank” ATBni xalqaro moliya institutlari va konsalting tashkilotlarini jalb qilish orqali ularni qo‘shib yuborish masalasini ko‘rib chiqqan holda.

Mazkur Strategiyani amalga oshirish doirasida AT “Xalq banki” va “Asia Alliance Bank” ATBdagi davlat aksiyalari paketini xorijiy strategik investorlarga sotish ko‘zda tutilgan.

Xorijiy investitsiyalar O‘zbekiston bank sektoriga ko‘p foyda keltirsa-da, muammolar hamon saqlanib qolmoqda. Mahalliy manfaatlarni saqlagan holda xorijiy investitsiyalarning uyg'un integratsiyasini ta'minlash, normativ hujjatlarga rioya qilishni ta'minlash va chet el kapitalining kirib kelishi bilan bog'liq bo'lishi mumkin bo'lgan xavflarni boshqarish nozik muvozanatni talab qiladi.

Potensial xavflardan himoya qilish va xorijiy investitsiyalarning mamlakatning uzoq muddatli iqtisodiy maqsadlariga mos kelishini ta'minlash uchun samarali normativ-huquqiy baza va nazorat mexanizmlarini ishlab chiqish juda muhimdir. Bundan tashqari, mahalliy salohiyatni oshirish, bilimlarni uzatishni rag'batlantirish va mahalliy bank mutaxassislari o'rtasida malaka oshirishga qaratilgan sa'y-harakatlar xorijiy investitsiyalardan olinadigan foydani maksimal darajada oshirish uchun muhimdir.

Tadbirkorlik sub’ektlari faoliyatini moliyaviy qo’llab-quvvatlash, ularga taqdim etilayotgan kredit turlarini ko’paytirish, shuningdek istiqbolli investitsion loyihalarni moliyalashtirish uchun tijorat bankalari tomonidan bir nechta xalqaro moliya institutlari va xorijiy banklarning kredit liniyalari jalb qilingan. Quyida ushbu kredit liniyalari bilan batafsil tanishishingiz mumkin. Ipoteka bankining jalb qilgan kredit liniyalarini bir qanchasini ko’rib chiqamiz:

1-Evropa tiklanish va taraqqiyot banki

Kredit ajratish manbayi: Evropa tiklanish va taraqqiyot banki mablag‘lari hisobidan

Kredit maqsadi: Aylanma mablag‘ni to‘ldirish maqsadida tayyor mahsulot va xom-ashyolar sotib olish uchun

Kredit maksimal summasi: 50,0 ming AQSh dollari ekvivalentidan kam bo‘lmagan miqdorda

Valyuta: AQSh dollari/Evro

Kredit foizi yillik: Xorijiy moliya instituti marjasi + kamida 6% Ipoteka bank marjasi

Kredit muddati: 12 oygacha (oziq-ovqat mahsulotlari sotib olish uchun 3 oydan 6 oygacha)

Kredit ajratilish shakli: Pul o‘tkazish yo‘li orqali

Kreditni qaytarish tartibi: Foiz va asosiy qarz to‘lovi – har chorakda 3,6,9,12 oylari qaytariladi.

Qo‘shimcha shartlar. Kredit mablag‘i YeTTB qamrovidagi davlatlarga chiqarilishi lozim. Import shartnomasi bevosita ishlab chiqaruvchilar bilan tuzilishi kerak (vositachi korxonalar, dillerlar hamda ofshor hududdagi korxonalar bilan shartnomalar qabul qilinmaydi).

YeTTBning ekologik va ijtimoiy taqiqlar ro‘yxatiga kiritilgan hamda O‘zbekistonda etishtirilgan paxtani ishlab chiqarish, sotish yoki qayta ishlash bilan bog‘liq har qanday faoliyatlar uchun kredit mablag‘lari ajratilmaydi

Kredit ta’minoti: Bankning Kredit siyosati va Kreditlash Nizomida ko‘rsatilgan ta’minot turlari

Kredit ajratish manbasi: Osiyo taraqqiyot banki mablag‘lari hisobidan

Kredit maqsadi: 1) 3471-sonli bitim bo’yicha investitsiya maqsadlar uchun (asosiy vositalar sotib olish) bog‘dorchilik sohasida qo‘shilgan qiymat zanjirini yaratishni rivojlantirish; 2) 3673-sonli bitim bo’yicha investitsiya maqsadlar uchun (asosiy vositalar sotib olish) bog‘dorchilik sohasida qo‘shilgan qiymat zanjirini yaratishni rivojlantirish (qo‘shimcha moliyalashtirish); 3) L3823-sonli bitim bo’yicha investitsiya maqsadlar uchun chorvachilik hamda baliqchilik sohalarida qo‘shilgan qiymat zanjirini yaratishni rivojlantirish

Kredit maksimal summasi: 3471/3673-sonli bitimlar bo’yicha kredit maksimal summasi bir qarzdorga 5 000000 AQSH dollarigacha;

Valyuta: 3471/3673-sonli bitimlar bo’yicha AQSH dollarida; L3823-sonli bitim bo’yicha milliy valyutada (ajratilgan milliy valyutani mijozning talabiga ko‘ra AQSH dollariga konvertatsiya qilinishi mumkin)

Kredit foizi yillik: 3471/3673-sonli bitimlar bo’yicha AQSH dollarida 6% (3% ABR marjasi + 3% Ipoteka bank marjasi); L3823-sonli bitim bo’yicha milliy valyutada yillik 18% (O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining asosiy foiz stavkasi + 3% Ipoteka bank marjasi).

Tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlash davlat jamg‘armasi tomonidan kreditlar bo‘yicha foiz harajatlarini qoplash uchun kompensatsiya berish nazarda tutilgan hollarda milliy valyutadagi kreditlar yillik 18% stavkada 2022 yil 9 iyundagi PF-150-sonli, 2022-yil 30 dekabrdagi PF-287-sonli farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 4 avgustdagi 428-son qarori talablariga muvofiq ajratiladi

Kredit muddati: - 3471-sonli bitimlar bo’yicha 10 yilgacha (kreditning oxirgi muddati 2037 yil 04 aprelgacha); - 3673-sonli bitimlar bo’yicha 10 yilgacha (kreditning oxirgi muddati 2038 yil 01 dekabrgacha); - L3823-sonli bitim bo‘yicha 8 yilgacha (kreditning oxirgi muddati 2030-yil 05 iyungacha)

Kredit ajratilish shakli: Pul o‘tkazish yo‘li orqali. L3823-sonli bitim bo’yicha kredit mablag‘i faqatgina OTBga a’zo davlatlarga chiqariladi Kreditni qaytarish tartibi

Loyihadan kelib chiqib imtiyozli davrni 36 oygacha belgilanishi mumkin.

Foiz va asosiy qarz to‘lovi – bir yilda ikki marotaba to‘lanadi. (asosiy qarz to‘lovi imtiyozli davrni inobatga olgan holda kredit muddatiga teng taqsimlangan miqdorlarga bo‘linishi lozim) 3471-sonli bitim bo’yicha 5 may va 5 noyabr kunlari, 3673/ L3823-sonli bitimlar bo’yicha 5 iyun va 5 dekabr kunlari to‘lanadi

Kredit ta’minoti: Bankning Kredit siyosati va Kreditlash Nizomida ko‘rsatilgan ta’minot turlari

Qo‘shimcha shartlar: Investitsiya loyihalarini kreditlashda ushbu loyiha tashabbuskorining shaxsiy mablag‘i hisobidan loyiha qiymatining 30 foizidan kam bo‘lmagan miqdorda qatnashgan taqdirda amalga oshiriladi. Loyihada mijozning o‘z ulushi 30% pul ko‘rinishidagi ishtiroki talab etilmaydi

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekiston tijorat banklariga jalb etilgan xorijiy investitsiyalar moliyaviy o‘sishni ta’minlash, barqarorlikni mustahkamlash va mamlakat bank sektorini modernizatsiya qilishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ushbu investitsiyalar nafaqat zarur kapitalni jalb qiladi, balki soha evolyutsiyasiga hissa qo'shadigan tajriba, texnologiyalar va ilg'or tajribalarni ham olib keladi. Davomli islohotlar, mustahkam me’yoriy-huquqiy baza va strategik hamkorlik orqali O‘zbekiston bank sanoati barqaror o‘sish va moliyaviy integratsiyauchun xorijiy investitsiyalarni jalb qilishga tayyor.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. 2020-yil 12-may PF-5992-son 2020 — 2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to’g’risida O’zbekiston Respublikasi prezidentining farmoni

2. O‘zbekiston Respublikasining “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”
(yangi tahriri) qonuni 2019-yil 5-noyabr,
O‘RQ-580-son

3. O’zbekiston Respublikasining “Chet ellik investorlar huquqlarining kafolatlari va ularni himoya qilish choralari to’g’risida”gi Qonuni - T.: 1998 y. 30 aprel

4. Investitsiya va innovatsiyalar. O‘quv qo‘llanma . A.B. Bektemirov, N.X. Ruzibayeva, R.I. Azimova – Toshkent: 2020.

Халиков Йўлчи Мухаммадюсупович
СамИСИ мустақил изланувчиси

ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: *Мақолада ижтимоий хизматлар соҳаси самарадорлигини баҳолашнинг назарий ва услубий жиҳатлари таҳлил этилган ва ижтимоий хизматларнинг асосий фондлари, молиялаштириш ҳамда инвестициялашнинг самарадорлик кўрсаткичлари борасида илмий тавсиялар таклиф этилган .*

Калит сўзлар: *хизмат, ижтимоий хизмат, корхона , харажат, даромад, самарадорлик, асосий фонд, молия, инвестиция.*

Самарадорлик категорияси, унинг мезонлари, кўрсаткичлар ва босқичлари устида (борасида) комплекс тадқиқотлар олиб борилиши керак эканлигидан далолат беради. Шу сабабли самарадорлик, ҳар қандай соҳа фаолияти, корхона фаолияти бўлишидан қатъий назар абсолют миқдорларда (қиймат, натурал,шартли бирликларда) ва нисбий (коэффициентлар, индекслар, фоизлар) кўрсаткичлари орқали аниқланиши лозим.

Тадқиқот олиб бораётган мавзумиз яъни ижтимоий хизматлар самарадорлиги тўғрисида ягона илмий концепсия ишлаб чиқилмаган. Иқтисодий адабиётларда ижтимоий хизматлар самарадорлиги мезонлари, кўрсаткичлари ва баҳоланиши бўйича ҳар хил фикрлар мавжуд.

Айрим муаллифлар ижтимоий хизматлар самарадорлиги иқтисодий самарадорликда яъни миллий даромадни яратилишида намоён бўлади деб ҳисоблашади. Бошқалари бу фикрни инкор этиб, ижтимоий хизматлар самарадорлиги таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига жалб этилган инвестиция самарадорлиги кўрсаткичларини тавсия қиладилар. Учинчи гуруҳ олимлар даромадни, айримлари фойда, рентабелликни тавсия қиладилар.

Бир гуруҳ олимлар ижтимоий хизматларнинг иқтисодий самарадорлиги билан бир қаторда ижтимоий самарадорлигига эътибор қаратишади. Ушбу ёндошувда ҳам ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, ижтимоий хизматларни инвестициялашнинг энг кўп тарқалган шакли инсон саломатлиги билан бевосита боғлиқ ҳисобланган тиббий суғурта ҳисобланади. Тиббий суғуртадан корхона раҳбари ҳам, ишчи ҳам ўтказилиши шарт бўлган зарурияттдир.Тадқиқотларимиз Ғарбий Европадаги фирмалар ишчиларининг иш қобилятини қўллаб-қувватлаш мақсадига йўналтирилган харажатлар йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Биргина «Фолксфаген» фирмасининг завод тиббий хизматлари учун харажати йилига 40 миллион еврони ташкил этади, ошхонада-овқатланишига бериладиган дотация қобилияти ҳам қарийб 39 миллион евродан иборатдир. Ижтимоий хизматлар соҳасини таълим, соғлиқни сақлаш йўналишлари аҳоли жон бошига нисбий ЯИМни таркибий қисмлари ҳисобланади, шунингдек таълим, умр кўриш давомийлиги кўрсаткичларига таянган ҳолда халқаро ташкилотлар турли мамлакатларни ривожланиши даражасини таққослаш учун асосий халқаро статистик кўрсаткич сифатида қўллайдилар. Шунингдек, ижтимоий хизматларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари орқали ривожланган давлатларда миллий даромадни фоиздаги ўсиш кўрсаткичи, рейтингларини аниқлаш амалиёти қўлланилади. Хориж тажрибаси ижтимоий хизматлар соҳасини аллақачон майда ва оилавий даражадан чиқиб, давлат, тижорат ва нотижорат каби корхона ва ташкилотларнинг халқаро аҳамиятли

гигант корпорацияларга айланиб қолганлигидан ва давлатнинг ялпи ички маҳсулотини яратишга катта ҳисса қўшиб келаётганлигидан далолат бермоқда.

Auditfin,com сайтини маълумотларига кўра ривожланган мамлакатларнинг миллий даромадини ўсишини 60 фоизи жамиятдаги ижтимоий хизматлар соҳасини таълим ва соғлиқни сақлашдаги ўсиши билан белгиланади. Америка олимларининг ЯИМни ҳажмини ҳисоблаб чиқишганида узоқ муддат давомида таълим бериб келинган ходим ва хизматчилар ЯИМни ярмидан кўпроғини яратар экан. Россияда эса олий маълумотга эга ходим ва хизматчилар яъни барча ишчиларни тўртдан бир қисмини ташкил қилган ҳолда, миллий даромадни 56 фоиз улуш қийматини яратишга ўз ҳиссасини қўшган.

Шу сабабли хорижда ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи энг йирик корхоналар рейтинги таълим, соғлиқни сақлаш даражаси, рационаллик, ўқиш муддати, ҳаёт давомийлиги, дисконт ставкаси, ижтимоий самара, инвестиция самарадорлиги, улуш ҳажми ва фойда суммаси, иш ҳақи суммаси каби кўрсаткичлар билан аниқланади. «Кўрсатилган ижтимоий хизматлар ҳажми, соф яратилган қиймат даромадларини ички меъёри инвестицияни меёрий қайтими ёки бошқа модификациялари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва бошқа ривожланган давлатларнинг фирма ва компаниялари томонидан ижтимоий хизматлар самарадорлиги кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

Юқорида илмий-услубий мулоҳазалар ва хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий хизматлар самарадорлигининг критериялари ва кўрсаткичлари тўғрисида тушунчаларга аниқлик киритиш лозим.

«Критерия» сўзи грекча «Kriterzin» сўзидан олинган бўлиб, унинг асосида нимагадир баҳо бериш аломати ниманидир аниқланишини ёки тасвири, ўлчови деган маънони билдиради[68].

Критерияни ҳодисалар, жараёнлар, ҳолат ва бошқаларни сифат мазмунинг ўлчови, улар тўғрисидаги фикрларнинг аломати деб тушуниш керак. У сон ўлчовлари кўрсаткичларида ўз аксини топади.

Ижтимоий хизматлар соҳаси, ташкилот ва корхоналарнинг самарадорлиги критерияларини ўрганишда тизимли таҳлил, узлуксизликни таъминлаган ҳолда ёндашиш лозим. Самарадорлик критерияси ҳодисалар, жараёнлар ёки ҳолатни сифат белгиси сифатида тизимни, тармоқни ёки корхонани фаолият юритишининг мақсадини акс эттириши керак.

Ижтимоий хизматлар соҳасида самарадорликни оширишдан мақсад икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, бир томондан аҳолининг ижтимоий хизматларига бўлган талабни тўлароқ қондириш бўлса, иккинчи томондан максимум даражада фойда олиш ёки юқори рентабелликга эришишдир.

Ушбу кўрсаткичларни максималлаштирилиши ижтимоий хизматлар соҳаси, корхонаси самарадорлигини критерияси бўлиб ҳисобланади.

Чет эл давлатлари тажрибаларидан шундай хулоса қилиш мумкин: бош мақсад энг юқори иқтисодий натижага эришишни, яъни максимал фойда олиш. Ушбу мақсадга эришиш воситаси сифатида аҳолини ижтимоий хизматларга бўлган талабини тўлароқ ва сифатли қондириш ҳисобланади. Сабаб ва оқибат категориялари нуқтаи назаридан, сабаб ўзаро таъсир бўлса, оқибат бу ўзаро таъсир натижасидир. Тадқиқот объектимизда сабаб аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган талабини қондириш бўлса, натижа максимал фойда олиш бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқори фойда олишни таъминловчи сабаб аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган талабини ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан қондириш ҳисобланади.

Таъкид этилган назарий хулосалар ижтимоий хизматлар соҳаси, корхона самарадорлигининг ўлчов бирлиги сифатида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиши зарур эканлиги кўрсатилмоқда.

[68] Словарь иностранных слов. М.: Русский язык. 1985. с.262.

Ижтимоий хизматлар соҳаси самарадорлигини ўлчами ва баҳолашни қуйидаги бирликлар бўйича гуруҳлаш зарур:

Биринчидан - халқаро иқтисодиёт манфаатлари нуқтаи назаридан (мега экономика)

Иккинчидан - умуман миллий иқтисодиёт манфаати нуқтаи назаридан (макро экономика)

Учинчидан - истеъмолчи (аҳоли) манфаатлари нуқтаи назаридан ; (меза экономика)

Тўртинчидан- ижтимоий хизмат кўрсатиш корхонаси (мулдор,бошқарув ходимлари, ишчи ҳамда оила,микро экономика) манфаатлари нуқтаи назаридан.

Халқаро иқтисодиёт манфаати нуқтаи - назаридан (мега экономика) ижтимоий хизматлар самарадорлиги кўрсаткичи сифатида «таълим», «умр кўриш давомийлиги»ни халқаро ташкилотлар экспертлари турли мамлакатларни ривожланиш даражасини таққослашда қўлланилишини тавсия қиламиз.

- Миллий иқтисодиёт манфаати нуқтаи назаридан (макро экономика) ижтимоий хизматлар самарадорлиги кўрсаткичи сифатида»Ижтимоий хизматлар соҳасини миллий даромадни ўсишида қўшган ҳиссаси», ёки «ЯИМ ҳажмидаги улуши»да ифодаланади.

-Истеъмолчи (аҳоли) манфаатлари нуқтаи- назаридан ; (мега эканомика) аҳолининг минимал ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш (қиймат кўрсаткичларида): аҳоли жон бошига тўғри келадиган;

- ижтимоий хизмат кўрсатиш корхонаси (мулкдор,бошқарув ходимлари, ишчи ҳамда оила) манфаатлари нуқтаи назаридан ижтимоий хизматнинг ҳажми, унинг ўсиш суръатлари, умумий меҳнат унумдорлиги, харажатларнинг даромадларга нисбатан улуши, рентабеллик кўрсаткичи харажатларга нисбатан, ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммаси кўрсаткичларидан фойдаланишимиз мумкин.

Юқорида таъкид этилганлардан ташқари ижтимоий хизматлар соҳаси корхоналари самарадорлигини тадқиқ этишда улар фойдаланадиган ресурсларнинг самарадорлигини ҳам ўрганиш зарур. Бунинг учун ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг асосий фондлар айланма маблағлари, молиявий ресурслар, меҳнат ресурслари, ҳамда капитал қўйилмалар ёки инвестициянинг самарадотлигини алоҳида-алоҳида кўрсаткичлар тизими орқали ўлчаш ва баҳолаш зарур бўлади.

Мехрангиз Олимовна Мамаюнусовна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "ЎЗБЕКИСТОН – 2030" стратегияси тўғрисида"ги фармони ва "ЎЗБЕКИСТОН – 2030" стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг 27-мақсадида "Мамлакатда камбағаллик даражасини кескин қисқартириш" масаласи белгиланган. Бунда ҳар бир камбағал оила учун ишлаб чиқилган индивидуал дастур асосида камбағалликдан чиқариш тизимини йўлга қўйиш, камбағал оилалар рўйхатини шакллантириш, камбағал оилаларга тақдим этиладиган кўмаклар бўйича индивидуал дастур ишлаб чиқиш, индивидуал дастур асосида камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш, бунда Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, индивидуал дастурни мониторинг

қилиш тизимини жорий этиш масалалари кўзда тутилган. Барча масалаларни умумлаштирган ҳолда айтадиган бўлсак, камбағалликка барҳам бериш учун мамлакатимизда кечиктириб бўлмайдиган масалалар сирасига қуйидаги стратегик йўналишларни киритиш мумкин. Бизнинг фикримизча, булар қуйидагилардан иборат:

Биричидан, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини жорий қилиш, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.

Иккинчидан, ҳар бир маҳалла кесимида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан фуқароларининг яшаш шароитлари ва ижтимоий аҳволи ўрганилиб, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.

Учинчидан, аниқланган ижтимоий аҳволи танг аҳоли қатламларининг рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳар бирида қандай имкониятлар мавжудлигини ўрганилиши ва шунга асосланган ҳолда камбағалликни тугатишнинг аниқ манзилли йўналишларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Шуни инобатга олиш жоизки, мазкур масалада бу майда-чуйда, камбағалликнинг қисқаришига бунинг аҳамият йўқ, деб қарамаслик лозим. Айрим ҳолларда майда нарсадек туюлган жараён катта мувоффақиятларга олиб келиши мумкин.

Тўртинчидан, мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро мувофиқликдаги ишларни олиб бориш баробарида аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш принципини жорий қилиш эвазига бандлик муаммосини ҳал қилишга киришиш.

Бешинчидан, мамлакатимиз миқёсида ва унинг барча ҳудудларида, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорлардаги даромадлар даражасини ишлаб чиқиш ва жорий қилинишини тезлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки, энг аввало, камбағаллик даражасини билиб олиш лозим бўлади. Шундагина уни бартараф қилиш ишларига аниқ манзилли тадбирлар билан киришиш мумкин.

Олтинчидан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан 1 октябрга қадар қуйидаги муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқилиши белгиланган: “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача “Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси” ва “Саноатни ривожлантириш стратегияси”, “Камбағалликни қисқартириш дастури”. Ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик фикрини инобатга олиб, Давлат ва ҳар бир ҳудуд ва маҳаллалар даражасигача аниқ чора-тадбирлар белгиланишига эришиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган эди. Ушбу ҳужжатлар қабул қилиниб бугунги кунда амалиётда қўлланилмоқда..

Еттинчидан, маҳаллалар томонидан рўйхатга олинган аҳолининг камбағал ва ишсиз қатламлари, айниқса аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касбий таълим бўйича маҳаллий эҳтиёждан келиб чиқиб,

бюджет ҳисобидан ўқув курсларини очиш ва уларни касбга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Саккизинчидан, тегишли маълумотлар асосида ҳар бир ҳудуд бўйича камбағаллик даражасини аниқлаш, уларни баҳолаш бўйича тегишли индикаторлар ишлаб чиқиш, ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудудда қанчадан камбағал оилаларнинг мавжудлиги маҳаллалар кесимида аниқ белгилаш ва уларни камайтириш бўйича маҳаллий ҳокимият томонидан аниқ чораларни қўллаш.

Тўққизинчидан, ҳар бир ҳудудлар кесимида камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш, унинг қанча қисми Давлат бюджетидан, қанчаси маҳаллий бюджетдан, қанчаси тадбиркорлар ҳисобидан ажратилиши бўйича аниқ манбаларни ҳам белгилаш ва уларнинг назоратини олиб бориш.

Ўнинчидан, ҳар бир ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари доирасидаги камбағалликни қисқартиришга қаратилган лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш, ҳудуднинг эҳтиёжига мос бўлган янги иш ўринларини яратиш.

Ўнбиринчидан, ҳудудлараро ривожланишнинг табақалашувини қисқартириш чораларини кўриш, қаерда иш ўринлари яратилиши лозим бўлса, ўша жойда янги иш ўринларини яратиш, ҳудудларда саноат зоналарини ташкил этиш, уларни жойлаштириш юзасидан услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, уларни ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш.

Ўниккинчидан, камбағалликни қисқартиришнинг бир йўли сифатида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, бу борадаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилиш, мазкур соҳани молиялаштиришнинг содда тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг қўллаш.

Ўнучинчидан, қишлоқ жойларда камбағалликни қисқартириш учун ишлатилмай келаётган ер участкаларини ҳозиргидек, ёшларга тақсимлаш тизимини янада давом эттириш ва такомиллаштириш мақсадида йирик тадбиркорларга сув иншоатларини қуриш ва уларни белгиланган тартибда фойдаланувчиларга сотиш тизимини жорий қилиш механизмини яратиш. Зеро лалми жойлардан ҳамма кишининг сув чиқариш имконияти бўлмайди ва озгина жойни суғориш учун жуда катта харажат қилишга ҳам ҳожат бўлмайди.

Ўнтўртинчидан, мамлакатимизда давлат миқёсидаги ва ҳудудлар бўйича қабул қилинадиган ижтимоий-иқтисодий дастурларда белгиланган вазифаларни белгилашда камбағаллик даражасига таъсирини инобатга олиш ва имкон қадар ушбу муаммонинг ечимига қаратишга аҳамият бериш.

Ўнбешинчидан, мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини янгидан барпо қилишда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда асосий эътиборни камбағалликни қисқартириш масаласига йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Ўнолтинчидан, ёшларнинг қайси мутахассис ёки қайси даражадаги ўқиши (ўрта, ўрта махсус, олий) бўлмасин, барчасида ўзини ўзи иш билан таъминлаш кўникмасига ўргатиш, уларга назарий ва амалий дарслар орқали шу соҳага оид билимларни беришни ўқув режасига киритиш лозим. Ҳозир ўқув муассасаларида ўқиётган талабалар руҳиятида ўқув муассасасини битиргач қаердадир фаолият кўрсатиб турган корхона ёки муассасада ишлашни мўлжаллайди. Агар ушбу ҳуддудда бўш иш ўринлари бўлмаса у ўзини ишсиз

ҳис қилади ва шундай қолади. Аксарият ёшлар ўзини-ўзи иш билан таъминлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Ўнеттинчидан, аҳолида мавжуд томорқадан самарали фойдаланишга катта эътибор бериш ва бу тадбирни янада такомиллаштириш лозим. Масалан, шаҳарда 1 сотих ери бор киши тўрт бурчагига 4 та турли навдаги узум, ўртасига 2 та мевали дарахт (ўрин ва гилос) экиб парваришлаб ўсдирса, озиқ-овқат билан боғлиқ бир қисм муаммолари шу ерда ҳал бўлади, деярли бозорга бормайди. Бозорга кетадиган маблағларнинг тежалиши эвазига оилага яхшигина қўшимча даромад олиб келади.

Ўнсаккизинчидан, ўзимиздаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишдек катта имкониятимиздан самарали фойдаланиш учун, меваларни саралаш, стандартлаштириш, сақлаш масалаларига алоҳида аҳамият бериб, ностандарт бозор “тортмайдиган” маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳам аҳолининг моддий салоҳиятини янада ошириш имконини беради.

Ўнтўққизинчидан, камбағалликни тугатишга йўналтирилган яна бир соҳа – бу ҳизмат кўрсатиш соҳасидир. Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта имкониятлардан бири ҳисобланиши, мамлакатда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этиши, Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартириши, лекин Ўзбекистонда бу соҳа салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланган. Жойларда маиший ускуналарни таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш шохобчалари, компьютер дизайнерлиги, бухгалтерия, реклама, пуллик тиббий хизмат каби тадбиркорлик субъектларини очиш эвазига мазкур йўналишда камида 160 минг қўшимча иш ўрни яратиш мумкинлигини ҳам Президентимиз кўрсатиб ўтган эди.

Йигирманчидан, камбағалликни қисқартишнинг муҳим йўналишларидан бири ички туризмни ривожлантириш масалаласи бўлиб ҳисобланади. Чунки айрим ҳисоб-китобларга кўра, бу соҳада 200 мингдан зиёд аҳолини иш билан таъминлаш мумкин. Шунингдек, туризмга хизмат қилувчи умумий овқатланиш, транспорт, чакана савдо каби йўлдош тармоқларда яна кўплаб иш жойлари ташкил этилиши мумкин. Муҳтарам Президентимиз 2020 йил апрелдаги видеоселекторида ҳар бир ҳудудда имконият ҳам, саёҳатчилар диққатига сазовор жойлар ҳам етарли эканини қайд этди. Мисол учун, Янгиқўрғон туманида 16 та дам олиш масканини тиклаш ҳисобига 1 минг 500 нафар аҳолини, Бўстонликда 10 минг ўринга мўлжалланган кўчма дам олиш масканлари ташкил этиш орқали 8 мингга яқин кишини иш билан таъминлаш мумкинлиги кўрсатиб берилган эди.

Йигирмабиринчидан, Ўзбекистоннинг нафақат қадимий шаҳарлар-даги сайёҳлик имкониятлари, балки соҳани ривожлантириш учун бошқа имкониятлар ҳам чексиз. Шу туфайли, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар билан бирга янги ички туризм маршрутларини очиш, кўчма дам олиш масканларини кўпайтириш, тиббиёт ва соғломлаштириш туризмини тараққий эттириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди. Ҳокимлар ва сектор раҳбарларига сайёҳлар борадиган барча объектлар, меҳмонхона ва овқатланиш шохобчаларида карантин қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш лозимлиги юклатилди.

Кўриниб турибдики, хулоса қилиб айтганда, камбағалликни қисқартиришнинг кўплаб имкониятлари мавжуд экан. Бу имкониятлардан фойдаланиб, Янги Ўзбекистонни фаровон, камбағали йўқ мамлакатга айлантириш мумкин.

Собиров Илхом Хусанович,
СамИСИ, и.ф.н. доцент
Бахриддинов Нурхаёт,
СамИСИ, магистрант

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ БАНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация*: в статье показаны проблемы развития цифровой банк в Узбекистане, а также предложены конкретные рекомендации.*

Аннотация*: Мақолада Ўзбекистонда рақамли банк ривожлантириш муаммолари ўрганилган ва аниқ таклифлар берилган.*

Annotation: *The article shows the problems of the development of digital banking in Uzbekistan, as well as specific recommendations*

Калит сўзлар: *рақамли банк, онлайн тахлил, масофавий банк махсулоти.*

Ключевые слова: *Цифровой банкинг, интерактивный анализ, дистанционный банковский продукт.*

Keywords: *Digital Bank, interactive analysis, remote banking product.*

Тараққиёт истеъмол бозорини ҳам кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Истеъмолчиларнинг истак ва хохишлари ҳам замонда пайдо бўлаётган тенденцияларга хос бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради”.

Президент таъкидлаганидек банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.2021 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастурлари амалга оширилмоқда. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сотиш бозори ўзгариш билан биргаликда, банк сектори ҳам ўзгариб бормоқда. Умумий олиб қараганда – бозор виртуал оламга трансформация бўлиш жараёнида.

Банкларни ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак, дастлаб банклар фақат ўз филиаллари орқали хизмат кўрсатишни ташкил этган бўлса, кейинчалик:

- 1970 йилларда банкоматлар ихтиро қилинди.
- 1980 йилларда банкларда колл – центр орқали хизмат кўрсатиш жорий қилинди.
- 1990 йилларда интернет банкинг ва 2000 йилларга келиб эса банк тизимига интернет ва мобиль технологиялар кириб келди. Электрон тижорат ривожлана бошлади.
- 2010 йилдан бошлаб Европа ва АКШда анъанавий банкларни ракамли банкга транформацияси бошланди. Натижада банклар ўз филиалларини қисқартира бошлади.

Рақамли банк – Банк бизнесидаги янги модель. Интернет технологияларга асосланган холда масофадан банк хизматларини мижозларга етказиб бериш тушунилади.

Рақамли банкка ўтиш - банк бозорида рақобатдош бўлиш ва самарага эришиш учун қуйдагилар талаб этилади:

Мижоз учун ишлаш

- Мижоз тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиш (“золотая запись”)
- Мижоз харакатларини ва тарихини тахлил қилиш
- Ўз фокусини юқори технологияларга йўналтириш

Рақамли хизматларни кўрсатиш:

- “Қийин” махсулотлар бўйича ягона дарча
- Товар ва хизматлар учун Маркетплейс
- Роботизацияни жорий этиш
- Офисларда хизмат кўрсатишдан рақамли каналларга ўтиш
- Сайт ва мобил иловалар
- Талабларни олдиндан била олиш
- Бир нечта турли хил тизимларни, хизмат каналларини ёки коммуникацияларни ягона ойна (дарчада, хавола, тугмача) орқали тақдим этиш (Омниканальность) принципларини жорий этиш

Онлайн тахлил ва ўзини ўзи ўқитувчи технологияларни (искусственный интеллект) жорий этиш

- Нейрон тизимлардан фойдаланиш
- Очиқ маълумотлар базаларидан фойдаланиш
- Big Data тахлили асосида прогнозлаштириш

Ижтимоий тармоқларда актив позицияга эга бўлиш, рақамли маркетинг инструментларидан фаол фойдаланиш – рақамли банкнинг харакатлантирувчи воситаси ҳисобланади. Чунки рақамли банкнинг асосий истеъмолчилари интернет тармоғини фаол фойдаланувчиларидур.

Ижтимоий тармоқларнинг рақамли банкни ривожлантиришдаги ахамияти қуйдагилардан иборат:

1. Банк махсулотлари ва хизматлари тўғрисидаги маълумотларни тез тарқалишига олиб келади;
2. Банкнинг молиявий маслахатчи сифатида роли ортиб боради;
3. Ахолининг молиявий саводхонлигини тез ривожланади;
4. Ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар ўртасида ўзаро таклиф ва тавсияларга ишонч ортиб боради;
5. Ижтимоий тармоқда банк фойдаланувчилар билан хамкорликда хеч қандай коррупциясиз мулоқот қилиш майдони юзага келади. Улар билан фақат сотиш эмас балки

таклиф ва тавсияларга асосланган муносабат ўрнатилади. Бунинг натижасида фойдаланувчилар – потенциал мижозлар ўртасида банкга нисбатан ишонч пайдо бўлади, банк промоуторлари сони ортади.

Рақамли технологиялар даврида мижозларни жалб қилиш ва банк имиджини оширишнинг энг самарали воситаси – бу банкнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш ва ривожлантиришидир.

Ўзбекистонда рақамли банк жорий қилишдаги муаммолар:

1. Жисмоний шахслар ва ЯТТлар учун ягона идентификация тизимининг мавжуд эмаслиги;
2. Банк махсулот ва хизматларини масофадан сотиш имконини беришга тўскинлик килувчи норматив хужжатларнинг мавжудлиги;
3. Бизнес жараёнларнинг тўлиқ автоматлашмаганлиги;
4. Скоринг тизимининг мавжуд эмаслиги;
5. Мажбурий ташқи тизимлар (НИКИ, гаров реести ва бошқалар) билан интеграция йўлга қўйилмаганлиги;
6. ЕОПЦ билан маълумотлар алмашишдаги муаммолар.

Рақамли банкингни жорий қилишда амалга ошириш лозим бўлган ишлар:

1. Чакана банк махсулот ва хизматларини стандартлаштириш. Барча худудларда ягона тариф сиёсатини юритиш.
2. Банкни ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш.
3. Интернет маркетинг (SMM) командасини ташкил қилиш.
4. Банк сайтида белгиланган махсулот ва хизматлар учун онлайн заявкаларни амалиётга жорий қилиш.
5. Масофадан банк махсулотларини сотиш ва ривожлантириш командасини ташкил қилиш.
6. Мижозларни сегментларга ажратиш ва хизмат кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш.
7. Масофавий сотиш каналлари: веб-сайт, мобиль банкинг, ижтимоий тармоқлар, колл центр функционалларини қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш. CRM билан интеграция қилиш.
8. Масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимлари (мобил ва интернет банкинг) тизимларини такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “ 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” тўғрисидаги ПФ-5992-сон Фармони.

Ачилов Аброр Ниятқобилович
ФарДУ., Молия кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: *Мақолада жаҳон мамлакатлари ривожланишида криптовалюталар бозорининг ўрни ва роли юқори эканлиги, виртуал бозордаги бу криптовалюта материал бойлик билан таъминланган бўлгани учун биткоинга нисбатан анча стабил бўлиши бу бозорда таваккалчилик ҳали-ҳануз анча юқори ўрин тутиши келтириб ўтилган. Ҳозирги даврда нафақат инвесторлар, балки бошқа соҳа мутахассислари ҳам криптовалюталар бозорига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Яъний 2025 йилга келиб* ***Саноат 4.0*** *инқилоби бир қанча ютуқларни ҳадя қилиш мумкинлиги тўғрисида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *рақамли иқтисод, криптовалюталар, инвесторлар, биткоин, криптобозор, қимматли қоғозлар*

Кўпчилик молиявий аналитикларнинг фикрлари ва Сахо Банк башоратига кўра, 2023 йилда биткоиннинг нархи 80 минг долларга етади ва унинг бозор капитализацияси 1,2 триллион доллардан ҳам ошиб кетади. Аммо Сахо Банк нинг валюта стратеги Джон Хардининг фикрича бу вақтга келиб, Россия ва Хитойнинг рухсат берилмаган криптовалюталарга таъқиқ қўйиши натижасида 2019 йилларда биткоиннинг тебраниб туриши кузатилган. Натижада унинг нархи 2019 йилларга келиб 1000 доллар атрофида стабиллашади. Масалан, TechCrunch нинг хабар беришича, хакерлар NiceHash криптобиржасини бузиб, ундан 60 миллиондан кўпроқ доллар маблағни ўғирлашга эришдилар. Натижада 5 мингдан ортиқ биткоин йўқолиши кузатилди. Белоруссия давлати “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” деб номланган декрет кучга киргандан сўнг, миллий даражада смарт-контрактларни легаллаштирган дунёдаги биринчи мамлакат бўлди. Бу ҳақда Белоруссия Юқори технологиялар парки сайтида хабар берилган. Ушбу технопарк токенлар бўйича операцияларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш учун мўлжалланган тажриба майдони ҳисобланади. Мамлакат президентининг бу қарори ахборот технологиялари, криптовалюталарни ва блокчейн технологиясини ривожлантиришга ҳамда мамалакатга трансмиллий ITкомпаниялар кириб келишига қулай имкониятлар яратади.

Россияда ҳам криптовалюталар бозорида ишловчилар сони борган сари ошиб бормоқда. 2017 йилнинг декабрь ойи бошида Венесуэла президенти Николас Мадуро ҳам мамлакатда 100 миллион ElPetro криптовалютасини чиқариш ҳақида топшириқ берган. Ушбу криптовалюта мамлакатда ишлаб чиқарилаётган нефть билан таъминланади – яъни ElPetro 1 баррел нефть нархига тенг бўлади. Мамлакат раҳбарининг фикрича, электр ElPetro Венесуэланинг “пул суверенитети”ни таъминлаб бериши ва пул оқими ҳамда инвестицияларни кўпайтириши керак. Бошқа барча криптовалюталардан фарқли ўлароқ, бу криптовалюта Венесуэланинг Аякучо нефт конидаги 5 миллиард баррел нефт билан таъминланади.Агарда криптовалюта лойиҳаси муваффақиясизликка учраса,ҳар бир криптовалюта эгаси бир баррел (ёки бир бочка – 160 литр) нефть эгаси бўлади. Ҳозирги нархларда бу 80 доллар дегани. 2018 йил 20 февралда сотувга чиқарилган бу криптовалюта биринчи куннинг ўзидаёқ 735 млн. долларлик сотилди, бир ҳафта ичида эса бу миқдор 1 миллиард долларга етди. Муваффақиятдан руҳланган лойиҳачилар энди PetroGold криптовалютасини чиқаришни режалаштираяптилар – бу криптовалюта эса олтин билан таъминланади. Агарда лойиҳа муваффақиятли амалга ошса, Petro нинг капитализацияси 6 миллиард еврога етиши мумкин.

Франкфурт молия ва менежмент мактабининг профессори Philipp Sandner нинг фикрича, виртуал бозордаги бу криптовалюта материал бойлик билан таъминланган бўлгани учун биткоинга нисбатан анча стабил бўлиши мумкин. Каракасдаги масъулларнинг фикрларича, уларнинг ўз мустақил криптовалюталари халқаро валюта

бозорлари билан яқиндан мулоқот қилишга имкон беради ва чет эллардан молия вий маблағларни жалб қила олади.

Ҳозирги пайтда жаҳондаги 500 та энг йирик интернет-магазинлардан атиги учтасигина биткоинни қабул қилди. Агар жаҳон валюта бозоридаги бир кунлик валюта операциялари миқдори 5,4 триллион доллар бўлса, криптовалюта бўйича бир кунлик операциялар ҳажми бор-йўғи 3 миллиард долларга етади. Янги Зеландияда крип товалюталар тўғрисида қонун чиқиб, криптовалюталарни қимматли қоғозлар сифатида тан олинди. Криптовалюталар янги молия воситаси сифатида қаралиб, криптовалютада товар, пул хоссалари мужассамлашган рақамли қоғоз, ўзида тўлов воситаси, қиймат ўлчови мавжуд эканлиги этироф этилди. Америка банки – JP Morgan 2019 йил ўзининг шахсий криптовалютасини яратди ва ундан мижозлар кичик тўловларда фойдаланишди. Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистони 2019 йили ҳамкорликда ўзларининг криптовалюталарини яратдилар ва улардан иккала давлатларнинг марказий банки, тижорат банклари ҳамкорликда операцияларни амалга оширдилар. 2019 йил Япония банки Mitsubishi UFJ Financual Group ўзининг рақамли пулини чиқарди ва 100 минглаб мижозлар фойдаландилар. АҚШ, Швейцария давлатларининг қимматли қоғози бўйича комиссияси криптовалюталарни икки гуруҳга ажратдилар:

биринчи гуруҳ инвестиция валюталари бўлиб, ўзининг моҳиятига кўра, улар акция, облигациялар мақомини олди;

иккинчи гуруҳ хизмат валюталари бўлиб, товар ва хизматларни сотиб олишда online валюта шаклида ҳаракат қилади.

Бу ҳолатда криптовалюталар мамлакат ичида ҳисоб-китоблар юритишда ишлатилди. Билл Гейтс фикрича, криптовалюталарнинг келажаги порлоқ, келажакда криптовалюталар жаҳон иқтисодиёти барқарор ўсишига хизмат қилади, шу билан бирга молиявий пирамидага айланиши мумкин.

Хулоса сифатида Жаҳон Иқтисодий Кенгаши (**DAVOS**) эксперти Клаус Швабнинг таъкидлашича, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида амалга ошириладиган тўртинчи ишлаб чиқариш инқилоби (**Саноат 4.0**) 2025 йилга келиб, инсониятга қуйидаги имкониятларни ҳадя қилиши мумкин экан[92]. Интернет тармоғига 1 триллиондан ортиқ датчиклар уланади. 90% инсонлар маълумотларни (ёки рекламаларни) текинга ва исталган муддатга сақлаш имкониятига эга бўладилар. 10% миқдоридаги инсонларнинг оптик кўзойнаклари интернет тармоғига уланади. Барча учун хизмат кўрсатадиган биринчи робот фармацевт ва хирург бўлади. Автомобиллар 3D-принтер воситасида босиб чиқарила бошланади. Аҳолиси 50 минг бўлган шаҳарларда йўлларда светофор бўлмайди. Аҳолини рўйхатга олиш Big Data ва блокчейн ёрдамида амалга оширилади. Корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятларининг 30 фоизини сунъий интеллектлар аудит қиладилар. Инсонларнинг 10 фоизи интернет тармоғига уланган кийимлар кийиб юрадиган бўлишади. Халқ истеъмоли товарларининг 5-10 фоизи 3D-принтерларёрдамида шакллантирилади. Аҳолининг 90 фоизи смартфонлар ва интернетдан фойдаланади. Корпоратив аудиторлик текширувларининг 30 фоизини сунъий интеллектли тизимлар ўтказади. Солиқлар блокчейн технологиялари ёрдамида йиғилади ва назорат қилинади. Автомобиль саёҳатлари биргаликда фойдаланиладиган машиналарда амалга оширилади (sharing ekonomy). ЯИМнинг 30 фоизи блокчейн технологияларидан фойдаланган ҳолда сақланади. Корпоратив директорлар кенгашида тарихда биринчи марта ақллиробот иштирок этади.

[92] К.Шваб. Четвертая промышленная революция. Москва, 2017 г. С 89.

Иқтисодиётни ва социал тармоқларни рақамлаштириш рейтингида Швеция, Дания, Финландия, Нидерландия ва Англия лидер ҳисобланадилар. Европа халқининг интернет onlinexизматларига ишончлари ошиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари да электрон пул айланмалари 2021 йилга нисбатан 2022 йили 18 фоизга кўпайган. Европа иттифоқи комиссияси электрон савдони ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, турли чегирмалар ва солиқда бонуслар эълон қилди.

Ўзбекистонда ҳам криптовалютани муомалага киритишдан аввал уни қандай молиявий актив кўринишида қабул қилиш ва ундан қандай тартибда фойдаланиш масаласини узил-кесил ҳал қилиш лозим бўлади. Яъни унга оддий рақамли пул сифатида қараш керакми ёки янги турдаги валюта сифатида кўриш керакми? Шундан сўнггина мамлакатда криптовалюта айланишининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Ачилов. Рақамли валюта ва криптовалюталарни тадқиқ этиш: Монография. – Фарғона, “Фарғона”, 2023. 92 бет.
2. К.Шваб. Четвертая промышленная революция. Москва, 2017 г. С 89.

Рахматов Адхам Итолмасович
СамИСИ, “Инвестиция ва инноватцияалар”
кафедраси катта ўқитувчиси
Маматов Тоҳиржон
СамИСИ, Банк-молия хизматлари факултети талабаси

ИНСОН ОМИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: *Мақолада бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат қилаётган Республикамиз туристик корхона ходимларни инсон омилини ривожлантиришни таркибий қисмларидан бири меҳнат салоҳияти, уни ифодаловчи кўрсаткичлари баён қилинган.*

Калит сўзлар: *туризм, меҳнат ресурслари, иқтисодий ўсиш, таълим тизими, меҳнат салоҳияти, самарадорлик, даромад.*

Аннотация: *В статье описывается одна из составляющих человеческого фактора развития сотрудников туристических предприятий республики, работающих в условиях рыночной экономике, трудовой потенциал, его показатели.*

Ключевые слова: *туризм, трудовые ресурсы, экономический рост, система образования, трудовой потенциал, эффективность, доход.*

Annotation: *The article describes one of the components of the human factor development of employees of tourism enterprises of the Republic, working in a condition the market economy, labor potential, its indicators.*

Key words: *tourism, labor resources, economic growth, education system, labor potential, efficiency, income.*

Бугунги тараққиёт, глобаллашув даврида мамлакатлар, одамлар узвий боғланган. Табиийки, меҳнат ресурслари қанча кўп бўлса ҳамда унинг таркибидаги ҳар бир индивиднинг меҳнат салоҳияти, яъни малакаси, тажрибаси ва бошқа сифатлари қанча юқори бўлса, мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажми ва сифати ҳам

шунча юқори бўлиши мумкин. Бу имкониятлар ишлаб чиқаришнинг реал натижаларида ўз ифодасини топиши, яъни иқтисодий ўсиш содир бўлиши учун, меҳнат ресурсларида мужассамлашган сифатли ишчи кучи ижтимоий ишлаб чиқаришда тўла иштирок этиши ва иқтисодиётда банд бўлган ҳар бир субъект ўзидаги меҳнат салоҳиятини тўла сафарбар этиши лозим. Акс ҳолда меҳнат ресурслари, уларнинг сони (қанча кўп бўлмасин), сифати (қанча юқори бўлмасин) мамлакатнинг иқтисодий юксалиши, бойиб кетиши, иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашувига ижобий таъсир кўрсатмайди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Ғарб мамлакатларида пайдо бўлган инсон омили деган тушунча инсонда жисмоний ва ижодий қобилиятини, билимини, малака ва меҳнатдаги фаоллигини шакллантириш ҳамда, ушбу сифатларни ишлаб чиқариш жараёнида рўёбга чиқариб юқори натижаларга эришиш учун маълум миқдорда сарф харажатларни амалга оширишга инвестициялар жалб этиш лозимлигини илгари сурган.

Ўзбекистонда мустақилликка эришгандан сўнгги уттиз икки йил давомида инсон омилини ривожлантириш борасида хусусан таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда амалий ишлар олиб борилди. Айниқса таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинди, ҳамда улар асосида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасида ҳар йили таълим соҳаси учун ажратиладиган маблағлар ЯИМнинг 10-12% ташкил этади, бу ЮНЕСКО талабларига нисбатан (5-6%) икки баробар кўп инвестицияни жалб қилиш демакдир.

Жадал иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш меҳнат ресурсларининг замонавий назарияларини ҳисобга олган ҳолда иш билан бандлик сифати даражасини оширишни энг муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўймокда. Чунки, ҳозирги даврда меҳнат бозорининг асосий субъекти - оддий ишчи кучи эмас, балки интеллекти (интеллект - инсоннинг фикрлаш салоҳияти) ва онги (онг - мантиқий ва ижодий фикрлаш, инсон аклий фаолиятининг олий даражаси) билан илмий-техникавий тараққиёт орқали иқтисодиётда фойда ҳосил қилиш функциясини бажараётган ходимдир[93].

Экспертларнинг ҳисоблашларича, самарали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш мамлакат аҳолиси катта ёшдагиларининг 40.0-60.0 фоизи олий маълумотли, улар таркибида 2.0-5.0 фоизи илмий ходимлар бўлишини талаб этади. Буни ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам исботлайди. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳар 1000 нафар ходим ҳисобига 5.36 олим тўғри келади. Мазкур кўрсаткич АҚШ (8.66) ва Японияда (9.72) янада юқорироқдир[94].

Ўзбекистон Республикасида ҳозирда, 2023-йилнинг бошида 209 та олий таьлим муассаси бўлса, уларда бир милиондан ортиқ талабалар таьлим олмоқда. Илгари бор йуғи 250 минг талаба бўлган, бўлса 2022-йилнинг ўзида 35 та олий таъалим муассасига молияавий мустақиллик берилди. 2017-йилда республикамизда 77 та олий таълим муассаси бўлган ва булар орасида дэярли нодавлат олий таълим муассаси бўлмаган. 209 та олий таълим муассасидан 114 таси давлат олий таълим муассалари бўлса, 65 таси нодавлат ва қолган 30 таси хорижий олий таълим муассалар филиалларини ташкил этади[95].

Юуқоридаги маълумотларни таҳлил қилганимизда, 2017-йилга нисбатан, 2023-йилда 132 та олий таълим муассаси кўпайганини ёки 2,7 % га ошганини кўришимиз мумкин.

---

[93] Нусратуллин В.К. Неравновесная экономика. 2-е изд., доп. - М., 2006. С.361.

[94] Gamington W.J. How Big is the Braun Dian? INF. Working Paper 98/02, Washigton, 1998.

[95] XTTning internet saytidagi materiallar asosida tayyorlandi.

Ўзбекистон Республикасида туризмнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятли ўрнини англаган ҳолда, ушбу тармоқни малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилади.

Кейинги йиллар давомида бозор иқтисодиёти шароитида республика туристик корхоналарида хизмат кўсатиш йилдан йилга ошиб бормоқда. Аммо бозор иқтисодиёти тизими яъни кучли рақобат мавжуд бўлиб турган бир шароитда бундай натижаларга инсон омилини ривожлантириш ҳисобигами ёки экстенсив ёндошувлар эвазигами ? – деган савол туғилиши табиийдир.

Мақоламизни тадқиқоти жараёнида асосий эътиборни бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат қилаётган Республикамиз туристик корхоналарида инсон омилини ривожлантиришни таркибий қисмларидан бири меҳнат салоҳияти, уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш қаратдик.

Чунки инсон омилини ривожлатириш муаммосининг ҳолати унинг натижавий кўрсаткичининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланмиш меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш мулк шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субектлар учун ўта муҳимдир. Япон миллатининг сўнгги қирқ йиллик тажрибаси меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлишидан далолат бермоқда. Шу туфайли ушбу гуруҳ кўрсаткичларини алоҳида баҳолаш ва таҳлил қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Туризм соҳасида натижа кўрсаткичлари ҳар хил кўрсаткичлар билан ўлчаниши мумкин. Бунда барча соҳага умумий бўлган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш маъқул. Бундай кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

1. Туристик корхонасида меҳнат потенциалининг натижавийлиги;
2. Туристик корхонасида меҳнат потенциалининг рентабеллиги;
3. Туристик корхонасида меҳнат потенциалининг даромадлилиги.

Меҳнат унумдорлиги меҳнат потенциали самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субектнинг молиявий фаолияти айнан шу кўрсаткич миқдорига боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги маълум вақтда (кун, ой, чорак, йил) бир ходим томонидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми билан ўлчанади. Бу кўрсаткич натижани ходимларнинг ўртача рўйхатдаги йиллик сонига (вақт бирлигига) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\text{Меҳнат унумдорлиги} = \frac{\text{Туристик корхонада натижаси } (Q)}{\text{Ходимлар сони } (X)}$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлигига икки омил таъсир қилмоқда. Уларнинг натижа ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин.

Хулоса ўрнида умумий маънода шуни таъкид этиш лозим инсон омилини ривожлантириш – одамларнинг узоқ ва соғлом, муносиб турмуш кечиришлари, маълумотли бўлишлари учун зарур воситалардан фойдаланишлари имкониятларини кенгайтиришдир. Аммо бу имкониятларни одамларнинг ўзлари танлайдилар. Ривожлантириш жараёни инсонга унинг эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқ равишда ўзини ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишга хизмат қилиши керак.

Инсонни омилини ривожлантириш тушунчаси унинг қобилияти ва имкониятларини шунчаки шакллантиришга қараганда анча кенгроқдир. У шунингдек, бу имкониятлардан меҳнат жараёнида, дам олиш ва ижтимоий фаолиятда фойдаланишни ҳам назарда тутади. Имкониятларни шакллантириш ва уларни ишга солиш ўртасида мутаносиблик бўлмас экан, инсон салоҳиятидан фойдаланилмай қолинади.

Юқоридаги тезисдан келиб чиқиб давлатнинг фаровонлиги фақат даромад даражасига эмас, балки бу даромаддан қандай фойдаланилишига ҳам боғлиқдир. Даромадлар мўмай бўлишининг ўзи инсонни ривожлантиришни кафолатламайди. Шундай экан, инсон омилини ривожлантиришнинг икки хусусияти имкониятларни шакллантириш ва улардан фойдаланишни фарқлаш керак. Инсонни барқарор ривожлантириш фақат

иқтисодий ўсишни таъминлабгина қолмасдан, унинг натижаларини адолатли тақсимлашни ҳам назарда тутади. Бундай ривожланиш аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига биринчи даражали аҳамият берилишини, улар имкониятларини кенгайтиришни, уларнинг ўз турмушларига таъсир кўрсатадиган қарорларни қабул қилишда иштирок этишларини таъминлашни назарда тутади. Бунда инвестицияларни жалб этиш инсонлар манфаатини кўзлайди, улар учун иш жойларни кўпайтиришга, жамият фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни. –Т., 2019
2. “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 2-декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони.
3. “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 2-декабрдаги ПҚ-2666-сонли Қарори.
4. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПҚ- 4095-сонли “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
6. Болтабаев М.Р, Тухлиев И.С. ва б. Туризм: назария ва амалиёт. Дарслик. Т.: Фан ва технология 2018 йил.

Ахроров Зариф Орипович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали, PhD, доцент,
Насимов Адиз Азамат ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали, магистрант

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ЎРНИ

***Аннотация**. Мақолада олий таълим тизимини молиялаштириш муҳим вазифалардан бири эканлиги эътироф этилиб, унда олий таълимни бюджет маблағларидан ҳисобидан молиялаштириш аҳамияти, бугунги кундаги вазифалар, молиявий таъминотини яхшилаш бўйича хулосалар шакллантирилган.*

***Калит сўзлар**: олий таълим, бюджет, молиялаштириш, молиявий таъминот.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев олий таълим соҳасидаги дастлабки ислоҳотлар, аввало, қамровни ошириш, институт ва университетларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалар сифатида белгилади [1]. Ёшларни билим ва малакали этиб тарбиялаш, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар тайёрлаш мақсадида таълим тизими изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш алоҳида вазифа сифатида эътироф этилган [2].

Таълимни молиялаштириш тизими таълим - бу хизмат эканлигидан, бу хизматдан тўғридан-тўғри ва билвосита фойдалувчилар муайян даражада сарф-харажат қилиши кераклигидан келиб чикади.

Шу боис, мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири - таълимни молиялаштиришга давлат маблағлари ажратилиши микдори ҳисобланади. Маблағ кайси даражадаги манбалардан ва кандай нисбатда ажратилиши тўғрисидаги масалани давлатнинг молия-бюджет сиёсатни амалга оширишнинг йўналишлари белгилаб беради.

Кўпгина мамлакатларда таълимга сарфланаётган маблағларнинг энг кўп кисми давлат бюджети маблағларидан ажратилади. Шу билан бирга, бюджетдан ташқари жамгармалар, корхоналар, ташкилотларнинг маблағлари ва хорижий кредитлар, жисмоний шахсларнинг маблағларидан фойдаланилади.

А.Шеров дунёда олий таълимни молиялаштиришнинг учта асосий модели мавжудлигини эътироф этади [3]. Биринчиси, олий таълим муассасалар фаолияти фақат давлат ҳисобидан молиялаштирилади. Иккинчи модел - бу фақат хусусий маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Учинчиси, хусусий маблағлар билан бир қаторда давлат маблағларидан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади.

Республикамизда касб-ҳунар таълимини молиялаштиришнинг қуйидаги манбаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Давлат бюджети;

б) иш берувчиларнинг ихтиёрий ва мажбурий бадаллари;

в) таълим олувчиларнинг бадаллари.

Давлат бюджети иқтисодий усишга ва ахолини иш билан таъминлашга кумаклашиши кераклиги учун ҳам касб-ҳунар таълимини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

Таълимни молиялаштиришда давлатнинг ролини белгиловчи иккита омил мавжуд. Улардан биринчиси – фуқароларнинг ялпи таълим олиши учун давлатнинг масъулияти бўлса, чунки жамиятнинг ривожланиши мамлакатнинг таълим салохияти холатига боғликдир, иккинчиси - ушбу масъулиятни жамият билан узаро таксимлашдир. Шу муносабат билан давлат меҳнат бозори талаблари асосида, етук мутахассисларни тайёрлаш жараёнида таълимга ресурслар қуйишда масъулиятни ўз зиммасида саклаган ҳолда, таълимни молиялаштириш соҳасида шерикликка интилади.

Мамлакатимиз экспертларининг фикрича, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муваффакияти бу соҳага уч томоннинг - таълим соҳаси, давлат ва бизнеснинг жалб этилганлиги ва уларнинг узаро хамкорлик қилиши даражасига боғликдир.

Олий таълим муассасаларининг барқарор ривожланишини таъминлаш, олий таълим тизимидасоғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва олий таълим соҳасида сарфланаётган ресурслар самарадорлигини ошириш бевосита уларнинг академик ва молиявий мустақиллигига боғланган бўлади.Бутун дунё тажрибаси ҳам айнан ушбу жиҳатнинг муҳимлигини кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам деярли барча давлат олий таълим муассасалари юқори марказлашганлик хусусиятига эга бўлиб, уларга босқичма-босқич номарказлашув унсурларини жорий этиш сиёсати амалга оширила бошланди [4].

Касб-ҳунар таълимини молиялаштириш механизмлари, жалб килинган маблағларнинг манбалари, уларни таксимлаш усуллари, бошқарув органлари, давлат маблағларини ажратиш шартлари ва мезонлари бўйича фаркланади, бунда молиялаштиришнинг бозор схемалари ва механизмларини куллаш асос килиб олинади. Касб-ҳунар таълимини молиялаштиришнинг аксарият моделларида марказлаштирилган ва номарказлаштирилган молиялаштириш кулланилади.

Бу соҳага молиявий манбаларни жалб қилиш мақсадида таълимни молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбалари томонидан куллаб-кувватланиши керак бўлган молиявий имкониятлар таҳлил килинмокда. Бюджетдан ташқари фаолиятнинг асосий турлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича гурухланади:

- таълим хизматлари соҳаси;
- илмий-ишлаб чиқариш фаолияти;
- тижорат фаолияти;
- ҳомийлик.

Ўқитилаётган фанларни мазмунан қайта кўриб чиқиб, ортиқча такрорланишларни қисқартириш, бўшаган дарс соатлари ўрнига мутахассислик фанларни кўпайтириш ҳамда талабаларга мустақил илмий изланиш учун имконият яратиш кераклиги таъкидланди. Олий маълумот талаб қиладиган касбларни оптималлаштириб, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур янги касблар билан тўлдириш вазифаси қўйилди. Иш берувчиларнинг роли ишчиларга касбнинг замонавий ўзгариши даражасида булиш имконини берувчи муайян касб ва малака ошириш дастурлари бўйича укитишни таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун иш берувчилар касб-ҳунар таълимини молиялаштиришнинг иккинчи асосий манбаидир.

Таълим олувчилар асосий ва бевосита таълим хизматларини олувчилар ҳисобланади, ўқиш натижасида таълим олувчилар ўқуви бахосининг ошиши муносабати билан улар иш хаки ҳамда шогирдлик даврида ўз иш хакларини кискартириш ҳисобига ўз укишларини маблағ билан таъминлашлари мумкин.

Юқори малакали мутахассислар эса, ҳам ички меҳнат бозорида, ҳам ташқи бозорларда давлатнинг рейтингини оширувчи ўзига хос товар ҳисобланади. Шу муносабат билан бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг ҳозирги боскичида меҳнат бозорида мутахассислардан самарали фойдаланиш катта ахамиятга эгадир. Ўзбекистоннинг ун икки йиллик мустақил ривожланиши давомида мутахассисларни иш билан таъминлашнинг касб-малака таркибида кайд этилган ижобий силжишлар мана шундан далолат беради. Энг аввало, бу мутахассисларнинг ярми иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторида банд эканлиги эътиборлидир.

Рақобатбардош кадрлар тайёрлашни молиялаштириш ва бошқариш тизимининг халқаро тажрибаларни таҳлил этиш қуйидаги натижаларни беради.

Биринчидан, амалиётда таълимни, жумладан, ўрта махсус таълимни молиялаштириш механизмларининг самарадорлигини ошириш учун хилма-хил схемалардан фойдаланилади.

Иккинчидан, муайян ягона турларга кирмайдиган таълимни молиялаштириш тизимларининг кўп хиллилиги кузатилади.

Учинчидан, ривожланган мамлакатларда таълимни бошқаришнинг номарказлаштирилган тизимлари устунлик килади, улар миллий хусусиятлар, сиёсий ёндашувлар туфайли бир-биридан жиддий равишда фарк килади, бирок характерли белгиси шундаки, таълимни бошқаришнинг турли даражалари уртасида карорлар қабул қилишда ваколатлар турлича таксимланиши билан ажралиб туради. Таълимни бошқаришнинг номарказлаштирилган тизимларига амал килувчи бир канча мамлакатларда уни молиялаштириш марказлаштирилган ва номарказлаштирилган йўл билан амалга оширилади, мамлакатда мавжуд бўлган таълимни бошқариш тури билан уни молиялаштириш усули турлича булиши мумкин.

Туртинчидан, таълимни номарказлаштирилган тартибда молиялаштиришнинг хар хил типлари ва намуналари устунлик килади, факат айрим мамлакатларда таълимни давлат бюджетидан марказлаштирилган тартибда тўғридан-тўғри ва тулик молиялаштириш кайд этилади.

Бешинчидан, бошқарувнинг у ёки бу даражасининг таълимни молиялаштиришдаги иштирок улуши тахминан унинг ваколатлари ва таълим учун жавобгарлиги хажмига мувофик келади. Таълимни бошқаришнинг марказлаштирилган тизимларига амал килувчи давлатларда молиялаштиришда марказий ҳукуматга биринчи урин берилади.

Ўзбекистон олий ўқув юртларини жаҳон таълим тизимига жалб қилиниш интеграциялашуви уларни мақсадли фондларни яратишга ундайди, чунки жаҳон

амалиётида олий ўқув юртларини рейтингини тузишда эндаументга тушумлар мезон мухим кўрсаткич сифатида қўлланилади. Ушбу етакчи хорижий университетлар амалиётини мамлакат олий ўқув юртларида республикамизни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижодий қўллаш олий таълим тизимини молиялаштиришни яқин истиқболда барқарорлаштириш имконини беради.

Ҳозирда республика микёсида таълим муассасаларини каттик жихозлар билан таъминлашнинг марказлашган тартибда амалга оширишнинг сабаби жойлардаги таълим муассасаларида жихозлар учун ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини назоратга олинганлигидир. Бу механизм маблағларни мақсадли ишлатишда ва уларни назорат қилишда ижобий натижалар бермоқда, лекин сотиб олинган каттик жихозларнинг нархларини кескин ортиб кетишига ҳам сабаб булмоқда, бу эса бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарасиз фойдаланишга олиб келмоқда. Бизнинг фикримизча, таълим муассасалари учун керак бўлган компютер синфлари, лингафон хоналари олишдаги муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, республика ташқарисидан олиб келинадиган жиҳозларни марказлашган тартибда, республикада ишлаб чиқарилаётган таълим муассасалари учун керакли бўлган жихозларни (парта, доска, стол, стул, ошхона жихозлари) олишни эса марказлашмаган тартибда сотиб олиниши мақсадга мувофик бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://yuz.uz/news/oliy-talim-tizimidagi-ustuvor-vazifalar-belgilandi Мурожаат санаси: 20.11.2023 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон
3. Шеров А.Б., Рузметова Г.А. Олий таълим муассасаларини молиялаштириш моделлари. //International Conference on Research Identity, Value and Ethics. 2022. 170-174 б.
4. Валиев Ш., Хуррамов Ж. Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг молиявий фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари. //Innovations in Technology and Science Education, 2023. 2(8), 1007-1023 б.

Ruzibayeva Nargiza Xakimovna
SamISI, Investitsiya va innovatsiyalar kafedrasi dotsenti

IQTISODIY O'SISHGA O'TISHDA AHOLINING MOLIYAVIY SAVODHONLIGINI OSHIRISH

Annotatsiya. *Jamg'arma va investitsiyalar iqtisodiy o'sishni tezlashtirish va O‘zbekistonni yuksaltirish uchun zarurdir. Ushbu ishning maqsadi mamlakat aholisi o'rtasida tejash imkoniyatlari, investitsiya hatti-harakatlari va moliyaviy savodxonlik darajasini o'rganishdir. Shuningdek, aholining jamg'armalari va investitsiyalarni tanlashi ularning moliyaviy savodxonlik darajasiga qanday bog'liqligini o‘rganish mumkin.*

Kalit so‘zlar: *Moliyaviy savodxonlik, jamg'arma, investitsiya, uy xo'jaligi moliyasi, risk.*

Аннотация. *Сбережения и инвестиции необходимы для ускорения экономического роста и улучшения ситуации в Узбекистане. Целью данной работы является изучение возможностей сбережений, инвестиционного поведения и уровня финансовой грамотности населения страны. Также можно изучить, как сбережения и инвестиционный выбор населения зависят от уровня его финансовой грамотности.*

Ключевые слова: *Финансовая грамотность, сбережения, инвестиции, финансы домохозяйств, риск.*

Umumiy ta'lim tizimi, xususan, moliyaviy ta'lim yoki moliyaviy savodxonlik rivojlanayotgan mamlakatlar uchun eng katta muammolarni keltirib chiqaradi. Moliyaviy mahsulotni investitsiya qilish imkoniyatlari ham ichki, ham xalqaro miqyosda oshdi, bu esa investorlarga o'z portfellarini turli xil moliyaviy tovarlar bo'yicha diversifikatsiya qilish imkonini berdi. So'nggi yillarda moliyaviy bozorlarda noan'anaviy moliyaviy mahsulotlarning murakkabligi o'sdi. Bugungi kunda aholining moliyaviy savodxonligi darajasini oshirish global ahamiyat kasb etuvchi masalalardan biri bo‘lib hisoblanadi.

Raqamli iqtisodiyotda investitsion jozibadorlikni oshirishning muhim sabablaridan biri bu tez iqtisodiy o'sish va innovatsiyalar uchun potentsialdir. Raqamli iqtisodiyot, bilan tavsiflanadi turli sohalarda raqamli texnologiyalardan foydalanish korxonalarning ishlashi, muloqot qilishi va mijozlar bilan o'zaro munosabatlarida inqilob qildi. Natijada tadbirkorlik va ish o'rinlari yaratish, iqtisodiy taraqqiyotga ko'maklashish uchun yangi imkoniyatlar yaratildi. Yuqori darajadagi investitsiyalarni jalb qilish orqali mamlakatlar raqamli infratuzilmani kengaytirishni qo'llab-quvvatlashi, tadqiqot va ishlanmalar faoliyatini rag'batlantirishi va rivojlanayotgan startap ekotizimini rivojlantirishi mumkin. Bu omillar nafaqat iqtisodiy o'sishga yordam beradi, balki mamlakatning jahon miqyosidagi raqobatbardosh ustunligini oshiradi. Bundan tashqari, raqamli iqtisodiyot innovatsiyalarni rag'batlantirish qobiliyati bilan mashhur, chunki u axborot va bilimlarni tez tarqatish va almashish imkonini beradi. Shu sababli, ushbu sohada investitsion jozibadorlikni oshirish raqamli iqtisodiyotning iqtisodiy o'sish, innovatsiyalar va umumiy farovonlikni ta'minlash uchun potentsialidan foydalanishni maqsad qilgan mamlakatlar uchun juda muhimdir.

Raqamli iqtisodiyotda investitsion jozibadorlikni oshirishning strategiyalaridan biri innovatsiyalar va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlovchi tartibga soluvchi siyosat va asoslarni ilgari surishdir. Uchun investitsiyalar uchun qulay muhitni yaratib, siyosatchilar korxonalarni raqamli makonda ishlashga undaydigan aniq ko'rsatmalar va qoidalarni taqdim etishlari kerak. Bunga qulay soliq siyosatini yaratish, byurokratik jarayonlarni soddalashtirish va intellektual mulkni mustahkam himoya qilish kiradi. Bundan tashqari, hukumatlar raqamli startaplar va kichik biznes uchun maxsus investitsiya fondlarini yoki soliq imtiyozlarini yaratish haqida o'ylashlari kerak. Ushbu chora-tadbirlar mahalliy va xorijiy investorlarni jalb qilishga yordam beradi, chunki ular xavfsizlik hissi va boshlang'ichlarni qo'llab - quvvatlaydi raqamli iqtisodiyot. Ushbu strategiyalarni amalga oshirish orqali mamlakatlar investitsion jozibadorligini oshirishi va raqamli sektorda iqtisodiy o'sishni rag'batlantirishi mumkin.

Raqamli iqtisodiyotning muhim jihatlaridan biri bu inson kapitalining roli. inson kapitali deganda shaxslar egallagan bilim, ko'nikma va qobiliyatlar va uning iqtisodiy samaradorlikka ta'siri tushuniladi. Raqamli iqtisodiyotda inson kapitalining roli yanada muhimroq bo'ladi, chunki texnologik yutuqlar sanoat va biznesni qayta shakllantirishda davom etmoqda. Rivojlanish uchun zarur bo'lgan ko'nikmalar doimiy rivojlanayotgan va shuning uchun inson kapitalini rivojlantirishga sarmoya kiritish ham shaxslar, ham millatlar raqobatbardosh bo'lib qolishi uchun juda muhimdir. Bunga kodlash, ma'lumotlarni tahlil qilish, raqamli marketing va kiberxavfsizlik kabi raqamli ko'nikmalarni rivojlantirish kiradi. Bundan tashqari,

uzluksiz o'rganish va moslashishni ta'minlaydigan muhitni rivojlantirish, odamlarning texnologik taraqqiyotning tez sur'atlariga mos kelishini ta'minlash uchun juda muhimdir. Inson kapitalining ahamiyatini anglash va uning rivojlanishiga sarmoya kiritishga harakat qilish orqali mamlakatlar o'zlarining jozibadorligini oshirishi mumkin investorlar va o'zlarini raqamli iqtisodiyotda etakchi sifatida ko'rsatadilar.

Boshqa tomondan, raqamli iqtisodiyotda inson kapitalini oshirish uchun hukumatlar va korxonalar ta'lim va o'qitishga sarmoya kiritish muhimligini tan olishlari shart. Bunga nafaqat rasmiy ta'lim, balki butun faoliyati davomida uzluksiz o'rganish va takomillashtirish ham kiradi. Raqamli davrda texnologik yutuqlar misli ko'rilmagan sur'atlarda ro'y bermoqda, bu esa shaxslarga muntazam ravishda moslashish va yangi ko'nikmalarga ega bo'lish zarurligini yaratmoqda. Ta'minlash orqali sifatli ta'lim va o'quv dasturlariga kirish, hukumatlar va korxonalar raqamli iqtisodiyotda rivojlanish uchun shaxslarni zarur bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishlari mumkin. Bundan tashqari, umrbod ta'lim madaniyatini targ'ib qilish va doimiy malakani rivojlantirish uchun imkoniyatlar yaratish inson kapitalini yanada oshirishi mumkin. Bunga o'quv dasturlari, shogirdlik va murabbiylik dasturlari kabi tashabbuslar orqali erishish mumkin, bu shaxslarga o'z mahorat to'plamlarini doimiy ravishda yangilab turish va raqamli mehnat bozorida raqobatbardosh bo'lib qolish imkonini beradi.

Xulosa qilib aytganda, ortib bormoqda raqamli iqtisodiyotda investitsion jozibadorlik va inson kapitali xalqlarning barqaror o'sishi va rivojlanishi uchun juda muhimdir. Raqamli iqtisodiyot iqtisodiy o'sish, ish o'rinlarini yaratish va innovatsiyalar uchun ko'plab imkoniyatlarni taqdim etadi. Raqamli infratuzilmaga sarmoya kiritish, raqamli savodxonlikni rivojlantirish va malakali ishchi kuchini rivojlantirish orqali mamlakatlar jahon bozorida raqobatbardoshligini oshirishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Marina L. Alpidovskaya. Kelajakning ijtimoiy - iqtisodiy paradigmasiga nisbatan inson va texnologik taraqqiyot. 1-qism, Elena G. Popkova, Valter de Gruyter GmbH & Co KG, 8/24/2020
2. -Yakub horik. Yangi davrdagi iqtisodiy tizimlar: beqaror dunyoda barqaror tizimlar. Svetlana Igorevna Ashmarina, Springer Tabiat, 10/10/2020

Ашурова Олтин Юлдашевна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Инвестиция ва инновациялар” кафедраси ассистенти
oltinashurova@gmail.com,

Муродиллаева Аниса Дильшодовна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Бухгалтерия ҳисоби ва аудити таьлим йўналиши талабаси
Anisamuradilayeva88@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: *Мақолада мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Тараққиёт стратегияси доирасида барча асосий соҳаларни рақамли ривожлантиришнинг стратегик мақсад ва устувор йўналишларига эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *Рақамли инфратузилма, электрон ҳукумат, реал сектор, рақамли технологиялар, ахборот технологиялари, миллий бозор.*

Аннотация: *В статье показано, что в нашей стране реализуются комплексные меры по активному развитию цифровой экономики, широкому внедрению современных информационно-коммуникационных технологий во всех отраслях и сферах, прежде всего, в государственном управлении, образовании, здравоохранении и сельском хозяйстве. . В рамках стратегии развития внимание уделяется стратегическим целям и приоритетам цифрового развития всех ключевых направлений.*

Ключевые слова: *Цифровая инфраструктура, электронное правительство, реальный сектор, цифровые технологии, информационные технологии, национальный рынок.*

Abstract: *The article shows that comprehensive measures are being implemented in our country for the active development of the digital economy, the widespread introduction of modern information and communication technologies in all sectors and areas, first of all, in public administration, education, health care and agriculture. Within the framework of the development strategy, attention is paid to the strategic goals and priorities of the digital development of all key areas.*

Keywords: *Digital infrastructure, e-government, real sector, digital technologies, information technologies, national market.*

Мамлакатимиз ҳаётида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш янги босқичга кўтарилмоқда. Бугунги кунда, жамият ҳаётининг қайси жабҳаси бўлмасин ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга мувофиқ, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шундай чора-тадбирларнинг янги босқичини, устувор вазифаларни белгилаб беришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу Фармон Республикада рақамли индустрияни жадал ривожлантириш, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Фармон билан “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси, 2020 - 2022 йилларда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш дастурлари, тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари, ҳудудлардаги 29 та намунавий туманларда (шаҳарларда) 2020 йилда ва 2021 йил I чораги якунига қадар рақамли трансформация қилиш лойиҳаларини кўзда тутувчи “йўл харита”лари ҳамда стратегиясини амалга ошириш бўйича “йўл харита”лари тасдиқланиб, уларда амалга ошириладиган тадбирлар, уларнинг муддатлари аниқ белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, Фармон билан Стратегияни амалга оширишни мувофиқлаштириб борилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раислигида комиссия тузилди.

Фармон билан тасдиқланган Стратегия иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидагилар рақамли ривожланишнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари этиб белгиланган:

-Рақамли инфратузилмани ривожлантириш;

-Электрон ҳукуматни ривожлантириш;

-Иқтисодиётнинг реал секторида рақамли технологияларни ривожлантириш;

-Рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантириш;

-Ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака ошириш.

Шунингдек, Стратегияда ҳар бир йўналиш бўйича амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинган ҳамда унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун мақсадли кўрсаткичлар тасдиқлаб қўйилган. Ушбу Фармонда белгиланган вазифаларнинг ижроси таъминланиши жамият ҳаётида рақамли технологиялар янада кенг татбиқ этилишига ҳамда мамлакатимизнинг халқаро рейтинги янги поғоналарга кўтарилишига хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиёт ривожланишининг миллий кўрсаткичлар тизимини истиқболда такомиллаштиришга доир таклифлар. Рақамли иқтисодиёт ривожланишининг миллий кўрсаткичлар тизимидаги “Мамлакатнинг халқаро рейтингдаги ўрнига оид кўрсаткичлар” бўлимига АКТ ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши билан бевосита ёки билвосита боғлиқ қўшимча нуфузли индикаторларни киритиш истиқболда Ўзбекистоннинг глобал дунё ривожланишидаги ўрнини янада аниқроқ белгилаб олиш имкониятини беради. Фикримизча, рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига оид миллий кўрсаткичлар тизими таркибига истиқболда қўшимча қуйидаги халқаро институт ва ташкилотларнинг индексларини киритиш ҳам унинг янада нуфузли бўлишини таъминлайди, ҳам қамров чегарасини кенгайтиришга хизмат қилади:

➢ Телекоммуникация инфратузилмаси индекси (Telecommunication Infrastructure Index – TII);

➢ Интернеттармоқ тайёрлиги индекси (Networked Readiness Index (NRI) - The World Economic Forum);

➢ Билимлар иқтисодиёти индекси (Knowledge Economy Index, KEI - European Bank for Reconstruction and Development, EBRD);

➢ Глобал ўзаро алоқа тармоқ индекси. Huawei ёки глобал уланиш индекси (Global Connectivity Index – GCI);

➢ Иқтисодиётни рақамлаштириш индекси (Boston Consulting Group (eIntensity));

➢ Рақамли эволюция индекси (Digital Evolution Index – DEI -Mastercard);

➢ Рақамлаштириш имкониятлари индекси (Digital opportunity index, DOI), Халқаро Телекоммуникация Иттифоқи (ITU) ва бошқа индикаторлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

3. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Методологические основы влияния информационно-коммуникационных технологий на развитие национальной экономики. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2018. – 178 с.

4. Аюпов Р.Х. Пути развития электронного бизнеса в Узбекистане. – Т.: Формат полиграф, 2019. – 205 с.

Miyassarov Davron Abdurashid o’g’li
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
“Investitsiya va innovatsiyalar” kafedrasi assistenti
Usmonov Sunnat Maxmanazar o’g’li
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
Bank va moliya xizmatlari fakulteti talabasi

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA INVESTITSIYA FAOLIYATIDA DAVLAT ISHTIROKINI TARTIBGA SOLISHNING ASOSLARI

Annotatsiya: *Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyotning asosiy mohiyati, raqamli iqtisodiyot sharoitida investitsiya faoliyatida davlat ishtirokini tartibga solishning asoslari hozirgi globallashuv sharoitida mamlakatimizga kiritilayotkan investitsiyalarning raqamli iqtisodiyot sharoitidagi obyektiv zaruriyati va moliyaviy texnologiyalarning ham o'zining xos o'rni haqida yoritib berishga harakat qilingan.*

Kalit so'zlar: *Raqamli iqtisodiyot, investitsiya, innovatsiya, davlat, tartibga solish, kapitallar harakati, ma'muriy usul, iqtisodiy usul.*

Raqamli iqtisodiyotga o'tish barcha davlatlar va albatta xo'jalik yurituvchi sub'ektlar uchun kechiktirib bo'lmaydigan, o'ta dolzarb masala bo'lib qolmoqda. Ilmiy adabiyotlarda va matbuot sahifalarida raqamli iqtisodiyotga ko'plab ta'riflar berilgan, jumladan, xorijiy manbalarda raqamli iqtisodiyotga raqamli axborot texnologiyalari va iqtisodiy agentlar o'rtasidagi o'zaro bog'lanish deb, boshqalarida esa uni xo'jalik sub'ektlarining internet bilan bog'langan holdagi iqtisodiy rivojlanish natijasi deb, ayrimlarida raqamli texnologiyalar va tegishli mahsulotlar va xizmatlarni yaratish, tarqatish va ulardan foydalanish bo'yicha faoliyat, degan, ta'riflar mavjud.

Iqtisodiy adabiyotlarda davlat investitsiya siyosati sharoitida qulay investitsiya muhitini yaratishga va budjet investitsiya resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirishga yo'naltirilgan iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish chora tadbirlari tizimini tushunish taklif etiladi. A.E. Ramilova davlat investitsiya siyosatini iqtisodiyotning tarmoqlari va tarmoqlarida kapital qo'yilmalardan foydalanish yo'nalishini, investitsiyalarni jalb qilish, rejalashtirish va amalga oshirish jarayonini boshqarishda institutsional ishonchni, shuningdek, soliq va boshqa imtiyozlarni joriy etish orqali xorijiy investorlarga qulay sharoit yaratadigandavlatning yondashuvi va qarorlari to'plamidir.

Davlat investitsiya siyosatining maqsadi sifatida I.Z. Fathutdinov va V.A. Trapeznikov milliy va xorijiy investorlarning investitsion faoliyatini maqbul huquqiy tartibga solishni izlashga urg'u bermoqdalar1. Shu bilan birga, ushbu mualliflarning ta'kidlashicha, investitsiyalarning sifat darajasi va miqdoriy o'sishi kabi makroiqtisodiy ko'rsatkichlar, ularning nisbati amaldagi davlat investitsiya siyosati to'g'risida tasavvur beradi.

Investitsion sohani davlat tomonidan boshqarish jamiyat manfaatlarini tadbirkorlik manfaatlariga uyg'unlashtirish orqali bozorda kapital oqimini majburiy ravishda tartibga solishni o'z ichiga oladi. Buning uchun turli xil vosita va usullar qo'llanilib kelinmoqda.

Davlat tomonoidan investitsiyalar uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish uchun:

- soliq imtiyozlarini joriy qilish;
- investitsiya uchun kreditlar berish;
- milliy buxgalteriya hisobi va amaldagi soliq siyosatini tartibga solish;
- davlatlararo shartnomalarda ikkiyoqlama soliqqa tortishni bekor qilish;
- yer va boshqa tabiiy resurslardan foydalanishda imtiyozli shartlar; investorlarni manfaatlarini himoya qilish;
- iqtisodiyotni monopoliyaga qarshi tartibga solish va monopol mavqeyga ega tarmoqlarga investitsiya oqimini kuchaytirish;
- axborot va transport infratuzilmasini rivojlantirish o'rinli desak mubolag'a bo'lmaydi.

Investitsion faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish, mamlakatni ijtimoiyiqtisodiy va ilmiy-texnikaviy rivojlanishiga yo'naltirilgan investitsiya siyosatini amalga oshirish O'zbekistonning davlat organlari, ularning vakolatlari doirasidagi tashkilotlar tomonidan ta'minlanadi va yuqoridagi vositalar bilan amalga oshiriladi. Bundan tashqari davlat mamlakatda investitsion faoliyatga ta'sir etishning ham ma'muriy va iqtisodiy usullaridan foydalanadi.

Ma’muriy (to‘g‘ridan to‘g‘ri) tartibga solish usullari investitsiya faoliyati subyektlariga to‘g‘ridan to‘g‘ri ta’sir qilishni anglatadi, davlat normativ hujjatlar, ta’qiqlar, cheklashlar, ruxsatnomalardan foydalangan holda iqtisodiyotning boshqa subyektlariga nisbatan majburlash huquqiga ega. Bunday ta’sir qilish vositalari qonunchilik va me’yoriy hujjatlardir. Masalan, qonunda barcha investitsiya loyihalari ekologik ekspertizadan o‘tkazilishi belgilab qo‘yilgan.

Investitsion faoliyatga davlatning ta’sir ko‘rsatadigan iqtisodiy usullari – davlatning investitsiya faoliyati subyektlari tomonidan subyektlarning manfaatlarida ham, butun jamiyat manfaatlarida ham qarorlar qabul qilinishini rag‘batlantirish orqali amalga oshiradigan usullar. Davlat investitsiya maqsadlariga erishish uchun ma’muriy va iqtisodiy usullarni birlashtiradi.

Investitsion faoliyatni davlat tomonidan tartibga solishning asosiy maqsadi har bir muayyan davr uchun davlatning iqtisodiy va ijtimoiy siyosatini amalga oshirish uchun barcha xo‘jalik yurituvchi subyektlar uchun mamlakatda qulay investitsiya muhitini yaratishdir.

Shunday qilib, investitsiya faoliyatini tartibga solish davlatning qo‘lida iqtisodiy va ijtimoiy jarayonlarga ta’sir ko‘rsatadigan eng muhim vositadir.

Investitsion faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish davlatning investitsiyava iqtisodiy siyosati bilan uzviy bog‘liq bo‘lgan tegishli innovatsiyalar, soliq, moliyakredit va boshqa siyosatlarni amalga oshirmasdan turib samarali bo‘lmaydi.

Investitsion faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish – investorningo‘z faoliyatini amalga oshiradigan, qonunchilikda, tashkiliy-huquqiy shakllardatasdiqlangan davlat yondashuvi va qarorlarining yig‘indisi.

Investitsion faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish uning huquqiy tabiatiga mos kelishi, uning murakkab subyektiv tarkibi va turlarining xilma-xilligini hisobga olishi kerak. Ushbu faoliyatni amalga oshirishda investitsiya sohasidagi ijobiy jarayonlarni qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirishga e’tibor berish kerak, uning mazmuni prognozlash, dasturlash, xabardor qilish, investitsiyalar uchun boshqa qulay shart-sharoitlarni yaratish, shuningdek, jamoatchilik bilan aloqalar sohasida ushbu sohada qonuniylik va tartibga rioya etilishini nazorat qilish kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi.
2. Utkin V.B.,Baldin K.V. Iqtisodiyotda axborot tizimlari va texnologiyalari.-O‘quv qo‘llanma (rus tilida).- M.: UNITI, 2018.
3. Jumanova S. Raqamli iqtisodiyot: taraqqiyot sari yo‘l.//Yangi O‘zbekiston, 2020 yil
4. Фатхутдинов И.З., Трапезников В.А. Инвестиционное право. Учеб.-практич. пособие. – М.: Волтерс Клувер,2006
5. A.J.Xo’jamurodov., S.F.Esanov. “Raqamli iqtisodiyot sharoitida investitsiya faoliyatida davlat ishtirokini tartibga solishning metodologikasoslari’’. Maqola.: 2020 yil 20 may

Юлдуз Сиддикова
СамДУ Ургут филиали ўқитувчиси

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ

Аннотация*: в статье показана новые иннавационные педагогические технологии в учебном процессе, новые информации по сфере образование и эффективно использовать их в творческой работе.*

***Аннотация**: Мақолада таълим жараёнида янги педогогик технологияларни қўллаш ва уни ривожлантириш муаммолари ўрганилган*

Жамиятнинг ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, "**таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилиши шарт**". Шунинг учун ёш авлодни ҳар томонлама камол топишлари учун ҳаракат қилишимиз лозим.

Ўқитувчининг фаол, самарали фаолият кўрсатишига йўналтирилган таълим жараёнининг методик дарс ишланмасидан фарқли равишда, таълимнинг педагогик технологияси таълим олувчиларга қаратилади, шунингдек, уларнинг шахсий ва ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалини ўзлаштиришга шароит яратади.

Таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифалар ва кўзланган натижалар, ўқув машғулотнинг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини мужассамлаштиради. Шунингдек, бу ўқув машғулотининг технологик харитасини, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятнинг босқичма-босқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади.

Таълим жараёнига ўқитишнинг янги инновацион таълим технологиялари, замонавий усул ва воситалари кириб келмоқда ва самарали фойдаланилмоқда. Ўқитувчи билим олишнинг ягона манбаи бўлиб қолмасдан, балки ўқувчилар мустақил ишлаши жараёнининг ташкилотчиси, маслаҳатчиси, ўқув жараёнининг бошқарувчиси бўлиши керак. Инновацион таълим технологиясини ишлаб чиқиш асосида айнан шу ғоялар ётади.

Инновацион таълим технологиялари элементларидан фойдаланиш асосида таълим самарадорлигини ошириш, мустақил фикрлайдиган, асл мутахассисларни яратиш – таълимнинг асосий мақсади

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш-инновацион педагогикани майдонга олиб чиқди. «Инновацион педагогика» термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар Ғарбий Европа ва АҚШда, 60-йилларда пайдо бўлган.

Инновация (инглизча innovation) – янгилик киритиш, янгиликдир. Инновация деганда, муайян ижтимоий бирликка - янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунилади. Бу инноватор фаолиятидир.

Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг самарали шакллари сифатида маъруза (муаммоли маъруза, маъруза-семинар, виртуал-технологик маъруза, визуал маъруза, бинар маъруза, кириш маърузаси, маъруза-конференция, ахборотли маъруза, маъруза баҳс-мунозара, шарҳловчи маъруза, on-Line маъруза) тренинг, видеотренинг, вебинарлар, интернет конференциялар, инновацион ўқитиш методлари сифатида эса муаммоли методлар, интерфаол методлар, амалий ўйинлар, ўқув лойиҳалари, портфолиолар, график органайзерлар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш заруратини юзага чиқаради.

Маълумки, педагогик технология – таълим жараёнида олдиндан режалаштирилган ва тўлалигича лойиҳалаштирилган, муайян вақтга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ таълим олувчи шахсига қаратилган, фаоллаштирилган усуллар ва замонавий таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув мақсадига эришишни кафолатлайдиган таълим бериш жараёнидир.

Педагогнинг жонли нутқи, шахсларнинг ўйинлари, жамоатчилик ҳаракатлари тарбия воситаси вазифасини бажаради. Аммо тегишли тарбиявий вазифаларни ҳал этиш учун уларни албатта мураббий педагог ишининг муайян системасига киритиш керак. Тарбия натижасининг самарали бўлиши тарбиявий жараённи ташкил этиш усуллари,

воситалари ва шаклларидан моҳирона фойдаланишга ва уларнинг уйғунлигини таъминлашга боғлиқ.

Технологияларни қўллаганда, ўқувчи билимини кузатиш, уларнинг ўсишидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган асосий ғоялар билан таққослаш, уларнинг ривожланиш йўллари ва усулларини аниқлаш, мосини танлаш, турли воситалар, тарбиявий таъсир кўрсатиш усулларининг ўзаро бир-бирига ўтиши диалектикасини чуқур таҳлил қилиш ишларига аҳамият беришимиз керак.

Хозирги кунда таълим технологиялари қуйидаги йўналишларга бўлинади:

1. Замонавий –анъанавий ўқитиш элементларидан фойдаланиладиган педагогик технологиялар;
2. Педагогик жараёнда шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар;
3. Ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги педагогик технологиялар;
4. Ўқув жараёнини самарали бошқаришга асосланган педагогик технология;
5. Ривожлантирувчи таълим технологиялари;
6. Хусусий ўқув предметларига тегишли технологиялар.

Инновацион таълим технологиялар қўлланганда, ўқувчилар қизиқишининг ортишига, билимларнинг кўникмага айланишига, билим сифат-самарадорлигининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, бошланғич таълим ўқувчиларнинг ақлий ривожланишлари, маънавий фазилатларини ривожлантириб боришга асос яратади. Бу даврда болага бериладиган билимлар воситасида шахснинг онги, тафаккури, дунёқараши ва маънавий дунёсини ўстириб ривожлантириб бориш – таълимда боланинг ривожланиш жараёнини ташкил этишнинг асосий кўринишларидан биридир.

Бошланғич таълимда амалий фаолият ва турли қизиқарли воситалар асосида керакли билимлар сингдирилиб борилади. Бу фаолият жараёнида ўқувчи бирон бир натижага эришиши, образлар орқали тасаввур қилиши, ўз қўли билан бирон нарсаларни яратиши, ижод қилиши орқали ривожлантирилиб борилган бола ўз менини англай бошлайди.

Демак, замонавий шароитда таълим амалиётида лойиҳа ҳамда муаммоли таълим технологияларининг қўлланилиши ўқитиш жараёнини самарали кечишини таъминлаш билан бирга ўқувчиларда мустақил, танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга нисбатан қўйилаётган ижтимоий талаблар ўқитувчилардан лойиҳа ва иннавацион таълим технологияларини ўқитиш жараёнида мақсадли, самарали қўллашни талаб этади.

Таълим технологияси инсонийлик тамойилларига таянади. Фалсафа, педагогика ва психологияда бу йўналишнинг ўзига хослиги ўқувчининг индивидуаллигига алоҳида эътибор бериш орқали намоён бўлади.

Таълим беришда замонавий таълим методларининг инновацион ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тамойилларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- таълим беришнинг таркибий-функционал қайта шакллантиришга асосланганлик тамойили;
- таълим жараёнида иқтисодий ва ижтимоий мақсадларининг ўзаро мувофиклигини таъминлаш тамойили;
- таълим беришни молиялаштиришда натижавийлик тамойили;
- меҳнат ва таълим хизматлари бозори ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили.

Шундай қилиб, таълим жараёнида инновацион таълим методларидан фойдаланишнинг ўзига хос жихатлари бўйича юқорида келтирилган ёндашувларга асосланган холда инновацион таълим метолларилан самарали фойдаланишга қаратилган куйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик;

1.Замонавий таълим методларидан фойдаланишда таълим олиш даражасини ҳисобга олган ташкилий-технологик мезонларга алохида эътибор қаратиш, таълимнинг турли хил шакллари ва усулларига таъсир этувчи омилларни алоҳида гурухларга ажратган холда таълим бериш жараёнини ташкил этиш;

2.Таълим беришда фаолият иштирокчиларини қўшма манфаатларига асосланган талабларни ҳисобга олган холда инсоннинг муайян билим даражасини олишда ривожлантирувчи таълим методларидан фойдаланишнинг босқичлилигини таъминлаш

3.Таълим беришда таълим олувчининг муайян ривожланиш хусусиятларини ўзида акс эттирган, айрим холларда таълим тизими ривожланишини чегараловчи ва унинг жамиятдаги ролини очиб берувчи, тарбиявий ва касбий мослашувчанлик ҳисобга олиш;

4.Таълим жараёни натижасида шахснинг ижтимоий роли шаклланишини кўрсатувчи; психологик, касбий билимлар табақаланишига олиб келувчи омиллар таъсирида бўлмаган таълим методларидан фойдаланиш.

5.Таълим бериш жараёнига ассиметрик ахборотлар базаси сифатида қараш мумкин, чунки таълим жараёни сифатини реал баҳолаш муайян давр ўтгандан кейин амал қилади. Ушбу холатдан келиб чиққан ҳолда кўпрок ривожлантирувчи таълим методларидан фойдаланиш мақсадга мувофик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожатномаси.
2. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

Нуралиев Рустам Тургунович
заведующий отделом к.э.н. Центра исследования проблем приватизации и управления государственными активами, тел: 90 807-72-94 nuraliev2306@mail.ru

Усманов Бехруз Шовкат ўғли
Младший научный сотрудник Центра исследования проблем приватизации и управления государственными активами, тел: 97 739-66-60 taxn_1993@mail.ru

ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ В ПРЕДПРИЯТИЯХ С ГОСУДАРСТВЕННЫМ УЧАСТИЕМ

Аннотация. *В данном тезисе проведен анализ проблемам повышения инвестиционной привлекательности в предприятиях с государственным участием Республики Узбекистан. Автором выявлены некоторые проблемы в повышении инвестиционной привлекательности в предприятиях с государственным участием и даны предложения по их решению.*

Ключевые слова: *инвестиционная привлекательность, инвестиционные проблемы, модернизация экономики, предприятия с государственным участием.*

Инвестиционная привлекательность в Узбекистане играет важную роль при обеспечении развития, как национальной экономической системы, рынков, отраслей, так и в отдельности для хозяйствующих субъектов разных организационно-правовых форм, включая предприятия с государственным участием. Поэтому с целью стимулирования развития предприятий с государственным участием в экономике страны важным звеном

выступает организация мероприятий, направленных на повышение уровня инвестиционной привлекательности предприятий.

Стоит отметить, что в целях создания в стране максимально благоприятного инвестиционного климата для привлечения прямых инвестиций реализованы масштабные меры по либерализации экономики, реформированию государственного управления, ограничению вмешательства в деятельность субъектов предпринимательства, сокращению и упрощению лицензионных и разрешительных процедур, обеспечению свободного доступа к товарам (работам и услугам), а также созданию в регионах необходимой инфраструктуры был принят Указ Президента Республики Узбекистан от 01.08.2018 года № УП-5495 «О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан» [1].

Вместе с тем, все еще имеют место бюрократические барьеры и препоны в работе с инвесторами, особенно на местах, заключающиеся в отсутствии должной поддержки со стороны хокимиятов всех уровней инициатив инвесторов, четкой координации работ министерств и ведомств в данном направлении, что препятствует укреплению доверия к последовательности государственной политики по формированию благоприятного инвестиционного климата [1].



Рисунок 2. Система факторов, влияющих на инвестиционную привлекательность предприятий с государственным участием

Источник: составлен авторами.

По нашему мнению, создавшиеся на сегодняшний день проблемы повышения инвестиционной привлекательности предприятий с государственным участием Узбекистана связаны с:

- высоким уровнем бюрократии;
- достаточно непростым доступом к экономическим ресурсам;

- зарегулированностью внешнеэкономических отношений;

- проблемами, связанные с использованием инфраструктуры (вода, природный газ и электричество);

- относительно-неудобным географическим положением страны, отсутствие оптимального транспортного коридора;

- несовершенство банковской сферы внутри республики;

- нехваткой высоко квалификационных рабочих кадров;

- не соответствием правовой-нормативной базы к требованиям современной рыночной экономики;

- недостаточным уровнем правовых знаний и бизнес-навыков у предпринимателей, в том числе опыта работы с инвестиционными проектами;

- пассивным участием органов местной власти в обеспечении иностранных инвесторов полной информацией об инвестиционном потенциале и инвестиционном климате территорий [2,3].

Считаем, что для повышения инвестиционной привлекательности в предприятиях с государственным участием можно применить на практике следующие предложения и рекомендации:

во-первых, целесообразно реализовать страхование инвестиционных рисков и разработка системы защиты, следуя нормативно-правовым актам;

во-вторых, повышение ценности национальной валюты, обеспечение имущественной безопасности, повышение защиты прав потенциальных инвесторов, стабилизация процентных ставок в банках;

в-третьих, поэтапная реализация реформ по научно-обоснованному совершенствованию налоговой системы, а также необходимо полностью искоренить административное командование;

в-четвертых, повышение престижа акций акционерных обществ в стране и их ликвидность, а также развитие рынка ценных бумаг.

Таким образом, применение на практике вышеперечисленных предложений и рекомендаций, способствуют повышению инвестиционной привлекательности в предприятиях с государственным участием.

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 01.08.2018 года № УП-5495 «О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан» / www.lex.uz.

2. Фундаментальные основы инновационного развития науки и образования: монография // Под общ. ред. Г.Ю. Гуляева. Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение», 2019 г. С. 264.

3. Курпаяниди К.И., Абдуллаев А.М., Толибов И.Ш. «Actual issues of activization of financial factors development of entrepreneurship in Uzbekistan» // Kazakhstan Science Journal, 2019 г. № 3 (4). С. 10-15.

Shirinboyeva Dilora Dilmurod qizi
SamISI, “Investitsiya va innovatsiya” kafedrasi assistenti
Esanov Javohir Mardon o’g’li
SamISI, “Bank-moliya xizmatlari” fakulteti, 4-bosqich talabasi

INVESTITSION JOZIBADORLIKNI OSHIRISHDA KORXONALAR IQTISODIY TAHLILINING O’RNI

Annotasiya: *maqolada iqtisodiy tahlilning korxonalar kesimida muhimliligi va O'zbekistondagi korxonalarning bu boradagi zaif tomonlar va ularga atroflicha yechimlar bilan yoritib berishga harakat qilingan.*

Kalit so'zlar: *tendentsiya, rentabellik, obyektiv zaruriyat, byurokratik to'siqlar, diversifikatsiya, investitsiyalar.*

Аннотация: *в статье делается попытка пролить свет на важность экономического анализа в сфере предприятий и слабые стороны предприятий Узбекистана в этом плане, а также комплексные пути их решения.*

Ключевые слова: *тенденция, рентабельность, объективная необходимость, бюрократические препятствия, диверсификация, инвестиции.*

Abstract: *the article tries to shed light on the importance of economic analysis in the field of enterprises and the weaknesses of enterprises in Uzbekistan in this regard, as well as comprehensive solutions to them.*

Key words: *trend, profitability, objective necessity, bureaucratic obstacles, diversification, investments.*

Investitsion jozibadorlikni oshirish, korxonalar iqtisodiy tahlilining muhim bir qismidir. Bu tahlil orqali, korxonalar uchun potentsial investitsiyalar va uning samaradorligi haqida qaror qabul qilishimizda juda muhim bo'ladi. Bu tahlilning yakunlovchi qismi, korxonaning strategiyasini shakllantirish va investitsiyalarini o'rganishning qanday bo'lishi kerakligini aniqlashda yordam beradi. Quyidagi bosqichlar orqali bu tahlilni amalga oshirishimiz mumkin:

Ma'lumotlar to'plash: Bir korxona o'z faoliyatini boshlashdan oldin, iqtisodiy tahlil uchun kerakli ma'lumotlarni to'plab olishi kerak. Bu ma'lumotlar korxonaning iqtisodiy holati, moliyaviy ma'lumotlar, daromad va xarajatlari, obyektlar va resurslar, mijozlar va bozor tahlillari, korxonaning o'zining strategik maqsadlar va boshqa ma'lumotlardan iborat bo'ladi.

Tahlilni amalga oshirish: Tahlilni amalga oshirish uchun o'zingizga mos keladigan tahlil metodlarini tanlash kerak. Bu metodlar masofaviy (SWOT), PESTEL (politika, iqtisodiy, ijtimoiy, texnologiya, ekologiya va yuridik), Boston consulting group (BCG) matrix va boshqa metodlar bo'lishi mumkin. Bu tahlil korxonaning qanday qilib faollik olib borayotganligi, uning qanday vaqti va mablag'larini qanday sarflayotganligi, bozor va uning raqobatlari qanday o'zgarayotganligini aniqlaydi.

Investitsion strategiyani shakllantirish: Tahlil natijalariga asosan, korxona o'z investitsiya strategiyasini shakllantirishi kerak. Bu strategiya korxonaning qanday investitsiyalar qilishi, qanday obyektlarga investitsiya qilishi va investitsiyalardan qanday foyda olishi kerakligini belgilaydi.

Tashkiliy ish tartibi: Investitsion strategiyani amalga oshirish uchun, korxonalar tashkiliy ish tartibini o'rnatish va yo'nalishlarni belgilash kerak. Bu korxonaning xodimlarini, resurslarni va boshqa tegishli tashkiliy chora-tadbirlarni o'z ichiga oladi.

Monitoring va baholash: Investitsion strategiyani amalda saqlash va uning oqibatini baholash juda muhimdir. Korxona o'zining mahsulotlari yoki xizmatlari sotilayotganligini va investitsiya qilingan obyektlarning samaradorligini kuzatish va baholash kerakligi.

Investitsion jozibadorlikni oshirish va korxonalar iqtisodiy tahlili, korxonalar uchun o'zgaruvchan bir jarayon bo'lib, korxonalar o'zlarini o'zlashtirish va yaxshi korxonalarga aylanishlarini ta'minlashda juda muhim bo'ladi. Bu tahlil, korxonalar uchun o'zaro raqobatda saqlanish, yangi bozorlarga kirish va iste'molchilarga yaxshi xizmat ko'rsatishdagi o'zini o'zlashtirishning muhim qadriyatlaridan birini o'z ichiga oladi.

So'ngi yillarda ko'plab yangi korxonalar tashkil etilmoqda va bu korxonalarning hayotiyligini oshirish uchun iqtisodiy tahlilini yo'lga qo'yishimiz muhim hisoblanadi.

Korxonalarning xo`jalik faoliyatini tahlil qilish hozirgi vaqtda obyektiv zaruriyatdir. Korxona xo'jalik faoliyati murakkab, bir-biriga bevosita bog'liq ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlar majmuasidan iboratdir. Shu bois bu jarayonlarni batafsil o'rganmasdan turib, uni boshqarish uchun qulay, samarali tadbirlar ishlab chiqib bo'lmaydi. Shu tufayli xo'jalik faoliyatini

yaxshilash uchun uni kompleks holda atroflicha o’rganish lozim. O‘zbekiston hukumati tadbirkorlikni rivojlantirish, xorijiy investitsiyalarni jalb etish va ishbilarmonlik muhitini yaxshilash bo‘yicha bir qancha siyosat va tashabbuslarni amalga oshirdi.

Biroq, so‘nggi yillarda mamlakatda iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish va sanoatlashtirishga, xususan, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlash va tog‘-kon sanoati tarmoqlariga e’tibor qaratilmoqda. O‘zbekiston hukumati ham biznes yuritish qulayligini yaxshilashga qaratilgan yirik islohotlarni amalga oshirdi, masalan, tartibga solishni bekor qilish va biznes uchun byurokratik to‘siqlarni kamaytirish.

Mamlakatimiz yanada qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, ko‘proq xorijiy investitsiyalarni jalb etish va xususiy sektor o‘sishi va rivojlanishini rag‘batlantirishni maqsad qilgan.

Hukumat iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish va o‘sishni ta’minlash uchun korxonalar va biznes tarmoqlarining o‘sishi va rivojlanishini qo‘llab-quvvatlash majburiyatini oladi. Yurtimizda korxonalarini iqtisodiy tahlil qilishda bir qancha zaif tomonlar mavjud bo'lib, ular:

Ishonchli ma'lumotlarning yo'qligi: O'zbekiston korxonalarining iqtisodiy tahlilidagi asosiy muammolardan biri ishonchli va aniq ma'lumotlarning yo'qligi hisoblanadi. Bu aniq tahlil qilish va asosli qarorlar qabul qilishni qiyinlashtiradi.

Cheklangan moliyaviy bilim: O‘zbekistondagi ko‘plab kichik va o‘rta korxonalarda iqtisodiy tahlilni amalga oshirish uchun moliyaviy bilim va tahliliy ko‘nikmalar yetishmaydi. Bu moliyaviy menejment va qaror qabul qilishning yomonligiga olib kelishi mumkin.

Moliyalash imkoniyati cheklangan: O‘zbekistondagi ko‘plab korxonalar moliyalashtirishga kirishda qiynalmoqda, bu esa ularning o‘z faoliyatiga sarmoya kiritish va biznesini rivojlantirish imkoniyatlarini cheklashi mumkin.

Byurokratik to‘siqlar: O‘zbekistondagi byurokratik to‘siqlar korxonalarning samarali va samarali ishlashini qiyinlashtirishi mumkin. Bu iqtisodiy tahlilga ta'sir qiluvchi qo'shimcha xarajatlar va samarasizliklarni keltirib chiqarishi mumkin.

Siyosiy beqarorlik: Siyosiy beqarorlik noaniq biznes muhitini keltirib chiqarishi mumkin, bu esa korxonalarni rejalashtirish va asosli qarorlar qabul qilishni qiyinlashtiradi.

Umuman olganda, O‘zbekistondagi korxonalarning iqtisodiy tahlilidagi zaif tomonlar moliyadan foydalanishni osonlashtiradigan, moliyaviy ta’limni rag‘batlantiradigan va ishonchli ma’lumotlarni taqdim etadigan yanada qo‘llab-quvvatlovchi biznes muhiti zarurligini ta’kidlaydi.

Bu muammolarga so’ngi xorijiy maqola va adabiyotlar orqali quyidagicha yechim va xulosaga kelishimiz mumkin.

1. Ishonchli ma'lumotlarning yetishmasligi: Bu muammoni hal qilish uchun hukumat va tegishli muassasalar biznes muhiti va iqtisodiyotga oid ma'lumotlarni to'plash, saqlash va almashishni yaxshilash ustida ishlashlari mumkin. Buni biznes ma’lumotlari uchun markazlashtirilgan ma’lumotlar bazasini joriy etish kabi tashabbuslar orqali amalga oshirish mumkin.

2. Cheklangan moliyaviy bilim: Kichik va o‘rta korxonalarda moliyaviy savodxonlikni oshirish uchun hukumat moliyaviy menejment va tahlil bo‘yicha dasturlar va o‘quv mashg‘ulotlarini boshlashi mumkin. Buni tegishli muassasalar va mahalliy universitetlar bilan hamkorlik qilish orqali amalga oshirish mumkin.

3. Moliyalashdan foydalanishning cheklanganligi: Bu muammoni hal qilish uchun hukumat biznes uchun moliyalashtirishga kirishni osonlashtiradigan siyosat va qoidalarni ishlab chiqish ustida ishlashi mumkin. Bunga kredit kafolati sxemalarini yaratish, soliq imtiyozlarini berish va qishloq joylarda moliyaviy xizmatlarni kengaytirish kiradi.

4. Byurokratik to'siqlar: Samarali biznes muhitini ta'minlash uchun hukumat biznesni boshlash va yuritish bo'yicha me'yoriy-huquqiy bazani takomillashtirish orqali tartib-qoidalarni soddalashtirishi va keraksiz qoidalarni bartaraf qilishi mumkin. Bu shaffoflik va jarayonlarni soddalashtirish orqali amalga oshirilishi mumkin.

5. Siyosiy beqarorlik: Siyosiy beqarorlikni bartaraf etish uchun hukumat investorlar uchun bashorat qilinadigan barqaror siyosiy muhitni yaratish ustida ishlashi mumkin. Buni xalqaro standartlar va me'yorlarga rioya etilishini ta'minlash, qonun ustuvorligini ta'minlash orqali amalga oshirish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekiston korxonalarining iqtisodiy tahlilidagi ushbu kamchiliklarni bartaraf etish hukumat va tegishli manfaatdor tomonlarning iqtisodiy o'sish va rivojlanishga va investitsion jozibadorligini oshirishga yordam beruvchi qulay va shaffof ishbilarmonlik muhitini yaratish bo'yicha birgalikdagi sa'y-harakatlarini talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. https://stat.uz/ www.stat.uz (http://www.stat.uz/)
2. N.F.Ishonqulov, M.Q.Pardayev, A.T.Ibrohimov, K.M.Misirov, U.A.Nurmanov IQTISODIY TAHLILNAZARIYASI (2006)

Равзатов Жонибек Бахромович
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети Таянч докторанти
e-mail: jonibek_tatu@mail.ru,
тел: +998 97 355 50 01

КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ХУСУСИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Бугунги кунда корхоналар фаолиятини такомиллаштиришда рақамли технологияларнинг ўрни беқиёс эканлигини хорижий олимларнинг қарашларидан ҳам билсак бўлади албатта. Б.Паньшиннинг фикрига кўра, корхона миқёсидаги рақамли трасформация анъанаий IT-хизматдан (назорат қилинадиган, бошқариладиган, харажатлари кўп бўлган алоҳида вазифаларни ҳал қилишга қаратилган хизмат) инсонга йўналтирилган очиқ тизимга ўтишни англатади. Натижада, ахборот ва рақамли технологиялар корхонанинг ички ресурси ва активи вазифаси билан чекланиб қолмайди, балки товарлар ва хизматларнинг янги бозорларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим омилига айланади[1].

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг фикрига кўра, рақамлаштиришнинг иқтисодиётнинг ўсишига таъсири инклюзия механизмлари ҳисобидан, яъни фуқароларнинг максимал сони ижтимоий жараёнларга жалб қилиш, инновацияларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш ҳисобидан таъминланади. Мазкур механизмлар савдони, капитал ва ишчи кучини ҳажмларини ошишига олиб келадики, бунинг натижасида рақобат кучаяди .

З.Басаевнинг хулосасига кўра, иқтисодиётни рақамлаштириш даражасини ошириш йўли билан технологик қолоқликка барҳам бериш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

– рақамли платформалар, маълумотларни улкан тўпламини таҳлил қилишни чуқурлаштириш, 3D-нашр, роботлаштириш, буюмлар интернети, сунъий интеллек, нейронли тармоқлар, блокчейн каби илғор бизнес-моделлар ва технологияларни жорий қилиш орқали тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш;

– давлат билан ўзаро ҳамкорлик жараёнининг шаффофлигини ошириш орқали давлат хизматлари (жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш, рухсатномалар олиш, солиқларни декларация қилиш, бизнес учун рақамли хизматлар тизимиларини ривожлантириш, онлайн хизматлар) кўрсатиш жараёнларини соддалаштиришни кўзда тутувчи ишбилармонлик муҳитини яхшилаш;

– таълим тизимини давлат томонидан молиялаштириш, рақамли технологиялар билан ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш марказларини ташкил этиш, ишдан бўшаган ходимлар учун махсус мослашиш дастурларини ишлаб чиқиш;

– тиббиёт, маданият, таълим, транспорт, ижтимоий ва иқтисодий хавфсизлик соҳаларида кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва қулайлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

– тартибга солиш режимини юмшатиш, синов-лойиҳалар учун махсус ҳуқуқий режимларни яратиш, рақамли технологияларни қўллаш соҳасида ягона стандартларни ишлаб чиқиш;

– рақамли инновацияларга бўлган қизиқишни рағбатлантириш ва ижобий ижтимоий самара берадиган рақамли маданиятни ривожлантириш .

З.Басаевнинг иқтисодиётни рақамлаштириш даражасини ошириш йўли билан технологик қолоқликка барҳам бериш мақсадида рақамли платформалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, рақамли технологиялар билан ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, тартибга солиш режимини юмшатиш, синов-лойиҳалар учун махсус ҳуқуқий режимларни яратиш, рақамли технологияларни қўллаш соҳасида ягона стандартларни ишлаб чиқиш, рақамли инновацияларга бўлган қизиқишни рағбатлантириш каби таклифлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини рақамлаштириш даражасини ошириш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Аммо, рақамлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш ва ушбу молиялаштириш жараёнларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни иқтисодиётнинг рақамлаштириш даражасини оширишнинг зарурий шарти эканлиги З.Басаевнинг эътиборидан четда қолган.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, корхоналарда бизнес фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ бўлган таҳдидлардан бири бўлиб, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Мазкур таҳдид технологик рисклар билан боғлиқдир. Бизнесни рақамлаштириш даражасини ошиб бориши билан киберҳужумлар ҳам такомиллашиб боради[2].

Л. Ватутина, Е. Злобина, Е. Хоменко томонидан амалга оширилган тадқиқотнинг натижалари кўрсатдики, янги бизнес-моделларга ўтиш мураккаб жараён ҳисобланади. Рақамли инстурментларни ўзининг бизнес-жараёнларига фаол жорий қиладиган компаниялар бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизимига ўзгартиришлар киритиш заруриятига дуч келадилар. Рақамли технологияларни бизнес-жара ёнларга жорий қилиш ташкилий инновациялар билан параллель равишда амалга оширилиши керак[3].

Фикримизча, бизнеснинг инновацион моделига ўтишда корхона томонидан инновацион фаолиятни танлашнинг қайси усулини қўлланилишига боғлиқ.

Ҳозирги даврда корхоналар инновацион фаолиятини танлашнинг қуйидаги 3 усули мавжуд:

– Сценарий усули
– Ўйин усули
– Дельфи усули.

Инновацион фаолиятни танлашнинг Сценарий усулида инновация сценарийсини ёзишдан мақсад – инновацион жараёнларда кегусида юз бериши мумкин бўлган гипотетик ҳолатларни ёритиб бериш. Сценарий прогноз ҳисобланмайди. Сценарий ҳар доим келгусида бз бериши мумкин бўлган ҳолатларни баҳолаш мақсадида ёзилади.

Ўйин усули деганда иқтисодий, молиявий, техник ва ташкилйи жараёнларни моделлаштиришнинг бир тури тушунилади. Ўйин усулида иштирокчиларнинг ҳар бири ёки гуруҳи ўзларига юклатилган вазифаларни юқори даражада бажаришга ҳаракат қилади. Ўйин усулида иштирокчиларга белгиланган вазифаларни маълум қоидалар доирасида бажариш мажбурияти юклатилади.

Дель усулида прогноз қилишда тадқиқот жараёнида гуруҳ аъзоларининг бевосита мулоқот қилиши таъқиқланади ва ҳар бир экспертнинг келгусидаги гипотетик ҳодисалар тўғрисидаги фикрлари анкетадан фойдаланган ҳолда ёзма тарзда олинади. Бунда экспертлар зарур маълумотлар билан таъминланади.

Дельфи усулини қўллашдан кўзланган мақсад – долзарб муаммоларнинг ишончли ечимига асосланган ҳолда прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

А.Бабкиннинг фикрига кўра, корхоналар фаолиятига рақамли технологияларни жорий қилиш тўловларнинг қийматини пасайтириш ва янги даромад манбаларини очиш имконини беради, глобал бозорга чиқишни осонлаштирадиган омиллар юзага келади[97].

Ҳақиқатдан ҳам, рақамли технологиялар маҳсулотларни тўлиқ таннархини пасайтириш имконини беради. Бу эса, ушбу маҳсулотларнинг глобал товар бозорларидаги рақобатбардошлигини ошишига олиб келади.

Е.Устюгованинг хулосасига кўра, корхоналарни рақамли трасформациясини икки томондан қараш керак: биринчиси – мижозлар билан ҳамкорлик моделининг трансформацияси, яъни анъанавий сотишдан “ақлли” сотиш моделига ўтиш; иккинчиси – операций рақамлаштириш, яъни амал қилаётган бизнес модель доирасида корхона фаолиятининг самарадорлигини турли хилдаги рақамли инструментларни жорий қилиш йўли билан ошириш[98].

Корхоналар юқорида қайд этилган икки йўлдан бирини танлашлари керак бўлади. Одатда, корхона раҳбариятида ёши катта инсонлар ўтирган бўлса, улар янгиликни қийинчилик билан қабул қилишади. Шу сабабли, улар мавжуд бизнес-моделни ўзгартирмасликка ҳаракат қилишади.

Н.Королева ва В.Золотованинг хулосасига кўра, корхоналарнинг фаолиятини рақамли технологиялар асосий такомиллаштириш учун қуйидаги элементларнинг мавжуд бўлиши шарт:

– ривожланган замоанвий инфратузилма (интернет ва телекоммуникациялардан доимий фойдаланиш имконияти);

– давлат бошқаруви билан электрон ҳамкорлик, кадрларни тайёрлаш, маълумотлар базасини шакллантириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш;

– электрон бизнес (корхонанинг ишлаб чиқариш, молиявий, инвестицион фаолиятини замоанвий дастурий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда компьютер тармоқлари орқали амалга ошириш);

– электрон тижорат (товарларни интернет тармоғи орқали сотиш имконияти)[4].

Д.Конгонинг хулосасига кўра, Big Data технологиясини қўллаш орқали корхоналарда сотиш маркетингини такомиллаштириш қуйидаги афзалликларга эга:

– катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини рақамлашиши юз беради;

---

[97] Бабкин А.В. Цифровая трансформация экономики и промышленности: проблемы и перспективы. – Спб.: Издательство Политехнического университета, 2017. – 807 с.

[98] Устюгова Е. Цифровизация промышленности как инструмент повышения эффективности производства / Ъ-Приволжье-Online [Электронный ресурс] Коммерсантъ. 26.04. 2019.–Режим доступа: https://www.kommersant.ru/doc/3744965.

– турли хилдаги маълумотларни бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш имконияти бўлганлиги сабабли маълумотларни танлаб олиш инструментлари кўпаяди;

– маркетинг таклифини индивидуллаштириш имконияти юзага келади;

– мижозларнинг талабини қондиришнинг реал даражаси баҳоланади;

– етказиб берилаётган товарларнинг истеъмолчиларнинг кутишларига қай даражада мослиги баҳоланади[5].

Ҳақиқатдан ҳам, корхоналарнинг маркетинг фаолиятини Big Data технологиясини қўллаш катта ҳажмидаги маълумотларни қисқа вақт ичида таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса, қарорларни қабул қилиш вақтини қисқартиради. Маҳсулотларни сотишда эса, қарорларни тезкорлик билан тўғри қабул қилиниши муҳим амалий аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, корхоналарнинг фаолиятини рақамли технологияларни қўллаш орқали такомиллаштириш масаласи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг замоанвий босқичида долзаоб бўлиб турибди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясида корхоналар фаолиятини рақамли технологияларни жорий қилиш асосида такомиллаштириш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:

– саноат корхоналарида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш дастурларини ушбу корхоналарни технологик қайта жиҳозлаш дастурлари билан уйғунлаштириш;

– корхона таъминотининг барча босқичларини автоматлаштириш ва бошқаришни таъминлаш, шунингдек, бу орқали логистика ва харид харажатларини қисқартириш;

– замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш ҳисобига маҳсулотлар ва хизматлар сифатини яхшилаш, уларнинг таннархини, ишлаб чиқаришдаги тўхталишларни камайтириш, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг шаффофлигини ошириш;

– инновацион автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

– ишчи жойларни босқичма-босқич автоматлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш, шунингдек, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш;

– саноат корхоналарида жорий этилаётган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш (ERP, MES, SCADA ва бошқалар), роботлаштириш, «Интернет буюмлар», «сунъий интеллект» каби технологияларнинг дастурий маҳсулот қисмини 2027 йилга келиб, аппарат қисмини эса 2030 йилга келиб давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллийлаштириш[6].

О.Литвиненконинг хулосасига кўра, йирик корхоналар фаолиятини рақамлаштиришда мураккабликлар мавжуд. Ушбу мураккабликлар маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор тизимига ўтган корхоналарда яққол сезилади.

Мазкур корхоналарнинг асосий қисми давлат маблағлари ҳисобига фаолият юритади. Мазкур корхоналарда давлат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг паст эканлиги ва бўш молиявий ресурсларнинг мавжуд эмаслиги ишлаб чиқаришга рақамли технологияларни жорий қилишни секинлаштирадиган асосий сабаб ҳисобланади[7].

О,Литвиненконинг мазкур хулосаси Ўзбекистон корхоналари фаолиятини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш нуқтаи-назаридан амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, корхоналарда молиявий ресурслар жалб қилиш муаммоси мавжуд. Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, қимматли қоғозлар бозори ривожланмаганлиги сабабли корхоналарнинг қимматли қоғозлар бозори орқали ресурслар жалб қилиш имконияти чекланган. Бунинг устига, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари юқори.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотига кўра, 2021 йилда тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 20,8 фоизни ташкил этди[8]. Бу эса, сезиларли даражада юқори бўлган фоиз ставкалари ҳисобланади.

Республикамизда қимматли қоғозлар бозори ривожланмаганлиги сабабли Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида қимматли қоғозлар бозорида операцияларнинг йиллик ҳажмини кесикн ошириш, яъни ушбу операцияларнинг йилилк ҳажмини ҳозирги 200 млн. АҚШ долларидан 2026 йилнинг охирига бориб 7 млрд. АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилди[9].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Паньшин Б. Цифровая экономика: понятия и направления развития//Наука и инновации. – Москва, 2019. – №3. – С. 54.
2. Цифровая экономика: глобальные тренды и практика российского бизнеса: доклад / отв. ред. Д.С. Медовников, директор Института менеджмента инноваций НИУ ВШЭ. 2017. URL: https://imi.hse.ru/pr2017_1.; Global Cyber Risk Perception Survey. 2019. URL: https://www.mmc.com/insights/publications/2019/sep/globalcyber-risk-perception-survey-report-2019.html.
3. Ватутина Л., Злобина Е., Хоменко Е. Цифровизация и цифровая трансофрмация бизнеса: Современные вызовы и тенденции//Вестник Удмуртского университети. – Удмуртия, 2021. – №4. – С. 548.
4. Королева Н.Ш., Золотова В.Д. Проблемы цифровизации деятельности предприятия в современных условиях//Инновации и инвестиции. – Москва, 2019. – № 6. – С. 116.
5. Конго Д.М. Влияние цифровизации на эффективность коммерческого цикла продаж//Стратегии бизнеса. – Москва, 2021. – № 7.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz.
7. Литвиненко О. С. Цифровизация промышленных предприятий: проблемы и перспективы / О. С. Литвиненко // СПб.: Изд-во СПбГУ, – 2017. – с. 27-30.
8. Статистика. Пул-кредит статистикаси//www.cbu.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

Латипов Ашур Али Рустам ўғли
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти
+99897 927-89-94.
ashurali.latipov@mail.ru

КАМБАҒАЛЛИК ТУРЛАРИ ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

Аннотация: *Мақолада қамбағалликни моҳияти очиб берилган. Уни турлари таҳлил қилинган. Қамбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирларни кўриш зарурияти асосланган.*

Калит сўзлар: *қамбағаллик, мутлақ қамбағаллик, нисбий қамбағаллик, қамбағалликни қисқартириш.*

Кириш. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзийоэв ташаббуси билан “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида[99] белгилаб берилган ушбу фармоннинг “Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026-йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш” деб номланган 85 сонли мақсадида “камбағалликни қисқартириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баравар камайтириш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш” каби вазифалар ҳам белгилаб берилган.

Қамбағаллик – бу шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусияти бўлиб, инсоннинг ҳаёт кечиришида, меҳнат қобилиятини сақлаб қолишда, насл беришда зарур бўлган минимал эҳтиёжларнинг маълум бир доирасини қондира олмасликни англатади. Шунинг учун қамбағаллик жамият ва иқтисодиётда бир қатор салбий жараёнларни юзага келтиради. Қамбағаллик бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли туғилишнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Қамбағаллик нисбий ва ноаниқ тушунча бўлиб, маълум бир жамиятдаги умумий турмуш даражасига боғлиқ (Жини коэффициенти[100], Тэйл индекси[101]).

Фикримизча, қамбағаллик – инсон ёки оиланинг зарур ва муҳим эҳтиёжларини қондиришга имкон бермайдиган муҳтожлик аломати бўлиб, ҳаётий шарт-шароитларнинг, воситаларнинг етишмаслигини англатади. Қамбағаллик замонавий жамиятнинг энг кескин ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Аслида мамлакатдаги «иқтисодий мақсадлар иқтисодий ўсишни қувватлаш, макроиқтисодий мувозанатга эришиш, инвестиция жараёнлари барқарор ривожлантириш бўлса, ижтимоий мақсадлар биринчи ўринда аҳоли бандлиги, аҳоли даромадлари оширилиши ва қамбағалликнинг қисқартирилишидир».

Қамбағаллик қадим замонлардан мавжуд ва ҳозирги даврда жаҳон мамлакатларининг муайян аҳоли қатламини қамраб олган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, қамбағаллик турли давлатларда турлича даражаларда намоён бўлиб, бугунги кунда ҳам кенг тарқалган.

Қамбағалликнинг уч тури мавжуд бўлиб, жаҳон мамлакатларида қамбағалликнинг у ёки бу тури тарқалган:

1-расм. Қамбағаллик турлари

1- Мутлақ қамбағаллик – инсоннинг биологик омон қолишини таъминловчи ҳаётий ресурсларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ.



[99] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

[100] https://theworldonly.org/neravenstvo-v-tsifrah-indikatory-sostoyaniya-mira-koeffitsient-dzhini/

[101] http://wiki-org.ru/wiki/%D0%98%D0%BD%D0%B4%D0%B5%D0%BA%D1%81_%D0%A2%D0%B5%D0%B9%D0%BB%D0%B0

2- Нисбий қамбағаллик – маълум бир жамиятда умумий қабул қилинган, «норма» деб ҳисобланган турмуш даражаси билан таққослаш йўли билан аниқланади.



3- Субъектив қамбағаллик – бу камбағаллик турида фақат шахснинг ўзи унинг камбағаллигини аниқлай олади, деган фикрга асосланилади.



Мутлақ қамбағаллик, энг аввало инсоннинг асосий эҳтиёжлари – озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечак билан қондирилишга боғлиқ. Ушбу турдаги қамбағалликнинг мезонлари одамнинг яшаш вақти ва жойига кўп боғлиқ эмас. Инсоният жамияти ва замонавий инсон ривожланишида истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг ўзига хос тўплами сезиларли даражада фарқ қилади. Аммоодамнинг оч ёки тўқлигини аниқ баҳолаш мумкин. Шундай қилиб, мутлақ қамбағаллик мезонлари биологик хусусиятлар билан боғлиқ.

Нисбий қамбағаллик эса ғарбнинг ривожланган мамлакатларида кенг мавжуд бўлиб, ўртача турмуш даражаси ривожланаётган мамлакатларникига қараганда анча юқорилиги билан изоҳланади. Шунинг учун ривожланган Ғарб мамлакатларида қашшоқлик деб ҳисобланган нарса қолоқ давлатлар учун ҳашамат сифатида қабул қилиниши мумкин. Масалан, озиқ-овқат билан боғлиқ қийинчиликларни бошдан кечирмайдиган, лекин юқори даражадаги эҳтиёжларни (таълим, маданий дам олиш ва ҳ.к.) қондира олмайдиган одамлар Ғарбда нисбатан камбағаллар тоифасига киради. Шундай қилиб, нисбий қамбағаллик мезонлари ижтимоий хусусиятларга асосланади ва турли даврларда, турли мамлакатларда катта фарқ қилади.

Субъектив қамбағаллик – бу камбағаллик турида фақат шахснинг ўзи унинг камбағаллигини аниқлай олади, деган фикрга асосланилади.

Субъектив қамбағаллик даражасини аниқлаш учун кўплаб ёндашувлар мавжуд: муайян шахслар ўзини камбағал деб ҳисоблашини ёки дўстларини камбағал деб ҳисоблашини билиш мумкин. Жамоатчилик фикри асосида субъектив мутлақ камбағаллик чегарасини аниқлаш, сўнгра у билан аҳоли даромадларини таққослаш мумкин.

Илмий манбаларда қамбағаллик турларининг ушбу асосий таснифидан ташқари, бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд. Бу ёндашувларга кўра қамбағаллик, бирламчи қашшоқлик (булар оқилона уй хўжалигини бошқарадиган, аммо етарли молиявий ресурсларга эга

бўлмаган оилалар)[102] ва иккиламчи қашшоқликка (етарли молиявий ресурсларга эга бўлган, аммо норационал уй хўжалигини юритиш туфайли муҳтож бўлган оилаларга) ажратилади. Ниҳоят, «барқарор» қашшоқлик («ирсий қашшоқлик») ва «сузувчи» қашшоқлик (баъзи камбағаллар юқори турмуш даражасига эришиш имкониятини топадилар, лекин шу билан бирга, айрим ўртача даромадли одамлар банкрот бўлиб камбағалга айланади). Инсон эҳтиёжлари орқали қамбағалликни ўлчаш мумкин:

- ✓ физиологик;
- ✓ ижтимоий;
- ✓ интеллектуал;
- ✓ маънавий;
- ✓ бошқа.

Шундай қилиб, қамбағаллик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида бутун дунёнинг энг кескин муаммоларидан биридир. Қамбағаллик одамларнинг маълум бир қисмига таъсир кўрсатиб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бир қатор минимал эҳтиёжларни қондириш имконини чеклайди. Шу билан бир қаторда, аҳолининг қамбағал қисми ривожланиш ресурсларидан, хусусан, сифатли товар ва хизматлардан фойдалана олмайди. Энг асосийси, қамбағаллик – тиббиёт ва таълим соҳасидан баҳраманд бўлишга йўл қўймайди. Шундай экан, қамбағаллик муаммосини кўриб чиқиш ва ўрганиш, уни камайтириш ва бартараф этиш йўлларини излаш замонамизнинг асосий ва долзарб масалаларидир.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим, таъкидланганидек, киши иш билан таъминланган тақдирда ҳам унинг оладиган маошлари унинг бирламчи эҳтиёжларини қондирадими? Бундан кўринингб турибдики, камбагалликни қисқартириш учун фақат иш билан таъминлашнинг ўзигина етарлик эмас экан. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «*Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак*»[103]. Шу йўл билан аҳолини камбағаллик даражасидан юқорироқ даромад олишга эриштириш мумкин.

Ушбу тушунчанинг турли хил талқинларига қарамай, қамбағаллик ҳар қандай мамлакат аҳолисининг муайян қатламларига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун барча мамлакатларда қамбағалликка қарши курашиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

✓ Қамбағалликка қарши курашиш йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади:

✓ меҳнатга лаёқатли аъзолари бўлган барча оилаларнинг меҳнат асосида нормал фаровонлигини таъминлаш учун шароит яратиш;

✓ аҳолининг заиф гуруҳларини (қариялар, ногиронлар, юқори қарамлик юки бўлган оилалар, екстремал вазиятларда бўлган оилалар) самарали қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш ва бепул ёки субсидияланган ресурслардан камситмай фойдаланиш кафолатлари жорий этиш;

✓ ишчилар, айниқса ногиронлар, аёллар ва ёш болали ота-оналар, ёлғиз оилалар аъзоларини, ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда касаба уюшмалари ва давлатнинг ролини кучайтириш;

✓ меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида қамбағалликни камайтиришга йўналтирилган, иш ҳақининг ошириш ва кам ҳақ тўланадиган ишчилар сонининг қисқартириш;

✓ аҳоли бандлигини ошириш;

---

[102] Т.Д. Бурменко “Сфера услуг:экономика, менежмент, маркетинг. Практикум”:учебное пособие/. М:КНОРУС, 2016.422 с.

[103] https://president.uz/uz/lists/view/3408

✓ аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига (ногиронлар, нафақадорлар, ягона ота-оналар, қочқинлар, ва бошқаларга) манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш зарур.

Фикримизча, ҳар бир мамлакат қамбағалликка қарши курашиш борасида ўзининг жиддий чора-тадбирларини қўллаб боради. Қамбағалликка қарши курашишда олиб бориладиган ижтимоий сиёсат, ҳар бир давлат сиёсатида устувор масалалардан ҳисобланади.

Қамбағалликка қарши кураш муаммосига иккита қарама-қарши ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашув кенг тарқалган бўлиб, қамбағалларга ёрдам ва имтиёзлар бериш зарурлигини тан олишдан иборат. Қамбағалларга ёрдам пули бериш энг осон усул бўлиб, нақд пул ўтказмалари қамбағаллик муаммони ўз-ўзидан ҳал қилмайди[104]. Иккинчи ёндашув турли мамлакатлар амалиётида бўлганидек, давлат томонидан таълимни такомиллаштиришга йўналтирилган дастурлар ёки қайта тайёрлаш дастурларини жорий этиш[105]. Аммо улар кўпинча вазиятни тўлиқ ўзгаришига олиб келмайди, чунки янги касбга эга бўлганлар ҳам кўпинча дарҳол иш топа олмасликлари ёки ўзини самарали ишлашга мажбурлай олмаслиги мумкин.

Агар қашшоқлик муаммоларини ҳал қилишнинг биринчи ёндашувида давлат прогрессив солиққа тортиш ва ижтимоий дастурлар орқали бойлардан камбағалларга даромадларни қайта тақсимлаш заруриятидан келиб чиқса, иккинчи ёндашув давлатнинг аралашмаслиги ғоясига асосланади. иқтисодиётнинг ҳолати. Ушбу назария тарафдорларининг фикрига кўра, давлатнинг хатти-ҳаракатлари камбағалларни янада фаол ҳаётий позицияни эгаллашга ундаши керак, қачонки, аҳолининг бадавлат қатламлари бўйинида паразитлик қилмаслик керак. Бундан ташқари, агар бойлар иқтисодиётга сармоя киритса, улар давлат иштирокисиз қашшоқлик муаммосини ҳал қила оладиган зарур миқдордаги иш ўринларини яратадилар. Ушбу ёндашув, 1970-1980 йилларда Буюк Британияда Маргарет Тетчер ҳукумати томонидан амалга оширилишига ҳаракат қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир мамлакатда қамбағалликни олдини олиш учун йўналтирилган сиёсат мазмуни битта, у ҳам бўлса, қамбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга эришиш.

Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг шароитларни яратилиши, ишбилармонлик муҳитини кенгайтириш, аҳолининг турли табақаларини ижтимоий ҳимоялаш каби чоралар, қамбағалликни қисқартириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни англатади.

Ўзбекистон дунё ҳамжамияти давлатлари ўртасида аҳолисининг юқори суратда ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради. Бундай вазият ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, бунинг учун эса, хизматлар соҳаси ва ишлаб чиқаришда инновацияларни қўллаш ва кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида узлуксиз иш олиб боришни тақозо этади. Акс ҳолда аҳолининг турмуш даражасининг пасайиб бориши, мамлакатда ишсизлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

[104] Mamayunus Pardaev, Ozoda Pardaeva, Obid Pardaev Innovative models of Synergistic efficiency. LAMBERT academic Publishing, 2022. – 109 p. Пардаев М.Қ. Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.

[105] Latipov A. Kambag’allikni qisqartirishda o’zini o’zi band qilish sohasining o’rni. // Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar jurnali № 4 (14) maxsus son 2021 yil 89-92 betlar

2. https://theworldonly.org/neravenstvo-v-tsifrah-indikatory-sostoyaniya-mira-koeffitsient-dzhini/
3. http://wikiorg.ru/wiki/%D0%98%D0%BD%D0%B4%D0%B5%D0%BA%D1%81_%D0%A2%D0%B5%D0%B9%D0%BB%D0%B0
4. Т.Д. Бурменко “Сфера услуг:экономика, менежмент, маркетинг. Практикум”:учебное пособие/. М:КНОРУС, 2016.422 с.
5. https://president.uz/uz/lists/view/3408
6. Mamayunus Pardaev, Ozoda Pardaeva, Obid Pardaev Innovative models of Synergistic efficiency. LAMBERT academic Publishing, 2022. – 109 p. Пардаев М.Қ. Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
7. Latipov A. Kambag’allikni qisqartirishda o’zini o’zi band qilish sohasining o’rni. // Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar jurnali № 4 (14) maxsus son 2021 yil 89-92 betlar

6.

2.

M U N D A R I J A:

I SHO‘BA. INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA INVESTITSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY VA METODOLOGIK MUAMMOLARI		
Маматкулов Илҳом Абдурашидович	Давлатнинг инвестиция сиёсати ва унинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишдаги ўрни	4
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева, Темур Олимович Мамаюнусов	Инновацион иқтисодиёт шароитида бизнесни ривожлантириш стратегияси ва унда таваккалчиликни таҳлил қилишнинг назарий йўналишлари……..	6
Бектемиров А.Б.	Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда инвестицион стратегияларни белгилашнинг ўзига хос хусусиятлари……..	11
Gulnora Mardiyevna Shadieva	Role of innovation in the development of the economy…..	14
Хонкелдиева Гузал Шеровна, Каххорова Маликахон Аборбек кизи	Факторы успеха в инвестиционной активности…….	17
Хамракулова О.Д.	Инновационные инвестиции – как фактор ускорения социально-экономического развития узбекистана……	19
Таниев Аҳмаджон Бахромович, Нафасов Шохрухбек Ҳошимович	Иқтисодиётда қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда фонд бозорининг ролини ошириш…	22
Ҳасанов Тоҳир Абдурашидович	Давлат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишда инновация ва инвестицияларнинг ўрни…..	25
Собиров Илхом Хусанович Джураева Махзуна	Стратегии инновационного развития строительной отрасли узбекистана …….	27
Собиров Илхом Хусанович Каражанова Гулноза	Инновацион иқтисодиётни самарали ташкил этиш йўллари……	29
Abdusamatov B.K., Karjavov Z., Abdusamatov Sh.B.	Viloyat qurilish kompleksining innovatsion rivojlanishiga ta’sir etuvchi asosiy omillar…….	34
Ruzibayeva Nargiza Xakimovna	Sanoat korxonalari innovatsion salohiyatining nazariy asoslari.....	38
Sobirov Ilhom Xusanovich Nizomova Diyora Abdumalikavna	Innovatsion faoliyat– tadbirkorlik taraqqiyotini yuksaltirish omili sifatida…….	41
Sobirov I.X., Toshniyozova Marjona	Innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishga ta’sir etuvchi omillar……..	43
Malikova Dilrabo Muminovna, Nazarqosimov O’zbekali Shuhrat o‘g‘li	Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning roli……	44

Ашурова Олтин Юлдашевна, Панжиев Нуриддин Наврўз ўғли	Инновацион фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги……..	47
Собиров И.Х., Комилова М.	Бизнес(корхона) қийматини аниқлашнинг таққосланма ёндошув усуллари……	49
Касимов Ҳаётжон Нозимжон ўғли	“2022-2026 йилларда ўзбекистон республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси”нинг устувор йўналишлари……..	52
Тураев А.А.	Инновацион иқтисодий ривожланиш шароитида бюджет-солиқ сиёсати ижросини таъминлашда солиқ назоратининг ахамияти.....	54
Худайбердиев У., Бабаназарова С.А., Худайбердиева М.У.	Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг таркибий таҳлили……..	58
Abishov Muhammed Sarsebaevic, Aziza Kadirbaeva Azat qizi	Accounting, analytics and auditing: modeling the digital face of the present and future……..	61
sТураев А.А.	Солиқ тўловчилар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш масалалари……	64
Рафиева З.Х.	Теоретические и методологические проблемы развития инвестиционной деятельности в условиях инновационной экономики……...	67
Nozimov Eldor Anvarovich, Shaydullayev Asadbek Murodullo o’g’li	Investitsiya faoliyatiga ta’sir etuvchi omillar……	70
A.A.Turayev, M.O.Hamrayev	Iqtisodiy taraqqiyotning hozirgi sharoitida moliya tizimining ahamiyati va rivojlanish yo‘llari…….	74
Мияссаров Даврон Абдурашид ўғли	Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жараёнларни ривожлантиришнинг назарий ёндашувлари……	77
Abishov Muhammed Sarsebaevich, Jaksimova Zuxra Rustem qizi	The economy will not develop without Investment…….	81
Turayev A.A., Baxromov A.O.	Iqtisodiyotni rivojlanishida moliyaviy vositachilarni o’rni va ahamiyati…….	83
Miyassarov Davron Abdurashid o’g’li, Abduvaliyev Bahodir Raxmatulla og’li	Korxonaning investitsion faoliyati……..	87
Эрназаров Нуриддин Эламонович	Худудларда солиқ тушумлари бўйича эришиладиган молиявий натижадорлик тахлили……	90
Қаҳҳоров Рафиқ	Инвестицияларни жалб қилишда фойда солиғи таъсири……	93
Turayev A.A., Sadullayeva E.K.	Innovatsion iqtisodiyotda moliyaviy boshqaruv tizimining ahamiyati……	96
Nasirov Dilshod Farkhadovich	Investment attractiveness of investment funds in Uzbekistan…….	99
Абдухолиқов Жамшид	Кўчмас мулкни бозорқийматида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари…….	101
Нозимов Элдор Анварович	Состояние и приоритетные направления развития инновационной деятельности в Узбекистане……...	106

Qarajanova Gulnoza Tolliyevna	Innovatsion iqtisodiyot sharoitida investitsion faoliyatni rivojlantirishning nazariy va metodologik muammolari…..	109
Тураев А.А.	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига солиқ юки даражаси таъсири……	111
Turayev A.A., Baxromov A.O.	Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda davlat byudjetining ahamiyati va unga kerakli bo‘lgan zaruriy mexanizmlar……..	115
Malikova Dilrabo Muminovna, Xolov Saidjon Sodiq o‘g‘li	Investitsiyalarning mohiyati va investitsion faoliyatni rivojlantirish yo‘nalishlari…….	118
A.A.Turayev, A.Z.Tolibov	Innovatsion iqtisodiyot sharoitida islom moliyasining mohiyati va zarurligi…….	120
Miyassarov Davron Abdurashid o’g’li, Yo’ldoshev Muzaffarbek Raxmatali o’g’li	Investitsion qarorlar qabul qilish asoslari……	123
А.Тураев, У.Қодирова	Мамлакат солиқ тизими иқтисодиётни модернизациялашдаги аҳамияти ва зарурлиги……	126
Абдувосидова Гуландом Абдурашид кизи	Совершенствование инвестирования проектов по принципам исламского финансирования……..	128
Kurbanova Sitora Baxodirovna	Investitsiyalar va ularning korxonalar faoliyatidagi ahamiyati……	130
Маликова Д.М.	Процентная политика центрального банка и ее воздействие на развитие инвестиционной деятельности	135
Shirinboyeva Dilora Dilmurod qizi, Ergashova Feruza Rustam qizi	Innovatsion iqtisodiyot sharoitida investitsion faoliyatni rivojlantirishning nazariy va metadologik muammolari……	137
Malikova Dilrabo Muminovna, Cho‘liyeva Sevara Qodir qizi	Xorijiy investitsiyalar va ularning mamlakat iqtisodiyoti uchun zaruriyati…….	141
Жавлон Зоитов	Тижорат банклари фаолиятида инвестициялар ўрни ва уни такомиллаштириш……	143
Маликова Д. М.	Инвестиционная деятельность: сущность, цели и этапы	147
Узакова Камола Бехзодовна, Муродов Алишер	Ўзбекистонда биржа фаолиятининг ривожланиш босқичлари……	149
Халимов Шахбоз Халимович	Развитие инвестиционной деятельности в условиях инновационной экономики…….	151
II SHO‘BA. INVESTITSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISHNING UMUMIQTISODIY IJTIMOIY MUAMMOLARI		
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева	Самарадорликка эришишнинг манфаатдан натижагача босқичида “мфкссн модели”нинг имкониятлари…….	156
Алиева С.С.	Зеленые облигации как инструмент финансирования….	161
Собиров Илхом, Нишонов Жаъфар	Тижорат банкларида тўлов тизимини такомиллаштириш йўллари……..	168
Собиров Илхом	Бизнес қийматини даромад ёндашувида бахолашнинг	

Хусанович, Каражанова Гулноза	амалий масалалари…….	172
Ruzibayeva Nargiza Xakimovna	Moliyaviy mexanizm – moliyani boshqarish tizimining asosiy elementi.....	176
Собиров И.Х.	Ўзбекистонда инвестицион лойиҳалар молиялаш тизимини такомиллаштириш……..	179
Маликова Д.М.	Финансирование инвестиционных проектов малого бизнеса	183
Рафиева Зарина Хусановна	Общеэкономические социальные проблемы развития инвестиционной деятельности……...	185
Тураев А.А.	Камерал солиқ текширувини ўтказишни такомиллаштириш йўллари……	187
Хикматова Д.Ш.	Инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг иктисодий ва ижтимоий муаммолари……	190
Nozimov Eldor Anvarovich, Ergasheva Feruza Rustam qizi	Investitsion faoliyatrni rivojlantirishning umumiqtisodiy-ijtimoiy muammolari…….	193
Olimova Nodira Xamrakulovna, Djuraboyeva Diyora Muzaffar qizi	Iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb etish orqali iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirish tendentsiyalari…….	197
Sobirov Ilxom Xusanovich, Ashurova Nigora	DAROMAD VA XARAJATLARNI byudjetlashtirish masalalari..	201
Qarajanova Gulnoza Tolliyevna, Salaxitdinova Laylo Muhamad qizi	O‘zbekistonda venchur biznesini rivojlantirish……	205
Насиров Дилшод Фархадович	Экономические и социальные проблемы развития инвестиционной деятельности: незаменимость инвестиции как продуктивный фактор…….	207
Qarajanova Gulnoza Tolliyevna	Investitsion faoliyatini rivojlantirishning umumiqtisodiy va ijtimoiy muammolari…….	210
Nozimov Eldor Anvarovich	The state in promoting investment activity role……	212
Shirinboyeva Dilora Dilmurod qizi, Juraqulova Amina Mirsharof qizi	Biznesni rivojlantirishda investitsiya loyihalarining ahamiyati……	215
Miyassarov Davron Abdurashid o`g`li, Ashurova Nigora Ibragimovna	General economic and social problems of development of investment activity……	219
III SHO’BA. XIZMAT KO‘RSATISH SOHASIGA INVESTITSIYALARNI JALB QILISH VA MOLIYALASHTIRISH MUAMMOLARI		
Бектемиров А.Б.	Хизматлар соҳасининг аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг оширилишига таъсири……	223
Taniyev A.B., Qo‘ziva Maftuna	Turizm industriyasiga soliq solishning ta'siri……	226
Х.А.Қоржавова	Mahalla tizimida ijtimoiy xizmatlar samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish…….	228
Мирзоулугбек Юсупов	Физическая культура и спорт одно из средств привлечения инвестиций в сфере слуг……..	231

Raxmatov Adxam Itolmasovich, Ergashova Feruza Rustam qizi	Xizmat ko‘rsatish sohasiga investitsiyalarni jalb qilish va moliyalashtirish muammolari……..	234
Мирзаходжаев А.Б.	Оценка эффективности управления гостиничным хозяйством……	237
Анваров Нодир Аллаёрович	Развитие инвестиционной деятельности в сфере агротуризма в Узбекистане……	240
Qarajanova Gulnoza Tolliyevna, Shodiyev Ravshan Shuhrat o‘g‘li	Chiqindilarni qayta ishlash jarayonida investitsion faoliyatni rivojlantirish va innovatsiyalar……..	244
Ms. Yulduz Yakubova	Destination branding of the main heritage objects in Samarkand, Uzbekistan…….	246
Mirzaxodjayev A.B.	Mehmonxonada investision faoliyatining samaradorligini oshirish yo'llari……	248
Насиров Дилшод Фархадович	Проблемы привлечения инвестиций и финансирования в сфере услуг: необходимость конгруэнтного подхода	250
Qarajanova Gulnoza Tolliyevna	Xizmat ko‘rsatish sohasiga investitsiyalarni jalb qilish va moliyalashtirish muammolari……	253
Qarajanova Gulnoza Tolliyevna, Nazarqosimov O‘zbekali Shuhrat o‘g‘li	O‘zbekiston tijorat banklariga kiritilgan xorijiy investitsiyalarning ahamiyati hamda xorijdan ajratilgan kredit liniyalarining iqtisodiyotdagi roli va turlari……	254
Халиков Йўлчи Мухаммадюсупович	Ижтимоий хизматлар соҳаси самарадорлигини баҳолашнинг назарий ва услубий жиҳатлари……..	258
Ашурова Олтин Юлдашевна, Хушбакова Мухлиса Акрам қизи	Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизми…….	264
Мирзаходжаев А.Б.	Анализ эффективности инвестиционных проектов в туристско-гостиничный комплекс…….	266
Собиров И. Х., Эргашева Исмигул	Инновацион банк хизматларидан фойдаланишни такомиллаштириш……	268
Sultonov Shodiyor Abdixalilovich, Muxammadiyev Kamoliddin G‘ulomiddinovich	Xizmat ko‘rsatish sohasining iqtisodiy mexanizmini mohiyati va nazariy masalalari……..	271
Рафиева З.Х	Проблемы привлечения и финансирования инвестиций в сферу услуг……..	273
Anvarov Nodir Allayorovich	Issues of attracting and financing investments in the service sector and agrotourism in Uzbekistan……	275
Anvarov Nodir Allayorovich	O'zbekistonda agroturizmning investitsion faoliyatini iqtisodiy va ijtimoiy muammolari…….	280
Нозимов Элдор Анварович	Проблемы привлечения инвестиций в сферу услуг	284
Халиков Йўлчи Мухаммадюсупович	Ижтимоий хизматлар соҳаси самарадорлигини ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва институционал асослари……	288
Sotvoldiyev Nurmuhammad Nematjonovich	Mamlakatimiz tijorat banklarida innovatsion xizmat turlarini joriy etish amaliyoti…….	291
Тураев А.А.,	Хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарига солиқ	

Нортоев Б.Қ.	имтиёзларини ташкил этишнинг назарий асослари…….	296
Sultonov B.A	O‘zbekistonda gastronomik turizmni rivojlantirishda afrika qit‘asi va osiyo tajribasi…….	298
Togayeva Djamilya Tolibovna	Xizmatlar sohasining iqtisodiyotdagi ahamiyati……	301
Жумабаева Дилафруз Тожидиновна	Агротуризмни ривожлантириш соҳасидаги минтақавий ресурс салоҳияти……..	304
Sultonov Shodiyor Abdixalilovich, Muxammadiyev Kamoliddin G‘ulomiddinovich	Xizmat ko‘rsatish sohasida resurslardan samarali foydalanish yo‘llari……	307
Эргашев Ислом Исмоилович	Хизмат кўрсатиш корхоналари инвестицион жозибадорлигига таъсир этувчи омиллар…….	309
Rafiyeva Zarina Xusanovna, Esanov Javohir Mardon o’g’li	Chiqindini qayta ishlash sohasidagi yangliklar va O’zbekiston uchun ahamiyati……	313
Омонов Шермухаммад Бекмурод ўғли	Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларини бошқариш……	317
Kudratov S.R	Tijorat banklari korporativ boshqaruvida innovasion marketing xizmatlari……..	320
Мансуров Озод Илхомжонович	Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўллари…….	322
Халимов Шахбоз Халимович	Привлечение инвестиций в сферу услуг……	324
A.B.Taniyev J.Bahromov	Turizm sohasi daromadlari va investitsiyalarining muhim tarkibiy qismi bo'lgan turizm operatorlariga soliq solishni boshqarish……..	328
Наркулов Ш.З.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда инновациянинг роли……	331
Sultonov B.A.	Gastronomik turizmni rivojlantirishning xorijiy tajribalari	333
IV SHO’BA. RAQAMLI IQTISODIYOTDA INVESTITSION JOZIBADORLIKNI OSHIRISH VA INSON KAPITALI		
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мехрангиз Олимовна Мамаюнусовна	Мамлакатимизнинг тараққиёт стратегиясида камбағалликни қисқартириш имкониятлари……	335
Собиров Илхом Хусанович, Бахриддинов Нурхаёт	Ўзбекистонда рақамли банкни ривожлантириш муаммолари……..	338
Ачилов Аброр Ниятқобилович	Жаҳон мамлакатларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масалалари……..	341
Рахматов Адхам Итолмасович, Маматов Тоҳиржон	Инсон омилини ривожлантиришда туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда инвестицияларни аҳамияти……...	343
Ахроров Зариф Орипович, Насимов Адиз Азамат ўғли	Олий таълим тизимида бюджет маблағларининг ўрни…	346
Ruzibayeva Nargiza Xakimovna	Iqtisodiy o'sishga o'tishda aholining moliyaviy savodhonligini oshirish.....	349
Ахмедова Азиза	Модели формирования финансово- экономического	

Тохировна	механизма обеспечения инвестиционной привлекательности……..	352
Ашурова Олтин Юлдашевна, Султонова Дилноза Наврузовна	Важность повышения привлекательности инвестиционной среды в Узбекистане……..	355
Ашуров Зуфар Абдуллоевич, Бутабаев Мехриддин Шахобиддинович	Мамлакат инвестицион жозибадорлигини оширишда капитал бозори тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари……..	358
Ачилов Аброр Ниятқобилович	Рақамли иқтисодиётда валюта муносабатларининг ривожланибориш истиқболлари……..	361
Nozimov Elddor Anvarovich	Inson kapitaliga investitsiya kiritishning xorij tajribalari	363
Насиров Дилшод Фархадович	Роль инновационного маркетинга в цифровой экономике…….	367
Ашурова Олтин Юлдашевна, Бурханов Искандар Шухратович	Цифровая экономика – эффективный путь развития…..	370
D.Malikova	Investment climate and importance of its improvement	373
Xatamov Nurbek Ochildiyevich	O‘zbekistonning investitsiya jozibadorligini oshirish-xorijiy investitsiyalarni jalb qilish omili sifatida.....	375
Qarajanova Gulnoza Tolliyevna, Toshmurodov Tolmas Ashraf o’g’li	Raqamli iqtisodiyotda innovatsion jozibadorlikni oshirish yo’llari.....	377
Халимов Шахбоз Халимович	Повышение инвестиционной привлекательности в цифровой экономике……	380
Ашурова Олтин Юлдашевна, Рустамова Шахзода Сухробовна	Ўзбекистонда рақамлаштириш стратегияси ва уни ривожлантириш……	384
Анваров Нодир Аллаёрович	Повышение инвестиционной привлекательности агротуризма и человеческого капитала в Узбекистане	387
Qarajanova Gulnoza Tolliyevna	Inson kapitalini rivojlantirishda investitsion jozibadorlikni oshirish……..	390
Ашурова Олтин Юлдашевна, Муродиллаева Аниса Дильшодовна	Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг стратегик мақсадлари ва асосий йўналишлари……	392
Miyassarov Davron Abdurashid o’g’li, Usmonov Sunnat Maxmanazar o’g’li	Raqamli iqtisodiyot sharoitida investitsiya faoliyatida davlat ishtirokini tartibga solishning asoslari……	394
Юлдуз Сиддикова	Таълим жараёнида педагогик технологияларни қўллаш муаммолари……..	396
Нуралиев Рустам Тургунович, Усманов Бехруз Шовкат ўғли	Проблемы повышения инвестиционной привлекательности в предприятиях с государственным участием……	399

Shirinboyeva Dilora Dilmurod qizi, Esanov Javohir Mardon o'g'li	Investitsion jozibadorlikni oshirishda korxonalar iqtisodiy tahlilining o'rni……..	401
Равзатов Жонибек Бахромович	Корхоналар фаолиятини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашлар……..	404
Латипов Ашур Али Рустам ўғли	Камбағаллик турлари ва уни қисқартириш бўйича долзарб муаммолар…….	408

ИЗОҲЛАР УЧУН

“IQTISODIYOTNI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSION JOZIBADORLIKNI OSHIRISH MUAMMOLARI VA YECHIMLARI”

mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari

(2023 yil 29 - 30 noyabr)

“STAP-SEL” MChJ. nashriyoti
Samarqand - 2023.

4035 **ISBN: 978-9910-752-27-8**

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)
Chop etishga ruxsat etildi: 27.11.2023 y.
© **“STAP-SEL” MChJ.** Nashriyoti,
Samarqand.

Qog‘oz bichimi A5, 60x84 $^{1}/_{16}$, Ofset qog‘ozi.
“Times New Roman” garniturasi.
Nashr bosma tabog‘i 52.75
Buyurtma № 0126A/23. Adadi 50 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining matbaa bo‘limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko’chasi 60-uy.